

Б.Ю. МАХСУДОВ

# БОШҚАРУВ ҲИСОБИДА БЮДЖЕТЛАШТИРИШ УСЛУБИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ



ТОШКЕНТ


657  
и. - 32

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Б.Ю. МАХСУДОВ

БОШҚАРУВ ҲИСОБИДА  
БЮДЖЕТЛАШТИРИШ УСЛУБИЁТИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Монография



+

ТОШКЕНТ – 2017

УЎК: 658.14

КБК 65.29

М-32

~~М-32~~

**Б.Ю.Махсудов.** Бошқарув хисобида бюджетлаштириш  
услубиётини тақомиллаштириш. -Т.: «Fan va texnologiya», 2017, 360 бет.

ISBN 978-9943-11-597-2

Ушбу монографияда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида пахта тозалаш корхоналарида бошқарув хисобида бюджетлаштириш услубиётини тақомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий ва амалий тақлиф ҳамда тавсиялар ўз ифодасини толған.

Мустакал республикамида бозор ислоҳотларининг боскичма-боскич ва изчил амалга оширилиши иқтисодиётда янгича мазмунга эга бўлган, тадбиркорлик рагбатлантиришига асосланган бошқарув тузилмаларини шакллантириш, корхоналарни истиқболда ривожлантиришнинг асосий тамойилларини ишлаб чиқиш заруратини юзага келтирмоқда. Бу эса хўжалик юритувчи субъектларда бошқарув хисобининг муҳим элементи - бюджетлаштириш тизимини атрофлича тадқиқ этишини тақозо этмоқда. Мазкур масалалар монографияда кенг ёртилган.

Монографияда бошқарув хисобининг тарихи, моҳияти ва ташкил этишининг хориж тажрибаси бағафсил баён килинган.

Пахта тозалаш корхоналари учун ўта муҳим бўлган бюджетлаштиришнинг ташкилий-услубий хусусиятлари, услубий таъминоти ва амалий жиҳатлари, автоматлаштиришнинг назарий асослари ва ташкилий-услубий жиҳатлари амалий мисоллар ёрдамида тадқиқ этилган.

Монография бухгалтер-иктисодчилар, ўқитувчи ва талабалар учун мўлжалланган.

**Иқтисод фанлари доктори, профессор Б.Ю.Ходиев таҳрири остида**

**Тақризчилар:**

**А.Махкамбоев – и.ф.н., доц.,**

**И.Қўзиев – и.ф.н., доц.**

*Монография Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг 2017 йилнинг 1-майдаги 9-сонли қарорига кўра чоп этишига руҳсат этилган.*

ISBN 978-9943-11-597-2

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2017.

## КИРИЛ

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг З-йўналишида «иктисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиктисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иктисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иктисодиётнинг ракобатбардошлигини ошириш, кишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иктисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини химоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, худудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иктисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иктисодиёти тармоклари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш» [1] белгиланган.

Бу ҳолат хўжалик юритувчи субъектлар бошқаруви ва ахборот таъминотининг асоси бўлган бошқарув ҳисобини такомиллаштириш заруратини келтириб чиқармоқда.

Бозор иктисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий мақсади барча турдаги ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда харажатларни имконият қадар камайтириш ва фойда ҳажмини оширишдир. Ушбу мақсадга эришиш учун хўжалик юритувчи субъектларни бошқариш тизимини такомиллаштириш зарур. Бунинг учун эса хўжалик юритувчи субъектларнинг бошқарувчилари кундалик фаолиятида зарурый чора-тадбирларни ўз вақтида ва тўғри белгилашлари ҳамда уларни самарали амалга оширишни таъминлаши лозим. Бу эса ўз навбатида уларни тўғри ва зарурый маълумотлар билан тезкор равишда таъминлашни тақозо этади. Ушбу муаммони самарали ҳал этиш учун бошқарув ҳисоби тизимини бозор иктисодиёти талаблари асосида ва ҳалқаро стандартларни зътиборга олган ҳолда ташкил этиш ҳамда такомиллаштириш зарур.

Бозор муносабатлари тобора ривожланиб бораётган ҳозирги шарт-шароитлар хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бошқарувнинг янги инновацион услубларини жорий этишни талаб этмоқда. Бундай шароитларда бошқарув ҳисоби хўжалик юритувчи

субъектларни оқилона бошқариш ва самарадорлигини оширишнинг муҳим воситаси сифатида юзага келмоқда.

Шу билан бирга, бозор иқтисодига ўтиш бухгалтерия ҳисоби тизими, бухгалтерия хизматининг ташкилий тузилиши, функциялари ва бошқаларни тубдан ўзгартиришни ҳам талаб этмоқда. Бу ҳолат бозор муносабатлари ривожланган давлатларда қарор топган бошқарув ҳисобининг илмий-амалий аҳамиятини ўрганиш ва уни республикамиз бозор иқтисодиёти муносабатларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалиётта татбиқ этиш заруратини янада кучайтирмоқда. Шунингдек, мустақил республикализда бозор ислоҳотларининг босқичма-босқич ва изчил амалга оширилиши иқтисодиётда янгича мазмунга эга бўлган, тадбиркорликни рағбатлантиришга асосланган бошқарув тузилмаларини шакллантириш, корхоналарни истиқболда ривожлантиришнинг асосий тамойилларини ишлаб чиқиш заруратини юзага келтирмоқда. Бу эса хўжалик юритувчи субъектларда бошқарув ҳисобининг муҳим элементи - бюджетлаштириш тизимини атрофлича тадқиқ этишни тақозо этмоқда.

Барча хўжалик юритувчи субъектларнинг режа-таҳлил ишларини муҳим қисмларидан бири бюджетларни тузишдан иборатdir. Бюджетлаштириш хўжалик жараёнлари, моддий ва молиявий маблағларни олдиндан режалаштириш ҳамда улар амалга оширилиши устидан назорат олиб бориш натижасида хўжалик юритувчи субъектларга ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятини беради. Лекин, ҳозирча бюджетлаштириш тизими бошқарувнинг энг заиф бўғини бўлиб қолмоқда. Чунки бу борада ўзининг илмий ва ташкилий-услубий ечимини кутаётган муаммолар мавжуд.

Хорижий давлатларда бухгалтерия ҳисобининг ходимлари иш вақтининг асосий қисмини бошқарув ҳисобини ташкил этиш ва юритишга сарфлайди. Монографик тадқиқотлар обьекти ҳисобланган «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамияти тизимидағи пахта тозалаш корхоналарининг ҳисоб ходимлари эса ҳали бу даражага етгани йўқ. Бунинг асосий сабаби ушбу соҳанинг бошқарув ҳисоби услубиётига оид ишланмалар ва тавсияларнинг етарли эмаслигиdir. Ушбу ҳолатлар «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамияти тизимидағи пахта тозалаш корхоналарининг бошқарув ҳисоби, хусусан, бюджетлаштириш услубиётини такомиллаштириш бора-сида чукур илмий-тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Сүнгти йилларда бюджетлаштириш масаласига бағишланган күплаб хорижий адабиётлар пайдо бўлмоқда. Уларда хўжалик юритувчи субъектларда бюджетлаштириши ташкил этишининг назарий ва ташкилий-услубий масалалари ёритилган. «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамиятига қарашли пахта тозалаш корхоналарида бюджетлаштириш тизимини жорий этиш масалаларига бағишланган адабиётлар ва илмий тадқиқотлар эса мавжуд эмас. Бу эса ўз навбатида бошқарув ҳисоби, хусусан, бюджетлаштириш услугибиитини такомиллаштириш борасида чукур илмий-тадқиқотлар олиб боришини тақозо этмоқда.

# I БОБ. БОШҚАРУВ ҲИСОБИННИГ ТАШКИЛИЙ-УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ

## §1.1. Бошқарув ҳисобининг шаклланиши ва тадрижий ривожланиши

Илмий билиш методологиясида тарихий ёндашув муҳим ўрин эгаллайди. У назарий жиҳатдан унча ривожланмаган ёки шаклла-наётган фанлар учун айниқса муҳим аҳамият касб этади. Шундай фанлар қаторига бошқарув ҳисобини ҳам киритиш мумкин.

Бошқарув ҳисобига оид тадқиқотларга келадиган бўлсак, тарихий ёндашув унинг шаклланиш шарт-шароити ва сабаблари, тарқалиши, ижтимоий-иктисодий, техник, технологик, методик ва бошқа боғлиқлигини ҳамда ривожланиш босқичларини аниқлаш ҳамда келажакда такомиллаштириш йўналишларини олдиндан белгилаш имкониятини беради. Энг муҳими тўпланган муҳим тарихий материаллар бошқарув ҳисобининг назарий-услубий муаммоларини аниқлаш ва ҳал қилиш учун албатта бир тизимга келтирилиши лозим.

Шунингдек, тадқиқотлар ҳозирги кунда иқтисодчи олимлар бошқарув ҳисобига оид масалаларни самарали ечишда тарихий материаллардан кенг фойдаланаётганлигини кўрсатмоқда.

Бозор иқтисодиёти муносабатлари бошқарув ҳисобининг шаклланишини ва ривожланишини ҳар томонлама чукур тадқиқ этишни тақозо килмоқда. Бунга ушбу истиқболли илмий йўналиш айrim ҳолларда иқтисодий адабиётларда турлича, ҳатто бир-бирига қарама қарши тарзда талқин қилинаётганлиги ҳам сабаб бўлмоқда.

Шу билан бирга олимлар ўртасида ҳозирга қадар бошқарув ҳисобини фан сифатидаги концепцияси бўйича ягона бир фикрга келингани йўқ. Фикримизча, ушбу масалаларда ягона бир фикрга келиш, муаллифлик қарашини белгилаб олиш учун хорижлик ва мамлакатимиз олимларнинг бошқарув ҳисоби шаклланиши ҳамда эволюциясига оид тадқиқотларини ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳисоб илмига оид манбаларни ўрганиш бошқарув ҳисоби ўзи-нинг тарихий тараққиёт йўлига эгалиги ва бухгалтерия ҳисобининг мустақил қуий тизими сифатида ажралиб чиқишидан олдин ҳам ишлаб чиқариш соҳасида мавжуд бўлганлигини кўрсатмоқда. Фикримизнинг тасдиғи сифатида бошқарув ҳисобининг тарихига

оид тадқиқотлар олиб борган бир гурух хорижлик олимларнинг куйидаги фикрларини келтириш мумкин (1.1-жадвал).

### Хорижлик олимларнинг бошқарув ҳисоби тарихига оид фикрлари

1.1-жадвал

№	Олимларнинг Ф.И.Ш.	Олимларни фикрларининг мазмуни
1.	Л. Герберт	Бухгалтерия ҳисобини умумий ҳолда бошқарув ҳисоби деб қараш керак ва у саноат инқилоби юз бергандан бошлаб пайдо бўлган
2.	Р. Обер	Бошқарув ҳисоби иқтисодий (инглиз-америка терминологиясига кўра бошқарув) йўналиш билан бирлашиб кетган ва бухгалтерия ҳисобининг шакланишини бошланғич боскичларидаёт пайдо бўлган
3.	И. Джиннаи	Бухгалтерия ҳисобининг ривожланиши учта боскичга бўлинади: давлат мулкчилигидан хусусий мулкчиликка ўтиш, бошқарув функциясини мулкка эгалик қилиш ҳукувидан ажратилиши, бошқарув функциясидан бухгалтерия функциясининг ажратилиши
4.	П. Лассек	Бухгалтерия ҳисобининг ривожланиши учта боскичга ажратилади: биринчи боскичда иккӣёклама бухгалтерия ҳисоби юзага келган, иккинчи боскичда бухгалтерия ҳисоби ҳўжалик фаолиятининг таҳлили учун керакли маълумотлар манбаига айланди ва учинчи боскичда инқилобий ўзаришлар юз бериб, бошқарув ҳисоби пайдо бўлди.

Манба: Чая В.Т., Чупахина Н.И. Управленческий учет. -М. Эксмо, 2009. С.21-22.

Жадвалдан кўриш мумкини, хорижлик олимлар ўз тадқиқотларида бухгалтерия ҳисобининг шакланиши ва ривожланиши натижасида бошқарув ҳисоби вужудга келганлигини таъкидлаган.

Ушбу масалани соҳанинг етук классик олимлари (Л. Пачоли, Б. Котрульи, Э.П. Леоте, А. Гильбо, Ф. Веста, И.Ф. Шер ва бошқалар) ҳам ўз асарларида келтирган ва юқоридаги олимларни фикрига кўшимча сифатида бошқарув ҳисобининг пайдо бўлишига саноат ривожланишини ҳам сабаб қилиб кўрсатган.

Бошқа бир гурух хорижлик мутахассислар эса бошқарув ҳисоби юзага келишини бухгалтерия ҳисобининг тарихий шаклланиши доирасида ўрганган. Улар бухгалтерия ҳисоби ўз шаклланиши ва эволюциясида бир неча босқичларни босиб ўтган деб ҳисоблади (1.2-жадвал).

**Бухгалтерия ҳисобининг шаклланиши ва эволюция  
босқичларини хорижлик олимларнинг тадқиқотларида акс  
эттирилиши**

1.2-жадвал

<b>Россиялик олимларнинг қарашлари</b>	<b>Хорижлик олимларнинг қарашлари</b>
1. Саноат босқичи (XIX асрнинг охири)	1. Савдо босқичи (1880 йилгача бўлган давр)
2. Аналитик босқич (иккинчи жаҳон урушигача бўлган давр)	2. Тадбиркорлик босқичи (1880-1900 йиллар)
3. Бошқарув босқичи (1953 йилгача бўлган давр)	3. Ташкилий босқич (1900-1950 йиллар)
4. Маржинал босқич (1975 йилгача бўлган давр)	4. Оптималлаштириш босқичи (1950-1975 йиллар)
5. Стратегик босқич (1975 йилдан то шу кунгача бўлган давр)	5. Стратегик босқич (1975 йилдан то шу кунгача бўлган давр)

*Манба: Р.Алборов. Бухгалтерский управленческий учет (теория и практика). -М.: «Дело и сервис», 2005.*

Жадвал маълумотларини таҳлил қилиш бухгалтерия ҳисобининг шаклланиши ва эволюцияси босқичлари асосан бир-бирига мос келиши, бошқарув ҳисобининг тарихан юзага келиши фирмаларда хукукий ҳамда иқтисодий муносабатлар пайдо бўлиши билан чамбарчас боғлиқлигини кўрсатмоқда.

Тадқиқотлар кўрсатишича, иқтисодий адабиётларда бошқарув ҳисоби камерал бухгалтерия асосида юзага келган деган фикрлар хам учрайди. Масалан, профессор Г.Альтерман «Камерал бухгалтерия аввалдан белгиланган смета (бюджет) асосида ишлаб чиқаришнинг боришини назорат қилишни ўз олдига мақсад қилиб кўяди. Бошқарувчилар мавжуд иқтисодий ҳолатни хисобга олиб келгуси йил учун бюджетлар тузади ва унда ишлаб чиқаришни бошқаришнинг тактикасини ишлаб чиқади» [54], деб ёзган.

Россиялик олимлар ҳам бу соҳада тадқиқотлар олиб борган. Масалан, профессор Л.И. Гомберг «Экомонология» фанида тадқиқот объекти сифатида смета (бюджет), бухгалтерия ҳисоби ва назоратни ўрганганд. Сметани хўжалик ҳисоби билан боғлаган ва режалаштиришнинг воситаси деб билган. Бухгалтерия фаолияти асосида сабаб-оқибат ётади деб ҳисоблаган ва назоратнинг дастлабки ҳамда якуний турларинигина тан олиб, уни хўжалик фаолиятини корхона манфаатларига мос келишини таъминловчи жараён сифатида таърифлаган. Профессор А.П. Рудановский эса счёtlар режаси таркибига бюджет счёtlарини киритиш таклифини илгари сурган ва ҳар бир хўжалик жараёнларини бюджет билан боғлаб, мазкур жараённи бюджетлаштириш деб атаган.


Хорижий иқтисодий адабиётларда бошқарув ҳисоби тарихан капиталистик жамиятда тижорат сири туфайли юзага келган ва шунинг учун ҳам баъзан «махфий ҳисоб» деб ҳам аталади, деган фикр ҳам учрайди. Бу фикр қисман тўғридир. Чунки бошқарув ҳисобининг пайдо бўлишига фақатгина тижорат сири эмас, балки ишлаб чиқаришни тез суръатларда ўсиши ва бошқарув тизимида маълумотларга бўлган эҳтиёжнинг ортиб бориши ҳам сабаб бўлган.

Ихтисосликка оид адабиётларни ўрганиш россиялик етук иқтисодчи олимлар ҳам ўз асарларида бошқарув ҳисобининг шаклланиш тарихига батафсил тўхталганигини тасдиқлади (1.3-жадвалга қаранг).

Иқтисодий адабиётлар таҳлили бу борадаги тадқиқотлар ҳозирги кунда ҳам давом эттирилаётганлигини кўрсатмоқда.

Жумладан, тадқиқотчи Н.И.Чупахина [45; 11-б.] ўз тадқиқотида бошқарув ҳисобининг дастлабки элементлари ишлаб чиқаришнинг пайдо бўлиши ва самарадорлигини ошириш заруратини юзага келиши туфайли пайдо бўлган. Саноатнинг ривожланиши билан уни янги элементлари шаклланган ва улар янги шароитларига мос ҳолда такомиллаштирилиб борилган деган хulosага келган (1.1-чизма).

Тадқиқотчи С.В. Булгакова [12; 43-б.] томонидан эса бошқарув ҳисобини юзага келиш шартлари жаҳон фанида тан олинган 7 та тарихий давр бўйича тизимли-хронологик тартибда тадқиқ этилган ёки бошқача қилиб айтадиган бўлсак, бошқарув ҳисобининг методологияси таҳлил қилинган.



### 1.1-чизма. Жаҳон амалиётида бошқарув ҳисобининг шаклланиш босқичлари

Манба: Чупахина Н.И. Теоретические основы создания системы управленческого учета в АПК. Аудит и финансовый анализ. №5. 2007.

# Россиялик олимларнинг бошқарув ҳисоби тарихига оид фикрлари<sup>1</sup>

1.3.-жадвал

Т/р	Олимларнинг Ф.И.Ш	Олимларнинг фикрларининг мазмуни
1.	И.Г.Кукукина [83; 9-б.]	1875 йилда илк бор Британия ижрочи директорати меморандумида бошқарув ҳисобига тамал тоши кўйилган. Бошқарув ҳисоби тизими биринчى бўлиб, XX асрнинг биринчى ярмида Шимолий Американинг тўқимачилик ва темир йўл корхоналарида ишлаб чиқилган. Кейинчалик эса тамаки маҳсулотлари, фотоплёнка ва ун ишлаб чиқариш корхоналарида жорий этила бошланган
2.	В.Э.Керимов [79]	Бошқарув ҳисобининг пайдо бўлиши ҳамда шаклланишини калькуляция ва ишлаб чиқариш ҳисобларининг ривожланиш тарихи доирасида чукур ўрганганд. Ўрганишлари натижасида бошқарув ҳисоби калькуляция ҳисобини асосида пайдо бўлган деган хуносага келган
3.	Н.П.Кондраков [81; 283-б.]	Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда калькуляция ҳисобини такомиллаштириш мақсадида янги методлари – маъсулият марказлари бўйича харажатлар ҳисоби, “стандарт-кост” ва “директ-костинг” тизими бўйича таннархни калькуляциялаш қўлланила бошланди ва у калькуляция ҳисобини ишлаб чиқариш ҳисоби тизимига айланнишига олиб келди. Ишлаб чиқариш ҳисоби тизимини кейинги ривожланиш босқичида мазкур тизимда бухгалтерия ҳисобидан ташкири, режалаштириш, назорат қилиш, таҳлил этиш, қарорлар қабул қилиш каби функциялар қўлланила бошланди ва оқибатда уни асосида бошқарув ҳисоби тизими пайдо бўлди.

Шунингдек, тадқиқотчи бошқарув ҳисоби концепцияси шаклланишига жаҳон амалийтининг кўшган ҳиссасини бир тизимга солиб, иккита катта тарихий даврга: бошқарув ҳисоби юзага келиш шароитларининг пайдо бўлиши ва бошқарув ҳисоби шаклланиши ва

<sup>1</sup> Илмий ва ўкув адабиётларини тахлил қилиш асосида диссертант томонидан тузилган.

ривожланиши даврларига ажратиб ўрганган. Тадқиқот натижасида I-тарихий даврда бошқарув ҳисобини юзага келиш шартлари шаклланганлиги, II-тарихий даврда эса бошқарув ҳисоби түлиқ шаклланиб, ривожланиш йўлига ўтганлиги аниqlанган (1.4-жадвал).

### Бошқарув ҳисобининг ривожланиш даврлари

1.4-жадвал

Даврлар	Даврнинг мазмуни	Тарихий даврлар
I	Бошқарув ҳисобининг юзага келиш шартлари шаклланган	Илк жамоа дунёси; қадимги дунё; антик дунё; ўрга аср даври; янги давр; саноат даври
II	Бошқарув ҳисоби түлиқ шаклланиб ривожлана бошлигаган ва услубиёти яратила бошланган	Иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичи

*Манба: Булгакова С.В. Теория, методология и организация системы управленческого учета. Докт. дис. на соис. уч. степ. докт. экон.наук.. - Воронеж. 2009. С.43.*

Тадқиқотчи С.Ложкина [27; 356-358-б.] эса бошқарув ҳисобининг жаҳон амалиётида ривожланишини 4 та босқичга бўлиб тадқиқ этган.

1-босқич хўжалик ҳисобини пайдо бўлиши ва ривожланиши деб аталиб, 1494 йилгача бўлган давр ва ўрга асрларга ажратиб ўрганилган. Ўрганишлар натижасида хўжалик муносабатларини ривожланиши ва алмашув жараёнлари оқибатида дастлаб хўжалик ҳисоби, сўнгра калькуляция ҳисоби пайдо бўлган ҳамда ўрга асрларга келиб, сотилаётган товарлар таниархини калькуляциялаш эҳтиёжи туғилган, деган хуносаларга келинган.

Бухгалтерия ҳисобининг юзага келиши ва ривожланиши деб аталувчи 2-босқичда XVIII асрнинг охири ҳамда XIX аср, XX асрнинг ўрталарини қамраб олувчи давр ўрганилган. Бу даврда бошқарув ҳисобининг элементлари шакллана бошланганлиги асослаб берилган.

3-босқичда бухгалтерия ҳисоби молиявий ва бошқарув ҳисоби каби турларга ажратилган. Бошқарув ҳисоби бухгалтерия ҳисобини мустакил куйи тизими сифатида ривожлана бошлаганлиги таъкидланган.

4-босқичда бошқарув ҳисоби тизимларининг вариативлиги ва стратегик бошқарув ҳисобини ажратилиши масаласи тадқик этилган.

Юқорида номлари келтирилған олимларнинг фикрларига қўшимча сифатида шуни айтишимиз мумкинки, XIX асрнинг охирига келиб, ишбилармонлар саноат ишлаб чиқаришини шиддат билан ўсиши даврида қарорлар қабул қилиш ва айниқса, бошқарув жараёнини самарали ташкил этиш учун ҳисоб маълумотлари ўта зарур эканлигини тушуниб етди. Айнан ўша даврда кейинчалик ишлаб чиқариш ҳисоби деб атала бошланган ҳисобга оид дастлабки асарлар пайдо бўлди. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш заруратининг пайдо бўлиши ишлаб чиқариш харажатлари ҳақидаги маълумотларни қайта ишлаш эҳтиёжини юзага келтирди ва бу меъёрлаштириш, ишлаб чиқаришни тезкор режалаштириш методлари (бюджетлаштириш)нинг яратилишига олиб келди. Ушбу жаёнларнинг ривожланиши қўйидаги жадвалда кенг баён қилинган (1.5-жадвал).

### Бошқарув ҳисобининг юзага келишига сабаб бўлган асосий воқеалар<sup>2</sup>

1.5-жадвал

Т/р	Бошқарув ҳисобининг юзага келишига сабаб бўлган асосий воқеалар мазмуни
1.	Фарб иктисадчи олимларининг фикрига кўра бошқарув ҳисобига оид илк асар 1870 йилда Англиялик олимлар Д.Фелс ва Э.Гарке томонидан «Ишлаб чиқариш счетлари: тамойиллар ва жорий этиш амалиёти» номи билан нашр қилинган. Унда биринчи марта харажатлар доимий ва ўзгарувчан харажатларга ажратилган. Д.Ман эса 1891 йилда шартли-доимий ёки устама харажатлар классификациясини таклиф қилган.
2.	Бошқарув ҳисобини пайдо бўлишига Х. Эмерсон (1908 й, 1909 й) ва Ж.Ч. Гаррисон (1911 й) томонидан яратилган асарлар катта туртки бўлган. Масадан, Г. Эмерсон ўзининг «Мехнат унумдорлиги тезкор ишлаш ва иш ҳақининг асосидир» номли асарида биринчи бўлиб ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини бухгалтерия ҳисобининг мустақил бир бўлими сифатида ажратишга ҳаракат қилган. Ч. Гаррисон эса 1911 йилда харажатларни меъёрий асосда ҳисобга олиш тизимини биринчи бўлиб ишлаб чиқиб, амалиётта татбиқ этиди ва 1918 йилда илк бор ўзгарувчан харажатларни таҳлил қилиш

<sup>2</sup> Илмий ва ўкув адабиётларини таҳлил қилиш асосида диссертант томонидан тузадилган.

	учун бир қатор тенгламаларни таклиф қилди. У 1918 йилда ёзган «Ишлаб чиқаришга өрдам сифатида таннархни хисобга олиш» асариде «Стандарт-кост»дан фойдаланишининг кўпгина вариантиларини келтирган. Олимлар мазкур услубларнинг яратилиш даврини бошқарув хисобининг юзага келиш даври деб атайди
3.	Бошқарув хисобининг ривожланишига «Du Pont» ва «General Motors» каби америка компаниялари катта ҳисса кўшган. Ушбу компаниялар менежерлари Дональдсон Браун ва Альфред Слоун томонидан бошқарув хисоби тизими яратилган. Ушбу тизим режалаштириш, мувофиқлаштириш, назорат ва компания бўлинмалари фаолиятини баҳолашни комплекс тарзда ташкил этиш имконини беради ҳамда марказлаштирилмаган маъсуллият билан марказлаштирилган ҳолда назорат қилиш фалсафасига асосланади.
4.	XX асрнинг бошида Э. Карнегининг пўлат қўйиш корхонасида илк бор бирлик маҳсулотта сарфланган материал, энергия ва меҳнат харажатлари ҳақидаги кунлик хисобот асосида харажатларни назорат қилиш йўлга кўйилган. Мазкур маълумотлардан менежер, ишчи ва усталар фаолиятини баҳолаш, материаллар сифатини назорат қилиш ҳамда жорий бошқарув қарорлари қабул қилишда фойдаланилган
5.	Ж. Ли Никольсоннинг ташаббуси билан 1919 йил октябрида ташкил этилган АҚШ ишлаб чиқариш бухгалтерлари миллий уюшмаси ҳам бошқарув хисобини бухгалтерия хисобининг мустакил бир бўлими сифатида шаклланишида муҳим роль ўйнаган
6.	Бошқарув хисобининг дастлабки илдизлари Ф.У.Тейлорнинг харажатлар хисобини «Стандарт-кост» методи, бюджетлаштириш ва мослашувчан смета тизими, «Директ-костинг» методларига бориб тақалади. Шуни таъкидлаш лозимки, Ф.У.Тейлорнинг норматив хисоби тизими ҳозирги кунда ҳам АҚШ ва Фарбий Европанинг етакчи саноат компаниялари томонидан кенг кўлланилмоқда
7.	«Директ - костинг» атамаси эса АҚШда Ж. Харрисон томонидан 1936 йилда яратилган ва 1953 йилга келиб жорий этилган. Ушбу тизимга харажатларнинг доимий ва ўзгарувчан харажатларга бўлиниш тамойили асос қилиб олинган. «Директ-костинг» тизимини юзага келишига В.Раутенштраух, Ж.Х.Уильямс, Ч.М.Кноппель, К.Румеллар ҳам катта ҳисса кўшган. Ушбу тизим Германия ва Австрияда «Қисман харажатлар хисоби», Буюк Британияда «Маржинал харажатлар хисоби», Францияда эса «Маржинал бухгалтерия» ёки «Маржинал ҳисоб» деб аталади.

8.	Калькуляция хисоби ривожланишида яна бир мухим давр - жавобгарлик марказлари бўйича харажатлар хисобини ташкил этиш даври хисобланиб, у «Стандарт - кост» хисоб тизимига қўшимча сифатида таклиф этилган. Бу ҳолат профессор Ж.Хиггинс томонидан 1952 йилда жавобгарлик марказлари, яъни ўз ишлари натижаси учун муайян жавобгар шахсларнинг жавобгарлик даражасини аниқлаш концепциясини шакллантирилишига олиб келди
9.	1940 йилларнинг охирига келиб ишлаб чиқариш жараёниларининг мураккаблашиб бориши сабабли ва ички бошқарувнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, бошқарув хисоби ҳозирги кўринишга келтирилган. Буюк Британиялик бир гурӯҳ мутахассислар 1940 йилнинг охирида АҚШ корхоналарида бухгалтерия хисобини ўргангандан 1950 йилда «Бошқарув хисоби» (Management Accounting) деб аталувчи хисобот чоп этган. Хисоботда асосий эътибор АҚШ саноат корхоналарида (асосини ишлаб чиқариш харажатларини назорати ташкил қиласидан) бошқарув хисобини ташкил этиш масалаларига қаратилган. Ушбу хисобот 1950 йилда рус тилига таржима қилинган. Бироқ, китобнинг номи, сўз бошиси ва текст матнида ҳам ушбу термин кўлланилмаган.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ҳозирги кунда олимлар ўртасида бошқарув хисобининг пайдо бўлган вақти тўғрисида турли фикрлар бор. Бир гурӯҳ олимлар бошқарув хисобини иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда пайдо бўлган деб хисоблайди ва буни бошқарув тизимида бухгалтерия хисоби ролининг ортиши билан асослайди. Бошқа бир гурӯҳ олимлар эса ундан олдинроқ XX асрнинг бошларида пайдо бўлган деб хисоблаб, бошқарув фанининг пайдо бўлиши (1911 йилда Ф.У.Тейлорни «Илмий бошқарув тамойиллари» номли мақоласини нашр этилиши) билан боғлайди.

Иқтисодий адабиётларда ҳар иккала гурӯҳ олимлар ҳам ҳақдир, чунки XX асрнинг бошларида «Стандарт-кост», «Директ-костинг» тизимларини ишлаб чиқилиши натижасида бошқарув хисобининг асослари яратилган. Мазкур тизимлар биргаликда 50-йилларда корхоналар фаолиятига жорий қилиниб (масъулият марказлари бўйича хисоб олиб бориш ва ҳ.к.) керакли натижалар берга бошлаган, деган фикр ҳам мавжуд.

Тадқиқотлар бошқарув хисобини юзага келиши ишлаб чиқариш хисобига оид илк мақолалар нашр қилинган даврда, яъни иқтисодчи-назариячилар ва муҳандис-амалиётчилар бошқарув ҳам-

да ишлаб чиқариш қарорлари қабул қилиш учун ҳисоб маълумотлари зарурлигини тушуниб етган даврда бошланганигини кўрсатмокда. Шундай қилиб, бошқарув ҳисоби 100 йил олдин бухгалтерия ҳисобидан ажralиб чиқсан деб ҳисоблаш мумкин.

Фикримизча, бошқарув ҳисоби бухгалтерия ҳисобини англо-америка моделини элементи ҳисобланганлиги сабабли ҳам уни шаклланиш тарихини янада чукур тушуниб етиш учун бу борадаги АҚШ тажрибасини кўриб чиқиш лозим. АҚШда бошқарув ҳисобини юзага келишига бизнесни ташкил этишнинг акционерлик шаклини ривожланиши сабаб бўлди. Акционерлар ҳисоб тизимиға янги талаблар қўя бошлади. Асосий талаб маълумотларни ўз вактида етказиб бериш бўлди. Рақобат курашини кучайиши мулкдорларнинг фойдани максималлаштиришдан иборат бўлган мақсадини сармоя қийматини максималлаштириш томонига ўзгартиришга мажбур қилди. Маълумотларни тезкор етказиб бериш бўйича қўйилган талаблар ҳисоб обьектлари ҳажмини ўзгариши ва даромад ва харажатларгача тушиб қолишига олиб келди. Бу эса ўз навбатида тақдим этилаётган маълумотларнинг ҳаққонийлигини ошишига олиб келди.

Аслида АҚШда бошқарув ҳисоби XX асрнинг бошида харажатларни бошқариш тизими сифатида пайдо бўла бошлаган. 1929-1932 йиллардаги инқироздан сўнг Америкада бошқарув ҳисоби тизими бошқача қўринишга, яъни корхонани барча таркибий бўлинмаларини бошқаришга йўналтирилган харажатларни бошқариш тизими қўринишига ўта бошлаган.

1950 йилларнинг охиригача АҚШда бухгалтерия ҳисоби молиявий ҳисоб ва харажатлар ҳисобига бўлинган. Бирок, бошқарув фанининг ривожланиши бухгалтерлар олдига маҳсулот таннархи ҳисобининг тезкорлигини ошириш ва бошқарувни тегишли маълумотлар билан таъминлаш каби янги вазифаларни қўя бошлаган. Шу туфайли «Харажатлар ҳисоби» ўрнига ҳисоб-таҳлил фаолиятининг мазкур бўлими «Бошқарув ҳисоби» деб атала бошланган. Бунда асосий эътибор харажатлар бошлангич сметасини тузиш, четта чиқишиларни тезкор аниqlаш, ишлаб чиқариш харажатлари ва бошқарув қарорларининг самарали варианtlарини маҳсулотлар таннархини баҳолаш асосида танлаш ҳамда тизимли таҳлил қилишга қаратила бошланган. Мазкур ўзгаришлар 1962 йилда Г.Р.Гровиншильд ва Г.А.Бетисталар томонидан «Ҳисобдаги инқилоб» деб аталган.

Буни профессор Л.К. Жарикова ҳам ўз тадқиқотида тасдиқлаб, «Ишлаб чиқариш харажатларига эътибор американлик бухгалтерларни ишлаб чиқариш харажатлари назоратининг комплекс тизимини ишлаб чиқишига ва бу эса охир-оқибатда «Бошқарув ҳисоби» деб аталмиш ҳисоб турининг яратилишига олиб келди» [73; 136-б.], деб ёзган.

Шундай қилиб, америкада ишлаб чиқариш харажатларига асосий эътиборнинг қаратилиши ишлаб чиқариш харажатларини комплекс назорат қилиш тизимини шакллантиришга олиб келган ва у келгусида «Бошқарув ҳисоби» номини олган.

Фикримизча, бошқарув ҳисобини янада чуқурроқ ўрганиш учун мамлакат тарихий ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари нуқтаи назаридан ҳам тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун эса мамлакатимизда бошқарув ҳисоби ривожланишининг тарихий босқичларини кўриб чиқиш лозим.

Шу ўринда даставвал Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини юзага келиш тарихи масаласига тўхталаидиган бўлсак, профессор Д. Кудбиевнинг фикрига кўра: «Ўрта Осиё ерларига, яъни Мовароуннахрга (араблар дарё ортидаги ерларни шундай деб атаганлар) шу жумладан, Ўзбекистонга бухгалтерия учёти ҳақидаги фикрлар VIII аср бошларида кириб келган. Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистонда бухгалтерия учёти ва уни олиб борувчи шахслар турли номлар билан атаб келинган. Жумладан: «муҳтасаб», «мустаҳий», «мушриф» ва уни ишлаш жойини – «Дафтархона», «Девонхона» ва х.к.» [35; 84-б.].

Масалани батафсилроқ тадқиқ этиш учун Ўзбекистон Республикаси узоқ йиллар мобайнида собиқ Иттифоқ таркибида бўлганлиги сабабли бошқарув ҳисобининг собиқ Иттифоқда ривожланиш тарихини тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, собиқ Иттифоқда бошқарув ҳисобининг шаклланиш тарихини тадқиқ этиш, у ерда ҳам бошқарув давлатлардаги каби бошқарув ҳисобини юзага келишини табиий-тарихий асослари мавжуд бўлган бўлса-да, бироқ барча тарихий даврларда асосан давлат хўжалик фаолиятига кучли таъсир кўрсатганлигини тасдиқлади.

Аслида, собиқ Иттифоқда саноат ҳисоби ҳақидаги ғоялар дастлаб маҳаллий мутахассисларни 1929 йилда бир қатор Америка фирмаларига хизмат сафарига боргандаридан кейин пайдо бўлган.

Бирок, маълум сабабларга кўра, мазкур гоялар хориждагидан бошқароқ ривожлантирилди ва амалиётга тадбиқ этилди.

«Бошқарув ҳисоби» тушунчасига келадиган бўлсак, собиқ Иттифоқда иқтисодчи олимлар А.Ф.Мухин («Бухгалтерский учет в промышленности США», 1965), Н.Г.Чумаченко («Учет и анализ в промышленном производстве США», 1971), С.А.Стуков («Учет и контроль издержек производства на капиталистических промышленных предприятиях», 1978), К.Н.Нарибаев («Организация бухгалтерского учета в США», 1979) ва С.С. Сатубалдин («Учет затрат на производство в промышленности США», 1980)нинг асарларини зълон қилиниши ва хорижлик иқтисодчи-олимларнинг (Ч.Т.Хорнгрен, Ж.Фостер, К.Друри, Ж.Р.Сигел, М.Карренбауэр, Р.Мюллендорф ва б.) бошқарув ҳисобига оид асарлари таржи-масини босмадан чиқарилиши билан кенг тарқала бошланган. Ушбу ҳолат бошқарув ҳисоби мамлакатимиизга инглиз-америка бухгалтерия ҳисоби тизимидан «импорт» қилинган деган нотўғри фикрни пайдо бўлишига сабаб бўлган. Ҳақиқатда ҳам бошқарув ҳисоби асослари Farb менежментидан олинган, бирок, бу ҳолат юқорида таъкидлаганимиздек, аввалроқ корхоналаримизда маҳаллий бошқарув тизими шаклланаётган дастлабки тарихий даврда юз берган ва маҳаллий хўжалик юритиш шароитига мослаштирилган. Ушбу ҳолатни 1.6-жадвалда келтирилган маълумотлар ҳам тасдиқламоқда.

### **Бошқарув ҳисобининг собиқ Иттифоқ иқтисодиётида қўлланилган элементлари<sup>3</sup>**

1.6-жадвал

T/r	Бошқарув ҳисобининг собиқ Иттифоқ иқтисодиётида қўлланилган элементлари мазмуни
1.	Собиқ иттифоқда бухгалтерия ҳисоби режалаштириш билан уйғунликда юритилган, саноат ҳисобида ёппасига ҳужжатлаштиришга эришилган ва корхоналар бўлинмалари бошқарувчилари учун зарур бўлган дараҷада маълумотларни аналитиклиги таъминланган. Бюджетлаштиришни маълум бир кўриниши бўлган сметадан кенг фойдаланилган
2.	Янги иқтисодий сиёsat бошланиши даврида трестларда иккита бухгалтерия: молиявий ва ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга

<sup>3</sup> Илмий ва ўкув адабиётларини тахлил қилиши асосида диссертант томонидан тузилган.

	олиш ва маҳсулот таннархини калькуляциялаш бухгалтериялари мавжуд бўлган. Мазкур бўлимлар трестларнинг ишлаб чиқариш-техник бошқармаси таркибига кирган. Бухгалтерия ҳисобини ташкил этишининг мазкур тизими молиявий ва бошқарув ҳисобларини ўзаро ҳамкорлигини ҳозирги кундаги икки айланмали (автоном) шаклини эслатади
3.	Иктисадий таҳлил, бюджет режалаштирилиши ва назоратининг элементлари қўлланилганилиги туфайли 1920-йилларда бухгалтерни функциясига нафакат ҳисоб ишларини бажариш, балки режалаштириш, таҳлил қилиш, ҳисоб маълумотларини тайёрлаш ва улардан қарорлар қабул қилишда фойдаланиш борасидаги ишларни муовফиклаштириш ишлари ҳам кирган. Мазкур функцияларнинг барчаси ҳозирги кундаги бошқарув ҳисоби функцияларига тўғри келади
4.	Хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи молиялаштириш тамоиллари иқтисодиётга жорий этилганда хўжалик ҳисобининг обьекти бўлиб, корхонанинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш бўлинмалари, даромади бўлиб улар томонидан ишлаб топилган маблағ ҳисобланган. Бундай ёндашув бошқарув ҳисобининг концепцияларидан бири бўлган жавобгарлик марказлари бўйича бошқаришнинг маълум бир кўриниши ҳисобланади. Шунингдек, маъсулият марказлари бўйича ҳисобга яқин бўлган ички завод хўжалик ҳисоби ҳам қўлланилган.
5.	Корхоналарда бошқарув ҳисобини баъзи бир элементлари (корхоналарни алоҳида мустақил бўлинмаларга ажратиш, улар фаолиятини баҳолаш мезонларини аниқлаш, ички баҳолар ва смета режалаштиришни қўллаш, ички ҳисоботлар тузиш) жорий қилинган. «Жавобгарлик марказлари» ва «Харажат марказлари» тушунчалари пайдо бўлган
6.	Ҳозирги кунда бошқарув ҳисобида қўлланилаётган бюджетлаштириш кўп жиҳатдан аввал мамлакатимизда кенг қўлланилган «Техсаноатмолиярежа»ни эслатади
7.	Аввалдан иқтисодчиларимизга яхши таниш бўлган омилли таҳлил эса бошқарув ҳисобида ҳақиқий харажатларни смета харажатларидан четга чиқишлиарини таҳлил қилишда кенг қўлланилади. Бошқарув ҳисобида қўлланиладиган таҳлилнинг барча турлари (тезкор, таққослама, комилекс ва ҳ.к.) собиқ Иттифоқнинг олимлари ва амалиётчиларига яхши танишдир
8.	Бошқарув ҳисобининг асосини корхоналар харажатлари ҳақидаги маълумотларни тўплаш ва таннархни калькуляциялаш ташкил этади. У эса мамлакатимиз амалиётида тўлиқ ишлаб


	чиқилган. Бошқарув ҳисобидаги «Стандарт-кост» тизимига ўхшаш бўлган калькуляциялашнинг норматив усулини амалиётга кўллаш бўйича бой назарий ва амалий тажриба тўплланган. Замонавий бошқарув ҳисоби доирасига кирувчи кўпгина масалаларни меъёрий базаси сифатида собиқ Иттифоқ даврида «Саноат корхоналарида маҳсулот таннархини режалаштириш, ҳисобга олиш ва калькуляциялаш бўйича низом» ва унинг асосида ишлаб чиқилган тармоқ низомидан фойдаланилган.
9.	Собиқ Иттифоқда ишлаб чиқаришни бошқаришнинг бригада шакли кенг кўлланилган. Ундаги бригадалар масъулият марказларини маълум бир кўриниши эди. Мазкур усулда бошқариш орқали материалларни тежаш ва меҳнат унумдорлигини ошириш борасида маълум ижобий натижаларга эришилган
10.	Хозирги кунда фаолият таҳлил асосида калькуляциялаш методида кўлланилаётган харажатларни бошқариш ғояси авваллари собиқ Иттифоқ корхоналарида кенг кўлланилган
11.	Хорижда кенг урф бўлган «Баланслаштирилган кўрсаткичлар тизими» концепцияси кўпгина жиҳатлари билан М. Баканов, С.Полякова, Л. Суздаљцева, А. Шеремет ва бошқа иқтисодий таҳлил соҳасининг етук олимларини ёндашувларига ўхшашdir
12.	Профессор В. Палий томонидан ишлаб чиқилган бошқарув ҳисобининг счётлар режаси ҳатто ишлаб чиқариш ҳисоби масалаларида жуда нозик бўлган немис олимларининг таҳсинига ҳам сазовор бўлган
13.	М.Волович, О.Островский, В.Подольский ва бошқа шу каби кўплаб бошқарувни автоматлаштириш соҳасидаги мамлакатимиз мутахассисларининг асрлари ERP-тизими ва электрон тижорат ривожланган ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Ушбу жадвалдан шундай хulosа қилишимиз мумкинки, хорижда кўлланилаётган бошқарув ҳисобини учдан икки қисми нафақат мамлакатимиз мутахассислари учун таниш бўлган, балки улардан иқтисодиётда кенг ва самарали фойдаланилиб келинган.

Бошқача қилиб айтганда, собиқ Иттифоқ даврида бошқарув ҳисоби генезисини белгилаб берувчи таркибий қисмлар мавжуд бўлган (1.2-чизма).

Шундай қилиб, собиқ Иттифоқда, ҳали бозор муносабатларидан узоқ бўлган даврда бошқарув ҳисоби генезисини назарий ва услубий асослари яратилган. Фақатгина мазкур асосларнинг ўзига хос хусусиятлари иқтисодиётни режага асосланганлиги билан

боғлиқ бўлган. Ушбу тизимнинг асосий камчилиги режалаштириш ва назорат ташкилотлари корхоналардан узилиб қолган эди. Тизим борган сари жуда мураккаблашиб бориб, давлат ташкилотлари юқоридан туриб ҳар бир корхонани ўзига хос хусусиятини кўра олмай қолган. Бу ҳолат режалаштириш ва корхоналар хўжалик фаолияти тахлини ўта мураккаб назарияларини юзага келишига олиб келди. Бу эса юқорида таъкидлаб ўтилган бошқарув ҳисобининг усул ва услублари режали иқтисодиётда кенг қўлланилганлигига қарамасдан кўзланган самара бермаганлигига сабаб бўлди.



### 1.2-чизма. Собиқ Иттифокдаги бошқарув ҳисоби генезиси<sup>4</sup>

Тахлиллар натижасида, «Ўтган давр ичидаги бошқарув ҳисоби услугбиятининг ривожланишини куйидаги б та йўналишини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляциялашни назарий жиҳатдан асослаш;
- норматив ҳисоб концепцияси;
- ҳалқ хўжалиги тармоқларида харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляциялаш, шу жумладан, ишлаб чиқариш ҳисоби;
- корхоналарни ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини бошқаришда харажатлар ҳақидаги маълумотларни ишлатилиши;

<sup>4</sup>Муаллиф ишланмаси

- хўжалик ҳисоби, фаолият соҳалари ва таркибий бўлинмалар бўйича ҳисоб концепциялари;
- ҳаражатлар ҳисобини моделлаштириш, механизациялаштириш ва автоматлаштириш» [12; 43-б.].

Шуни ҳам тъқидлаш керакки, олдинги даврда бошқарув ҳисобининг байзи бир элементлари жорий этилиши билан бирга минг афсуски, амалиётда кенг кўлланилиб келинган бозор иқтисодиётига, шу жумладан бошқарув ҳисобига тегишли бўлган байзи бир ташкилий-услубий ёндашувлардан воз ҳам кечилган (1.7-жадвал).

### **Бошқарув ҳисобининг воз кечилган ташкилий-услубий ёндашувлари**

**1.7-жадвал**

T/p	Сана	Бошқарув ҳисобининг воз кечилган ташкилий-услубий ёндашувлари мазмани
1.	1917-1922 йй.	Тикорат сири бекор қилинган
2.	1923-1929 йй.	<p>а) ҳисоб маълумотлари микродаражадаги аналитик ҳисоб-китоблар учун яроқли деган ҳисоб парадигмасидан воз кечилиб, бухгалтерия маълумотларини тармоқ ва ҳалқ ҳўжалиги мақсадлари учун фойдаланишни назарда тутувчи янги парадигма шакллантирилган;</p> <p>б) ягона бухгалтерия хизмати доирасида режа, ҳисоб ва назорат-аналитик функцияларни интеграциялашувидан воз кечилиб, корхоналарда режа ва молия бўлимлари ташкил қилинган</p>
3.	1930-1931 йй.	Аввал мавжуд бўлган иккита бухгалтерия бўлими, яъни молиявий ва ишлаб чиқариш бухгалтериясидан воз кечилиб, ўрнига ягона бухгалтерия тизимиға ўтилган
4.	1932-1964 йй.	Ҳаражатлар ва иатижаларни такомиллашган аналитик ҳисобидан воз кечилган, оқибатда ишлаб чиқариш ҳисоби бекор қилиниб, «умумий қозон» ҳисобига ўтилган.

*Манба: М.А.Бахрушина. Теория и практика бухгалтерского управленческого учета. Автореферат докт. дис. на соис. уч. степ. докт. экон.наук. - Москва. 2003. С.34.*

Бозор иқтисодиёти, шу жумладан бошқарув ҳисобига ҳос бўлган ҳисобга оид баъзи бир ташкилий-услубий ёндашувлардан воз кечилиши мамлакатимизда бошқарув ҳисоби бўйича кўйилаётган тамал тошини секинлашишига олиб келди.

Тадқиқотлар бошқарув ҳисобини ривожланишига қуйидаги омиллар турткни бўлганлигини кўрсатди:

- иқтисодий (бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлик) омиллар;
- назарий (маҳаллий ва ғарб мамлакатлари бошқарув назариясини уйғунликда ривожланиши) омиллар;
- технологик (автоматлаштириш ва замонавий ахборот технологияларини жорий этиш) омиллар;
- қонунчилик (бошқарув ҳисобини ташкил қилиш имкониятини берувчи меъёрий хужжатларни қабул қилиниши) омиллари;
- интеграциялашув жараёнлари ва иқтисодиётни глобаллашви омиллари.

Бозор иқтисодиёти, шу жумладан бошқарув ҳисобига ҳос бўлган ҳисобга оид баъзи бир ташкилий-услубий ёндашувлардан воз кечилиши мамлакатимизда бошқарув ҳисоби бўйича кўйилаётган тамал тошини секинлашишига олиб келди.

Кўлгина иқтисодчи-тадқиқотчилар бошқарув ҳисобини мақсадларини ўзгаришига қараб ривожланишини турли босқичларини ажратиб кўрсатган. Ушбу қарашларни тадқиқ этиш бошқарув ҳисобини ривожланиш босқичларини муддати кенгайиши ва талқини янгича тус олиши зарурлигини кўрсатмоқда. Тадқиқот натижасида бошқарув ҳисобини ривожланиш босқичлари бўйича муаллифлик қараши шакллантирилди (1-илова).

Муаллиф бошқарув ҳисобини ривожланишини тўртта босқичга бўлишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди. 1900 йилгача бўлган биринчи босқичда бошқарув ҳисоби элементлари тўлиқ шаклланган. Иккинчи 1900-1950 йилларни қамраб олувчи босқичда эса бошқарув ҳисобини кўплаб илгор методлари яратилган. Учинчи босқичга келиб бошқарув ҳисоби ривожланишига компьютер технологиялари ва глобал ракобат каби омиллар ўз таъсирини кўрсата бошлади. Тўртинчи босқичда бошқарув ҳисобини кўллаш чегараларининг кенгайиши, фан-техникани ривожланишини тез суръатларда ўсиши ва мегарақобатнинг пайдо бўлиши билан объектлари таркибига янги объектлар кўшилди ҳамда бошқарув ҳисобида

статистика, информатика ва социология каби турли фанларнинг янги услубларидан фойдаланила бошланди.

Бошқарув ҳисобини Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларидаги ривожланиши масаласига тўхтадиган бўлсак, ўрганислар кўйидаги босқичларни ажратиб кўрсатишга имкон бермоқда:

1990-2010 йиллар - бу даврда бошқарув ҳисобига оид билимлар бир тизимга солинди ва ҳалқаро тажрибага асосланиб хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарда кўлланила бошланди;

2010 йил - хозирги кунгача бўлган давр – ушбу даврда мамлакатимиз корхоналарида бошқарув ҳисоби кенг жорий этила бошланди.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб, хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, бошқарув ҳисоби ўзининг тарихий тараққиёт йўлида шаклланган ва илмий-услубий асосларига эга тизим ҳисобланади. У саноатнинг ривожланиши, ишлаб чиқариш шароитларининг ўзгариши ва тез суръатларда ўсиши ҳамда бозор муносабатларининг ривожланиши натижасида юзага келган. Бу ҳолат уни бошқарув қарорлари қабул қилишнинг асосий воситаси сифатида юзага келишига олиб келган.

## **1.2. Бошқарув ҳисобининг моҳияти, концепцияси ва тамойиллари**

Бошқарув ҳисобининг моҳиятини чукурроқ тушуниб этиш учун даставвал бошқарув ҳисоби атамасининг мазмунини аниклаб олиш керак.

«Бошқарув ҳисоби» сўз бирикмасида «бошқарув» атамасининг аҳамияти «ҳисоб»га караганда юқорироқдир. Мазкур атамани нафақат «бухгалтерия ҳисоби» сифатида, балки кенг маънодаги ҳисоб, бошқарувнинг асоси сифатида талқин қилиш керак.

«Бошқарув ҳисоби» сўзини этимологик маъносига тўхтадиган бўлсак, у «management accounting» англо-саксон атамасининг таржимасидан олинган. Ушбу атама сўзма-сўз бошқарув ҳисоби деб таржима қилинганда ҳисоб нафақат бошқарувнинг функцияси сифатида эътироф этилган, балки маълумотларни қайта ишлаш ва уларни тизимли таҳлил қилиш ҳам назарда тутилган.

Гарбий Европада англо-саксон давлатларидан фарқли ўларок, ишлаб чиқариш (масалан, Германияда) ёки француз терминологиядаги эксплуатацион (аналитик) ҳисоб атамалари кўлланилади.

Собиқ Иттифоқнинг иқтисодчи олимлари ҳам бошқарув ҳисоби атамаси ўрнига, ишлаб чиқариш ҳисоби атамасини ишлатган.

«Бошқарув ҳисоби» атамаси бўйича ёндашувлар масаласига тўхтадиган бўлсак, жаҳон амалиётида иккита ёндашув мавжуд. Биринчisi «management accounting», иккинчisi эса Европада (Германияда)ги «контроллинг» атамаси билан боғлиқдир. Биринчи ёндашувга кўра ҳар қандай ҳисоб фаолиятининг асосий вазифаси бошқарув қарорлари қабул қилиш учун керак бўладиган маълумотлар билан ўз вақтида ва тўлиқ таъминлашдан иборатdir. Бу эса ҳисоб ва бошқарув фаолиятини чамбарчас боғлиқлигини англатади. Шунинг учун «management accounting» атамасини бошқарув эҳтиёжидан келиб чиқиб ташкил этиладиган ҳисоб деб таржима қилиш мумкин. Унга кўра бошқарув ҳисоби нафакат корхона харажатлари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш тизимидан иборат бўлади, балки бюджетлаштириш ва бўлинмалар фаолиятини баҳолаш тизимларини ҳам ўзида қамраб олади. Умумий қилиб айтганда, бу тизим бухгалтерия технологияси эмас, балки кўпроқ бошқарув технологиясидир.

Европада кўлланиладиган контроллинг тизимига асосан бошқарув ҳисоби корхона фаолияти устидан назорат қилиш мақсадида ташкил қилинган кенгайтирилган ҳисоб тизимиdir.

Бугунга келиб бошқарув ҳисоби мамлакатимиз корхоналарининг иқтисодиёт, молия ва бошқаруви амалиётида муҳим ўрин эгаллай бошлади. Шунга қарамай, ҳалигача бошқарув ҳисоби мавзуси мамлакатимиздаги бошқарув назарияси ва амалиётида энг кўп баҳс-мунозораларга сабаб бўлаётган мавзулардан бири бўлиб қолмокда. Тадқиқотчи В.М.Грибановский тўғри таъкидлаганидек, «Амалиётда баъзи бир корхоналаргина бошқарув мақсадлари учун бухгалтерия ҳисобини ташкил қилмокда, қолганлари эса молиявий ҳисоб маълумотларини аналитик қисми билан чегараланмокда» [19].

Энг асосийси шу кунгача бошқарув ҳисобининг таърифи, предмети, объектлари ва методи бўйича ягона бир фикрга келинмаган. Бунинг асосий сабаби уни янгилик эканлиги ва тадқиқотчилар томонидан бошқарув ҳисобини бухгалтерия ҳисобининг умумий тизимидағи ўрни масаласида хозиргача ягона фикрга келинмаганligидадир.

Ундан ташқари, меъёрий ҳужжатларда бошқарув ҳисобини таърифи келтирилмаган. Бу тўғри албаттга, чунки бошқарув ҳисобини ташкил этиш ҳар бир корхонанинг мустақил ишидир. Шу

сабабдан давлат корхоналарига бошқарув ҳисобини юритишни мажбур қила олмайди ва уни юритишни ягона қоидаларини ўрната олмайди. Бу ҳам маълум бир даражада мазкур баҳс-мунозаралар давом эттаётганлигига сабаб бўлмоқда.

Иқтисодий адабиётларда келтирилаётган таърифлар эса бир-биридан тубдан фарқ қилмоқда. Бундай таърифлар хилма-хил бўлиб, уларда бошқарув ҳисоби ҳақиқий таннархни ҳисобга олиш ва калькуляциялаш, молиявий натижаларни ҳисобга олиш, таҳлил қилиш, режалаштириш, назоратга олиш тизими ва ҳатто бизнесни бошқариш тизими сифатида акс эттирилмоқда.

Таҳлиллар ҳозирги кунда мамлакатимизда «бошқарув ҳисоби» тушунчаси бўйича иккита асосий ёндашув мавжудлигини кўрсатмоқда. Биринчи ёндашув Farb ҳисоб амалиётидаги ёндашувга мос келади. Унга кўра, бухгалтерия ҳисоби молиявий ва бошқарув ҳисоби каби қуий тизимларнинг ўзаро бирлашмаси сифатида қаралади.

Иккинчи ёндашувга кўра, бухгалтерия ҳисоби – аввало молиявий ҳисобдир, бошқарув ҳисоби эса ички фирма бошқарув тизимини англатиб, ўз ичига нафакат бизнинг тушунчадаги ҳисоб масалаларини, балки таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаштириш, назорат қилиш, моделлаштириши ҳам олади.

Молиявий ва бошқарув ҳисобларига бундай турлича қаралишига кўплаб мутахассисларни собиқ Совет бухгалтерия мактаби таъсирида етишиб чиққанлиги ҳам сабаб бўлган. Undan ташқари, Собиқ иттифоқнинг ҳисоб амалиётида замонавий бошқарув ҳисобининг функциялари қисман бухгалтерия ҳисоби ва бошқа мутахассисликларга тегишли бўлганлигини назардан четда қолдирмаслигимиз лозим.

Соҳа олимларининг тадқиқотларига эътибор қаратадиган бўлсак, тадқиқотчи С.Булгакованинг фикрига кўра, иқтисодий адабиётлarda «бошқарув ҳисоби» таърифи бўйича турли қарашлар мавжуд (1.8-жадвал).

«Бошқарув ҳисобини юқорида санаб ўтилган таърифлари уни бажарадиган ҳаракатлари (маълумотларни тўплаш, ўлчаш, изохлаш, узатиш, сақлаш, ишлатиш ва ҳ.к.), бошқарув функцияларини ифодалаш (режалаштириш, қарорлар кабул қилиш, назорат қилиш ва бошқалар), маълумот истеъмолчиларини санаб ўтиш (агентлар, корхонани бошқарув ходимлари), ҳисобни бошқа турларидан тубдан фарқ қиласиган томонларини аниқлаш ва ҳоказоларга асосланган. Билишнинг турли босқичларида балки бошқарув

хисобини хар хил таърифларидан фойдаланиш мумкиндири. Бирок, бошқарув хисоби бўйича тасаввурларнинг кенгайиб бориши, билишнинг тизимлилиги, диалектик тамойилини қўлланилишини назарда тутувчи бошқа бир босқичига ўтилиши ва тизим назарияси таърифидан келиб чиқиб, «бошқарув хисоби» терминига аниқлик киритилиб борилиши лозим» [12; 43-б.]

**Бошқарув хисобига оид таърифлар бўйича қарашлар**

1.8-жадвал

Т/р	Бошқарув хисобига оид таърифлар бўйича қарашларнинг мазмуни
1.	- ички (ички фирма) хисоб;
2.	- харажатлар хисоби ёки ишлаб чиқариш хисоби (немис хисоб мактаби);
3.	- бошқарув бухгалтерияси (аналитик, маржинал хисоб) (француз хисоб мактаби);
4.	- менежментнинг ажralmas бир қисми (инглиз-америка хисоб мактаби);
5.	- фаолият (соҳа)нинг бир тури;
6.	- иқтисодий маълумотларни қайта ишлаш методларини қўллаш;
7.	- бошқарув ахборотлари тизимининг бир қисми;
8.	- жараён сифатида;
9.	- бухгалтерия хисоби ва/ёки бошқарувнинг куйи тизими;
10.	- алоҳида тизим сифатида.

*Манба. Булгакова С.В. Теория, методология и организация системы управлеченческого учета. Докт. дис. на соис. уч. степ. докт. экон. наук. Воронеж. 2009. (366-376 бб.) материаллари асосида тайёрланган.*

Тадқиқотчи А. Зокирова [21] эса бошқарув хисоби бўйича таърифларни инглиз-америка ва Европа (Германия, Франция, Россия) йўналишларига ажратиб ўрганган.

Иқтисодий адабиётларни ўрганиш бошқарув хисобига оид юкоридагиларга ўхшаш яна кўплаб таърифлар мавжудлигини кўрсатди ва шу боис, улар муаллиф томонидан бир тизимга келтирилиб, тадқиқотнинг 2-иловасида тақдим этилди.

Иловадаги таърифларни ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, бир гурух олимлар хисобнинг бу турига бошқарув қарорларини қабул қилишга йўналтирилган харажатларни хисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляциялаш сифатида таъриф бермоқда. Бу таъриф

қисман тўғридир. Чунки бошқарув ҳисобида ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляциялаш асосий ўрин тутади. Бирок, харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляциялаш ишлаб чиқариш харажатларини акс эттириш, маҳсулот таннархини калькуляциялашнинг услубияти ва техник тарафига асосий эътиборини қаратади, бошқарув ҳисоби маълумот истеъмолчиларининг мавжуд ҳолатни таҳлил этиш, қарорлар қабул қилиш, ахборот технологияларидан фойдаланиш, маблаглардан фойдаланиш ва таннархнинг шаклланишини бошқариш, харажатларнинг меъёрдан четга чиқишини таҳлил қилишдан иборат бўлган талабларини ўрганишга асосий диккатини қаратади, яъни бир сўз билан айтганда, у ишлаб чиқариши оптималлаштиришнинг фаол воситаси ҳисобланади.

Бошқа бир гурух иктисадчи олимлар эса бошқарув ҳисобининг янада кенгроқ таърифлашга ҳаракат қилмоқда. Бу таърифга кўра, бошқарув ҳисоби харажатлар ва даромадларни ҳисобга олиш, бутун хўжалик фаолиятининг, шу жумладан, капитал кўйилманинг самарадорлигини ҳисобга олиш ва хўжалик жараёнларини оптималлаштириш усусларини ўз ичига олмоқда.

Таҳлилларни кўрсатишича, бошқарув ҳисобининг ривожланиши бир қанча тортишувлар билан биргалиқда кечмокда. Бошқарув ҳисобининг концепцияси бўйича баҳс мунозара қилинаётган масала бошқарув ҳисоби жараёнларни счёtlарда акс эттириш, таҳлил қилиш, режалаштириш, мотивациялаш (психологик жиҳати) ва ҳоказоларни ўзида қамраб олган фанми ёки мазкур фанни мустақил бухгалтерия ҳисоби, иктисадий таҳлил, режалаштириш каби фанларга бўлиб юбориш керакми деган масаладир. Мазкур масалалар таркибига молиявий ва бошқарув, бошқарув ва ишлаб чиқариш ҳисоблари ўртасидаги фарқлар ҳамда ўзаро муносабатлар масаласини ҳам киритиш мумкин.

«Агар мутахассислар фикрларини умумлаштирадиган бўлсак, уларнинг фикрига кўра, бошқарув ҳисоби менежерларга қарорлар қабул қилиши учун керак бўладиган ҳар қандай маълумотларни етказиб бериши лозим. Бунда бошқарув ҳисоби маркетинг хизмати, кадрлар бўлими, ишлаб чиқариши ташкил қилиш хизмати ва бошқа шу каби бўлимларнинг ишига аралашаётган бўлади. Бундай ёндашувга кўра бошқарув ҳисоби ўзида ҳисобга олиш, маркетинг, логистика, молия ва бошқа фанлар турли қисмларининг бирлаши年之masinи ифодалаган бўлади» [16].

Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, бошқарув ҳисоби - иқтисодий билимларнинг янги комплекс қисми хисобланади.

Бошқарув ҳисоби муаммолари акс эттирилган иқтисодий адабиётларни таҳлил қилиш бошқарув ҳисобининг мазмуни бўйича тортишувларга қўйидагилар ҳам сабаб бўлаётганинги кўрсатмокда:

- бошқарув ҳисоби функцияси асосиз «кенгайтирилиши» натижасида бухгалтернинг функцияси билан ҳисоб ходимининг функциясининг ажратилиши;

- «Ҳисоб» термини бўйича анъанавий ёндашувга асосан бошқарув ҳисоби функциясининг асосиз «қисқартирилиши»;

- бошқарув ҳисоби немис ва англо-саксон концепцияларининг аралашшиб кетиши.

Бошқарув ҳисобининг таърифига «режалаштириш», «прогнозлаштириш», «таҳлил» ва бошқа терминларни кўшиш асосиздир, чунки бухгалтер-аналитикни мазкур жараёнларда иштирок этиши ҳисоб функциясининг кенгайишини эмас, балки бухгалтер бошқарувни амалга ошираётган бошқарувчиларнинг сафига жалб қилингандигини билдиради.

Ихтисосликка оид адабиётларни ўрганиб бошқарув ҳисоби бўйича бошқача таърифларни ҳам учратишимиш мумкин. Унга кўра бошқарув ҳисоби маълумотларни тўплаш, қайд этиш ва умумлаштиришни ўзида қамраб олган бухгалтерия ҳисобининг бир бўлагидир. Бошқа бир таърифга кўра эса бошқарув ҳисоби корхонанинг бошқарув тизимиdir. У бошқарувни режалаштириш, ташкил этиш, ҳисобга олиш, назорат қилиш, таҳлил қилиш ва қарорлар қабул қилиш каби барча функцияларни ўз ичига олади. Бунда бошқарув ҳисоби атамасига таъриф бериладиганда бигур умимлар ундаги «ҳисоб» сўзига, иккинчи бир гурух олимлар эса «бошқарув» сўзига алоҳида ургу бермокда.

Тадқиқотларга кўра хорижлик олимларнинг бошқарув ҳисоби бўйича фикрларини танқидий нуқтai назардан таҳлил қилиб, қўйидаги хулосаларга келиш мумкин (1.9 - жадвал).

Бундай таърифларни яна кўплаб келтириш мумкин ва уларда бошқарув ҳисоби турлича таърифланган. Юкорида келтирилган таърифларнинг хулоаси 1.10-жадвалда бир тизимга солинган.

**Хорижий олимларнинг бошқарув ҳисоби бўйича фикрлари  
асосида олинган хуносалар**

1.9 – жадвал

T/р	Олимларнинг Ф.И.Ш	Хуносаларнинг мазмуни
1.	Барча олимлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>- бошқарув ҳисоби маълумотлари фақаттана корхона ичидаги фойдаланиш учун мўлжалланган ва тижорат сирига киради;</li> <li>- бошқарув ҳисоби маълумотлари бошқарув карорларини кабул қилиш учун мўлжалланган ва улар орқали ишлаб чиқариш жараённига фаол таъсир кўрсатиш мумкин;</li> <li>- бошқарув ҳисоби маълумотларининг асосий қисмини харажатлар ҳақидаги маълумотлар ташкил этади</li> </ul>
2.	А. Чмель, Б. Нидлз, О. Николаева, Т. Шишкова ва бошқалар	<ul style="list-style-type: none"> <li>- бошқарув ҳисоби фақаттана ҳисоб маълумотларини тўплайди, қайд этади ва бир тизимга солади ёки бошқача қилиб айтадиган бўлсак, бошқарув ҳисоби – бухгалтерия ҳисобининг бир қисми, уни тизим остидир;</li> <li>- бошқарув ҳисобининг обьектлари, фақаттана харажат ва натижалар ҳисобланади;</li> <li>- бошқарув ҳисобининг маълумотлари фақаттана тезкор қарорлар кабул қилишида ишлатилиди;</li> <li>- бошқарув ҳисобининг маълумотлари корхонанинг таркибий бўлинмаларини бошқариш учун мўлжалланган</li> </ul>
3.	С. Николаева, Т. Карпова, В. Керимов, А.Шеремет ва бошқалар	<ul style="list-style-type: none"> <li>- бошқарув ҳисоби ҳисобга олиш, меъёrlаштириш, режалаштириш, назорат қилиш ва таҳлил этишини интеграллашган тизимини ўзида ифодалайди;</li> <li>- бошқарув ҳисоби нафақат харажат ва натижалар ҳақидаги маълумотларни, балки бошқа обьектларни ҳам (қайсики, улар ҳақидаги маълумотлар бошқарув карорларини кабул қилиш учун керак бўладиган бўлса) акс эттиради;</li> <li>- бошқарув ҳисобининг маълумотлари тезкор (жорий фаолият ва келажак учун) ва стратегик бошқарув карорларини кабул қилишида ишлатилиди</li> </ul>

*Манба. Войко Д. В. Сущность управленческого учета и его место в управлении предприятием. Управленческий учет. № 3. 2005. материалы асосида тайёрланган.*

Демак, бошқарув ҳисобида бухгалтерия ҳисоби ва таҳлил килиш натижалари маълумотларидан фойдаланилади.

Бошқарув ҳисоби ўз вазифаларини хўжалик ҳисобининг ҳар учала турини жорий этиш билан ҳамда назорат, бошқарув ва иқтисодий таҳлил функциялари воситасида амалга оширади.

### Бошқарув ҳисобига оид таърифларнинг хуносалари<sup>5</sup>

1.10-жадвал

Т/р	Бошқарув ҳисобига оид таърифларнинг хуносаларининг мазмуни
1.	Бошқарув ҳисоби – ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляциялашдангина иборат эмас
2.	Бошқарув ҳисоби ҳисоб (бухгалтерия ва тезкор ҳисобни) билан бирга ҳисоб маълумотларини қайта ишлап ва уларнинг таҳлилини ҳам ўз ичига олади
3.	Бошқарув ҳисоби истиқболни белгилаш, қарорлар қабул қилиш ва бошқарув учун зарур бўлган маълумотларни ўз вактида ҳамда тўлиқ етказиб берилиши устидан назорат қилишга алоҳида эътибор қаратади
4.	Бошқарув ҳисоби ҳисобга олиш ва аналитик ишлардан ташқари, харажатлар, маҳсулот ишлаб чиқариш, алоҳида турдаги маҳсулотлар рентабеллиги ҳамда қарорлар қабул қилиш устидан бошқариш функциясини ҳам бажаради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, фикримизча бошқарув ҳисобига қўйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ Сулади, «Бошқарув ҳисоби - корхонадаги умумий ҳисоб тизимининг четга чиқишлар бўйича бошқарув усуllibарини кенг кўллаган ҳолда, бухгалтерия ҳисоби, оператив ва статистик ҳисоб функцияларини иқтисодий таҳлил, режалаштириш, назорат қилиш, тартибга солиш ва истиқболни белгилаш функцияси билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлайдиган кисми бўлиб, унга харажатларнинг ҳосил бўлиш жойлари ва жавобгарлик марказлари бўйича ҳисобга олиш, ҳисобнинг илғор тизим ва усуllibарини яратиш ҳамда татбиқ этиш ҳам киради».

<sup>5</sup> Илмий ва ўқув адабиётларини таҳлил қилинг асосида диссертант томонидан тузилган.

Бошқарув ҳисоби ҳам бошқа фанларга ўхшаб, ўз предмети, обьекти, тамойили ва методларига эгадир ҳамда ривожланиш босқичидадир.

Тадқиқотлар бошқарув ҳисоби предмети ва обьекти ҳамда кўллайдиган методлари борасида ҳам ягона бир фикрга келинмаганигини кўрсатмоқда.


Фикримизча, бошқарув ҳисоби предметини илмий асослаш учун мазкур масала бўйича муқобил ёндашувларни кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш лозим (3-илова).

3-иловадан кўриниб турибдики, барча тадқиқотлар бир-бирини тўлдирмоқда. Баъзи бир олимлар бошқарув ҳисобини ахборот функциясига асосий эътиборини қаратишадиган бўлса, бошқалари бошқарув ҳисоби предметини унинг муҳим обьекти бўлган режалаштирилган молиявий натижага эришиш учун қилинадиган харажатлар сифатида таърифламоқда.

Бу борадаги тадқиқотларни ўрганиб, қуидагича фикрга келинди: бошқарув ҳисобининг предмети ишлаб чиқаришни бошқаришнинг бутун цикли жараёнидаги обьектлар мажмусаси ҳисобланади. Шу билан бирга, хозирги кун талабига жавоб берадиган бошқарув ҳисобининг предмети асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш ҳамда инновацион фаолиятда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, ходимларни тайёрлаш ва ишлаб чиқаришда ижтимоий-маданий хизматлар кўрсатиш, ташки мухит агентлари (мол етказиб берувчилар, харидорлар, инвесторлар ва кредит ташкилотлари)нинг ўзаро ҳамкорлигини қамраб олиши керак. Бизнингча, бошқарув ҳисобининг предметига сифат ва жараённи давом этиш муддати кўрсаткичлари, субъектив баҳолашлар, масалан, мижозларни қоникиш даражаси, ходимларнинг салоҳияти ва янги маҳсулотни эксплуатацион сифатларини ҳам киритиш вақти етиб келди.

Бошқарув ҳисоби предметининг моҳиятини обьектлари очиб беради. Бошқарув ҳисоби бўйича иқтисодчи олимларнинг бу борадаги тадқиқотлари 4-иловада келтирилган. Иловани ўрганиш орқали қуидаги фикрга келинди: бошқарув ҳисоби обьектларига корхона ва унинг таркибий бўлинмалари харажати ва хўжалик фаолияти натижалари, масъулият марказлари ва харажат марказлари харажати ҳамда натижалари, ички баҳолаш, бюджетлаштириш, ички ҳисоботлар ва корхонанинг ички ҳамда ташки мухити киради.

Бошқарув хисобининг мақсади ва вазифаларига келадиган бўлсак, иқтисодий адабиётларда бошқарув хисобининг мақсадлари бўйича кўплаб маълумотлар келтирилган. Уларни ўрганиш кўпгина муаллифлар бошқарув ҳисоби мақсадини кўйидаги 1.3-чизмада тасвирланган тартибда белгилаётганлигини кўрсатмоқда:



### 1.3-чизма. Бошқарув ҳисобининг мақсади

*Манба. Закирова А. Методология и инструментарий управленческого учета в сельскохозяйственных организациях. Дис. на соис. уч. степ. докт. экон. наук. -Казан. 2011. С.52.*

Иқтисодий адабиётларда келтирилган бошқарув ҳисоби мақсадлари бўйича қарашлар 5-иловада бир тизимга солинди.

Иловадаги қарашларни ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, бошқарув ҳисобининг асосий мақсади раҳбариятта иқтисодий жиҳатдан самарали бошқарув қарорлари қабул қилишини таъминлаш мақсадида корхона фаолияти (корхона миқёси -чиғи ва унинг таркибий, ишлаб чиқариш бўлинмалари ҳамда харажат ҳамда фойда марказлари миқёсидаги маълумотларни ҳам кўшган ҳолда) ҳақидаги режа, прогноз ва ҳақиқий маълумотларни етказиб беришдан иборатdir.

Тахлиллар иқтисодий адабиётларда бошқарув ҳисобининг вазифаларини белгилаш бўйича ҳам турлича ёндашувлар мавжудлигини кўрсатди (6-илова). Бизнингча, бошқарув ҳисоби тизими ҳал қиладиган вазифаларнинг барчасини санаб ўтишининг имконияти йўқ. Бошқарув ҳисоби вазифаларини корхонанинг бошқарув муҳити ва эҳтиёжига мослаштириш лозим. Шу муносабат билан бошқарув ҳисобининг вазифаларини кўйидаги 1.11-жадвалда акс эттирилган мезонлар бўйича гурухлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бошқарув ҳисобининг методлари кўпгина фанларни, яъни хўжалик ҳисоби (оператив, бухгалтерия ва статистик ҳисоб), таҳлил, стратегик ва тезкор режалаштириш, бошқарув, корхона иқтисодиёти, математика фанларининг методларини ўзида бирлаштирганлиги сабабли турлича бўлади.

## Бошқарув ҳисобининг вазифаларининг мезонлар бўйича гурухланиши<sup>6</sup>

1.11-жадвал

T/p	Бошқарув ҳисобининг вазифаларининг мезонлар бўйича гурухланиш мазмуни
1.	Хўжалик жараёнлари (таъминот, ишлаб чиқариш, сотиш) кесимида.
2.	Корхона фаолиятини (ишлаб чиқариш ва тижорат жараёнларини бошқариш ва ҳ.к.) бошқариш турлари бўйича
3.	Хўжалик жараёнларини жорий бошқариш (стратегик режалаштириш, меъёрлаштириш, харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулотни калькуляциялаш) босқичлари бўйича
4.	Қарорларнинг муддати ва даврийлиги (режа асосида, аниқ вакт тартибида) бўйича
5.	Корхонанинг ташкилий тузилиши даражасида (корхона миқёсида, масъулият марказлари бўйича)
6.	Масъулият марказлари даражаси бўйича (харажат марказлари, даромад марказлари, фойда марказлари ва инвестиция марказлари)
7.	Бошқариладиган обьектлар турлари (харажат ташувчилари, фаолият турлари ва харажатларни ҳосил бўлиш жойлари) бўйича

Ушбу методлар таркиби ихтисосликка оид адабиётларда турлича изохланмоқда (7-илова). Олимларнинг фикрларини тадқиқ этиш натижасида тадқиқотда куйидаги таъриф бошқарув ҳисобининг методи мазмунини тўлиқ очиб беради деган фикрга келинди: бошқарув ҳисобида бухгалтерия ҳисобининг методларидан ташқари статистика, иқтисодий таҳлил ва иқтисодий-математик методлар, комплекс иқтисодий таҳлилнинг энг асосий бўлимларидан бири бўлган параметрик таҳлил, фирмалараро таққослаш, сифатли гурухлаш, рақобат разведкаси ва маркетинг тадқиқотларининг услублари ҳам ишлатилади.

Бошқарув ҳисобининг ташкилий-услубий элементларидан яна бири бошқарув ҳисобининг функциялари ҳисобланади.

<sup>6</sup> Илмий ва ўқув адабиётларини таҳлил килиш асосида диссертант томонидан тузилган.

Тадқиқотларни кўрсатишича, иқтисодий адабиётларда бошқарув ҳисобининг функцияларига оид кўплаб таърифлар мавжуд (8-илова). Ушбу таърифлар ўрганилиб, тадқиқотчи А.Закирова томонидан берилган кўйидаги таъриф бошқарув ҳисобининг функциялари мазмунини тўлиқ очиб беради деган хуносага келинди: «Бошқарув ҳисоби функциялари корхона стратегияси ва истиқболда ривожланиш ўйналишларини аниқлаш ва маблағлардан фойдаланишни иқтисодий самарадорлигини ошириш; режа ва бюджетлар тузиш; норматив ҳўжаликни шакллантириш ва нормативларга риоя қилинишини назорат қилиш; корхона, бўлинма ва маҳсулот турлари бўйича харажатлар ҳамда молиявий натижаларни аниқлаш; корхона ва ички бўлинмаларни қўйилган мақсадларига эришиши борасидаги фаолият натижаларини тезкор назорат қилиш ва баҳолаш; корхона, бўлимлар ва маҳсулот турлари кесимида фаолият натижаларини таҳлил қилишдан иборатдир» [21].

Олимларнинг бошқарув ҳисоби тамойиллари борасидаги тадқиқотларни ўрганиш бу соҳада ҳам ягона бир фикрга келинмаганлигини кўрсатмоқда (9-илова).

Тадқиқотчи А. Закированинг ушбу масала бўйича билдириган фикрлари бизнингча, пахта саноат корхоналари учун ҳам тааллуклидир, яъни мазкур масалани тадқиқ этишда пахта саноати тармоги ишлаб чиқаришини ўзига хос ҳусусиятларини ҳисобга олиш лозим. Шунга кўра пахта саноати корхоналарининг бошқарув ҳисоби умумқабул қилинган тамойиллардан ташқари кўйидаги тамойилларга асосланиши лозим:

- мақсадлар ва фаолият натижаларини мувофиқлаштириш;
- турли бошқарув қарорларини тайёрлаш бўйича прогнозлаштириш, режалаштириш, ташкил қилиш, ҳисобга олиш, назорат қилиш, таҳлил этиш ва тартибга солиш каби ишларни бир вақтда бажариш;
- корхона ташкилий тузилишининг бошқарув вазифаларини ечилишига қараб фаолият кўрсатиш шароитини ўзгаришига мос холда барқарорлиги;
- ҳал қилиниши лозим бўлган бошқарув вазифаларига қараб, фаолият шароитларини доимий ўзгаришига қарамасдан, корхонанинг ташкилий тузилишининг барқарорлиги;
- «Комплементарлик» (бошқарув ҳисоби тизимостини уйғун холда фаолият кўрсатишини таъминловчи бир-бирини тўлдириши ва мос келиши);


- харажат марказлари, харажатларни ҳосил бўлиш жойлари ва масъулият марказлари бўйича бошқарув ишларини тизимлилик ва мунтазамлилиги;

- мувофиқлаштириш (пахта саноати корхоналарида таркибий бўлинмалар ўртасида ўзаро ҳамкорлик (бир бўлимнинг маҳсулотини иккинчи бир бўлим эҳтиёжига ишлатилишидан иборат бўлган) бўлганлиги сабабли бошқарув ҳисоби корхонани ривожланиш стратегиясини амалга оширишга таъсир кўрсатувчи турли даражалардаги мақсадларни мувофиқлаштириш ва мувозанатлаштиришни таъминлайди);

- тезкор эътибор бериш (пахта саноати тармоғи қишлоқ хўжалиги жараёни билан боғлиқ ва қишлоқ хўжалигига турли ташқи омиллар (табиий-икклим, биологик ва бошқалар) таъсир кўрсатади, шунинг учун бошқарув ҳисоби ташқи таъсирни турли ўзгаришларига мослашиши ҳамда эътиборини қаратиши лозим);

- маъқуллик (пахта саноати тармоғи мавсумлилик хусусиятига эга бўлганлиги ва мавсумнинг давом этиши муддатини олдиндан аниқлаб бўлмаслиги сабабли бошқарув ҳисобини ташкил этишини турли варианtlарини ишлаб чиқиши эҳтиёжи келиб чиқишини англатади).

Юқорида баён этилган бошқарув ҳисобига оид барча фикрлар асосида пахта тозалаш корхоналари учун қуйидаги бошқарув ҳисоби тизимининг намунавий моделини тузиш мумкин (1.4-чизма).



**1.4-чизма. Пахта тозалаш корхоналари учун бошқарув ҳисобининг намунавий модели<sup>7</sup>**

<sup>7</sup> Муаллиф ишланомаси

Ушбу модель бошқарув ҳисобини барча мухим компонентлари ва уларни ўзаро ҳамкорлиги ҳисобга олиниб тузилди. Уни жорий этиш хўжалик юритувчи субъектлар учун керакли самарага эришишга имконият яратади.

### **1.3. Бошқарув ҳисобини ташкил этишининг хориж тажрибаси ва уни пахта тозалаш корхоналарида қўллашнинг услубий масалалари**

Маълумки, хўжалик юритувчи субъектларни самарали бошқариш тўлиқ, ҳаққоний ва тезкор маълумотларга асосланади. Мазкур маълумотлар нафақат жорий ҳолатни баҳолаш, балки келгусида юз бериши мумкин бўлган ҳодисалар бўйича истиқболни белгилаш имконини ҳам беради. Шундан келиб чиқсан ҳолда бошқарув ҳисобини ташкил этиш нафақат керакли техник жиҳозлар (компьютер дастурларини яратиш ёки ўрнатиш, бошқарув ҳисобини параметрларини аниқлаш)га эга бўлишни, балки ундан ҳам муҳимроқ бўлган масала, яъни ҳаққоний ва тезкор маълумотларни керакли шаклда шакллантириш масаласини ҳам ҳал этишни талаб этади. Булар эса бошқарув ҳисобини илмий-услубий асосда самарали ташкил этишни тақозо қилмоқда.

Ихтисосликка оид адабиётларни ўрганиш иқтисодчи олимлар бошқарув ҳисобини ташкил этишини турли жабхаларини батафсил кўриб чиққанлигини кўрсатмоқда. Масалан, профессор Т.П.Карпова [78] ушбу масалани корхона бўлинмалари бошқарувчилари нуқтаи назаридан, яъни масъулият марказларини ташкил этиш, бўлинмалар ўртасида ўзаро муносабатлар ва алоқаларни ўрнатиш, кўрсаткичлар тизимини белгилаш, ички ҳисобот шаклларини шакллантириш ва ҳоказолар бўйича тадқиқ этган бўлса, профессор М.А.Вахрушина [63] эса бошқарув ва молиявий бухгалтерияни хўжалик жараёнларини счетларда қайд этиш соҳасидаги алоқалари шаклларига батафсил тўхталган. Бир гуруҳ олимлар Е.В.Акчурина, Л.П.Солодко, А.В.Казинлар [52] ўз асарларида масъулият марказлари бўйича ҳисобни ташкил этиш, хужжат айланиши, автоматлаштириш, ички ҳисобот ва бошқаларни баён қилган. Профессор М.М.Каверина [24] эса бошқарув ҳисобини блок модели шаклида кўриб чиқсан.

Муаллиф эса мазкур соҳадаги хориж тажрибасини чукур тадқиқ этиб, улардан тадқиқот обьекти бўлган пахта тозалаш

корхоналаридаги фойдаланиш масаласига батасын түхталишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблады.

Амалиётни ўрганиш, корхоналарда бошқарув ҳисоби турлича ташкил этилаётганлигини кўрсатмоқда. Баъзи бир хўжалик юритувчи субъектлар бошқарув ҳисобини ташкил этишда алоҳида бўлим – бошқарув ҳисоби бўлим мини ташкил этиш йўлидан борган бўлса, бошқалари бошқарув ҳисоби функциясини режа-иктисод ёки молиявий бўлимларини зиммасига юклаш, учинчилари эса бошқарув ва бухгалтерия ҳисобларини битта бўлимга бирлаштириш йўлидан борган. Бу борада бирон бир моделни танлашга хўжалик юритувчи субъектларнинг ташкилий тузилиши, молиявий ҳизмат ходимларининг бошқарув ҳисобини юритиш бўйича малакавий даражаси, юқори ҳамда ўрта бўғин менежерларини бошқарув ҳисоби жараённига жалб қилингандик даражаси ва бошқа кўпгина омиллар таъсир қилишини унутмаслик керак.

Таҳлиллар амалиётда бошқарув ҳисобига оид икки хил муносабат мавжудлигини тасдиқлади. Биринчи муносабат хорижий компанияларнинг филиаллари ва ваколатхоналарига тааллуқлидир. Улар корпоратив бошқарув маълумотларига кўйиладиган талабларни яхши тушунади ва уларни тўғри шакллантира олади ҳамда бош оғисда қайта ишланадиган маълумотларни пухта тўплашни талаб қиласди. Афуски, мазкур маълумотлар бош оғисда анча вақт ўтгандан кейингина қайта ишланмоқда. Оқибатда қисқа муддатли режалаштириш ва тезкор бошқарув мақсадлари учун мўлжалланган тезкор маълумотларнинг роли анча пасайиб кетмоқда. Бундай ёндашув бошқарув ҳисобини стратегик жабҳаларигагина йўналтирилган бўлиб, қисман бир томонлама ҳисобланади.

Бошқарув ҳисобига оид амалиётдаги бошқа бир муносабат йирик компанияларга тегишилдир. Уларда асосий эътибор энг аввало ҳаражатларни ҳисобга олиш ва маҳсулотлар танинхини калькуляциялашга қаратилади. Бу ҳам бошқарув ҳисобидан тўлиқ фойдаланилмасликнинг бир кўрининиши ҳисобланади.

Тадқиқотимизнинг обьекти бўлган пахта тозалаш корхоналарига эътибор қаратадиган бўлсак, уларнинг амалиётида ягона ахборот таъминоти тизими асосида ҳозирги кун учун ўта муҳим бўлган вазифаларни ҳал қилиш имконини берадиган бошқарув ҳисоби тизими мавжуд эмаслигини кўрсатмоқда. Шу боис, даставвал куйидаги муҳим вазифалар ҳал етилиши зарур:

- турли ходисаларни ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш;

- илмий асосланган ҳолда истиқболни белгилаш (айниқса, инвестиция қилинадиган сармоянинг даромадлилик даражаси бўйича) ва улар асосида тўғри бошқарув карорлари қабул қилиш;

- тўлақонли молиявий ва тезкор ҳисоб юритиш;

- маълумотларни аналитик қайта ишлаш учун керакли шароитларни яратиб бериш.

Фикримизча, бундай тизимни яратиш учун юқорида тавсия этилган, ўзида бошқарув ҳисобининг самарали услугуб ва усуllibарни қамраб олган, корхонанинг ташкилий-бошқарув ҳамда молиявий тузилмасига йўғунлашган ҳисоб моделидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Фақат ушбу модел тажрибада синалиб, корхонанинг стратегик мақсадларига мослиги текшириб кўрилганидан сўнггина жорий этилиши лозим.

Шунингдек, бошқарув ҳисобини самарали ташкил этиш ва юритиш учун бир қатор ташкилий тадбирларни амалга ошириш керак:

1) бизнесни сегментларга бўлаклаш (ҳисобни ташкил этишда);

2) корхонанинг ташкилий тузилмасини шакллантириш ва унда бошқарув ҳисобини юритувчи бўлим (мутахассис)нинг ўрнини белгилаб олиш;

3) сегментларнинг харажатларини туркумлаш, уларнинг даромад ва харажатларини тан олиш методларини танлаш;


4) ҳисоб сиёсати, ишчи счёtlар режаси ва намунавий счёtlар корреспонденцияларини ишлаб чиқиши орқали бошқарув ҳисоби билан молиявий ҳисобнинг ўзаро ҳамкорлик шаклларини аниқлаш.

Ушбу тадбирлар ўртасидаги ўзаро мантикий боғликлек 1.5-чизмада тақдим этилган.

Ушбу тадбирлар ўз вактида ва самарали амалга оширилганда гина бошқарув ҳисобини жорий этиш орқали кўзланган мақсадга эришилади. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ҳар қандай бошқарув ҳисоби тизими илмий ёндашув ва тамойиллардан иборат бўлган илмий-услубий асосларга таяниши лозим.

Бошқарув ҳисобини ташкил этишда кўлланиладиган илмий ёндашувлар умумий ва хусусий бўлиши мумкин. Умумий илмий ёндашувлар тизимли, комплексли ва компьютерли бўлади. Хусусий ёндашувларга эса интеграцияли, ситуацияли, динамик ва маҳсус

ёндашувлар киради. Ҳозирги кунда инсон муносабатлари ва процессал ёндашувларни ривожлантиришга кўп эътибор қаратилмоқда.



### 1.5-чизма. Бошқарув ҳисоби ташкилий тадбирларининг ўзаро боғликлиги

*Манба. Вахрушина М. Теория и практика бухгалтерского управляемого учета. Докт. дис. на соис. уч. степ. докт. экон. наук. -М., 2002. с.131.*

Бошқарув ҳисоби бирон-бир универсал услубдан кўра, кўпроқ истеъмолчига йўналтирилган корхона ахборот тизими бўйича ёндашув ҳисобланади. Бошқарув ҳисоби тизими бухгалтерия билан тўқнаши келмаслиги ва молиявий кўрсаткичлар билан муомалада бўлмаслиги мумкин. Корхона раҳбари ички ахборот тизимини ташкил этиш учун фойдаланилиши мумкин бўлган мавжуд ресурслардан келиб чиқсан ҳолда бошқарув ҳисобининг шакли бўйича тегишли қарорни қабул қилиши лозим.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, «..... пахта тозалаш саноати корхоналари қайта ишловчи саноат таркибига кириб, тармоқнинг техник ва технологик хусусиятлари куйидагилардан иборат:

- Хомашёни йил давомида бир маромда қабул қилиш имконияти мавжуд эмаслиги. Яъни пахта хомашёсини корхоналар йилнинг маълум бир даврида (асосан сентябрь-октябрь ойларида) қабул қилиб олади.

- Хомашёни узоқ муддат сакланиши (уларни қайта ишлаб бўлиш кейинги йилнинг июн ойигача давом этади).

- Ишлаб чиқариш жараённида ишлаб чиқаришнинг цехли тузилмаси йўқлиги. Пахта тозалаш саноати корхоналарида жинлаш, қуритиш-тозалаш цехлари мавжуд. Лекин буларда ишлаб чиқариш технологияси бир-бири билан узлуксиз боғланмаган. Қуритиш-тозалаш цехида қабул қилинган хомашё куритилиб тозаланади. Куритилиб, тозаланган пахта хомашёси тўғридан-тўғри қайта ишлашга берилиши ёки қайта ишлашга берилмай, маълум муддат сакланиши мумкин.

- Бутун ишлаб чиқариш давомида бир турдаги хомашё қайта ишланиб, бир хил турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади» [10, 15-б]. Бошқарув ҳисобини ташкил этишда ушбу хусусиятлар албатта ҳисобга олинници даркөр.

Иқтисодий адабиётларни ўрганиш ва амалиётни таҳлил қилиш хорижий компаниилар билан мамлакатимиз корхоналаридаги бошқарув ҳисобини ташкил этиш тартиби фарқланишини кўрсатмоқда. АКШ ва Европа давлатларида корхоналар фаолияти таҳлили бевосита бошқарув ҳисобидан бошланади. Уларда маълумотлар бошқарув ҳисобидан дастлаб молиявий ҳисбототга, сўнгра бухгалтерия ҳисбототига ўтказилади. Бизда эса тескариси, яъни бошланғич маълумотларни бухгалтерия тўплайди, сўнгра улар солиқ ва молиявий ҳисобга келиб тушади, ундан сўнггина ушбу маълумотлар бошқарув ҳисоби эҳтиёжи учун қайта ишланади.

Ўрганишлар яна бир хусусиятни кўрсатдик, у ҳам бўлса ривожланган бозор иқтисодиётига эга мамлакатларда юқори савияда бошқарув ҳисобини юритиш масаласи ижобий ҳал қилинган. У тўла автоматлаштирилган ва амалиётда синовдан ўтказилган ҳамда тегишли услубият яратилган. Мамлакатимизда эса ҳар бир тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган колда ва хориж тажрибаси асосида услубий кўрсатмалар ишлаб чиқилиши лозим.

Мавжуд илмий ва ўкув-услубий манбалар таҳлили корхоналарда бошқарув ҳисобини ташкил этишининг муҳим босқичларидан бири ҳисоб юритиш вариантини танлаш масаласи эканлигини кўрсатмоқда. Одатда, бошқарув ҳисобини ташкил этиш вариантини танлаш корхонанинг ҳажми, ҳисобни марказлашибирилганлик даражаси, корхонанинг ташкилий ва ишлаб чиқариши тузилмаси ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади. Ҳозирги кунда бошқарув ҳисобини юритишнинг бир нечта вариантлари мавжуд. Улар автоном ҳисоб, интеграллашган, дуализм ёки монизм вариантларидир.

Ихтисосликка оид адабиётларни ўрганиш бошқарув ҳисобини ташкил этиш ва молиявий ҳисоб билан ўзаро алокадорлигининг ҳар хил вариантлари таникли олимлар В.Б. Ивашкевич, Е.А. Мизиковский, С.А. Николаева, В.Ф. Палий ва бошқалар томонидан батафсил баён қилингандигини кўрсатди.

Ушбу вариантларга батафсил тўхталишдан олдин ҳисоб юритишнинг интеграллашган вариантини кўриб чиқишимиз мақсадга мувофиқ. Счёtlарнинг ягона тизими мамлакатимиздаги бухгалтерия ҳисоби учун анъанавий вариант ҳисобланади. Мазкур вариантда счёtlарнинг ягона тизими ва счетлар корреспонденциялари амал қиласи, бошқарув ҳисобининг маҳсус счёtlари эса кўлланилмайди. Бошқарув мақсадлари учун маълумотлар эса молиявий ҳисобнинг йифма регистрларида гурухланади ва ўз маълумотлари ҳамда ҳисоб-китобларининг натижалари билан тўлдиради. Тижорат сирини муҳофаза қилиш мақсадида молиявий ҳисоб счёtlарида фақатгина сальдо қайд этилади, хўжалик жараёнлари оборотлари эса бошқарув ҳисоби счёtlарида акс этирилади.

Ҳисоб технологиясининг ушбу вариантида ишлаб чиқариш харажатларини акс этирувчи бошқарув ва бухгалтерия ҳисобининг счёtlари бухгалтерия ҳисобида калькуляциялаш счёtlари алоҳида ажратилмасдан юритилади. Бу билан бошқарув бухгалтериясининг харажатлар ва даромадлар счёtlарини бухгалтерия ҳисобининг назорат счёtlари билан тўғри корреспонденцияси таъминланади.

Шундай қилиб, ҳисобнинг интеграллашган тизимида молиявий ва бошқарув ҳисобининг ўзаро ҳамкорлиги масаласи тегишли тартибда ҳал этилади. Монографик тадқиқотлар кўрсатишича, интеграллашган ҳисоб тизими кичик бизнес корхоналарида бошқарув ҳисобини жорий этишда жуда кулай ҳисобланади.

Ихтисосликка оид адабиётлар таҳлили ва амалиётни ўрганиш шуни тасдиқладики, йирик ва ўрта корхоналарда автоном тизимни деталлаштирилган ва алоҳида юритиладиган бошқарув ҳисобини жорий этиш керакли самара беради. Автоном тизим варианти кўлланилганда молиявий ва бошқарув ҳисобларининг ҳар бири алоҳида, «берк» бўлиши лозим. Буни таъминлаш учун молиявий ва бошқарув ҳисоби учун ҳисоб сиёсатида алоҳида ишчи счетлар режаси ишлаб чиқиши тавсия этилади. Демак, автоном тизимда ҳисобнинг ҳар бир тури ўзининг мустақил ишчи счёtlар режасига эга бўлади. Бошқача айтганда, умумий счёtlар режасида бошқарув ҳисоби учун алоҳида счёtlар ажратилади ва қолган счёtlар молиявий ҳисобда ишлатилади. Натижада, молиявий ва бошқарув ҳисоби бир-биридан алоҳида юритилиши ва турли натижавий маълумотларга эга бўлиши таъминланади. Чунки молиявий ва бошқарув ҳисобларининг мақсад ва вазифалари турличадир. Молиявий ҳисобда харажатлар иқтисодий элементлар бўйича, бошқарув ҳисобида эса калькуляция моддалари бўйича гурухланади. Молиявий ва бошқарув ҳисоблари ўртасидаги алокадорликни таъминлаш учун - акс эттирувчи счёtlар (ёки экран-счёtlар)дан фойдаланиш тавсия этилади.

Акс эттирувчи счёtlар бошқарув ҳисоби учун муҳим маълумотларни молиявий ҳисобдан бошқарув ҳисобига ва аксинча ўтказиш вазифасини бажаради. Масалан, сотиш харажатларини ҳисобга олиш учун счёtlарининг бўш кодлари (экран-счёtlар) ажратилади. Чунки молиявий бухгалтерия фақатгина харажатларни синтетик ҳисоби билан шуғулланади. Шу боис, сотиш харажатларининг умумий қиймати ҳақидаги маълумотларга эга бўлинади, холос ва уларнинг ҳосил бўлиш жойлари зътиборга олинмайди. Бошқарув бухгалтерияси молиявий ҳисобда акс эттириладиган мазкур маълумотларни бошқарув ҳисобининг талабларига мувофик сотиш харажатлари ва даромадлари счёtlарида батафсил акс эттиради.

Натижада, харажатлар тўғрисида умумлаштирилган ва таҳлили (батафсил) маълумотлар харажат ва калькуляция объектлари, таркибий бўлинмалар ва бошқа белгилар бўйича маълумотлар олинишига эришилади. Масалан, товарлар турлари бўйича сотиш харажатлари счётида харажат объектлари ва моддалари бўйича норматив харажатлар, нормадан четта чиқишиларга ажратилган ҳолда гурухланади. Худди шундай гурухлашни жавобгарлик марказ-

лари бўйича ҳам амалга ошириш мумкин. Корхонанинг маржинал фойдаси қайси ҳисобот даврида ҳосил бўлганлигига қараб, ўша даврдаги доимий харажатларга камайтирилади. Кўпинчча, улар ҳосйл бўлиш жойларига қараб тақсимланади. Даромад ва харожатларни қайта тақсимлаш счётларидаги харажатларнинг барчасини ёки бир қисмини бошқарув ҳисобидан молиявий бухгалтерияга ва аксинча ўтказиш ҳакидаги маълумотлар ҳисобга олинади. Мазкур счётларда аналитик ҳисобот йили бошидан ўсиб борувчи жами билан юритилади ва ҳисобот даври тугагандан сўнг счётлар ёпилади. Ўтказувчи счётларнинг ишлатилиши бошқарув ҳисоби маълумотлари асосида молиявий бухгалтерия счётларини ёпмасдан йил якуни бўйича молиявий натижаларни аниқлаш имконини беради. Бу билан самарали бизнес-режалаштиришга ҳам шароит яратилади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, автоном тизимда молиявий ва бошқарув ҳисоби акс эттирувчи счётларни ишлатган ҳолда мустақил бир-биридан ажralган ҳолда юритилиши мумкин. Акс эттирувчи счётлар ҳисоб маълумотларини миқдорий жиҳатдан таққослаш орқали текшириш имкониятини беради. Одатда, молиявий бухгалтерия харажатлар ҳисобини корхона миқёсида харажатларни элементлари кесимида юритади. Молиявий натижалар сотишдан тушган умумий тушум (КҚСсиз)ни сотишни умумий харажатлари (товар-моддий қийматликларнинг қолдигини ҳисобга олган ҳолда) билан таққослаш орқали аниқланади. Бошқарув ҳисоби мазкур маълумотларни якуний маълумот сифатида ишлатади, якъол акс эттириш эса харажатларни якунний моддаларини молиявий ҳисобни тегишли чиқиши маълумотлари билан солишириш орқали амалга оширилади.

Ҳисоб тизимини ташкил этишни иккита вариант - автоном ва интеграллашган тизимларини тадқиқ этиш, уларни ичida бошқарув ҳисобини автоном тизимда ташкил қилиш самарали эканлигини кўрсатмоқда. Сабаби ушбу тизим ҳисобот даврининг якунланишини кутмасдан бошқарув қарорларини қабул қилиш учун керакли маълумотларни тезкор равища олиш имконини беради.

Шу билан бирга, бошқарув ҳисобини самарали ташкил этиш учун барча хўжалик юритувчи субъектларида бошқарувчилар томонидан бошқарув ҳисобини жорий этишга масъул бўлган ходимлар рўйхати тузилиши ва уни ташкил этиш шакли танлаб олиниши лозим.

Иқтисодий адабиётлар таҳлили хорижий корхоналарда бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг 4 та варианти мавжудлигини кўрсатди. Мазкур варианtlар тафсилоти 1.12-жадвалда тақдим қилинади.

**Хорижий корхоналарда бошқарув ҳисобини ташкил этиш вариантлари<sup>8</sup>**

1.12-жадвал

T/р	Хорижий корхоналарда бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг вариантлари мазмуни
1.	Биринчи вариантда бошқарув ҳисоби маҳсус акс эттирувчи счёtlар орқали молиявий ҳисобдан ажратилиб юритилади. Мазкур вариант Франция, Бельгия ва баъзи бир Лотин Америкаси ҳамда Африка давлатларида қўлланилади. Харажатлар ва натижаларни ҳисобга олиш учун синтетик счёtlар, субсчёtlар ва аналитик счёtlардан фойдаланилади. Бу вариантнинг биттасида бошқарув ҳисобини молиявий ҳисоб билан боғловчи маҳсус счёt бошқарув бухгалтериясида, иккинчисида молиявий бухгалтерияда юритилади
2.	Иккинчи вариантда бошқарув ҳисоби молиявий ҳисобга нисбатан автоном ҳисобланади ва унда учта классдаги счёtlар қўлланилади. Бошқарув ҳисобининг счёtlари молиявий ҳисобнинг счёtlарига параллел равишда юритилади, улар ўртасидаги алоқа таҳсиловчи счёtlар тизими орқали амалга оширилади. Бу вариант АҚШ, Канада, Германияда кенг тарқалган ва кўп жихатдан биринчи вариантга ўшашибdir. Бу вариантда харажатларни элементлар кесимидағи ҳисоби молиявий бухгалтерияда, калькуляция моддалари бўйича ҳисоби эса бошқарув бухгалтериясида юритилади
3.	Учинчи вариантда бошқарув ҳисоби юритилмайди, харажатлар ҳисоби ташувчилари бўйича тезкор равишда, яъни бухгалтерия ҳисоби тизимидан ташкарида, яъни оператив ҳисоб ёрдамида юритилади. Бу вариантда харажатларни синтетик ҳисоби ягона молиявий ва бошқарув бухгалтерияда харажатларни иқтисодий элементлари бўйича юритиладиган ҳисоб негизида умумлаштирилган моддалар бўйича юритилади. Бу вариант асосан Германия, Венгрия, Бельгияда қўлланилган ва етарли самара бермаган
4.	Тўртинчи вариантда бошқарув ҳисоби юритилмайди, ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби эса молиявий ҳисобда юритилади. Бу вариант ўта мураккаб бўлган ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулот танинхини калькуляциялаш тизимини умумий бухгалтерия ҳисобида тўлиқ интеграциялашга асосланган. Мазкур, вариант саноат ҳисоби шаклланиши боскичида юзага келган ва аналитик бошқарув ҳисоби пайдо бўлиши билан унга эҳтиёж қолмаган.

<sup>8</sup> Илмий ва ўқув адабиётларини таҳлил қилиш асосида диссертант томонидан тузнаган.

Шуни ҳам унутмаслик лозимки, замонавий ахборот технологиялари воситалари ягона ҳисоб тизимидағи түрлі ҳисоб турлари (бухгалтерия, солик, бошқарув)ни юритиш имконини беради. Шундай экан, бухгалтериянинг бошланғич маълумотларини бошқарув тизимида қайта ишлаш учун параллел бўлимни очиш ўрнига фаолият кўрсатадиган штатдаги ходимлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Албатта, бунда ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг ўзига хос хусусияти эътиборга олиниши шарт.

Шундан келиб чиқиб, бизнингча, монографик тадқиқотлар обьекти бўлган пахта тозалаш корхоналарида 2016 йилда тасдиқланган бошқарув аппарати ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритиш керак (10-илова). Унда «Режалаштириш» бўлими ўрнига таҳлил ишлари бошқарув ҳисобини бир бўлаги бўлганлиги сабабли маҳсус янги «Бошқарув ҳисоби» бўлимини ташкил этиш зарур. Унда бўлим бошлиги – катта бухгалтер-аналитик ва бухгалтер-аналитик штатлари бўлиши керак. «Бошқарув ҳисоби» бўлими тўғридан тўғри бош директорга бўйсуниши керак. Шунда мантиқан тўғри бўлади. Ушбу бўлим корхонада бошқарув ҳисобини юритиш ишларини олиб бориши лозим.

Тадқиқотлар бошқарув ҳисобининг таркибий тузилиши хўжалик юритувчи субъектлар ҳажми, ишлаб чиқаришни ташкил этиш хусусияти, бошқарувнинг марказлаштирилганлик даражаси, фаолият тавсифи, ҳисоб маълумотларини қайта ишлаш шаклига боғлиқлигини кўрсатмоқда.

Профессор Т.С. Сандрикова бошқарув бухгалтерияси йирик ва ўтра хўжалик юритувчи субъектларда ташкил этилаётганда: материал, меҳнат, устама харажатлар ҳисоби каби гурухларни ташкил этишини тавсия килмоқда. Мазкур гурухларнинг бухгалтерлари гурух раҳбарига бўйсунади ва нафақат харажатларни ҳисобга олиш билан, балки маблағлар сарфланишини таҳлил қилиш, истиқболини белгилаш, улардан самарали фойдаланилишини назорат қилиш билан ҳам шуғулланади.

Материаллар гурухи материаллар (харажатларни юзага келиш жойлари, масъулият марказлари, харажат марказлари бўйича) ва тайёр маҳсулотни ҳисобга олиш, материал захираларидан самарали фойдаланишни назорат ва таҳлил қилиш ҳамда улар истиқболини белгилаш ишларини бажаради.

Меңнат ресурслари гурухи ишланган вақт ва бажарилған иш ҳисобини уларнинг ҳосил бўлиш жойлари, масъулият марказлари, харажат марказлари бўйича ходимлар кесимида юритади, меңнат ресурсларидан самарали фойдаланиш устидан назорат ва таҳлил ўтказади ҳамда унинг истиқболини белгилашни таъминлади.

Устама харажатлар гурухи тегишли бўлим ва хизматлар билан биргаликда устама харажатлар сметасини ишлаб чиқади, уларнинг ҳисобини олиб боради, самарадорлигини назорат ва таҳлил қилиди.

Ушбу гурухлар фаолиятининг натижалари бошқарув ҳисоби гурухи раҳбари томонидан умумлаштирилди ва таҳлил килинади. Бунинг натижасида бошқарув бухгалтерияси томонидан: харажатлар йигма ҳисобини юритиш ва маҳсулот (иш, хизмат) таннархини ҳисоблаш, маҳсулот турлари бўйича рентабеллигини таҳлил қилиш, харажатларни прогнозлаш, илмий асосланган бошқарув қарорларини тайёрлаш каби вазифаларни ҳал этишга эришилади.

Т.С. Сандикованинг фикрича [32], бошқарув бухгалтерияси бошқарув хизматининг асосий маслаҳатчиси ва ахборот таъминотчisi бўлиши шарт. У фаол тадқиқот лабораторияси бўлиб, бошқарувни тегишли маълумотлар билан таъминлаш, ишлаб чиқариш ва бошқарув харажатларини камайтириш йўлларини топиш имконини беради ва ички эҳтиёжлар учун ҳисобот тузади. Оқибатда бошқарув ҳисоби бухгалтерининг функцияси тубдан ўзгариб, ички имкониятларни излаш ва жорий қилиш, ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган асосли бошқарув қарорларини тайёрлашда бошқарувчilarни яқин ёрдамчи сига айланди.

Шу ерда бошқарув ҳисоби билан шуғулланадиган мутахассиснинг номланиши масаласига тўхтальсак, профессор Т.С. Сандикова томонидан мазкур мутахассисни бошқарув ҳисоби бухгалтери деб номланиши бизнингча мазкур касбнинг моҳиятини тўлиқ очиб бермайди. Тадқиқотчи ушбу масалада иқтисодчи олима О.Н. Волковани куйидаги фикрлари тўғри деб ҳисоблади: «Бошқарув ҳисоби иқтисодий фаолият учун янги соҳа ҳисобланади. Шу туфайли амалиётда мазкур касбни қандай аташ бўйича ягона фикрга келинмаган. Амалиётда кўпинча бундай мутахассислар иқтисодчи деб аталади. Бизнингча, бу ном мазкур касбнинг моҳиятини тўлиқ очиб бермайди. Жаҳон амалиётида бошқарув ҳисоби соҳасида фаолият кўрсатувчи мутахассислар учун маҳсус бухгалтер-аналитик термини кўлланилади. Мазкур термин касб-

нинг хусусияти (хисоб маълумотлари) ва фаолият мазмунини (таҳлил қилиш орқали қарор қабул қилиш учун зарурий маълумотларни етказиб бериш) тўлиқ очиб беради» [65; 26-б].

Професор Б.А. Хасанов бухгалтер-аналитик касбини мазмунига тўхталиб, қўйидагиларни ёзган: «....бошқарув хисобида бухгалтер-аналитик зиммасига нафакат харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таниархини калькуляция қилиш, балки корхона ҳисоб сиёсатини шакллантириш, лойиҳалар таҳлили, сегментлар бўйича харажат ва даромадларни ҳисобга олиш, ички хўжалик трансферт баҳоларини ўрнатиш, ҳисоб тизимини компьютерлаштириш юклатилди» [41].

Бухгалтер-аналитикнинг фаолияти натижасида субъектнинг ички бўлинмалари ва хизматлари ўзаро ахборот ва ҳисботлар алмашиш имкониятига эга бўлади. Унинг бевосита ёрдами билан бўлимлар менежерлари ўзлари учун ишлаб чиқилган бизнес-режалар билан танишади ва олдига қўйилган вазифаларни аниқлаб олади.

Хозирги кунда замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этилиши оқибатида менежерлар бошқарув ҳисоби методларини кенг қўллаш орқали тезкор бошқарув ҳисоби функциясини бажармокда. Бу эса бошқарув ҳисоби билан шуғулланувчи мутахассисларни бир кисм техник вазифаларни бажаришдан ҳалос қилиб кўпроқ вақтларини стратегияларни ишлаб чиқиш ва корхона фаолиятини таҳлил қилишга сарфлашига олиб келмокда (бошқача қилиб айтганда «цифрлар қуллиги» функциясидан танқидий аналитик функциясини бажаришга ўтмокда).

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, «Бозор иқтисодиёти бошқарув ҳисоби мутахассисига юқори талабларни қўймокда. Натижада мазкур мутахассисни вазифалари шу даражада ўзгардики, у вакт ўтиши билан раҳбарни бошқарув масалалари бўйича маслаҳатчиси ва мувофиқлаштирувчи бўлиб қолди. У оддий ҳисобчидан стратег, инноватор ва танқидий фикрловчи мутахассис даражасига етди» [38].

Шундай қилиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини бошқаришда бухгалтер-аналитикнинг вазифаси бизнес-режа тузиш, унинг бажарилишини назорат ва таҳлил қилиш ҳамда натижалари бўйича рағбатлантиришдан иборат бўлади. Юқоридаги фикр-мулоҳазаларга асосланиб, ушбу жараёнда бухгалтер-

аналитикни фаолияти ташкил этиш тартибини тақдим қиласиз (1.6-чизма).



### 1.6 -чизма. Бизнес-режа тузиш ва унинг бажарилишини назорат килишада бухгалтер-аналитикнинг фаолиятини ташкил этиш търтиби<sup>9</sup>

Чизмадан кўриниб турибдикি, бухгалтер-аналитикнинг хизмат доираси кенгdir, шунинг учун унинг мазмуни молиявий хисоб бухгалтерига қараганда кенгроқ ва батафсил тақдим қилинди. Бу ерда молиявий хисоб бухгалтерининг функцияларидан ташқари режа ва таҳлил ишлари ҳам назарда тутилди. Чунки мазкур фаолият натижаларидан самарали бошқарув қарорлари қабул қилишда фойдаланилади. Ундан ташқари, сегментлар фаолиятини режалаштириш, хисоб ва ҳисботларини юритиш ҳам бухгалтер-аналитикнинг хизмат вазифасига киритилган.


<sup>9</sup>Муаллиф ишланмаси.

Шундай экан, фикримизча, йирик корхоналарда бошқарув ҳисоби бўлими корхоналарнинг ташкилий тузилмасида муҳим ўрин тутиши лозим. Ушбу бўлими бошқарув бухгалтерияси, режа-иқтисод бўлими, контроллинг бўлими ёки бирон-бир бошқача ном билан ҳам аталиши мумкин. Фақатгина энг асосийси бухгалтер-аналитикнинг функцияси юқорида таклиф қилинган вазифалар доирасида шакллантирилиши зарур.

Пахта саноати корхоналари амалиётига зътибор қаратадиган бўлсак, юқорида таъкидлаганимиздек, бошқарув ҳисоби бўлими ташкил қилиниши лозим. Фикримизча, у ҳисоб масалаларидан ташқари, ҳисобот маълумотларини таҳлил қилиш, бошқарув қарорларини асослаш ва қабул қилиш учун керакли маълумотларни тайёрлаш ва бюджетларни тайёрлаш бўйича ҳам масъул бўлиши керак. Чунки ҳозирги кунда бухгалтерия ҳисоби, назорат, режалаштириш ва таҳлил билан битта мутахассис шуғулланиши мақсадга мувофиқ. Бухгалтер-аналитик пахта тозалаш корхоналари миқёсида самарали бошқарув қарорлари қабул қилиш учун молиявий ва маркетинг таҳлили, бошқарув ҳисоби ва назорати каби вазифаларни бажариши лозим. Замонавий пахта тозалаш корхоналари учун фаолиятининг барча томонини қамраб оладиган ҳар томонламали ва комплекс бухгалтерия хизмати зарур.

Худди шундай ҳолатни Farb мамлакатлари компанияларида кўриш мумкин. У ерда режа бўлими мавжуд эмас, бухгалтерия режа бўлими ва аналитик хизмат вазифаларини бажаради, бухгалтер эса режа ва истиқболни белгилаш функцияларини ҳам бажаради. Бошқарув учун керакли барча маълумотлар бухгалтерлар томонидан тайёрлаб берилади ва ушбу фаолият «эккаунтинг» деб номланади. У кенг иқтисодий тушунча бўлиб, унга ҳисоб ишларидан ташқари режа - аналитик ишлар билан ҳам киради.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, бошқарув ҳисоби тизимини жорий этиш мураккаб ва узок давом этувчи жараён ҳисобланади. Олимлар бошқарув ҳисобини жорий этишини соддалаштирилган вариантини тавсия қилмоқда. Масалан, россиялик иқтисодчи олима Н.Чупахина бошқарув ҳисобини 1.7-чизмада келтирилган босқичларда жорий этишини тавсия қилган.



### 1.7 - чизма. Бошқарув хисобини жорий этиш боскичлари

*Манба: Чупахина Н.И. Постановка системы управленческого учета в агрохолдингах. Аудит и финансовый анализ. №3. 2008.*

Бизнингча, пахта тозалаш корхоналарида бошқарув хисобини жорий этишда ушбу вариантдан фойдаланиш мақсадга мувофик бўлади.

Шундай қилиб, юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда бухгалтериянинг бошқарув хисоби эҳтиёжига йўналтирилиши ва

маълумотларни бир марта киритилиши молиявий ва бошқарув ҳисобининг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйишнинг самарали варианти деган хуносага келиш мумкин.

Иқтисодий адабиётлар таҳлили хўжалик юритувчи субъектларда бошқарув ҳисобининг замонавий тизимини жорий этиш ва юритишнинг асосий мақсади маълумотларни тезкор ва деталлаштирилган тартибда тўплаш, бир тизимга солиш ва таҳлил қилиш асосида бошқарувнинг барча бўғинларини асосли бошқарув қарорлари қабул қилиш учун керак бўладиган режа, ҳақиқий ва прогноз маълумотлари билан етарли миқдорда ҳамда ўз вақтида таъминлашдан иборатлигини кўрсатди.

Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, бошқарув ҳисобидан фойдаланишини куйидаги асосий вазифаларини ажратиб кўрсатишимииз мумкин:

### **Бошқарув ҳисобидан фойдаланишининг асосий вазифалари<sup>10</sup>**

1.13 - жадвал

T/р	Бошқарув ҳисобидан фойдаланишининг асосий вазифаларининг мазмуни
1.	Корхонанинг стратегиясини танлаш, амалга ошириш ва самаралилигини баҳолаш учун фаолиятига таъсир этувчи ташки омилларни кайд этиш ҳамда ҳисобга олиш
2.	Корхона фаолиятининг миқдор ва сифат кўрсаткичларини (шу жумладан, сифат, меҳнат унумдорлиги, товарлар (хизмат)ни мижозлар учун фойдалилиги, ходимларнинг содиклиги ва х.к.) комплекс тизими истиқболини белгилаш, режалаштириш, ҳисоб ва таҳлилда ишлатиш
3.	Корхона бошқарувининг барча бўғинларида бошқарув қарорларини қабул қилиш, уларни амалга оширишни назорат қилиш ва самарадорлигини баҳолаш жараёнларини асослаш
4.	Корхонанинг ички жараёнларини амалга ошириш устидан назорат қилиш, уларнинг самарадорлиги ва мослашувчанлиги ҳамда компанияни рақобатбардошлигини ошириш мақсадида тегишли ўзгартишларни ўз вақтида ишлаб чиқиб жорий этиш

Иқтисодий адабиётларда «.....бошқарув ҳисобининг маълумотлари корхонанинг тижорат сири ҳам ҳисобланади » [103,13-б.], деб таъкидланган. Унга мисол қилиб ишлаб чиқариш ҳаражатлари миқдори ва даражаси, калькуляциялаш, фойданинг шаклланиш манбалари, зарар келтираётган ва юқори рентабелли маҳсулотлар,

<sup>10</sup> Илмий ва ўқув адабиётларини таҳлия қилиш асосида диссертант томонидан тузилган.

алоҳида бир турдаги маҳсулотларнинг фойда нормаси ҳақидаги ва бошқа маълумотларни кўрсатиш мумкин.

Тижорат сирига киравчи маълумотларни муҳофаза қилмасдан пахта тозалаш корхоналарида бошқарув ҳисобини самарали ташкил этиш мумкин эмас. Шунинг учун тадқиқотда ушбу масалани ёритиш мақсадга мувоғиқ деб топилди.

Ундан ташқари, «Ўзпахтасаноат» АЖ томонидан 2016 йил 30 июнда тасдиқланган ««Ўзпахтасаноат» акционерлик жамиятини ахборот сиёсати ҳақидаги» низомда «маълумотларни тижорат сирига киритиш, ундан фойдаланишга рухсат беринш тартиби ва шартлари жамият томонидан Ўзбекистон республикасини «Тижорат сири ҳақидаги» қонуни ва бошқа қонунчилик хужжатлари асосида ишлаб чиқилади»[102], деб таъкидланган.

Шунингдек, низомда ахборот сиёсатини асосий тамойиларидан бири ахборот ресурсларини муҳофаза қилиш тамойили ҳисобланиши ва асосий шартлардан бири сифатида тижорат сирига киравчи маълумотларни муҳофаза қилиш эканлиги белгиланган. Бу эса пахта тозалаш корхоналари учун тегишли низом ишлаб чиқишини тақозо қиласди.

Бунда 2015 йил 11 сентябрда қабул қилинган «Тижорат сири тўғрисида»ги қонун асосида Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва ракобатни ривожлантириш давлат кўмитасининг 2016 йил 21 июндаги 01/26-26/40-сонли «Ходимлари тижорат сиридан фойдаланадиган корхона ва ташкилотлар учун тижорат сири режимига риоя этилиши бўйича намунавий низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «Ходимлари тижорат сиридан фойдаланадиган корхона ва ташкилотлар учун тижорат сири режимига риоя этилиши бўйича намунавий низом» (мазкур қарор Ўзбекистон республикаси Адлия вазирлигига 2016 йил 28 июнда 2818 рақам билан рўйхатдан ўтказилган) хукуқий асос бўлади. Ушбу намунавий низомда тижорат сирига оид умумий қоидалар, ташкилий масалалар, тегишли рўйхатни шакллантириш тартиби, тижорат сири грифини бериш, тижорат сиридан фойдаланишга ижозат бериш, уларни қабул қилиш, рўйхатта олиш ва ҳисобини юритиш, улар билан ишлаш тартиби, назоратга олиш каби масалалар ёритилган. Шунингдек, тижорат сири билан ишлаш жараённида кўлланиладиган хужжатлар шакли илова қилинган. Пахта тозалаш корхоналарида ушбу хужжатлардан намуна сифатида фойдаланиш лозим.

Юқорида таъкидланган қарорга кўра «Тижорат сири – учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли фан-техника, технология, ишлаб чикириш, молия-иктисодиёт соҳаларида ҳамда бошқа соҳаларда тижорат қимматига эга бўлган, конуний асосда эркин фойдаланилмайдиган ахборот бўлиб, ушбу ахборот мулкдори унинг маҳфилигини муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирларни кўради» [7].

Пахта тозалаш корхоналарида тижорат сирини муҳофаза қилиш учун тегишли ҳужжатлар мажмунини ишлаб чикиш ва бир қанча ташкилий тадбирларни амалга ошириш керак (1.8-чизма).

- 1 • Даставвал корхонада тижорат сирига кирувчи маҳфий характердаги маълумотлар гаркабини аник белгилаб олини зарур
- 2 • Тижорат сирини химоя қилиш тартиби, тижорат сирига кирувчи маълумотлар ташувчиларини маржировка қилиш тартиби, маҳфий характердаги маълумотлар билан ишлаш хуқусига эга шахслар ва уни изорат килувчи ходимлар тартиби, маҳфий маълумотларни олқор қилиш бўйича жавобгарлик масаласи ва бошқа акс этирилган низом ишлаб чикиши керак
- 3 • Корхонанинг барча ходимларининг ишлаб чикарган ва амалиётига жорив этилаётган ҳужжатлар билан танилишириш ва ишлаш жараёнда хизмат вазифасига кура тўқанин келадиган маҳфий маълумотларни олқор қиласалтий хакида огохлантириш ва тегиши ёзма мажбуриятига имзо чектириши лозим
- 4 • Ходимларга корхонада тижорат сири тартибига амал қилинishi для учун барча шароитлар яратиб берилishi дозим. Бундай шароитларга маҳфий маълумотларга эга бўлган ҳужжатларни маҳсус шароитда саклаш учун тегишли шароитларни яратилиши, компьютер тармоғи, ингериент тармоғига тегишли парол ва логинларнинг урнатилиши ва хокказолар киради
- 5 • Тижорат сири тартиби жорий этиласанда доимо ходимлар билан тегишини ўқув тадбирлари ўтказилиб турилиши зарур. Бу тадбирларда тижорат сири тартиби зарурлиги, мазмуни ва аҳамияти тушунтирилиши лозим

### 1.8 - чизма. Ҳўжалик юритувчи субъектларда тижорат сирини таъминлаш учун зарур бўлган ташкилий тадбирлар<sup>11</sup>

Тадқиқотлар натижаларига кўра тижорат сирини муҳофаза қилишда тегишли маълумотларни химоя қилиш методлари шакллантирилди ва уларни қўллашнинг аҳамияти тавсифланди (1.9-чизма).

Юқорида таъкидланган қарор ва намунавий низом ҳамда амалиётни ўрганиш асосида пахта тозалаш корхоналари учун

<sup>11</sup> Муаллиф ишланимаси.

«Тижорат сири режимига риоя этиш бўйича» намунавий низом ишлаб чиқилди ва тавсия қилинмоқда (11-илова).



### 1.9 - чизма. Маҳфий маълумотларни химоя килиш методлари<sup>12</sup>

Тадқикот аввалида таъкидланганидек, бошқарув ҳисобини ташкил этиш давлат томонидан қонунда белгилаб қўйилмаган. Бошқарув ҳисоби корхона менежментининг қарори билан юритилади ва корпоратив меъёрий хужжатлар билан тартибга солинади. Шунинг учун ҳам корхоналарда ҳисобнинг ички тартиб-коидаларини ишлаб чиқиши ўта муҳим масала ҳисобланади. Ушбу коидалар бошқарув ҳисоби низоми кўринишида ишлаб чиқлади ва корхоналарнинг муҳим ички меъёрий хужжати ҳисобланади.

Тадқикотлар кўрсатишича, бошқарув ҳисоби ҳақидаги низомни ишлаб чиқиш корхонадаги мавжуд ҳисбот ва режалаштиришни бир тизимга солиш имконини беради. Унда ҳисоб жараёни қанчалик батафсил баён қилинса, бошқарув ҳисобини юритишда шунчалик кам муаммоли ҳолатларга дуч келинади. Шуни ҳам унутмаслик лозимки, корхона ривожланган сари ва вақт ўтиши билан ҳар қандай ишчи хужжатлар эскириб боради, шунинг учун корхонани самарали фаолият олиб бориши учун ўз вактида мавжуд регламентларга ўзгартиришлар киритиш ёки янги қоида ва меъёrlарни ишлаб чиқиш зарур.

<sup>12</sup> Муаллиф ишламиаси

Юқорида таъкидланган бошқарув ҳисоби бўйича ишчи ҳужжатни ишлаб чиқиш тартиби ва иқтисодий адабиётлар таҳлили асосида бошқарув ҳисоби ҳақидаги намунавий низом ишлаб чиқилиб, таклиф этилмоқда (12-илова). Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бошқарув ҳисобига оид ёндашувлар қотиб қолган эмас ва шунинг учун ҳам кўпинча иқтисодий адабиётларда уларни танқидий кўриб чиқиш керак деган фикрлар учрамоқда.

Бу масалада кўп танқидий фикрлар билдираётган олимлардан бири баланслаштирилган кўрсаткичлар тизими - Balanced Scorecard (BSC) назариясини яратувчиси Роберт Каплан ҳисобланади. Бу ва унга ухшаш бошқа назарияларга кўра, ҳозирги замон бизнеси кундан-кунга одатий моддий актив ва стандарт бошқарув тадбирларига боғлик бўлиб қолмасдан, анъанавий ҳисоб тизимида эътиборга олинмайдиган ва баҳоланмайдиган актив, восита ва ҳодисаларга кўпроқ боғлик бўлиб қолмоқда. Бу ерда сўз бозор улуши, инсон капитали, мижозларни қоникиши ва ҳайриҳоҳлиги, имиж, ташқи муҳитни баҳолаш ва бошқа рақобатбардошлик нуқтаи назаридан муҳим, бироқ анъанавий ҳисоб инобатга олмайдиган тавсифлар ҳақида бормоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ушбу кўрсаткичлар бошқарув ҳисобидан ташқарида маълум бир даражада бошқарув қарорлари қабул қилишда эътиборга олинса ҳам уларни амалда доим ҳам аниқ ўлчаб бўлмайди. Тенденция шундай кетяптики, мақсад ҳисоб ва режалаштириш жараёнида маркетинг ва молиявий кўрсаткичлар ўртасидаги чегараларни олиб ташлашдан иборатdir. Шундай килиб, бошқарув ҳисоби тизими келажакда муваффакиятга эришишда муҳим роль ўйнайдиган молиявий бўлмаган кўрсаткичлар: тайёр маҳсулотнинг сифати, доимий мижозлар буюртмалари даврийлиги, маркетинг ташаббусларига мижозларни эътибор бериш муддати, логистика самарадорлиги, янги маҳсулотларни яратиш ва бозорга олиб чиқиш муддати ва ҳоказоларни акс эттиришга кўпроқ эътибор қаратиши керак.

Бошқарув ҳисобининг замонавий тизими ҳақидаги бундай танқидий фикрлар конструктив бўлмоқда ва харажатлар функциялари бўйича ҳисобга олиш (ABC costing), баланслаштирилган кўрсаткичлар тизими (Balanced Scorecard) ва бошқа янги методларни яратилишига сабаб бўлди. Бироқ, бундай янгиликлар ва инқилобий ёндашувлар анъанавий ҳисоб ролини пасайтирумайди

ҳамда уни методларини такомиллаштириш заруратини бекор килмайди.

Хозирги кунда бошқарув ҳисоби кучли ривожланиш босқичидадир. Бу ҳолат бухгалтерия ҳисобини суст тизим сифатидаги обруйига мөс келмайди. Бошқарув ҳисобини баъзи бир янги методлари менежментни маркетинг, мухандислик-лойиҳалаштириш, ишлаб чиқаришни бошқариш, меҳнат ресурсларини бошқариш, режалаштириш ва ҳоказо каби функцияларига ўхшашлигини тасдиклайди.

Харажатларни бошқаришнинг асосий мақсади самаралироқ усул билан маълум бир товар ёки хизматларнинг мижозларни қондирадиган баҳосини аниқлаш, мазкур товарларни мижозларга ушбу баҳо бўйича сотиш ва бу билан кўзланган фойдага эришиш имкониятини тадқик этиш мумкинлигини аниқлашдан иборатdir. Шундай қилиб, бошқарув ҳисобини истиқболи қўпчилик ўйлаганидек таннархни калькуляциялаш билан эмас, балки сотиш баҳосини калькуляциялаш билан боғлиқдир, чунки бу маҳсулот (товарлар, хизматлар)ни бозорга олиб кириш ва бизнесда пешқадамлик мавқеини эгаллашда айниқса муҳим аҳамиятга эгадир.

## **II БОБ. БОШҚАРУВ ҲИСОБИННИНГ МУҲИМ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ СИФАТИДА БЮДЖЕТЛАШТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

### **2.1. Бошқарув ҳисобида бюджетлаштириш ва унга ташкилий- услубий ёндашувлар**

Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳон бозорида талаб катта бўлган маҳсулот - пахта толасининг асосий ишлаб чиқарувчиси ва етказиб берувчиси ҳисобланади. Республика пахта толаси ишлаб чиқариш бўйича ва уни экспорт килиш бўйича жаҳонда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди.

Пахта хомашёсини қабул қилиш ва қайта ишлаш, пахта толасини жаҳон бозори талабларидан келиб чиққан ҳолда экспорт қилиш бўйича ягона комплексни яратиш, пахта ва ёг-мой маҳсулотларининг сифатини ҳамда рақобатдошлигини ошириш, шунингдек, республиканинг пахта тозалаш ва ёг-мой корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун инвестицияларни, жумладан, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш мақсадида пахта толасини қабул қилиш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш бўйича «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компаниясини ташкил этиш тўғрисида 2015 йил 27 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4761-сонли ««Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компаниясини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Ушбу фармонни бажарилишини таъминлаш мақсадида 2015 йил 28 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ««Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2422 сонли Қарори имзоланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4761-сонли Фармонига кўра холдинг компанияси «Ўзпахтасаноат» АЖ, «Ўзпахтаэкспорт» АЖ, «Ўзпахтаёғ» АЖ ва «Пахтасаноат илмий маркази» АЖлари асосида ташкил қилинди (13-14-илловалар). Холдинг зиммасига пахта толасини қабул қилиш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш борасидаги фаолиятни самарали ташкил этиш вазифаси юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2015 йил 28 октябрдаги ПҚ-2422 сонли Қарорида холдинг компания таркибига кирувчи акциядорлик жамиятларини шакллантириш тартиби қуидагича белгиланган:

«.....пахта хомашёсини қабул қилиш ва қайта ишлашни ташкил қилиш бўйича — тугатилаётган “Ўзпахтасаноат” уюшмаси негизида ташкил этилаётган «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамияти (15-илова) ва унинг худудий филиаллари (16-илова), ушбу акциядорлик жамиятига «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмаларининг устав фондларидағи акцияларнинг давлат пакетларини топшириш ҳисобига унинг устав фонди шакллантирилади;

пахта толасини саклаш ва экспорт қилишни таъминлаш бўйича — «Ўзпахтасаноатэкспорт» акциядорлик жамияти (17-илова), унинг устав фонди Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги хузуридаги ташки савдо компанияларининг пахта терминаллари (18-илова) устав фондларидағи улушларини баҳолаш қиймати бўйича топшириш ҳисобига шакллантирилади;

пахта ёғи ишлаб чиқариш бўйича — «Ўзпахтаёф» акциядорлик жамияти (19-илова), унинг устав фонди пахта ёғи ишлаб чиқарувчи корхоналарни Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси таркибидан чиқарган ҳолда уларнинг устав фондларидағи акциялар (улушлар)нинг давлат пакетларини топшириш ҳисобига шакллантирилади» [4].

«Ўзпахтасаноатэкспорт» Холдинг компанияси таркибида жами 230 та, шу жумладан, 98 та (4–5 аррали жинлар ўрнатилган бир батареяли ва 8–10 аррали жинлар ўрнатилган икки батареяли) пахта тозалаш заводи, 21 та ихтисослашган пахта терминали, 23 та ёғ заводлари ва бошқа корхоналар киради.

Бундай мураккаб тузилма таркибидаги пахта тозалаш корхоналарида бошқарув ҳисоби тизими ўзига хос ташкилий-технологик хусусиятларга боғлиқлиги билан фарқланади. Шу билан бирга мазкур тармоқ корхоналари учун бошқарув ҳисобининг умумий методологик масалалари ҳам мавжуд бўлиб, улар жумласига бюджетлаштиришни жорий этиш ҳам киради.

Бюджетлаштиришнинг моҳиятини чукур англаш учун эса аввал унинг бошқарув ҳисобидаги ўрни ва ролини аниқлаб олиш зарур. Иқтисодий адабиётларда бу борада ҳалигача мунозаралар давом этмоқда. Уларни таҳлил қилиш иқтисодчи олимлар бюджетлаштириш бошқарув ҳисобининг ажралмас бир қисми, базиси, методи ва элементи, методининг элементи сифатида ифодалаётганлигини кўрсатмоқда.

Муаллиф бюджетлаштиришга бошқарув хисобининг ажралмас бир қисми сифатида қараётган олимлар фикрлариға қүшилади, чунки бошқарув хисобида бошқарув мақсадлари учун ҳакиқий маълумотлардан ташқари, прогнозлаштириладиган маълумотлар ва режалаштириладиган кўрсаткичлардан ҳам фойдаланилади. Шунинг учун ҳам бюджетлаштириш бошқарув учун ўта муҳим бўлган режа маълумотларини етказиб берувчи куйи тизим сифатида пахта тозалаш корхоналарида бошқарув хисобининг ажралмас қисми хисобланади.

Халқаро амалиётга эътибор қаратадиган бўлсак, уларда бюджетлаштириш бошқарув хисобининг таркибий қисми ва йўналишларидан бири сифатида ташкилий-услубий таъминланган ҳамда амалиётда қарор топган.

Тадқиқотлар бюджетлаштиришнинг тарихи узоқ эканлигини ва буни эрамиздан аввалги 2500-2400 йиллардаги қадимий Миср хисобига оид ҳужжатлар тасдиқлашини кўрсатмоқда. Бюджетлаштириш ҳакидаги маълумотлар дастлаб, «Эски итальян бухгалтерияси»да, кейинчалик XIX асрда Англияда пайдо бўлган бўлсада, бюджет илк бор 1912 йили АҚШда тузилган. 1920 йилларга келиб, бюджетлар «DuPont», «General Motors», «ICI», «Siemens» каби йирик саноат компанияларида харажат ва тушумларни бошқариш воситаси сифатида қўлланила бошланган.

Тадқиқотчилар О.В.Гринкевич, А.Е.Иванниковлар Россияда бюджетлаштиришни юзага келиши ва ривожланишининг 5 та босқичини ажратиб кўрсатган (19-илова). Ушбу иловада бюджетлаштиришнинг юзага келиш тарихи узоқ даврни ўз ичига олсада, факатгина бозор иқтисодиёти шароитида тўлақонли ривожланганини тавсифланган.

«Бюджетлаштириш атамаси собиқ Иттифоқнинг иқтисодий адабиётлари ва ҳисоб тизими амалиётига профессор А.П. Рудановскийнинг тадқиқотлари орқали кириб келган» [95].

«Илк марта рус тилига таржима қилинган корхоналарнинг ҳўжалик фаолияти бошқарувига бюджет ёндашувини баён қилган асар – фундаментал китоб эса «Юқори погона бошқарув ходимлари учун курс» (М.Экономика, 1970. 807 б.) хисобланади.

Шуни ҳам айтиш керакки, ўтган асрнинг 70-йилларида ушбу китобнинг бюджет бошқаруви масалаларига бағишланган бўлими мамлакатимиз мутахассислари томонидан қабул қилинмади, чунки, у мамлакатимиздаги режалаштириш ва бошқарув амалиётидан

тубдан фарқ қиларди. Ҳозирги кунга келиб эса юқоридаги китоб библиографик жиҳатдан нодир бўлиб қолди» [70; 4-б.].

Анъанавий бюджетлаштириш тизими немис ва америка мактабларига мансуб. Жумладан, анъанавий бюджетлаштиришнинг бошлангич асослари Тейлорнинг қарашлари (фикр ва харакатларнинг таҳсилланиши), Форднинг қарашлари (доимий иш вакти, пул орқали рағбатлар тизими) ва Слоаннинг қарашлари (кўрсатичлар орқали марказлашган бошқарув) дан бошланган.

Ҳозирги кунга келиб, бюджетлаштиришнинг аҳамияти кун сайин ортиб бораётганлиги сабабли иқтисодий адабиётларда унга бағишлиланган турли қарашлар пайдо бўлмоқда. Иқтисодий адабиётлар таҳлили уларда бюджетлаштириш атамаси турлича талқин қилинаётганligини кўрсатмоқда. Бизнингча ушбу атамани моҳиятини чуқур тушуниб этиш учун унинг асосий элементи - «бюджет»ни тадқиқ этиш керак.

Бу соҳада кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда ва турли нуктаи назарлардан тадқиқ этилмоқда. Масалан, тадқиқотчи Е.Р.Мухина [30] бюджетни иқтисодий, хукуқий, ташкилий ва моддий нуктаи назардан тадқиқ этган.

Уларни ўрганиш шуни тасдиқламоқдаки, ҳатто, иқтисодий адабиётларда бюджет атамаси ўрнига режа ва смета атамалари ишлатилаётган холлар ҳам учраб турибди. Бу ҳолат бюджет атамасининг маъносини тушунища чалкашлик ва тушунмовчиликларга олиб келмоқда.

Бюджетлаштириш атамасига тўхталадиган бўлсак, баъзи бир иқтисодчи олимлар «Режалаштириш» ва «Бюджетлаштириш» синонимидир деган фикрни билдирамоқда. Биз бу фикрга қўшилмаймиз, чунки «Режалаштириш» – ҳаракатларни режалаштириш, «Бюджетлаштириш» – эса натижа (молиявий натижа)ни режалаштириш демакдир. Бюджетлаштиришни режалаштиришсиз жорий этиш мумкин эмас. Режалаштиришнинг бюджетлаштиришдан асосий фарқи унда асосий эътибор охирги натижага эмас, балки режалаштириш жараёнинг қаратилади.

Ихтисосликка оид адабиётлар ўрганилиб, хорижий ва республикамиз олимларининг бюджет ва бюджетлаштириш терминларига оид нуктаи назарлари тадқиқотда бир тизимга солиниб тадқиқ этилди (21-илова). Унга қўра олимлар бюджет ва бюджетлаштириш терминларини зарурлиги, моҳияти ва аҳамиятини чуқур очиб берганлигини кўриш мумкин.

Монографик тадқиқотлар обьекти бўлган пахта тозалаш корхоналари амалиётини ўрганиш ҳозирги кунда факатгина бизнес-режа тузилаётганлигини кўрсатди.

Бюджетлаштириш бизнес-режадан фарқ қиласи ва маълумотларни ички истеъмолчилари (корхона раҳбар ходимлари) учун мўлжалланган. Шу сабабли унинг маълумотлари корхонанинг тижорат сирига киради.

Мамлакатимизга «бюджет» атамаси ўтган асрнинг 90-йиларида бюджетлаштиришга оид инглиз тилидаги иқтисодий адабиётлар таржимаси орқали кириб келди.

Бюджет атамасининг таърифига бевосита тўхтадиган бўлсак, иқтисодий адабиётларда «Бюджет» атамасига оид кўплаб таърифлар мавжуд бўлиб, улар 22-иловада бир тизимга солинган.

Иловани таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, олимлар бюджетни турлича: режа, режанинг микдорларда ифодаланиши, молиявий режа ва жадвал сифатида таърифламоқда, энг асосийси жуда батафсил таърифлар ҳам мазкур атаманинг маъносини тўлиқ очиб бермаяпти.

«Бюджет» тушунчаси тор маънода харажатлар сметаси, кенг маънода эса маълум бир вақт учун режалаштирилган баланслаштирилган даромад ва харажатларни англатади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқкиб, муаллиф томонидан бюджет атамасига қўйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ деб топилди: бюджет нафақат даромад ва харажатларнинг батафсил (деталлаштирилган) режаси, балки молиявий рискларни хисобга олган ҳолда талаблар ва мажбуриятларни бошқариш, режалаштиришнинг самарали воситаси ҳамда ходимларни рағбатлантириш тизимининг асоси ҳам хисобланиб, корхонанинг максимал молиявий барқарорлик ва молиявий самараదорликка эришиши учун шакллантирилади ва у асосида тактик ҳамда стратегик қарорлар қабул қилинади.

Шундай қилиб, бюджетни бухгалтерия хужжати эмас, балки бошқарув хужжати деб хисоблаш мумкин.

Бюджетлаштириш (инглизча budgeting сўзидан олинган) терминига тўхталсан, иқтисодий адабиётларни тадқиқ этиш узок тарихий илдизларга эга бўлишига қарамай, ҳозиргача унинг таърифи бўйича ҳам ягона бир фикрга келинмаганлигини кўрсатмоқда. Бундан ташқари, ҳозирги кунда бюджетлаштиришга кўпроқ бошқарув воситаси сифатида қаралаётганлиги сабабли унга

оид күплаб асарлар яратилмоқда. Бу эса бюджетлаштиришга оид таърифларни янада күпайишига олиб келмоқда.

Иқтисодий адабиётларда соҳа олимлари томонидан «Бюджетлаштириш» атамаси турлича таърифланаётганлиги сабабли, тадқиқотда мавжуд нұқтаи назарларни таққослама таҳлили ўтказилди (23-илова).

Таҳлилдан күриниб турибдикі, хар бир муаллиф бюджетлаштириш атамасининг таърифига маълум бир улуш күшиб, мазмунига аниқлик киритмоқда ёки тұлдирмоқда. Барча фикрларнинг туташған нұқтаси бюджетлаштириш жараённің корхона фаолиятini режалаштириш, назорат ва таҳлил жараёны билан узвий болық бўлмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бюджетлаштиришга оид қуидаги муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди: «Бюджетлаштириш режалаштириш, ҳисобга олиш, назорат ва таҳлил қилиш жараённін бир тизимга бирлаштирувчи ахборот тизими бўлиб, бошқарувнинг энг мураккаб, муҳим функцияларидан бири ҳисобланади ва истиқболда кўзланган мақсадларни тизимли белгилаш ҳамда уларга эришиш учун керакли тадбирларни ишлаб чиқишни билдиради».

Иқтисодий адабиётлар таҳлили бюджетлар тузиш қиёсий белгилари ва мезонларига кўра турлича таснифланаётганлигини кўрсатмоқда. Бизнингча, пахта тозалаш корхоналарида бюджетлар тузиш шакллари тармоқ хусусиятидан келиб чиқиб, қуидаги қиёсий белгилари ва мезонларига кўра таснифланса мақсадга мувофик бўлади:

**Пахта тозалаш корхоналарида бюджетларнинг шаклларини тузиш белгилари ва мезонларига кўра қиёсий таснифланиши<sup>13</sup>**

2.1-жадвал

Бюджетларнинг шакллари бўйича	Бюджетларни бош бюджетга боғлиқлиги бўйича	Корхонанинг фаолият турларига кўра
1. Статик бюджет 2. Мослашувчан бюджет 3. Ҳақиқий бюджет	1. Операцион бюджет 2. Инвестиция бюджети 3. Махсус бюджет 4. Йиғма бюджет	1. Тайёрлов бюджети 2. Қайта ишлаш бюджети 3. Сотиш бюджети

<sup>13</sup> Муаллиф ишланимаси

Бюджетлаштиришга оид услугбий ёндашувлар иқтисодий адабиётларда турлича баён қилинган ва номланган, масалан, Ж. К. Шим, Ж. Г. Сигел, Т.П. Карпова каби олимлар уни «режалаштиришнинг фалсафаси, бюджетлаштиришнинг стратегияси ва методлари», - деб талқин этган.

Бюджетлаштиришнинг анъанавий воситалари ўзида «Дастурий-мақсадли бюджет» (АҚШда 1949-1962 йилларда ишлаб чиқилган ва амалиётда синалган), «Режалаштириш-дастурлаш-бюджетлаштириш» (1963-1971 йилларда яратилган) ва «Мақсадлар бўйича бошқарув» (1972-1975 йилларда амалиётга жорий қилинган)ни қамраб олади. Бюджетлаштиришни илгор усулларига эса «Нолдан бошлаб ишлаб чиқиладиган бюджет» (1977-1981 йилларда ишлаб чиқилган), «Натижавийликка асосланган бюджетлаштириш» (1993-1999 йилларда яратилган) ва «Ҳисоблаш усулига асосланган бюджетлаштириш» (2000 йилда амалиётга жорий қилинган) киради.

Тадқиқотларни кўрсатишича бюджетлаштиришда бюджет турини тўғри танлаш катта аҳамиятга эга ва у корхоналар фаолиятини ўзига хос хусусияти, танлаган стратегияси ҳамда бозорнинг кўламига боғлиқ бўлади. Бунда энг асосийси бюджетлаштиришни жорий этиш бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш учун асос яратилишига олиб келишига эътибор қаратилиши керак.

«Амалиётда бюджетлаштиришнинг ҳажми, қамрови ва кўламига кура ёппасига<sup>14</sup> бюджетлаштириш, зарур даражадаги бюджетлаштириш, минимал даражада бюджетлаштириш, даромад ва харажатларни бюджетлаштириш каби турлари мавжудdir. Ёппасига бюджетлаштиришда корхона томонидан амалга ошириладиган барча функцияларни доимий режалаштириш назарда тутилади. Зарур даражадаги бюджетлаштиришда молиявий бюджетларни ҳисоб-китоблари учун маълум даражадаги операцион (моддий, меҳнат харажатлари ва бошқалар) бюджетлар тузилади. Минимал даражада бюджетлаштиришда корхонада пул маблағлари ҳаракати, фойда ва заарлар ва прогноз бухгалтерия баланси каби молиявий бюджетлар тузилади. Даромад ва харажатларни бюджетлаштиришда эса факатгина чоракларга бўлинган йиллик даромад ва харажатлар бюджети тузилади» [97; 25-26-б.].

<sup>14</sup> Тадқиқотда атамалар якка ва мутлоқ ҳақлиги ҳамда тўғрилигига дарьвогарлик қилинмаган ҳолда кўлланилмоқда.

Фикримизча, бюджетлаштириш даври ва даражасини танлашда бюджетларни аниклаштириш бўйича мутаносибликни ўрнатилиши ва бюджет даври етарли даражада узоқ ва қисқа муддатли бўлишига эришиш лозим.

Тамойиллар бюджетлаштириш тизими мазмунини белгилайди ва шу сабабдан бюджетлаштириш тегишли тамойилларга асосланиши лозим (24-илова).

Амалиётни ўрганиш пахта тозалаш корхоналарида бюджетлаштиришнинг жорий этишни самарали бошқарув тизимисиз амалга ошириб бўлмаслигини кўрсатди. Шунинг учун бизнингча, бюджетлаштириш масалалари билан доимий фаолият юритувчи консультатив гурӯҳ мақомига эга бўлган алоҳида кенгаш – «Бюджетлаштириши жорий этиш ва таҳлил» кенгаши шуғулланиши лозим.

Ушбу кенгаш таркибига пахта тозалаш корхоналарида иктисадчи мутахассислардан ташқари бош муҳандис, бош механик, тайёрлов бўлими бошлиғи, смена бошлиқлари (усталар), тайёрлов масканлари мудирлари, лаборатория бошлиғи, катта товарушнослар ва бошқалар кириши керак. «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамиятининг вилоятлардаги худудий филиалларида ҳам шундай кенгашлар ташкил этилиши ва фаолият юритиши мақсадга мувофиқ, бўлади.

Иктисадий адабиётларни ўрганиш корхоналарда бюджетлаштириши жорий этиш бюджетлаштириш ҳақидаги низомга асосланиши керак, деган фикр кўп учрашини кўрсатди. Бизнингча ушбу низомда, қўшимча равишда маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва бюджетларни шакллантириш тартиби масъул шахслар ва бюджет бажарилиши муддатлари кўрсатилган ҳолда акс эттирилиши белгилаб қўйилиши лозим.


Бюджетлаштириш ҳақидаги низомни ишлаб чиқиши билан бюджетлаштириши жорий қилиш ва таҳлил кенгаши шуғулланиши зарур. Ушбу низом бюджетлаштириши самарали жорий этишни, амалга ошириш тартиб ва уни бошқарув тизимидағи ролини ҳамда ўрнини белгилаб бериши керак.

Энг муҳими, «....«Бюджетлаштириш ҳақида»ги низомда турли бўғин ва мақсадлардаги бюджетларни ўзаро алоқасига асосланган бюджетлаштириш ва таҳлилни амалга ошириш алгоритми алоҳида аҳамиятга эга бўлади» [21; 31-б.].

Ушбу талабларни ҳисобга олган ҳолда пахта саноати корхоналари учун «Бюджетлаштириш ҳақида»ги намунавий низом лойиҳаси тавсия этилди (25-илова).

Мазкур низом ишлаб чиқилгандан сўнг у асосида бюджетни шакллантиришига киришиш мумкин. У ўтган ҳисобот даври бюджети таҳлилидан бошланади ва таҳлил маълумотлари асосида бюджетлар тузилади. Мазкур жараён бюджет бажарилиши назорати билан якунланади. Улар биргаликда бюджет циклини ташкил этади (2.1 - чизма).

Чизмадан кўриниб турибдикি, бюджет жараёни узлуксизлигини таъминлашнинг асосий шарти бюджет ва ҳақиқий маълумотларни тақкослама таҳлилини ўтказишдан иборатdir. Ундан ташқари, ушбу таҳлил асосида келгуси йил бюджети кўрсаткичлари шакллантирилади. Умуман олганда мазкур таҳлил бир вақтнинг ўзида бюджет циклини бошланғич ва якуний боскичи ҳисобланади, шу билан айланиб ўз ҳолатига қайтади (шуниг учун ҳам цикл деб аталади).




## 2.1 - чизма. Бюджетларни шакллантириш жараёнининг боскичлари

Манба: Йибориц К.В. *Бюджетирование деятельности промышленных предприятий России*. - М.: Издательство «Дело и Сервис», 2005. С.9.

Юкорида таъкидланган тартиб-коидалар, вазифа ва тамойиллар ҳамда низомга таянган ҳолда пахта тозалаш корхоналари амалиётида бюджетлаштиришни самарали жорий этиш учун куйидаги услубий алгоритм тавсия қилинади (2.2 - чизма).

Бюджетлаштиришни жорий этишда дастлаб тармоқ корхоналарини йил давомида бюджетда белгиланган миқдорда пахтани қайта ишлаш ва режадаги даромадга эришишини таъминлаш каби мақсад ва вазифалари белгилаб олинади. Бунинг учун тегишли

молиявий тузилмалар: «Бюджетлаштириши жорий қилиш ва таҳлил» кенгаши тузилади ҳамда пахта тозалаш корхоналарида фаолият юритаётган звено, бригада, цехлар ва бўлинмалар халқаро амалиётда кенг қўлланилаётган АВС-тизимида харажатларни ҳисобга олишнинг 4 та даражаси асосида жавобгарлик марказлари сифатида шакллантирилади (2.3 - чизма).




## 2.2 - чизма. Пахта тозалаш корхоналарида бюджетлаштириш тизимини жорий этишининг услубий алгоритми<sup>15</sup>

АВС ҳисоб тизими жавобгарлик марказлари бўйича таннарҳ ҳисоб-китобини доимий ва ўзгарувчан харажатларга бўлиб ҳисобга олади ва асосий эътиборини фаолият турлари ҳамда функционал хизматларга қаратади. Умуман, АВС тизими фаолият турлари бўйича харажатлар ҳисобини (харажатларнинг функционал ҳисоби) англатади.

Кейинги босқичда бюджетлар тузилади, уларнинг ўзаро мантикий боғланиш тартиби белгиланиб, бюджет регламенти ва хужжатлар айланиши графиги тасдиқланади. Сўнгра бюджетлар масъулият марказлари бўйича тақсимланаб, самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари аникланади ва пахта тозалаш корхонаси бош директори томонидан тасдиқланади. Бюджетлаштиришдан кўзланган самарага эришиш мақсадида бюджетлар бажарилиши назорат ва таҳлил қилиб борилади. Ушбу босқичлар юқорида

<sup>15</sup>Муаллиф ишланимаси.

таъкидланган кетма-кетликда ва самарали ташкил қилинсагина, пахта тозалаш корхоналарида бюджетлаштиришни жорий этишдан кўзланган мақсадга эришиш мумкин.



### 2.3 - чизма. АВС тизими бўйича харажатларни хисобга олиш<sup>16</sup>.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бюджетлаштириш режалаштиришдан кенгроқ тушунча бўлиб, у ўз ичига режалаштириш билан бирга меъёrlаштириш ва прогнозлаштиришни ҳам қамраб олади. Ихтисосликка оид адабиётларни ўрганиш мазкур жараённи сценарий асосида ташкил этиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатди. Муаллиф бу борада тадқиқотчи С.А. Сидоровнинг фикрини кўллаб-

<sup>16</sup> Муаллиф ишланмаси.

кувватлайди, яъни пахта тозалаш корхоналарида «Асосий бюджетнинг барча параметрларини ҳисоб-китоб қилиш учун асос сифатида, нафакат маркетинг тадқиқотлари ва сотиш бюджети олиниши керак, балки бюджетлаштириш сценарийси тайёрланиши лозим» [33].

Сценарий маълум мақсадли ва самарали хатти-ҳаракатларни амалга ошириш учун тайёрланган услубий курсатмадир. Сценарий асосини бюджетлаштириш учун зарур бўлган асосий шарт-шароитлар, меъёлрлар, мезонлар ва омиллар ташкил этади (26-илова).

Амалиётни ўрганиш юқоридагилар билан биргаликда бюджетлаштириш жорий этилаётганда пахтани тайёрлов маскани ва пахта тозалаш корхонасида дастлабки қайта ишлашнинг технологик жараёни албатта инобатга олиниши кераклигини кўрсатмоқда (27-илова).

Технологик жараёнда пахтани пахта тозалаш корхоналарида дастлаб кондицион меъёлларга етказиб қуритиш ва хас-чўпдан тозалаш сунгра қайта ишлаш кўзда тутилади.

Қуритиш барабанлари пахта хомашёсини қуритиб, ундан намликни ажратади; тозалагичлар – майда ва йирик ифлосликлардан тозалайди; жинлар толадан чигитни ажратади; линтерлар чигитдаги калта толаларни ажратиб олади. Барча асбоб-ускуналар бир-бирлари билан пневмотранспорт ёки бошқа турдаги механик транспортёрлар ёрдамида боғланган.

Иқтисодий адабиётлар таҳлили бюджетлар тузиш кетма-кетлиги масаласи бюджетлаштиришда муҳим аҳамият касб этиши туфайли иқтисодчи олимлар томонидан кенг ёритилганлигини кўрсатди. Бироқ, уларни тадқиқ этиш бу масалада ягона бир фикрга келинмаганлигини кўрсатмоқда. Масалан, А.А. Абдуғаниев ушбу масалага тўхталиб, «..... бюджетлар тузишни даромад ва фойдадан эмас, балки харажатлар ва маҳсулот ҳажмидан бошлишни тавсия этамиз» [9; 152-б.], - деб ёзган.

Профессор М. Вахрушинанинг фикрича, «Операцион бюджетларни тузиш кетма-кетлиги корхоналар фаолиятини чекловчи омилларга боғлиқ бўлади. Масалан, корхонада асосий чекловчи омил бозор сигими бўлса, бюджетлар тузишни сотиш бюджети, ишлаб чиқариш қувватларининг етишмаслиги бўлса, ишлаб чиқариш бюджети, хомашё ва материаллар танқислиги бўлса, таъминот бюджетидан бошлиш мақсадга мувофиқ бўлади» [13, 17-б.].

Бошқа бир фикрга кўра, бош бюджет тузишни даромад ва харажатлар бюджетини тузишдан бошлаш керак. Чунки бу хужжат нафақат бизнесдан кўзда тутилаётган рентабелликни (корхона ва таркибий бўлинмалар миқёсида) акс эттиради, балки харажатлар таркибини ҳам яққол кўрсатиб беради.

Фикримизча, пахта саноати корхоналарида тадқиқот объектининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда бюджетлаштиришни пахта хомашёсини тайёрлаш бюджетини тузишдан бошлаш тартиби жорий қилинса керакли самарага эришиш мумкин. Бу бюджет турининг алоҳида ва биринчи навбатда тузилиши тармоқнинг ўзига хос хусусиятининг мавжудлиги, яъни пахта хомашёсини тайёрлаш, қайта ишлаш ва қайта хисоб-китоблар қилиш жараёнлари билан узвий боғланганлиги билан изоҳланади.

Мазкур тармоқдаги яна бир хусусият шундан иборатки, пахта тозалаш корхоналари учун пахта ҳосилини тайёрлаш ва қайта ишлаш режасининг прогноз кўрсаткичлари ҳар йили республика мазкур тармоқдаги тозалашни тайёрлаш бюджетидан баёнланади. Бу бюджет турининг алоҳида ва биринчи навбатда тузилиши тармоқнинг ўзига хос хусусиятининг мавжудлиги, яъни пахта хомашёсини тайёрлаш, қайта ишлаш ва қайта хисоб-китоблар қилиш жараёнлари билан узвий боғланганлиги билан изоҳланади.

Ундан ташқари, пахта тозалаш корхоналарида ушбу бюджет маълумотлари асосидагина бошқа бюджетларни тузиш мумкин.

Ихтисосликка оид адабиётларни ўрганиш асосида иқтисодчи олимларнинг бюджетларни тузиш услубиётига кўра, икки тоифага бўлиш мумкин:

1) бюджет тузишни корхонанинг таркибий тузилмалари бўйича амалга ошириш тарафдорлари (Е.Коба ва бошқалар);

2) бюджет тузишни фаолият турлари бўйича амалга оширишни кўллаб-кувватловчи олимлар (К.Щиборш, А.Шеремет ва бошқалар).

Фикримизча, бюджетлаштиришни пахта тозалаш корхоналарида фаолият турлари ва соҳалари бўйича ташкил этиш ҳамда амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Пахта тозалаш корхоналарида бюджетларни таркибий бўлинмалар бўйича тузища ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилмаси корхона технологик хусусиятлари билан белгиланишини зътиборга олиш лозим. Масалан, пахта тозалаш корхоналарининг асосий технологик вазифасини бажарувчи - тозалаш, жинлаш, линтерлаш

ва пресслаш участкалари ишлаб чиқаришнинг асосий қисми ҳисобланади.

Пахта тозалаш корхоналарининг узлуксиз ишлаб туришини таъминловчи арра, таъмирлаш-механика ва электр энергия участкалари эса корхонанинг ёрдамчи, хизмат кўрсатувчи қисми ҳисобланади.

Корхонанинг бошқа ишлаб чиқариш қисмига ишлаб чиқариш чиқитларини қайта ишлаш ва уруғлик чигит тайёрлаш цехи киради.

Пахта тозалаш корхоналарида пахтани узатишдан бошлаб то тайёр маҳсулот - тола тойлари ишлаб чиқарилгунча бўладиган бутун технология жараёни бир-бирига уланган турли иш ўринларидан таркиб топган узлуксиз жараёндир.

Пахта тозалаш корхоналари хомашёни тайёрлаш фаолиятини ҳам олиб бориши муносабати билан унинг тайёрловчи тармоқлари (пахта тозалаш корхонаси қошидаги ва корхонадан ташқаридаги пахта тайёрлов масканлари) ҳам корхона таркибига киради.

Пахта тозалаш корхоналарини ишлаб чиқариш таркибидан келиб чиқиб, пахта тозалаш корхоналарини бюджети ўз ичига пахта хомашёсини тайёрлов масканлари, асосий ишлаб чиқариш (пахта хомашёсини тозалаш, жинлаш, линтерлаш ва пресслаш), ёрдамчи ишлаб чиқариш (электр энергия цехи, механика-таъмирлаш устахонаси ва арра цехи) ва бошқа ишлаб чиқариш (чиқиндиларни қайта ишлаш ва уруғлик чигитни тайёрлаш) бюджетларини олади. Ушбу бюджетлар асосий (бош) бюджетга умумлаштирилади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, «Тайёрлов пунктлари заводнинг ички ҳўжалик ҳисобида туради, якун топмаган бухгалтерия ҳисоби олиб борилади (фойда ва зарарларни чиқармайди), уларнинг фаолияти эса, хомашё тайёрлаш режасининг бажарилиши ва тайёрлов-транспорт харажатларининг меъёrlарига риоя этилишига қараб баҳоланади» [91.5-б.]. Бу хусусият тайёрлов маканлари бюджетини тайёрлашда инобатга олиниши лозим.

Бош бюджетнинг моҳиятига тўхталашибиган бўлсак, профессор Б. Хасанов таъкидлаганидек, «Бош бюджет корхона раҳбарлари учун ўта муҳим бўлиб, режалаштирилган ҳисобот даврида улар олдида турган мақсад ва вазифаларни аниқ белгилаш ва ишлаб чиқариш дастури бажарилиши, даромадлар ва харажатларнинг шаклланиш жараёни, ҳисоб-китоблар ҳолатини кузатиб боришга имкон беради» [41;13-б.].

Тадқиқотлар бош бюджетни шакллантиришнинг назарий ва амалий масалалари иқтисодиётнинг барча тармоқларида, жумладан пахта тозалаш корхоналари фаолиятида тўлиқ ўз аксини топмаганлиги сабабли мазкур масала иқтисодчи олимлар ўртасида баҳс-мунозара мавзусига айланганлигини кўрсатмоқда. Масалан, профессор А. Пардаев бош бюджетни 2 га: тезкор (оператив) ва молиявий бюджетларга бўлган [88; 72-б.], профессор Б. Хасанов бош бюджетни 3 га: операцион, молиявий ва инвестиция бюджетларига ажратган [101; 174-б.], россиялик олимлар А.Д. Шеремет [100; 89-б.], С.А. Рассказова-Николаева, С.В. Шебек, Е.А. Николаевлар операцион ва молиявий бюджетларга ажратган [92; 94-б.] ва хоказо.

Бош бюджет корхонанинг турли режаларини боғловчи бўғин бўлиб, белгиланган мақсадларга эришиш учун зарур бўлган мазкур режаларни молиявий ва миқдорий ифодаланишини билдиради ва барча бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштиради. Шунинг учун бизнингча, пахта тозалаш корхоналарида бош бюджетни операцион, инвестиция (инновация), маҳсус ва йиғма бюджетлардан ташкил топиши мақсадга мувофик бўлади.

Шу билан бирга пахта тозалаш корхоналарининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бош бюджетни тузиш технологияси ишлаб чиқилиши лозим.

Иқтисодий адабиётлар ва тармоқ хусусиятларини чуқур тадқиқ этган ҳолда қуйидаги жадвалда пахта тозалаш корхоналарида бош бюджет тузиш кетма-кетлигининг қисқача тавсифи ва бюджетларни тузиш учун қўлланиладиган режа-аналитик воситаларни рўйхати тавсия этилмокда.

Пахта тозалаш корхоналарида бюджетларни тузиш юқорида таъкидлаганидек, пахта хомашёсини тайёрлаш бюджетини ишлаб чиқишдан бошланади. Ушбу бюджетда пахта хомашёсини тайёрлаш (тайёрлов ҳажми, сифати, сақлаш шартлари ва бошқалар) ва унинг таннархига оид маълумотлар акс эттирилади.

Пахта хомашёсини қайта ишлаш бюджетини тузиш пахта балансини тузишдан бошланади. Унда режалаштирилган ҳажмда тола ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган пахта ресурслари миқдори аниқланади.

Пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларини аниқлаш учун бевосита меҳнат, материал ва устама харажатлардан ташкил топадиган маҳсулот бирлиги таннархини аниқлаш лозим.

Шунинг учун ишлаб чиқариш бюджети пахта хомашёсининг ишлатилиши, бевосита ёрдамчи материаллар харажатлари, эҳтиёт кисмлар харажатлари ва бевосита меҳнат харажатлари бўлимларидан иборат бўлади.

### Пахта тозалаш корхоналарида бош бюджет тузиш технологияси

2.2-жадвал

Боскич №	Бош бюджет тузиш боскичи-нинг номи	Қўлланиладиган режа-аналитик воситалар ва режалаштириш методлари	«Чикиш» шакли (хисобот)
1-боскич	Пахта хомашёсини тайёрлаш бюджети	<p>1. Пахта тозалаш корхоналарининг ишлаб чиқариш кувватидан келиб чиқсан холда районлаштирилган навларнинг технологиясини инобатга олиб, тайёрлов масканларининг имкониятига ва пахта тайёрлашнинг амалдаги тартибига кўра тасдиқланган прогноз кўрсаткичлар асосида режали-прогнозли бюджетлар тузиш.</p> <p>2. Ҳисоб-китобларнинг дастлабки 90 % лик аванс тўлови ва пахтани қайта ишлаш тугагандан сўнг колган 10 % ини тўлаш тартибида режалаштириш</p>	Пахта хомашёсини тайёрлаш бюджети лойиҳаси
2-боскич	Махсулот ишлаб чиқаришнинг режа ҳажмини аниклаш	<p>1. Пахта толаси чикишини пахтани синфлари ва саноат навлари бўйича ҳисоб-китобини тегишли меъёрлар ва формулалар асосида аниклаш.</p> <p>2. Кўшимча махсулотларни давлат стандартлари ва</p>	Пахта баланси ва ишлаб чиқариш режаси лойиҳаси

		маҳсулотларни давлат стандартлари ва прейскурантлари асосида аниклаш	
3-боскич	Товар маҳсулоти ҳажмини аниклаш	Прогноз (башорат килиш) усули асосида товар ва сотилган маҳсулотнинг номенклатураси ҳамда ассортиментини аниклаш	Ялпи маҳсулот режаси лойихаси
4-боскич	Пахта толасини ишлаб чиқариш режаси	Пахта толаси режасини пахта хомашёси тайёрлаш режасига асосан тола чиқишини тегишли меъёрлари асосида аниклаш	Тола баланси (пахта толаси ишлаб чиқариш) лойихаси
5-боскич	Материаллар ва эҳтиёт қисмларга бўлган эҳтиёжни аниклаш	1. Материал харажатлари ва маҳсулот ҳажмига мутаносиб равишда меъёрлаштириш усули 2. Материал харажатларининг режалаштирилиши (алоҳида бўлинмалар кесимида) 3. Эҳтиёт қисмларни тўғри харажатлар микдори ва маҳсулот ҳажмига қараб меъёрлаштириш методи	Материаллар ва эҳтиёт қисмлар хариди бюджети лойихаси
6-боскич	Материалларни ишлаб чиқаришга хисобдан чиқариш таннархининг хисоб-китоби	Материалларнинг дастлабки захираси микдори ва ишлаб чиқариш эҳтиёжи асосида ФИФО ёки AVECO методларини қўллаб аниклаш	Бевосита материалларнинг сарфланиш бюджети лойихаси
7-боскич	Бевосита меҳнат харажатлари микдорини аниклаш	Меҳнат харажатларини технологик меъёрлаштириш ва тарификациялаш усули	Бевосита меҳнат харажатлари бюджети лойихаси

8-боскич	Умумишилаб чиқариш харажатларининг миқдорини аниклаш	Умумишилаб чиқариш харажатларини тұғри харажатлар миқдори ва маҳсулот қажмига мутаносиб равища мөйөрлаштириш усуллари	Умумишилаб чиқариш харажатлари бюджети лойихаси
9-боскич	Пахта толасининг ишлаб чиқариш таннархини хисоб-китоби	Шартли бирликлар методи	Пахта толаси ишлаб чиқариш таннархини калькуляциялаш
10-боскич	Доимий харажатлар миқдорини аниклаш	Смета режалаштиришнинг бўлимлар кесимидағи методлари («нолдан» режалаштириш, «эришилган даражадан» режалаштириш)	Доимий харажатлар бюджети лойихаси
11-боскич	Пахта толасининг навлари ва синфлари бўйича таннархининг хисоб-китоби	Калькуляциялашнинг «Директ-костинг» ва «Бўлинмали» усулларини қўллаш	Пахта толаси навлар ва синфлар бўйича калькуляция вараклари
12-боскич	Ялпи сотиш ҳажмини аниклаш	«Харажатлар – маҳсулот ҳажми – фойда» таҳлили асосида сотиш ҳажми, ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари динамикаси ва баҳоларнинг ўзгаришини аниклаш	Соти бюджетининг лойихаси
13-боскич	Махсус (уруғлик цехи чигит бюджети, куритиш-тозалаш цехи бюджети, солик	Амалдаги тартибга асосланаб, тармок хусусиятини инобатга олган ҳолда тегишли хисоб-китобларни амалга ошириш	Махсус (уруғлик чигит цехи бюджети, куритиш-тозалаш цехи бюджети, солик

	бюджети) бюджетлар хисоб-китоби		бюджети) бюджетлар лойиҳаси
14- боскич	Якуний мoliaвий натижалар хисоб-китоби	1, 2, 3, 12 ва 13 боскичларда қўлланилган усуllар асосида	Мoliaвий нати- жалар тўғрисидаги хисобот лойиҳаси
15- боскич	Инвестиция (инновация)га бўлган эҳтиёж- нинг хисоб- китоби	1) капитал харажатларни смета бўйича режалашириш; 2) узок муддатли «ривожлантириш бюджети» (инвестиция бюджети)ни тузиш; 3) янги яратилаётган технология, маҳсулот эталони, модели, тажриба нусхасини яратиш ва синовдан утказиш	Инвестиция (инновация) бюджети лойиҳаси
16- боскич	Пул маблағлари кирими ва чиқими хисоб- китоби	Пул маблағлари оқимини операцион, инвестиция ва мoliaвий фаолиятлар бўйича аниқлаш	Пул маблағлари бюджети лойиҳаси
17- боскич	Мoliaвий ҳолат таҳлили	Иқтисодий меъёрлар (коэффициентлар)ни аниқлаш	Мoliaвий ҳо- латни ўзгариши ҳақидаги хисобот лойиҳаси
18- боскич	Йигма бюджет кўрсаткичларига тузатишлар ки- ритиш (мослашувчан бюджет тузиш)	Иқтисодий меъёрлар (коэффициентлар) асосида	Операцион, ин- вестиция, маҳсус ва йигма бюд-жетларнинг якуний варианти

## 2.2-жадвалнинг давоми

19-боскич	Бюджет даври охирига прогноз бухгалтерия балансини тузиш	Прогноз бухгалтерия балансини бюджет даври бошига ҳақиқий баланс ва маҳсус бюджетлар (13-боскич), молиявий натижалар ҳақидаги ҳисобот лойиҳаси (14-боскич), инвестиция (инновация) бюджети лойиҳаси (15-боскич), пул маблағлари бюджети лойиҳаси (16-боскич) асосида тузиш	Прогноз бухгалтерия балансининг бошлангич лойиҳаси (бюджет даври охирига)
			Жорий йил учун бош бюджетнинг тугалланган якуний варианти

*Манба. Щиборец К.В. Бюджетирование деятельности промышленных предприятий России. – М.: Изд. «Дело и Сервис», 2005. - 544 с. (С-43-46) услугиёти асосида муаллиф ишланмаси.*

Бевосита меҳнат харажатлари бўлимида режалаштирилган ишлаб чиқариш ҳажмини бажариш учун керакли иш вакти соатларда аниқланади. Бунда маҳсулот ёки хизмат бирлиги микдори бир бирликка тўгри келадиган меҳнат харажатларига кўпайтирилади.

Амалиётни ўрганиш ҳозирги кунда тармоқда эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш харажатлари таркибида катта салмоққа эгалиги сабабли «Эҳтиёт қисмлар ишлатилиши бюджети»ни алоҳида тузишни мақсадга мувофиқлигини кўрсатмоқда.

«Умушилаб чиқариш харажатлари» бюджети ишлаб чиқариш инфраструктурасини сақлаш харажатлари ва у билан боғлиқ тўловларни акс эттиради.

«Доимий харажатлар» бюджети келажакда фаолият юритиш учун зарур бўлган жорий операцион харажатларнинг батафсил режасини ифодалайди.

Юқорида санаб ўтилган бюджетлар маълумотлари ва пахта хомашёсини тайёрлашнинг прогноз ҳажмларидан келиб чиқиб сотиш бюджети тузилади.

«Инновация» бюджетлари бош бюджет таркибига киради ва янги техника, технологияга узоқ муддатли молиявий қўйилмаларни сарфлаш бўйича режа вазифасини бажаради.

Кредит режаларини тузиш икки босқичда: дастлабки вариант кўринишида ва тугалланган шаклда амалга оширилади.

«Максус бюджетлар» таркибига кирувчи уруғлик чигит тайёрлаш цехи бюджетида фермер хўжаликларига етказилиб бериладиган уруғлик чигит микдори аниқланади.

Куритиш-тозалаш цехи тайёрлов масканлари қошида ўзини ўзи таъминлаш тамойили асосида ташкил этилади. Шу сабабли мазкур бюджетда ушбу цехнинг харажати ва даромадлари аниқланади.

Бозор иктисодиётiga ўтишда пахта тозалаш корхоналарида солиқ бюджетини тузиш заруратга айланмоқда. Чунки солиқ тўловлари мазкур корхоналар харажатлари таркибида салмоқли улушга эга бўлиб бормоқда.


Солиқ бюджетини бажариш орқали солиқларни минималлаштириш ва солиқ сиёсати самарадорлигини оширишга эришиш мумкин.

Пул маблағлари бюджети корхонага режасини ўз имконияти билан солишириш, яъни маблағига қараб фаолият юритиш имконини беради ва корхона ҳисоб сиёсатига боғлиқ бўлмайди.

«Даромад ва харажатлар» бюджетининг асосий вазифаси корхонани бюджет давридаги молиявий натижасини кўрсатиб беришдан иборат бўлиб, кутилаётган рентабеллик ва заарсизлик нуқтасини ҳисоблаш, муҳим йўналишларни аниқлаш ҳамда бошқа вазифаларни ҳал қилиш имконини беради.

Бюджет цикли услубий нуқтаи назардан жуда мураккаб бўлган ва кўп мақсадли ҳужжат ҳисобланган ҳамда корхонанинг ҳисоб сиёсатига боғлиқ бўлган прогноз бухгалтерия балансини тузиш билан якунланади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган фикрлардан келиб чиқиб, пахта тозалаш корхоналарида бош бюджетни шакллантиришнинг умумий механизми ишлаб чиқилган ва 2.4-чизмада чизикча йўналиши бўйича кўрсатилган.



2.4 - расм. Пахта тозалаш корхоналарининг бош бюджетини шакллантириши тартibi<sup>17</sup>

<sup>17</sup>Мұнайф инсталляциясы.

Иқтисодий адабиётлар таҳлили ва амалиётни ўрганиш орқали пахта тозалаш корхоналарининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чикиб, бюджет шаклларини куйидаги тартибда тузиш тавсия қилинади.

### 1. Статик бюджет тузиш.

Бюджет даври бошида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ғўзанинг навларини жойлаштириш ва пахта хомашёси етиширишининг прогноз ҳажмлари тўғрисида»ги қарорига асосан пахта тозалаш корхоналари томонидан статик бюджетлар тузилиши мақсадга мувофиқдир. Бунда бош бюджет ва унинг таркибий қисмлари бўлган операцион, инвестиция, маҳсус ва йиғма бюджетлар тузилади.

### 1. Мослашувчан бюджет тузиш.

Мазкур бюджетни пахта тозалаш корхоналарида ҳукумат қарори билан жорий йилнинг сентябрь ойи бошида пахта хомашёсининг харид нархи белгиланганидан сўнг тузиш мақсадга мувофиқ.

### 2. Ҳақиқий бюджет тузиш.

Ушбу бюджетни эса пахта тозалаш корхоналарида ўтган йил ҳосилини қайта ишлаш жараёни тугаллангач тузиш ижобий самара беради.

Шундай қилиб, бюджетлаштириш жараёнини қишлоқ хўжалигининг мавсумийлиги ва бюджетлар тузиш муддатларига мос ҳолда жорий этиш тавсия этилади (2.3-жадвал).

### Пахта тозалаш корхоналарида бюджетлаштириш жараёни билан тармоқнинг мавсумийлик хусусиятининг боғлиқлиги<sup>18</sup>

2.3-жадвал

№	Бюджет турлари	Бюджет тузиш муддати	Бюджет тузишга меърий асос
1.	Статик бюджет	Жорий йилнинг январь ва февраль ойлари	Ҳар йили пахта етиширишга оид имзоланадиган Президент қарори
2.	Мослашувчан бюджет	Жорий йилнинг июль ва август ойлари	Ҳар йили пахта мавсуми олдидан пахта хомашёси ва пахта маҳсулотлари нархига оид зълон қилинадиган ҳукумат қарори
3.	Ҳақиқий бюджет	Келгуси йилнинг май ва июнь ойлари	Амалдаги меърий хужжатлар

<sup>18</sup>Муаллиф ишланмаси

Юқоридаги бюджет шаклларини товар маҳсулотини сотишдан олинадиган фойда кўрсаткичи ёрдамида аниқ мисолларда тузамиз (28-илова).

Иловага кўра, фойда кўрсаткичининг суммаси статик бюджетга (151700 минг сўм) нисбатан мослашувчан бюджетда (150900 минг сўм) камайган, ҳакиқий бюджетда (154586 минг сўм) эса кўпайган.

## **2.2. Бюджетлар бажарилишини баҳолаш ва контроллингнинг услугий жиҳатлари**

Иқтисодий адабиётлар таҳлили бюджетлаштириш жараёнидаги энг асосий вазифа: «Корхоналарда тузиладиган бюджетлар нафақат «Нима ва қандай қилиш керак?» - деган саволга, балки «Нимага эришилмади ва нима учун?» - деган саволларга ҳам жавоб олиш» [107; 302-б.] эканлигини кўрсатмоқда. Бюджетлаштиришни жорий этишдан кўзланган мақсадга эришиш учун бюджет топшириқларининг бажарилиши даражаси, ҳакиқий кўрсаткичларнинг режа кўрсаткичларидан четланиш сабаблари ва айборлари бўйича самарали баҳолаш ҳамда мазкур таҳлил натижаларига кўра тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш керак.

Шуни таъкидлаш жоизки, амалда бюджетлаштириш корхонани кўзлаган мақсадларига эришишида кўрсатган самарали ёрдами ва ҳакиқий ахборотларни режа кўрсаткичлари ҳамда стратегик режада белгиланган мақсадлар билан мувофиқлаштириш имкониятига қараб маълум бир аҳамиятга эга бўлади.

Ушбу вазифаларни ҳал қилиш учун эса корхоналар бюджет бажарилишини баҳолаш ва мониторингини олиб боришнинг самарали тизимига эга бўлиши лозим.

Бюджет бажарилишининг мониторинг тизими аслида бюджетлаштириш жараёнининг давоми ҳисобланади ва бюджетлар бажарилиши жараёни билан биргаликда амалга оширилади. Унинг асосий моҳияти бюджетлар бажарилишини кафолатлашни йўлга қўйиш ва умуман олганда бошқарув жараёни самарадорлигини оширишдан иборатdir.

Бу масала иқтисодий адабиётларда кенг ёритилган бўлиб, иқтисодчи олим К.В.Щиборщ бюджетлар ижроси контроллин-

гини<sup>\*19</sup> батофсил баён этган. Унга кўра: «Бюджет бажарилишининг ички назорат тизими (ёки контроллинги) – компания томонидан бюджет даврида маблағ, харажат ва мажбуриятларини самарали бошқаришни баҳолаш ва таҳлил қилиш (жорий фаолиятни доимий мониторинг қилиш, маҳсулот ҳажми ва харажатларни бюджет стандартлари билан таққослаш ва ортиқча харажатларга йўл қўймаслик) учун мўлжалланган расмий ёки норасмий мантиқий тузилмадир» [111; 257- б.].

Демак, бюджет бажарилишининг мониторинги шунчаки «юкоридан» назорат қилишдан ҳам мазмунан, ҳам шаклан фарқ қилиб, қўшимча равиша бўлинмалар учун ўз фаолиятини самарали олиб боришига имконият яратадиган режа-аналитик масалалар мажмуидан иборат. Бюджет бажарилишини назорат қилиш тизими умуман олганда бюджетлаштиришдан кўзланган самарага эришиш учун бюджетта кўшилган ўзига хос «қўшимча» бўлиб ҳисобланиши лозим.


Бюджет кўрсаткичлари бажарилишини аниқлаш учун бюджет назоратининг тегишли босқичлари ва воситалари амалга оширилади (2.5- чизма).

Бюджет бажарилиши самарали назорат қилиниши учун дастлаб корхона бўлинмалари ва фаолият турлари бўйича йифма ҳисобот тузилади. Сўнгра ҳисобот материаллари асосида бюджетларнинг қиёсий таҳлили ўтказилади ва тегишли хуласа ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилади. Энг охирида чора-тадбирлар режаси тайёрланади.

Бюджет бажарилиши баҳоланиши бюджет кўрсаткичларини ҳақиқатда эришилган натижалардан четланишларнинг таҳлилига асосланади. Четланишларнинг ҳисоб-китобида ҳақиқатда эришилган кўрсаткичлар режа кўрсаткичлари билан таққосланади.

Тадқиқотлар кўрсатишича, четланишлар таҳлили узоқ тарихга эга ва четланишлар ҳисоб-китобининг оддий кўриниши қадимдан ишлатилиб келинган. Четланишлар ҳисоб-китобларини замонавий тамойилларига эса ўз замонасининг етук олимлари Г. Эмерсон ва Ч. Гаррисонлар томонидан асос солинган.

<sup>\*19</sup> Германніда бошқарув ҳисоби контроллинг деб аталади. Мазкур бобда бошқарув ҳисобининг мухим таркибий кисми бўлганд молиавий назорат жараёнини ташкил этиш тадқиқ этилган.



## 2.5- чизма. Бюджет назоратини амалга ошириш боскичлари ва воситалари<sup>29</sup>

Иқтисодчи олимлар ўтган бюджет даврида кузатилган четланишларни статистик таҳлил қилиш бюджет кўрсаткичларини йўл қўйиш мумкин бўлган чегараларини самарали баҳолаш имконини беришини тъқидламокда [26]. Ушбу таҳлил пахта тозалаш корхоналарида ҳам керакли самара беради.

Четланишлар ва уларнинг таҳлили иқтисодий адабиётларда кенг ёритилган (2.4-жадвал).

Жадвални таҳлил қилиб, нормативдан четланишларни таҳлил қилиш - менежерлар томонидан ҳақиқий ва мақсадли кўрсаткичлар ўргасидаги фарқларнинг сабабларини аниклаш учун қўлланиладиган тадбирлар мажмуудир, деган хуносага келиш мумкин.

Хориж тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, уларда «қиймати 5000\$ ёки бюджет харажати 25 % идан иборат бўлган четланишлар ўрганилиши керак» деган коида мавжуд.

<sup>29</sup>Муаллиф ишланмаси.

**Иқтисодчи олимларнинг четланишлар таҳлилига оид  
қарашлари<sup>21</sup>**


2.4 - жадвал

Т/р	Муаллифлар фамилияси, исми - шарифи	Қарашлар	Манба
1.	Гаррисон Р., Норин Э., Брюэр П.	«Меърий ва ҳакиқий баҳолар ўртасидаги ҳамда сарфланган маблағларнинг меърий микдори билан ҳакиқий микдори ўртасидаги фарқлар четга чиқишилар дейилади. Четга чиқишиларни изоҳлаш ва уларни хисоб-китоб қилиш эса четга чиқишиларнинг таҳлили деб аталади»	Гаррисон Р., Норин Э., Брюэр П. Управленческий учет. 12-е изд. / Пер. с англ. Под ред. М.А.Карлика. – СПб.: Питер, 2012. с. 413.
2.	Пардаев А.Х., Пардаев Б.Х.	«Бюджетнинг бажарилишини баҳолаш амалда эришилган натижаларнинг режалаштирилган бюджетдан четланиши таҳлилига асосланади»	Пардаев А.Х., Пардаев Б.Х. Бошқарув хисоби. Рисола. – Т. Ф. Фулом нашиёти. 2008. 116-б.
3.	Воронова Б.Ю.	«Нормативдан четланишларни таҳлил қилишнинг мазмумни унинг микдори ва четланишлар сабабларини аниқлаш максадида бўлакларга бўлишдан иборатдир»	Воронова Е. Ю. Управленческий учет. Учебник. Изд. Юрайт. 2011. С. 412.
4.	Бобожонов О., Жуманиёзов К.	«Хўжалик фаолиятини баҳолаш жараённада бюджет маълумотларини ҳакиқий кўрсаткичлар билан такқослаш ўтган йилги маълумотлар билан таққослашга нисбатан анча ишончлидир».	Бобожонов О., Жуманиёзов К. Бошқарув хисоби. Дарслик. -Т.: ТДИУ, 2005. 196-б.

<sup>21</sup> Илмий ва ўқув адабиётларини таҳлил қилиш асосида диссертант томонидан тузилган.

Бизнингча, тадқиқотчи Ю.А. Щегловская таъкидлаганидек, ««Четланишлар бўйича бошкариш» тизимини жорий этганда четланишларнинг учта даражали диапазони, яъни энг паст даражали четланишлар (2-4%), меъёр даражасидаги четланиш (5-7%), жиддий четланишлар (8 % дан юқориси)ни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари, юз бериши мумкин бўлган рискларга ўз вақтида эътибор қаратиш имконини берадиган лимит ва индикаторлар тизими ҳам ишлаб чиқилиши лозим» [49; 4-б.]. Мазкур четланишлар диапазони ва мезонларини монографик тадқиқотлар обьектимиз хисобланган пахта тозалаш корхоналари фаолиятини бюджетлаштиришда кўллаш, бизнингча, ижобий самара беради.

Шу ўринда хорижлик олимлар Р. Гаррисон, Э. Норин, П. Брюэр нормативдан четланишларни таҳлил қилиш циклини яратганлигини эътироф этишимиз ўринли хисобланади. (2.6-чизма).



## 2.6 - чизма. Нормативдан четланишларни таҳлил қилиш цикли

*Манба. Гаррисон Р., Норин Э., Брюэр П. Управленческий учет. 12-е изд. /Пер. С англ. Под ред. М.А.Карлика. – СПб.: Питер, 2012. С. 407.*

Ушбу олимлар мазкур циклинг асосий мақсадига тұхталиб, «....нормативдан четланишларни таҳлил қилиш циклини амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад айбдорларни аниклаш ва жазолаш эмас, балки фаолиятини янада такомиллаштиришдан иборатдир» [68; 407- б.], - деб ёзган.

Професор К. М. Гарифуллин эса четланишлар таҳлилиниң самарали моделини яратган (2.7-чизмага қаранг).

Нормативдан четланишларнинг бундай тарзда батафсил кўриб чиқилиши четланишлар сабаблари ва уларнинг юзага келишига сабаб бўлган ходимларни аниқлаш ҳамда тегишли ўзгартиришлар килишга оид самарали бошқарув қарорларини кабул килишга имконият яратади.

Энг муҳими нормативдан четланишларни таҳлил қилиш иқтисодий жиҳатдан тежамкорлик, тезкорлик ва манзиллилик каби тамойилларга асосланиши лозим.

1. Бир бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган маблағларнинг ҳақиқий баҳода хисобланган микдори $M_X + B_X$	2. Бир бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган маблағларни норматив баҳода хисобланган ҳақиқатдаги микдори $M_X + B_H$	3. Ишлаб чиқариш ҳажми учун сарфланган маблағларнинг норматив баҳода хисобланган норматив микдори $M_H + B_H$
--	---	--

Баҳо бўйича четланишлар	Микдор бўйича четланишлар
<b>Тўлиқ дисперсиянинг микдори</b>	
Харид қилинган материалларнинг баҳоси бўйича четланишлар Мехнат ҳаки бўйича четланишлар Ўзгарувчан устама харажатларнинг харажат сигими бўйича четланишлар	1. Материаллар микдори (сарфи) бўйича четланишлар 2. Мехнат сигими бўйича четланишлар 3. Ўзгарувчан устама харажатлар самарадорлиги бўйича четланишлар

## 2.7-чизма. Четланишлар таҳлили модели

Манба. Гарифуллин К.М. Управление затратами. Учебн. пособие. — Казань, КГФЭИ, 2005. с. 232-233.

Шу билан бирга ушбу таҳлилдан фойдаланилганда у «жараён бўлиб ўтгандан кейинги» таҳлил ва ўта консерватив иқтисодий институт эканлиги ҳамда энг асосийси месъёрдан ортиқаси салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини унутмаслик керак.

Амалиётни ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, бюджетлар мониторинги тезкор ва реал вақтда амалга оширилсагина кўзланган

мақсадга эришилади. Бу ўз навбатида, бюджетлар бўйича салбий четланишларни вақтида бартараф этиш имконини беради.

Пахта тозалаш корхоналарида пахта хомашёси тўдасини қайта ишлаш якунлангач, қайта ишлаш натижалари 2 кун ичидаги директор раҳбарлигида барча масъул ходимлар иштирокидаги ишлаб чиқариш кенгашида муҳокама қилинади. Бизнингча, ушбу назорат тизимида меъерий база ва бюджет моддаларида юз берадиган четланиш ҳамда ўзгаришлар регистрини узлуксиз юритиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Шуни ёдда тутиш керакки, бюджет четланишлари таҳлили четланишларнинг муҳимлиги ва якуний натижаларга таъсири даражасини баҳолашни назарда тутади. Афсуски, амалиёт ва иқтисодий адабиётларни ўрганиш корхоналарда бюджет жараёни натижаларининг самарали ва мантиқий иқтисодий диагностика тизими қўлланилмаётганлигини кўрсатмокда. Ушбу масалага россиялик иқтисодчи олим И. Мизиковский тўхталиб, «Хорижий манбаларни ўрганиш бюджет жараёни бажарилишини иқтисодий диагностикасини жорий этишнинг энг самарали варианти четланишларни чегарасини белгилаш», - деган хulosага олиб келмокда. Мазкур тизим кенг кўламда қўллаш мумкин бўлган универсал тизим бўлиб, унда четланишлар чегараси ва ҳар бир чегарага эътибор қаратиш (назорат ва таҳлилий тадбирлар) алгоритми белгиланади» [29; 252-б.], - деб ёзган.

Юқоридаги фикрларга қўшилган ҳолда профессор И. Мизиковскийнинг таърифида масалага бир томонлама қаралганилиги, яъни четланишлар ҳисоби ва таҳлилигина тадқиқ этилганлигига эътибор бериш керак. Бизнингча, масаланинг яна бир муҳим жиҳати, яъни бозор конъюнктурасининг таъсири ва шерикларнинг алмашуви натижасида ҳисобот даврида бюджетдаги меъёрлар, режалар, сотиш каналларини ўзгариши эҳтимоли эътибордан четда қолмоқда. Шу сабабли профессор И. Мизиковский тавсия этган бюджет четланишларининг муҳимлилик даражаси ва четланишлар бўйича бошқарув тадбирларининг асосий мезонларини бюджетдаги ўзгаришлар кўрсаткичларига ҳам татбиқ этиш тавсия қилинади (2.5 - 2.6 - жадваллар).

Шуни ҳам эътироф этиш лозимки, четланишларнинг сабабларини туркумлаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки туркумлаш уларни гурухлаш ва қарорлар қабул қилишнинг ахборот базаси сифатида ишлатиш имкониятини беради.

## Бюджет четланишларининг мухимлик даражаси мезонлари

2.5-жадвал

T/p	Четланишларни йўл кўйиш мумкин бўлган даражаси	Четла- ниш даражаси
1.	Четланишларни тўлиқ йўл кўйиш мумкин бўлган даражаси	1
2.	Четланишларни энг кам микдорда йўл кўйиш мумкин бўлган даражаси	2
3.	Четланишларни ўртacha микдорда йўл кўйиш мумкин бўлган даражаси	3
4.	Четланишларни юкори микдорда йўл кўйиш мумкин бўлган даражаси	4
5.	Четланишларни йўл кўйиш мумкин бўлмаган даражаси	5

## Мухимлилик даражаси ва четланишлар бўйича бошқарув тадбирларининг асосий мезонлари

2.6 - жадвал

T/p	Кўрсаткичлар	Тадбирларнинг номи
1.	Четланишларни тўлиқ йўл кўйиш мумкин бўлган даражаси	Бундай ҳолат одатда анъанавий ҳол хисобланади
2.	Четланишларни энг кам микдорда йўл кўйиш мумкин бўлган даражаси	Четланишларни ретроспектив таҳлилини ўtkазиш ва уларни содир бўлишини тақорланишини баҳолаш. Такорланиш кўрсаткичи юкори бўлганда уларга тегишли тузатишлар киритиш бўйича керакли қарорлар қабул қилиш
3.	Четланишларни ўртacha микдорда йўл кўйиш мумкин бўлган даражаси	Четланишларни юзага келиш сабабларини аниклаш, уларни бартараф этиш бўйича тегишли тадбирларни ишлаб чикиш, жумладан харажатларнинг нафлиги, уларни меъёрий базаси, даромад қисмини тўлдириш тартиби, бюджет версткаси технологияси, унинг бажарилиш мониторингини ўtkазиш тартиби аудитини ўtkазиш ва ҳ.к.

4.	Четланишларни юкори микдорда йўл кўйиш мумкин бўлган даражаси	Четланишларни юзага келиш сабабларини тезкор аниқлаш, уларни бартараф этиш бўйича тегишли тезкор тадбирларни ишлаб чиқиш, жумладан, харажат ва тушумларни барча ташувчилари бўйича инвентаризация қилиш, меъриймаълумот берувчининг маълумотлари тўлиқлиги ва аниклигини тезкор текшириш, бюджет версткаси сифати ва унинг бажарилиш мониторингини аудит қилиш ва х.к.
5.	Четланишларни йўл кўйиш мумкин бўлмаган даражаси	Четланишларни юзага келиш сабабларини тезкор аниқлаш, бюджетни тўлдириш манбалари ва уларни сарфланиш йўналишларини инвентаризация қилиш, хўжалик юритувчи субъектларни бошқариш сифати ва инқирозга карши харакатдаги чораларни аудит қилиш.

Манба: И.Е. Мизиковский. Генезис управленческого учета: теоретико-методологический аспект. Дисс. на соис. учен. степ. докт. экон. наук. Нижний Новгород. 2006. С.251-252.

Бизнингча, четланишлар сабабларини нафақат микдори ва киймати бўйича, балки юзага келиш эҳтимоли мезонлари, муҳимлиги, объектив ёки субъективлиги даражаси бўйича ҳам гурухларга ажратиш лозим.

Шуни таъкидлаш керакки, турли хўжалик юритувчи субъектлардаги барча бюджет четланишларининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирадиган ягона классификаторни ишлаб чиқишнинг имкони йўқ.

Четланишларни бошқарув ҳисоби счёtlари тизимида ҳисобга олиш учун тадқиқотчи Н.А. Ермакова [72; 108-109-б.] таклиф қилган куйидаги счёtlарни тадқиқот объектида кўллаш тавсия қилинади:

2090 - «Харажатлар бюджети бўйича четланишлар» счёti,  
9490 - «Сотиш бюджети бўйича четланишлар» счёti.

2090 - «Харажатлар бюджети бўйича четланишлар» счёtinинг кредитида жавобгарлик марказлари бўйича режалаштирилган бюджет харажатларининг умумий суммаси, дебетида эса ҳақиқий харажатлар ҳисобга олинади. Ушбу счёtnинг дебет ва кредит

айланмаларининг фарқи бюджет четланишлари суммасини кўрсатади. Ушбу четланишлар тегишли баланс счёtlарига қўшимча ёзув ёки «қизил сторно» усули орқали ҳисобдан чиқарилади.

Ушбу счётга қўшимча равиша жавобгарлик марказларининг турлари бўйича аналитик счёtlар очиш мумкин. Бунда бюджет харажатлари харажат элементлари ёки моддалар кесимида тизимдан ташқарида ҳисобга олинади.

Сотиш бюджети бўйича четланишларни ҳисобга олиш учун 9490 -«Сотиш бюджети бўйича четланишлар» счёти қўлланилади. Ушбу счёtnинг дебетида бюджет бўйича сотувдан тушган тушум, кредити бўйича эса сотувдан тушган ҳакиқий тушум солиқларни ҳисобга олган ҳолда акс этирилади. Дебет ва кредит айланмаларининг фарқи бюджет четланишларининг суммасини билдиради. Ушбу четланишлар «Сотишлар» счётига қўшимча ёзув ёки «қизил сторно» усули билан ҳисобдан чиқарилади.

Ушбу счётга маҳсулотлар номенклатураси ва ассортимент гурухлари кесимида субсчёtlар очиш мумкин.

Четланишлар бўйича бошқариш натижаларни таққослашга асосланган бўлиб, уни «Тўғри алоқа орқали назорат қилиш» ва «Тескари алоқа орқали назорат қилиш» каби турлари мавжуд.

Тескари алоқа орқали назорат қилиш бюджет ва ҳакиқий натижаларни таққослашни назарда тутади ҳамда истиқболга йўналтирилган бўлади.

Тадқиқотлар ҳозирги кун талаби тўғри алоқа орқали назорат қилишнинг умумқабул қилинган тартибига қўшимча сифатида узлуксиз вазият таҳлили ўтказишини тақозо қилаётганлигини кўрсатмоқда. Вазият таҳлили деганда хўжалик жараёни содир бўлган шароитда корхона мақсади ва уни асосида ҳисобланган мақсадли бюджет кўрсаткичлари ҳаққонийлигини баҳолаш тушунилади.

Бюджетлаштириш – бизнесни молиявий режалаштиришнинг жуда муҳим ва масъулиятли тизими бўлганлиги сабабли унда тегишли тескари алоқа бўлиши шарт. Тескари алоқа ролини бюджет бажарилиши назорати бажариши лозим.

Амалиётда бюджет назоратининг кўплаб турларидан фойдаланилади (29-илова).


Иловани ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, бюджет назорати турлари турлича мақсадлар ва амалга ошириш шаклларига эга, бироқ улар уйғунликда ва ўзаро ҳамкорликда амалга оширилади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бюджет циклини якуний босқичи бўлиб, йигма бюджет бажарилиши таҳлилини ўтказиш ҳисобланади ва у баъзан режа-факт таҳлили деб ҳам аталади ҳамда қуидаги учта босқичда ўтказилади:

1-босқич. Йигма бюджетнинг режа ва ҳақиқий «чиқиши шакллари» асосида четланишлар ўрганилади. Бу ҳали таҳлилга кирмайди, четланишларни ўрганиш, қайд этиш бўлиб, асосий вазифаси жараёнларга баҳо беришдан иборатdir.

2-босқич. Учта асосий йигма бюджетлар: операцион, инвестиция ва молиявий қуий бюджетларининг бажарилиши бўйича четланишлар таҳлили ўтказилади ва хulosалар тайёрланади.

3-босқич. Мазкур босқич синтез босқичидир ва унда бюджетостиларни батафсил омилли таҳлили ўтказилади. Ундан сўнг SWOT-таҳлили асосида йигма бюджетлар бажарилиши ҳақида корхона миқёсида хulosалар чиқариш имконияти пайдо бўлади ва ушбу таҳлил аслида келгуси давр учун бюджетлар ишлаб чиқиш учун асос бўлади (2.9-чизма).



## 2.9 - чизма. Бюджет бажарилиши натижаларига қўра корхоналарни ҳўжалик сиёсатига ўзгартиришлар киритиш.

Манба. Щибориц К.В. Бюджетирование деятельности промышленных предприятий России. - М.: Издательство «Дело и Сервис», 2005. С. 318.

Таҳлилнинг мазкур методологияси “икки томонламали” таҳлил ҳисобланади: масалан, операцион бюджетлар таҳлили (иккинчи босқич) ўз навбатида учта босқичга бўлинади: дастлаб юзаки ўр-

ганиш амалга оширилади (вертикал таҳлил), сунгра тадқиқ этилаётган четланишларнинг асосий мазмуни ўрганилади (горизонтал таҳлил) ва охирида вертикал таҳлил (шакллар) ва горизонтал таҳлил (мазмун) натижалари синтези асосида хуласалар тайёрланади.

Амалиётда бюджет бажарилиши таҳлилиниң кўплаб турлари кўлланилади (30-илова).

Пахта тозалаш саноати корхоналарида бюджет бажарилиши иккита сабабга кўра: биринчидан, бюджетлаштириш контроллингни олиб бориш учун, иккинчидан, таҳлил жараёни юқорида таъкидланганидек бюджетлаштириш циклини узвий қисми хисобланганлиги сабабли ҳам чукур таҳлил қилиниши керак.

Бунда бюджетлаштиришнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, дастлаб пахта хомашёсини тайёрлаш бюджетининг бажарилиши чукур таҳлил қилиниши лозим.

Ушбу таҳлилда биринчи навбатда селекцион навлар ва ассортимент (нав ва синфи) кўрсаткичлари буйича таҳлилга айниқса алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу ўринда тармоқда кўлланиладиган пахта типи, нави, синфи каби ўзига хос бўлган терминларга қисқача тўхталиб ўтиш зарур.

Пахта толасининг типи штапель масса узунлиги ёки чизиқли зичлиги даражаси кўрсаткичи буйича аникланади. 1а, 1б, 1, 2, 3-типлар узун толали пахта, 4, 5, 6-типлар эса ўрта толали пахтага тегишилдири. Бунда пахта хомашёси тармоққа оид меъёрий хужжатларда белгиланган талабларга жавоб бериши керак (31-илова).

Мазкур талабларни бажариш учун Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги «Сифат» маркази томонидан пахтани тестдан ўtkазиши замонавий HVI<sup>\*</sup> тизими қўлланилмоқда. Бу эса ўзбек пахтасини жаҳон бозорида рақобатбардош товарга айланишига олиб келмоқда (32-илова).

32-иловада келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, 2017 йил 1 июнь холатига республикада қайта ишланган умумий пахта толаси ҳажмининг 90 % га яқини «Олий» ва «Яхши» синфларни ташкил этмоқда.

Республикадаги барча “Сифат” лабораторияларида пахта толасини 100 % тойма-той текширилишини йўлга қўйилиши ва

\* “HVI” тизими – «High Volume Instruments» юкори самарали синов-улчаш тизимининг қисқартирилганномланishi булиб, у ҳар бир тойдан олинган намуналарнинг 10 дан ортиқ сифат кўрсаткичларини тез аниклаш имконини беради.

янги селекция сортларини жорий этилиши натижасида 4-тип пахта толасини улуши ўсмокда. 2017 йил 1 июнь холатига бу кўрсаткич 95,58 % га етди (33-илова).

Ҳар бир типдаги пахта эса ранги, ташқи қўриниши ва пишиб етилганлик коэффициенти, яъни ранги ва пишиб етилганлик коэффициентининг даражаси кўрсаткичлари бўйича бешта навга бўлинади: I, II, III, IV, V.

Пахта хомашёси пишиб етилганлик коэффициенти, типи ва нави бўйича ҳам тармоққа оид меъёрий ҳужжатларда келтирилган талабларга жавоб бериши керак (34-илова).

Пахта нави ифлос аралашмаларнинг миқдори (ифлос аралашмалар массасининг улуши) ва намлиги (намликнинг массага нисбати) га қараб 3 та синф (1,2,3) га бўлинади.

Таҳлилда дастлаб тайёрланган пахта хомашёсининг сифат даражаси бўйича бюджет бажарилишини баҳолашга эътибор қаратилиши ва бунда бюджет бажарилиши пахтанинг нав ва синклари бўйича ўрганилиши керак.

Тармоққа оид меъёрий ҳужжатларга кўра пахтанинг I ва II-навлари учун солиштирма узилиш кучининг қийматлари белгиланган меъёрдан (34-илова) паст бўлган ҳолда пахта хомашёсининг нархи пасайтирилади, I-нав бўйича асосий меъёрдан ошганда эса нархи оширилади.

Ушбу хисоб-китоблар пахта тудасидаги пахта хомашёсини қайта ишлаш якунлангандан сўнг бажарилади.

Агар 1- ёки 2-синф пахтанинг ифлослиги 35-иловада келтирилган меъёлардан юқори бўлса, ифослиги бўйича мос бўлган синфга ўtkазилади, агар намлик меъёрдан юқори бўлса, у ҳолда тегишли тартибда нархи пасайтирилади.

1, 2, 3 ва 4-навлар бўйича ифлослик ёки намлик 3-синф учун белгиланган меъёлардан ошган ҳолларда пахта топширувчига қайтарилади ёки паст нав бўйича қабул қилинади.

Шунинг учун ҳам тайёрланган пахта хомашёсининг ҳақиқатда олинган сифат кўрсаткичларини амалдаги стандартнинг меъёрий кўрсаткичлари билан солиштириш орқали таҳлил қилиш катта аҳамиятга эгадир.

Пахта хомашёсининг тайёрлов бюджети бажарилишини таҳлил қилишда пахта хомашёси вазнининг намлик кўрсаткичи бўйича таҳлилига ҳам алоҳида эътибор қаратиш керак.

Юқорида таъкидлаганимиздек, сифатли тола тайёрлаш тайёрланган пахта хомашёсини намлик даражаси күрсаткичидан ташқари ифлослик даражасига ҳам боғлиқ бўлади. Пахтадаги ифлос аралашмалар миқдори ва унинг намлиги юқорида келтирилган 35-иловада күрсатилган меъёрлардан ошмаслиги керак.

Микронейр күрсаткичи толанинг дағаллиги даражасини билдириб, унга жаҳон бозоридаги белгиланган миқдори 3,5 дан 4,9 гача бўлиши лозим. Ушбу белгиланган нормалардан юқори ёки паст бўлган I- ва II- нав пахта хомашёсинга харид нархидан 36-иловада келтирилган шкалага мувофиқ чегириб қолинади.

Ҳозирги кунда республикамизда дагал тола чиқадиган селекция навлари экилмаётганлиги ва мазкур күрсаткич белгиланган меъёрдан юқори бўлганда тола баҳосидан юқори миқдорда чегирмалар ушлаб қолиш тартибини жорий этилганлиги оқибатида микронейр күрсаткичини ортиб кетиши муаммоси ҳал қилинган. Буни 37-иловада тақдим этилган 2017 йил 1 июнь холатига пахта толасининг микронейр күрсаткичлари диаграммасида яққол кўришимиз мумкин. Пахта толасининг микронейр күрсаткичи республикамизда 96,82 % и 3.5-4.9 оралиғида сақланиб келмоқда.

Ўзбек пахтасининг анъанавий афзаллиги толанинг юқори даражада мустаҳкамлиги ва пишиқлиги ҳамда юқори навлигиdir (38-39-иловалар).

Иловалардан кўриниб турибдики, 2017 йил 1 июнь холатига кўра пахта толасининг солиштирма узилиш кучи бўйича 82,19 % тола 29 гс./тексдан юқоридир. Пахта толасининг узунлик бўйича бир хиллик индекси 2017 йил 1 июнь холатига кўра республика миқёсида ўртacha 83-84 % оралиқ диапазони энг кўп учрайди. Бу холат уни юқори истеъмол хусусиятларига эга бўлишига олиб келмоқда.

Пахта тозалаш корхоналарида пахта хомашёси тайёрлов бюджети бажарилишининг пахта хомашёсини ифлослик күрсаткичи бўйича тахлилини амалга ошириш катта аҳамият касб этади.

Пахтадан олинадиган тола миқдори пахта вазнига нисбатан фоизларда ифодаланади ва ишлаб чиқаришдан олинадиган пахта толаси вазнини қайта ишланадиган пахта вазнига нисбати билан аниқланади.

Маълумки, пахтанинг турли селекцион навидан ҳар хил миқдорда тола чиқади. Бундан ташқари, байзи бир саноат навлари бўйича ҳам тола чиқиши турлича бўлади.

Шу боисдан ҳам, ишлаб чиқариш бюджети ижросини баҳолаш ва назорат қилиш учун пахта хомашёсидан самарали фойдаланишни тавсифловчи асосий кўрсаткич – пахта толаси чиқиши миқдорининг ўзгариши ҳамда бу ўзгаришнинг товар маҳсулоти ҳажмига таъсирини нав ва синфлар бўйича алоҳида ўрганиш, айниқса муҳимдир.

Пахта тозалаш корхоналарида пахта толаси учун алоҳида ва бошқа барча пахта маҳсулотлари учун алоҳида баланс тузилади.

Пахта толаси балансда натурал қийматларда (тонна) акс эттирилади, асосан, бир йилга тузилиб, чоракларга тақсимланади. Ушбу баланснинг тахминий кўриниши қуйидагича бўлади:

### Пахта толаси балансининг тахминий кўриниши

2.7-жадвал

Т/р	Кўрсаткичлар	Пахта толаси навлари					Жами барча навлар
		I	II	III	IV	V	
1.	1 январдаги қолдик	-	60	100	-	-	160
2.	Ишлаб чиқаришдан омборга тушгани	120	410	104	65	45	744
3.	Жўнатилгани	120	400	90	50	20	680
4.	1 апрелга қолдик	-	70	114	15	25	224

### «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамияти тавсияси

Ушбу баланс пахтанинг селекция навлари бўйича ва саноатдаги навлари ҳамда синфларига ажратилиб тузилади. Ҳар бир эксплуатация даврида, яъни ўтган йилги ҳосилдан ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳам, бюджет тузилаётган йилдаги ҳосилдан ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳам чораклар бўйича ва бутун йил учун алоҳида ҳисобланади.

Амалиётни ўрганиш пахта хомашёсидан тола, чигит, линт, улюкли ва калта момиқли чиқит чиқиши ва кўйинди ҳажмини аниқлаш пахта тозалаш корхоналарида мунтазам равишда назоратда эканлигини кўрсатмоқда. Бунда пахтани қабул қилиш ва тўплашдаги дастлабки ва тақрорий таҳлилларда фарқ аниқланган тўда алоҳида назорат қилинмоқда.

Энг муҳими пахтани қайта ишлашда тола ва бошқа маҳсулотлар чиқишида фарқ аниқланса, амалиётда пахта тозалаш корхонаси директори, бош мухандис, тайёр маҳсулот сотиш, режалаштириш ва техник назорат бўлимлари бошликлари ҳамда бош бухгалтер иштирокида бунинг сабаблари ўрганилиб, тегишли чора-тадбирлар кўрилмокда.

Ушбу маълумотлар 28-ХЛ шаклдаги «Ишлаб чиқариш топшириқномаси»нинг Ш-қисмида «Пахта партиясининг сакланиши, туркумланиши ва қайта ишланиши натижалари бўйича пахта заводи директорининг қарори» сифатида расмийлаштирилади.

Пахта хомашёси юқорида таъкидлаганимиздек, 5 та нав ва 3 та синфларга бўлинади. Ушбу бўлиниш тола ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмига катта таъсир кўрсатади. Таҳлил жараёнида бу каби омиллар таъсири ҳам атрофлича ўрганилиши зарур.

Ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатини таҳлил қилишда навлилик коэффициенти ёхуд ўртacha навлилик коэффициентидан фойдаланилади. Бунда кўрсаткич қуйида келтирилган уч хил усулда хисобланади.

1. Ўртacha тортилган навни аниқлаш. Бу усулда ҳар бир нав бўйича ишлаб чиқарилган пахта толаси микдорини айнан шу нав белгисига кўпайтириб, сўнгра ҳосил бўлган суммани барча навлар бўйича ишлаб чиқарилган жами маҳсулотларнинг микдорига тақсимлаш керак.

Бунда қуидаги формулалардан фойдаланиб, навлилик коэффициенти топилади:

$$a) H_{K_0} = \frac{T_{H1}^0 \times 1 + T_{H2}^0 \times 2 + T_{H3}^0 \times 3 + T_{H4}^0 \times 4 + T_{H5}^0 \times 5}{\sum T_H^0}; \quad (2.1)$$

$$b) H_{K_1} = \frac{T_{H1}^1 \times 1 + T_{H2}^1 \times 2 + T_{H3}^1 \times 3 + T_{H4}^1 \times 4 + T_{H5}^1 \times 5}{\sum T_H^1}; \quad (2.2)$$

бунда,  $H_{K_0}$  - бюджетга кўра навлилик коэффициенти,

$H_{K_1}$  - ҳакиқий навлилик коэффициенти,

$T_{H1}^0$ -бюджетга кўра 1-навли толанинг микдори,

$T_{H2}^0$ - бюджетга кўра 2-навли толанинг микдори,

$T_{H3}^0$ - бюджетта кўра 3-навли толанинг микдори,

$T_{H4}^0$ - бюджетта кўра 4-навли толанинг микдори,

$T_{H5}^0$ - бюджетта кўра 5-навли толанинг микдори,

$T_{H_1}^1$ -1-навли толанинг ҳақиқий миқдори,  
 $T_{H_2}^1$ -2-навли толанинг ҳақиқий миқдори,  
 $T_{H_3}^1$ - 3-навли толанинг ҳақиқий миқдори,  
 $T_{H_4}^1$ - 4-навли толанинг ҳақиқий миқдори,  
 $T_{H_5}^1$  - 5-навли толанинг ҳақиқий миқдори,  
 $\Sigma T_H^0$  - бюджеттега кўра барча навлар миқдорининг жами,  
 $\Sigma T_H^1$ - барча навлар бўйича ҳақиқатдаги жами миқдор.

Навлилик коэффициенти бирга қанчалик яқинлашса, навлилик шунчалик юқори бўлади. Агар навлилик коэффициенти бирга тенг бўлса, у ҳолда режалаштирилган навлар бўйича ишлаб чиқариш топшириги бажарилган бўлади.

2. Ўртача навлилик коэффициентини аниқлаш. Уни аниқлаш учун аввал ҳар бир нав баҳосини биринчи нав баҳосига бўлиш орқали шартли равишда биринчи навга ўтказиш коэффициенти аниқланади. Сўнгра бу коэффициентлар ҳар бир нав бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорига кўпайтирилиб, жами ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорига бўлинади.

3. Ўртача навни ўртача тортилган баҳога асосан аниқлаш. Бу усулда ҳар бир нав бўйича маҳсулот миқдори айнан шу навлар баҳосига кўпайтирилиб, сўнгра ҳосил бўлган қиймат ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг жами миқдорига бўлинади.

Ўртача навлилик коэффициентлари худди шундай тартибда ёрдамчи маҳсулотлар ҳисобланган чигит ва момик бўйича ҳам аниқланади.

Пахта толасининг навлилик даражаси маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир килувчи асосий кўрсаткичидир. Толанинг ўртача нави ва ўртача навлилик коэффициентлари пахта хомашёси навларидан толанинг саноат навларига ўтиш даражасига боғлиқ бўлади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, пахта тозалаш корхоналари асосий ишлаб чиқариш фаолияти билан биргаликда пахта хомашёсини тайёрлаш, сақлаш ва ташиб келтириш билан ҳам шугулланади. Шу боисдан, таннархни таъминот фаолияти харажатлари моддалари бўйича таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Пахтанинг транспорт-тайёрлов харажатлари икки бўлимдан иборатдир:

1. Пахтани тайёрлаш, сақлаш ва пахта тозалаш корхоналарига жўнатиш харажатлари (1510 счёт).

2. Пахтани тайёрлов масканларидан пахта тозалаш корхоналарига ташиб келтириш харажатлари (1520 счёти).

Бошқарув ҳисобида 1510-«Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш» ва 1610 – «Материаллар қийматларидаги фарқлар» счётларининг вазифаси материаллар келтирилганда транспорт-тайёрлов харажатларини алоҳида ҳисобга олиб, кейин материаллар счётига ўтказишдан иборатдир. 1510 ва 1610-счётларидаги маълумотларни тақсимот жадвалида келтириш керак.

1510 - «Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш» счётида шартнома нархи, вакиллик харажатлари, транспорт-тайёрлов харажатлари ва ҳоказолар акс эттирилиши лозим.

1610 - «Материаллар қийматларидаги фарқлар» счётида эса материаллар қийматидаги қайта баҳолаш натижасидаги ўзгаришларни ҳисобга олиш керак.

Нормативдан ортиқ харажатлар алоҳида конверсион счётларда йигилиб, тақсимот жадвали асосида тақсимланиши зарур. Бунда нафақат материал харажатлари, балки ҳамма харажат моддалари қатнашиши лозим.

Тадқиқотлар ушбу тизимдан бошқа корхоналар каби пахта тозалаш корхоналари амалиётида ҳам етарли даражада фойдаланилмаётганлигини кўрсатмоқда.

Шу ўринда тармоқнинг ўзига хос ҳусусиятларидан бири тўғрисида тўхталиб ўтиш зарур. У ҳам бўлса, пахта хомашёсини пахта тозалаш корхонасига ташиш ва тўдаларга жамлаш ҳамда қайта ишлаш тайёрлов масканида жамланган тўдалар<sup>22</sup> бўйича амалга оширилишидир.

Транспорт-тайёрлов харажатлари таҳлили барча харажатлар моддалари ва элементлари бўйича жами ва бир тонна толага тўғри келувчи харажатлар кесимида олиб борилади ҳамда уларнинг барча харажатлардаги улушкини аниқлаш максадида ўтказилиди.

Пахтадан чиқадиган тола микдори етиширилаётган пахтанинг селекцион ва саноат навлари, пахта етишириладиган худудлар, обҳаво шароитлари, ҳосилни йигиб-териб олиш даврлари ва бошқа омилларга қараб турлича бўлади. Шу сабабдан бюджет бажарилиши мониторинги жараённида толанинг навлари бўйича таннархи таҳлил қилинади. Пахта толасини ишлаб чиқариш таннархи ҳар бир саноат нави ва унинг микдори бўйича (уртача нав

<sup>22</sup>Сифати бир хил бўлган, битта товар-транспорт накладной (1-ТХЛ-шакл) ёзилган маълум микдордаги пахта, пахта тўдаси деб аталади.

бўйича) калькуляция қилинади. Калькуляция ўрта ва узун толали пахта ҳамда селекцион навлар бўйича алоҳида ҳисобланади.

Таҳлилнинг навбатдаги босқичида пахта хомашёсидан толачикишининг маҳсулот таннархига таъсири таҳлил қилинади.

Давлат стандартларида пахта ва пахта толасининг турли хил навлари бўлгилаб берилган, шу сабабдан пахта билан толанинг навлари ҳамма вакт ҳам бир хил бўлавермайди. Пахта хомашёсининг паст навларидан юқори навли тола олинса, маҳсулот бирлиги учун кам микдордаги пахта хомашёси, юқори навли пахтадан паст нав тола олинса, кўп микдордаги пахта хомашёси сарфланади. Шу сабабли пахта тозалаш корхоналарида пахта хомашёсининг пахта навидан саноат навларига ўтишининг таннархга таъсири таҳлил қилинади.

Пахта хомашёсидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот нави биринчи ва иккинчи эксплуатация даврлари бўйича алоҳида аниқланади.

Тола навини бюджетда акс эттириш учун пахта хомашёси нави билан пахта толаси навлари ўртасидаги қуйидаги 2.8-жадвалда келтирилган тахминий нисбат тавсия этилади.

### **Пахта хомашёси нави билан пахта толаси навлари ўртасидаги тахминий нисбат**

**2.8-жадвал**

Пахта хомашёсининг саноат нави	Толанинг синфи				
	Олий	Яхши	Ўрта	Оддий	Ифл
I	30	40	10	10	10
II	20	40	15	15	10
III	-	35	30	20	15
IV	-	30	40	15	15
V	-	-	45	20	35

### **«Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамияти тавсияси**

«Нав ўзгариши» билан «Пахтанинг тола бўйича навли таркиби» бир-биридан фарқ қиласди.

Пахтанинг бир навдан иккинчи бир навга айланиши тола учун сарфланган хомашёнинг умумий кийматини ўзгартирмайди. Тола-

нинг айрим навларга сарфланган хомашё миқдори эҳтимолдан ҳоли бўлмаган қўйидаги ҳолларга боғлиқ бўлади. Пахта хомашёсининг нав таркиби ўзгарса, у холда ундан ажратиладиган толанинг нави ҳам анча юқори ёки паст бўлади, яъни пахта хомашёсини нави ўзгариши билан ундан олинадиган нав толанинг таннархи камаяди ёки ошади.

Сотиш бюджети бажарилишини баҳолаш ва мониторинг қилишда ишлаб чиқарилган маҳсулот ва сотилган маҳсулот ҳажмининг қиймат ва натурал бирликлардаги бюджет кўрсаткичлари ҳамда ўтган йилга нисбатан бажарилиши таҳлил қилинади.

Сотиш бюджети бажарилишига таъсир қилувчи омилларни ўрганишда уни ташкил этувчилар ҳолати ҳамда омбордаги қолдиқ ва сотилган маҳсулот миқдорини таҳлил қилиш лозим.

Сотилган маҳсулотнинг ҳажми ўзгаришига таъсир қилувчи омилларга маҳсулотнинг сифати, уни бир маромда ишлаб чиқариш ҳамда маҳсулотни ўз вақтида истеъмолчиларга жўнатиш, ҳақини тўлаш, сотилмаган маҳсулотларнинг йил бошига ва йил охирiga қолдиги каби омиллар киради.

Сотиш бюджети бажарилиши таҳлилида товар ва сотилган маҳсулотлар ҳажмларининг бюджетдаги ва ўтган йилларга нисбатан бажарилиши таҳлил қилиниб, бу борадаги фойдаланилмаган ички имкониятлар аниқланиши лозим. Бу эса, ўз навбатида, ушбу кўрсаткичларнинг ўсиш суръати ва ўсиш суръатининг жадаллигини аниқлаш имкониятини беради.

Пахта тозалаш корхоналарида хўжалик фаолиятининг белгиловчи муҳим сифат кўрсаткичларидан бири фойда ҳисобланади. Шунинг учун ҳам йигма бюджетлар бажарилишини таҳлил қилиш катта аҳамият касб этади.

Таҳлилда молиявий натижаларга қўйидаги омиллар таъсири ўрганилади:

1. Сотиш ҳажмининг ўзгариши.
2. Ишлаб чиқариш таннархининг ўзгариши.
3. Маҳсулот ассортименти ва таркибий тузилишининг ўзгариши.

Маҳсулот ассортименти ва тола сифати кўрсаткичлари маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва таннарх ўзгаришига сезиларли таъсир кўрсатади. Шунинг учун ушбу таъсир баланс усули ёрдамида таҳлил қилинади.

Бюджет бажарилиши ҳақидаги хисбот бюджетлаштириш жараёнининг ажралмас қисми бўлиб, уни назорат қилишда муҳим

роль ўйнайди. Бунда ҳисоботлар бюджет кўрсаткичларининг ҳақиқий маълумотларини режалаштирилган (мөъёрлаштирилган) кўрсаткичлар билан таққослаган ҳолда ой, квартал ва йиллик муддатлар бўйича шакллантирилади.

Мазкур ҳисоботлар орқали ҳақиқий ва бюджет кўрсаткичлари ҳамда улар ўртасидаги четланишлар (изохлари билан), масъулият маркази кўрсаткичлари, фаолиятнинг олдинги даврлари ва турли бўлинмалар кесимидағи натижалари, корхона ходимларининг ишлаган иш вақтлари, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси ва бошқалар ҳақида маълумотларга эга бўлиш мумкин. Ушбу ҳисоботлар учун жорий ва келгуси назоратнинг натижалари асос бўлиб хизмат қиласди.

Ушбу ҳисоботлардан ташқари амалиётда зарурат туғилган вақтда раҳбариятнинг топшириғи билан бир марталик ҳисоботлар ҳам тузилиши мумкин.

Бироқ, шуни ҳам унутмаслик лозимки, бюджет бажарилиши ҳақидаги ҳисоботлар тузиш бўйича универсал тавсиялар мавжуд эмас. Бунда кўплаб омилларни доимий равишда ўрганиб бориш, таҳлил қилиш, графиклар чизиш ва муҳим маълумотларни ажратиб кўрсатиш ва молиявий бўлмаган кўрсаткичлар билан ҳисоботларни кенгайтиришга ётибор қаратиш лозим.

Бюджет бажарилиши ҳақидаги ҳисоботларни тузиш масаласи иктисадий адабиётларда батафсил баён қилинган. Жумладан, тадқиқотчи Е. Коба томонидан бюджетлар ижросининг асосий кўрсаткичлари бўйича назорат қилиш имкониятини берадиган ҳисобот шакллари тавсия қилинган. Мазкур тадқиқотчи тезсия қилган ҳисобот шакллари асосида пахта саноати корхоналарининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бюджет бажарилиши ҳақидаги ҳисобот шакли тавсия қилинади (40-илова).

«Мазкур ҳисобот бошланғич ҳужжатлар асосида тўлдирилади ва унинг кўрсаткичлари таркиби раҳбар-ходимлар талаби ва эҳтиёжига қараб янада кенгайтирилиши ва деталлаштирилиши мумкин» [25; 40-б.]. Масалан, ҳисоботлар пахта тайёрлаш масканлари, товаршунослар ва пахта хомашёсини куритиштозалаш, жинлаш, линтерлаш ва тойлаш жараёнлари, навлар, уруғлик чигит тайёрлаш, пахтадан олинадиган маҳсулотлар (тола, чигит, улук ва х.к.) ва бошқа кесимларда ҳам тузилиши мумкин. Бунинг учун ҳисоботлар тузишда компьютер дастурларидан фойдаланиш керак ва у ҳисобот шакли ҳамда кўрсаткичларини ҳар

кандай зарур бошқарув кесимида тез, тизимли ва ўзаро алоқадорликда шакллантириш имкониятини беради.

### **2.3. Статик ва мослашувчан бюджетларни тузиш услублари**

Бюджетларни шакллантириш тартиби ва унинг бажарилиши устидан назорат қилиш боқсичларини, пировард натижада, бошқарув хисоби тизимининг таркибий қисми сифатида баҳолаш максадга мувофиқдир. Бироқ, пахта тозалаш корхоналари амалиётининг кўрсатишича, улар халқаро тажрибадаги бюджетлаштириш тамойилларини қўллаш ўрнига, режалаштиришнинг «Бизнес-режа» тузиш амалиёти билан чекланиб қолмоқдалар. Бу ҳам бўлса, қисқа муддатли мақсадлар учун (банқдан кредитлар олиш, инвесторлар учун ва ҳ.к.) мўлжалланган, холос.

Фикримизча, мазкур камчиликларни бартараф этиш мақсадида бюджет тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва унинг асосида самарали бошқарув қарорлари қабул қилиш учун мослашувчан бюджетлар тизимини ишлаб чиқиш ва тузиш услубларини шакллантириш лозим.

Иқтисодий адабиётларда мослашувчан бюджетларни шакллантириш масаласига катта эътибор қаратилмоқда.

Мослашувчан бюджетлар тузишга ўтишдан олдин корхоналарда харажатлар сметаси корхона бошқарувининг турли бўғинлари ва харажат турлари (устама, ишлаб чиқариш, тижорат, маъмурий) бўйича тузилган. Ушбу хисоб-китоблар ишлаб чиқариш ва сотишларнинг режа ҳажми асосида бажарилган.

Аслида статик бюджет асосида режалаштирилган маълумотлар бўйича амалда четланишлар юз бериши туфайли мослашувчан бюджетлар ишлаб чиқилади ва уларда бюджет бажарилиши бажарилишининг бир неча муқобил варианtlари белгилаб берилади.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулот нархларининг ўзгариши ва мижозлар ҳолатини прогноз қилиш мураккаб масала ҳисобланади. Шу сабабли бюджетлаштириш жараённда сотиш ҳажми, маблағлар ва тайёр маҳсулот баҳоси бўйича муқобил варианtlи бир неча омилли бюджетларни тузиш кўзланган самарага эришиш имконини беради. Бироқ, бунда барча омилларнинг ўзгаришини инобатга олишнинг имконияти йўқ, шунинг учун амалиётда битта омилга, масалан,

маҳсулот ҳажмига караб ўзгарадиган мослашувчан бюджетни тузиш лозим.

Мослашувчан бюджет корхоналарнинг самарали фаолият юритишилари учун зарур бўлган вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлган харажатларни назорат қилиш ҳамда уларга тегишли тузатишлар киритиб бориш воситаси сифатида қўлланилади.

Мослашувчан бюджет хўжалик юритувчи субъектларнинг маҳсулот сотишидан олинадиган тушуми (сотиш ҳажми) билан харажатлари ўртасидаги боғлиқликдан келиб чиқкан ҳолда тузилади.

Аслида мослашувчан бюджетни тузишдан мақсад - корхонадаги реал шароитдан келиб чиқиб даромадларни харажатлар билан мос келиши тамойилига риоя қилиш, яъни маҳсулот сотишидан олинган тушум (сотиш бюджети) бўйича режа бажарилмаган тақдирда харажатларни ошиб кетишига йўл қўймасликдан иборатдир. Энг муҳими мослашувчан бюджетни шакллантириш статик бюджетларга асосланиши керак.

Кўриб чиқилаётган услугга асос қилиб олинган аналитик ёндашув универсал ёндашув ҳисобланади. Ҳар қандай ишлаб чиқариш фаолияти даражасига оид умумий бюджет харажатларини аниқлайдиган мослашувчан бюджетнинг формуласи қўйидаги кўринишга эга:

$$M_6 = X_{yz} \times C_x + D_x \quad (2.3)$$

бунда  $M_6$  – мослашувчан бюджет;  $X_{yz}$  – бир бирлик маҳсулотга тўғри келадиган ўзгарувчан харажатлар;  $C_x$  – сотиш ҳажми,  $D_x$  – бюджетдаги доимий харажатлар.

Мослашувчан бюджетдаги ўзгарувчан харажатларнинг миқдори қўйидаги формула билан аниқланади:

$$MB_{yzx} = CB_{yzx} + K_{boql} (T_{xx} - T_{px}) \quad (2.4)$$

бунда  $MB_{yzx}$  – мослашувчан бюджетдаги ўзгарувчан харажатлар;  $CB_{yzx}$  – статик бюджетдаги ўзгарувчан харажатлар;  $K_{boql}$  – харажатларнинг тушумга боғлиқлиги коэффициенти;  $T_{xx}$  – хақиқий тушум ҳажми;  $T_{px}$  – режалаштирилган тушум ҳажми.

Ихтисосликка оид адабиётларни ўрганиш мамлакатимиз ва хорижлик олимлар томонидан мазкур бюджетларга кўплаб таърифлар берилганлигини кўрсатмокда (2.9-жадвалга қаранг).

**Хорижий ва республикамиз олимларининг статик ва мослашувчан бюджетларга оид таърифлари<sup>23</sup>**

2.9-жадвал

Т/р	Муаллифлар	Фикри	Манба
1.	Бобоҷонов О., Жуманиёзов К.	Мослаштириладиган бюджет бу кейинчалик ҳакиқий шароитга мослаштириш (маҳсулотнинг ҳажми, фаолиятининг даражаси) учун доимий ва ўзгарувчан харажатларни чегаралаш ёрдамида тузилган бюджетdir	Бобоҷонов О., Жуманиёзов К. Бошқарув ҳисоби. Дарслик. -Т.: ТДИУ, 2005. 197 б.
2.	Кукукина И.Г.	Мослашувчан бюджетлар – сотиш ҳажмини релевант диапазонини қамраб оладиган бюджетларнинг комплектидир.	Кукукина И.Г. Управленческий учет. Учеб. пособие. -М.: Финансы и статистика. 2004.
3.	Чая В.Т., Чупахина Н.И.	Режалаштириш жараённида келгуси календарь йил учун тузилган бюджет статик бюджет ҳисобланади, чунки у сотиш ва ишлаб чиқаришни маълум бир микдоридан келиб чиқиб тузилади. Назорат мақсадлари учун бюджетлардан четланишларни таҳлил килишдан олдин бюджетларга ҳакиқий ишлаб чиқариш ҳажмига мос холда тегишли тузатишлар киритилиши лозим. Бунинг учун мослашувчан бюджетдан фойдаланилади	Чая В.Т., Чупахина Н.И. Управленческий учет. Учебное пособие. – М.: Эксмо, 2009. 298 с.
4.	Воронова Е.Ю.	Назорат килинадиган четга чиқишиларни аниклашада мослашувчан бюджетларни тузиш муҳим роль ўйнайди	Воронова Е.Ю. Управленческий учет. Учебн. Изд. Юрайт. 2011. 412-413 с.
5.	Вахрушина М.А.	Мослашувчан бюджет сотишни ҳакиқий ҳажми ҳисобга олинган холда тузатишлар киритилган даромад ва харажатларни акс эттиради. Статик бюджетда эса акси, яъни режалаштирилган сотиш ҳажмидан келиб чиқиб ҳисобланган даромад ва харажатлар акс эттирилади.	Вахрушина М.А. Бухгалтерский управленческий учет: Учебник. – 6-е изд., испр. – М.: Омега-Л, 2007.

<sup>23</sup> Илмий ва ўкув адабиётларини таҳлил килиш асосида диссертант томонидан тузилган.

Корхоналарда бир неча вариантдаги бюджетлар тузилиши унда акс эттириладиган харажатларни хисоблаш учун эришилдиган иқтисодий фаолликнинг даражасини аниқ билишга имконият яратади. Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, юз бериши мумкин бўлган ҳолатнинг варианtlари тахминий характерга эгадир.

Бу эса иқтисодий фаолликнинг ривожланиши ва бюджетлаштириладиган харажатларнинг бир нечта варианtlарини хисобкитоб қилиш заруратини юзага келтиради. Бу масала мослашувчан бюджет тузиш орқали ечилади.

Статик бюджет борасидаги хориж амалиётига назар соладиган бўлсак, хорижда статик бюджет деганда корхонанинг банкрот бўлиши эҳтимолини назорат қилишга йўналтирилган бюджет тушунилади. Мазкур бюджет куйидаги қоидалар бўйича тузилади: корхона ёпилиши мумкин бўлган шароитда кредиторлик қарзини қоплашни хисоблаш учун мол-мулк баҳоланади. Бошқача қилиб айтганда, мазкур бюджет агар корхона ҳозирги вактда мавжуд ўз активларини сотса, у ҳолда кредиторлик қарзларини қанча қисмини қоплай олади, деган саволга жавоб олиш имконини беради.

«Жаҳоннинг етакчи компанияларида мослашувчан бюджет узоқ вақтдан бери самарали жорий этилиб келинади. Масалан, ўтган асрнинг 80-йилларида Royal Dutch/Shell Group компанияси мослашувчан бюджетдан самарали фойдаланган. Ўша вақтда кўпгина нефть билан шугулланувчи компаниялар 1990 йилларга бориб 1 баррел нефтнинг нархи 60-80 АҚШ долларига етади, деб башорат қилган ва мазкур нархдан келиб чиқиб ўзларининг истиқболдаги ривожлантириш стратегик режаларини ғиблаб чиқкан. Royal Dutch/Shell Group компанияси эса истиқболда ривожланишининг юз бериши мумкин бўлган 3 та вариантини ишлаб чиқкан. Улардан бирида нефтнинг нархи энг паст даражага тушиб кетиш вариантининг эҳтиёт шартлари кўриб чиқилган. 1990 йилларга келиб, нефтнинг бир баррелининг нархи 25 АҚШ долларига тушиб қолган. Мослашувчан бюджетдан фойдаланганлиги туфайли Royal Dutch/Shell Group компанияси ушбу юз берган шароитда ҳам бошқа корхоналарга нисбатан яхшироқ ривожлана бошлаган» [31].


Хориж тажрибаси ва мамлакатимиз амалиётини ўрганиш пахта тозалаш корхоналарида ҳам статик ва мослашувчан бюджетларни тузиш, улар ўртасидаги четланишларни таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этишини кўрсатди. Агар ўзгарувчан харажатларнинг

ҳақиқий микдори статик бюджетдагидан фарқ қиласа, лекин мослашувчан бюджетдаги режа кўрсаткичларидан ошмаса, у ҳолда мазкур четланишни меъёрий ёки мақбул деб ҳисоблаш мумкин.

Харажатларни мослашувчан бюджетдаги режа кўрсаткичларидан олдиндан белгиланган суммага ортиши мазкур четланишни юзага келишига сабаб бўлган омилларни аниқлаш мақсадида батафсил кўриб чиқилади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, мослашувчан бюджетлаштириш воситасини бюджетнинг охирги босқичда тасдиқлашдан олдин вариацион таҳлил доирасида ҳам қўллаш мақсадга мувофик бўлади.

Баён қилинган фикр-мулоҳазаларни умумлаштириш асосида пахта тозалаш корхоналари учун мослашувчан бюджетни шакллантириш жараёнини қуидаги кетма-кетлиги тавсия этилади (2.11-чизма).



## 2.11-чизма. Пахта тозалаш корхоналарида мослашувчан бюджетни шакллантириш жараёни кетма-кетлиги<sup>24</sup>

Бюджет маълумотлари башорат қилинаётган сотиш ҳажмига кўра ҳисобланган харажатларни ўз ичига олади. Ҳақиқатда сарф-ланган харажатлар эса маҳсулотнинг ҳақиқий ҳажмига тегишли бўлади, шунинг учун ҳам уларни тақкослаш тўғри бўлмайди. Айниқса, бу ҳолат харажатларининг катта қисми ўзгарувчан

<sup>24</sup>Муаллиф ишланмаси

(шартли ўзгарувчан) харажатлардан иборат бўлган пахта тозалаш корхоналари учун ўта мухимдир.

Бюджет кўрсаткичлари ва ҳақиқий кўрсаткичларни таққослаш учун улар ягона сотиш ҳажмига тааллукли булиши лозим. Шунинг учун четланишлар бўйича жавобгарликни масъулият марказлари ўртасида тақсимлаш ҳақида қарорлар қабул қилишдан олдин статик бюджет маълумотларига ҳақиқий сотиш ҳажмидан келиб чиқиб, мослашувчан бюджетлар орқали тегишли тузатиш киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Таҳлиллар мослашувчан бюджет турли микдордаги маҳсулотларни сотишдан олинадиган тушумларга эга булиш учун сарфланадиган харажатларни ҳисоб-китоб қилиш ва бюджет маълумотлари тушум ҳажмининг ўзгариши натижасида юзага келган ҳақиқий маълумотлардан четланишларини аниқлашга имкон беришини кўрсатмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, корхонада сотишдан олинадиган тушум динамикаси барқарор бўлмаганда режалаштириш жараёнида мослашувчан бюджетлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Режалаштиришнинг биринчи босқичида маҳсулот сотишдан олинадиган тушум таҳлил қилинади ва маҳсулот режаси тузилади. Сўнгра бюджет даври учун ҳақиқий ва режа тушум ҳажми аниқланади. Ҳақиқий тушумни режага нисбатан четланиши ўз навбатида қуйидагиларга бўлинади:

- режа билан мослашувчан бюджет ўртасидаги четланишлар;
- мослашувчан бюджет билан ҳақиқий бюджет кўрсаткичлари ўртасидаги четланишлар.

Мослашувчан бюджетни таҳлил қилиш тузилган бирламчи статик бюджет, яъни корхона фаолиятининг маълум бир даражасига кўра ҳисобланган бюджет асосида амалга оширилади. Статик бюджет тузилганда юқорида таъкидланганидек, даромадлар ва харажатлар сотишни аниқ бир даражасидан келиб чиқиб режалаштирилади. Статик бюджет билан ҳақиқатда эришилган натижалар солиширилганда корхона фаолиятининг реал ҳолати ҳисобга олинмайди, яъни барча ҳақиқий натижалар маҳсулот сотишнинг қандай ҳажмига эришилганидан қатъи назар прогнозлаштирилаётган кўрсаткичлар билан таққосланади. Мослашувчан бюджет корхона фаолиятини аниқ бир даражаси учун эмас, балки уни маълум бир диапазони учун тузилади, яъни унда сотиш

ҳажмининг бир неча муқобил варианatlари назарда тутилади. Махсулот сотишида эришиш мумкин бўлган ҳар бир даражада учун сарфланадиган харажатлар микдори аниқланади. Мослашувчан бюджетда маҳсулот сотиш микдорининг ўзгаришига кўра харажатларнинг ўзгариши хисобга олинади. У эришилган натижаларни режалаштирилган кўрсаткичлар билан таққослаш учун динамик база хисобланади.

Тадқиқотлар мослашувчан бюджет тузишида энг мақбул вариант сотиш ҳажми ўзгаришининг ҳар бир харажат турига таъсирини таҳлил қилиш натижалари асосида бюджет тузиш эканлигини кўрсатди.

Ўзгарувчан харажатлар учун бир бирлик маҳсулотга тўғри келувчи меъёр аниқланади, яъни ўзгарувчан харажатларнинг солиштирма оғирлиги хисоб-китоб қилинади. Ушбу меъёр асосида мослашувчан бюджетда сотиш микдоридан келиб чиқиб ўзгарувчан харажатларнинг умумий суммаси аниқланади. Доимий харажатлар микдори ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмига боғлиқ бўлмайди. Шунинг учун улар статик ва мослашувчан бюджетларда бир хил микдорда акс эттирилади.

Шунингдек, статик бюджет ёрдамида корхоналар фаолиятини тўлиқ ва чукур таҳлил қилиш имкони бўлмайди, фақатгина мослашувчан бюджет ёрдамида бунга эришиш мумкин.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, мослашувчан бюджетни тадқиқотимиз обьекти бўлган пахта тозалаш саноатида кўллаш яхши самара беради деган хulosага келиш мумкин. Чунки бу тармоқ корхоналарида молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини олдиндан прогноз қилишнинг имкони йўқ, чунки унга хомашё етказиб берувчи қишлоқ хўжалиги тармогининг фаолияти кўп жиҳатдан об-ҳавога боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам кўрсаткичларни маълум бир оралиқдаги микдорини прогнозлаштириш лозим. Бунга мослашувчан бюджетлаштиришни жорий этиш орқали эришиш мумкин.


Мослашувчан бюджет «Мабодо, .....ҳолат юз берса» тамойили асосида тузилади, яъни мослашувчан бюджет ўзида турли прогнозларга асосланиб тузилган бир неча варианatlари статик бюджетларни қамраб олади. Келажакда қандай воқеалар содир бўлишидан қатъий назар бюджетларни қайта кўриб чиқиш ва уларга тегишли ўзгаришилар киритишга зарурат бўлмайди.

Амалга ошаётган прогнозга асосланган бюджет вариантини қатый равища бажариши керак бўлади.

Мослашувчан бюджетлардан юз бериши мумкин бўлган кўзда тутилмаган ҳолатлар шароитида фаолиятни режалаштиришда, турли хўжалик шароитларини баҳолаш ва таҳлил қилишда ҳам фойдаланиш мумкин.

Ихтисосликка оид илмий ва ўқув-услубий адабиётларни ўрганиш мослашувчан ва статик бюджетларни тузиш ҳамда улар бўйича четланишлар таҳлилининг ўтказиш тартиби бошқарув ҳисоби соҳасидаги етук хорижлик иқтисодчи олимлар, жумладан, Ч. Хорнгрен, Ж. Фостер ва Ш. Датар [101] томонидан батафсил ёритиб берилганлигини кўрсатди. Муаллиф ушбу олимларнинг мазкур услугини пахта тозалаш корхоналарида кўллаш тегишли самара беради деб ҳисоблайди.

Унга кўра мослашувчан ва статик бюджетлар таҳлили батафсиллик даражасига кўра фарқланади. Четланишлар таҳлилида таҳлилнинг ҳар бир даражаси олдинги даражани тўлдиради, яъни 0-даражадаги таҳлилнинг батафсиллик даражаси энг паст ҳисобланади ва 1-даражадаги таҳлилда унга нисбатан кўпроқ маълумот бўлади ва ҳ.к. (2.12-чизма).



## 2.12-чизма. Тўғри харажатлар бўйича четланишларнинг даражалар бўйича таҳлили

*Манба. Ч. Хорнгрен, Ж.Фостер ва Ш. Датарларнинг услугияти асосида муаллиф ишилнинаси.*

Статик бюджетдан четланишлар ҳақиқий ва режалаштирилган кўрсаткичлар ўртасидаги фарқдан иборатdir.

«Ўзбекистон пахта тозалаш заводи» АЖнинг 2016 йилнинг март ойи статик бюджетидан четланишларнинг 0 ва 1-даражада таҳлили кўйида 2.10-жадвалда келтирилган.

**«Ўзбекистон пахта тозалаш заводи» АЖнинг статик бюджетдан четланишларнинг 0- ва 1-даражали таҳлили**

2.10-жадвал

<b>0-даражали таҳлил</b>			
<b>Ҳақиқатдаги операцион фойда</b>			14900
Статик бюджетда белгиланган операцион фойда			108000
Статик бюджетдан операцион фойда бўйича четланишлар			93100 (С)
<b>1-даражали таҳлил</b>			
	Статик бюджет	Ҳақиқатда	Статик бюджетдан четланишлар
Сотиш ҳажми, тонна	10000	12000	2000 (С)
Тушум	1250000	1440000	190000 (С)
Ўзгарувчан харажатлар:			
Асосий материаллар	621600	720000	98400 (И)
2.10-жадвалнинг давоми			
Асосий ишлаб чиқариш ишчиларининг иш ҳаки	198000	192000	6000 (С)
Ўзгарувчан умум-ишлаб чиқариш харажатлари	130500	144000	13500 (И)
Жами ўзгарувчан харажатлар	950100	1056000	105900(И)
Маржинал фойда	299900	384000	84100 (С)
Доимий харажатлар	285000	276000	9000 (С)
Операцион фойда	14900	108000	93100 (С)
<b>93100 (С) – Статик бюджетдан четланиш миқдори</b>			

*Манба. Ч. Хорнгрен, Ж. Фостер ва Ш. Датарларнинг услубияти асосида муаллиф ишланмаси.*

Четланишларнинг 0-даражада таҳлилида энг кам микдордаги қийматлар яни ҳақиқий ва режалаштирилган операцион фойдалар таққосланади. Мисолимизда ҳақиқатдаги операцион фойда статик бюджетда белгиланган операцион фойдага нисбатан 93100 сўмга кам бўлган.

Четланишларнинг 1-даражада таҳлилида эса менежерлар корхона фаолиятини батафсилроқ тадқиқ этиш имкониятига эга бўлади. Жумладан, операцион фойда бўйича четланишлардан ташқари, тушум, доимий ва ўзгарувчан харажатлар бўйича четланишлар ҳақида ҳам маълумотларга эга бўлинади. Мазкур таҳлилда фойда микдорида юз берган салбий ўзгаришни сабабларини кўриш мумкин. 2.10-жадвалда келтирилган мисолда фойда микдори камайган. Тушумни пасайиши ва жами ўзгарувчан харажатларни ошишиш ҳисобига ушбу салбий холат юз берган.

Четланишлар сабабларини аниқлаш учун 1-даражада таҳлилида олинган қўшимча маълумотлардан ташқари, албатта мослашувчан бюджет тузиш лозим.

2-даражали таҳлилда ҳақиқий харажатларнинг мослашувчан бюджетдан четланиши таҳлил қилинади (2.11 - жадвалга қаранг).

Операцион фойда бўйича салбий четланишларни батафсил таҳлил қилиш учун мазкур четланишлар мослашувчан бюджет ва сотиш ҳажми бўйича четланишларга ажратиласди.

Мослашувчан ва статик бюджет бўйича кўрсаткичларни хисоблаш учун бюджетдаги сотиш баҳоси ва харажатлар (микдор ва қиймат кўринишида) кўрсаткичларидан фойдаланилади. Ягона фарқ мослашувчан бюджет ҳисоб-китоби учун ҳақиқатда ишлаб чиқарилиб, сотилган маҳсулот ҳақидаги маълумотлардан, статик бюджетда эса бюджетда акс эттирилган маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми кўрсаткичидан фойдаланилади. Ушбу икки устун кўрсаткичлари бўйича фарқ сотиш ҳажми бўйича четланишлар дейилади. Улар мослашувчан ва статик бюджетлардаги сотилган маҳсулот ҳажмидаги фарқлар ҳисобига юзага келади.

«Ўзбекистон пахта тозалаш заводи» АЖнинг статик бюджетдан  
четланишларини 2-даражали таҳлили, сўмда

2.11 - жадвал

2-даражали таҳлил					
Кўрсаткичлар	Ҳаки- кӣ маълу- мотлар	Мосла- шувчан бюджет	Мосла- шувчан бюджет бўйича четланишлар	Статик бюджет	Сотиш бўйича четла- нишлар
	(1)	(2)	(3)=(1)-(2)	(4)	(5)=(4)-(5)
Сотишлар ҳажми, тонна	10000	10000	0	12000	2000 (C)
Тушум, минг сўмда	125000 0	120000 0	50000 (И)	1440000	240000 (C)
Ўзгарувчан харажатлар:					
асосий материал- лар, минг сўмда	621600	600000	21600 (C)	720000	120000 (И)
асосий ишлаб чи- кариш ишчилари- нинг иш ҳаки, минг сўмда	198000	160000	38000 (C)	192000	32000 (И)
ўзгарувчан умум ишлаб чиқариш харажатлари, минг сўмда	130500	120000	10500 (C)	144000	24000 (И)
Жами ўзгарувчан харажатлар, минг сўмда	950100	880000	70100 (C)	1056000	176000 (И)
Маржинал фойда, минг сўмда	299900	320000	20100 (C)	384000	64000(C)
Доимий харажат- лар, минг сўмда	285000	276000	9000 (C)	276000	0
Операцион фойда, минг сўмда	14900	44000	29100 (C)	108000	64000 (C)
<b>29100 сўм салбий четланиш – мослашувчан бюджетдан умумий четланиш;</b>					
<b>64000 сўм салбий четланиш - сотиш бўйича умумий четланиш;</b>					
<b>29100+64000 = 93100 салбий четланиш – статик бюджетдан умумий четланиш</b>					

Манба. Ч. Хорнгрен, Ж.Фостер ва Ш. Датарларнинг услубияти  
асосида муаллиф ишланмаси.

Сотиш бўйича умумий четланишда юзага келган 64000 сўмлик салбий четланишга маржинал фойдада юз берган четланиш асосий сабаб бўлган.

Мослашувчан бюджетдан умумий четланиш (29100) ва сотиш бўйича умумий четланишлар (64000) биргаликда статик бюджетдан салбий четланишларни ташкил қилмоқда.

Мослашувчан бюджет бўйича четланишларни янада батафсил таҳлил қилиш мақсадида тўғри харажатларнинг иккита моддаси: асосий материаллар ва асосий ишлаб чиқариш ишчиларининг иш ҳақи ҳаражатлари бўйича четланишлар таҳлили ўтказилади.

Мослашувчан бюджетлар бўйича четланишлар (2-даражада таҳлилига қаранг) ҳақиқий кўрсаткичлар билан мослашувчан бюджет кўрсаткичлари ўртасидаги фарқни англатади. Мазкур четланишларнинг манбаи (айниқса ҳаражатлар бўйича) бюджет бўйича ва ҳақиқатда сарфланган ресурслар миқдори ҳамда баҳоси бўйича четланишлар ҳисобланади. Мазкур четланишлар иккига, яъни баҳо ва миқдор бўйича фарқларга ажратилиб, батафсил кўриб чиқилади. Бу маълумотлар четланишлар таҳлилиниң 3-даражасига тегишли бўлади ва у менежерларга олинган натижаларни таҳлил қилиш ҳамда корхонани истиқболдаги ишини режалаштиришга ёрдам бериади. Мослашувчан бюджет бўйича 3-даражада четланишлар ҳисобкитоби маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳажмига асосланиб ўтказилади.

Амалиётни ўрганиш корхона ва унинг бўлинмалари (масъулият марказлари) фаолиятини баҳолаш ва назорат қилиш учун мослашувчан бюджет маълумотлари етарли бўлмаслигини кўрсатмоқда. Бунинг учун бизнингча, унга кўшимча равишда назорат ва баҳолаш бюджетини тузиш лозим (2.13-чизма).

Бюджетнинг бажарилиши устидан назорат қилиш учун биринчи навбатда таққослаш базаси сифатида олинаётган режани ўзгартириш лозим. Бунда фақатгина мослашувчан бюджетларни ҳисоблаш, режа кўрсаткичларини маҳсулотнинг ҳақиқий ишлаб чиқарилган ҳажмига кўра қайта ҳисоблаш етарли бўлмаслиги аниқдир. Бошқарув ҳисобига оид адабиётларда эса бу борада бошқа бирон-бир таклиф берилмаган.

## Статик бюджет

Мослашувчан бюджет (ишлаб чиқариш (сотиш) хажмининг ўзгариши)

Вазиятли бюджет (сценарий шароитларининг ўзгариши)

Масъулият марказларига боғлиқ бўлган ва боғлиқ бўлмаган омиллар

Бахолаш бюджети (масъулият марказлари ва ходимлар фаолиятини баҳолаш ва рагбатлантириш учун)

### 2.13-чизма. Назорат ва баҳолаш бюджетини шакллантириш<sup>25</sup>

Бизнингча, статик бюджетга таъсир килувчи иккита гурӯҳ омилларини қайта ҳисоблаш зарур:

- маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига кўра қайта ҳисоблаш орқали мослашувчан бюджет тузилади;
- шарт-шароитлар ўзгаришига кўра қайта ҳисоблаш орқали вазиятли бюджет тузилади.

Вазиятли бюджет – бюджетлаштиришнинг шарт-шароитлари ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисобланган бюджетдир.

Бюджетлаштиришнинг шарт-шароитларнинг ўзгаришига күйидагилар киради:

- ташки шароитдаги ўзгаришлар (макроиктисодий кўрсаткичлар, товар ва пул бозорлари, солик конунчилиги ва рақобатчилар ҳатти - ҳаракатлари туфайли шарт-шароитлар ўзгариши);
- фаолият юритишнинг асосий шароитларининг ўзгариши (стратегик ривожланиш, сотиш, ишлаб чиқариш, таъминот, ёқилги-энергетика истеъмоли, транспорт таъминоти, экология, ходимлар таркиби ва ижтимоий таъминотдаги ўзгаришлар);
- молиявий натижалар прогнозида бюджет даврининг охирида юз берган ўзгаришлар.

<sup>25</sup> Муаллиф ишланмаси.

Мазкур икки гурух омиллариға күра бошланғич бюджетни ўзгартириш натижасида назорат бюджети шакллантирилади.

Назорат бюджетини шакллантиришдан асосий мақсад бюджет бажарилишини корхонанинг мақсади сифатида баҳолаш ва назорат қилишдан иборатдир. Шу билан бирга мазкур бюджет ёрдамида белгиланган мақсадлардан четланишларни омиллари ва сабаблари аниқланади ҳамда унинг ёрдамида тегишли мақсадга эришиш учун уларга тегишли ўзгартиришлар киритилади.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, назорат бюджетидан бўлинмалар, ходимлар, раҳбарият ва менежмент фаолиятини баҳолаш ҳамда рағбатлантириш мақсадлари учун асос сифатида фойдаланиб бўлмайди.

Бунинг учун фикримизча, мазкур бюджеттага қайта ўзгартиришлар киритиш лозим. Бунда назорат бюджети раҳбарият, турли бўғин ва бўлинмалар менежерлари фаолиятига боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган омилларга кўра ўзгартирилади. Натижада баҳолаш бюджети юзага келади ва у куйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$B_6 = H_6 + O_{p6} \quad (2.5)$$

бунда  $B_6$  – баҳолаш бюджети;

$H_6$  – назорат бюджети;

$O_{p6}$  – раҳбарият ва ходимларга боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган омиллар.

Баҳолаш бюджетидан ходимлар фаолиятини баҳолаш ва рағбатлантиришда самарали фойдаланилиши мумкин.

Иқтисодий адабиётларда бюджетлаштиришга анъанавий ёндашувлар қаттиқ танқид қилинмоқда. Бунда асосий масала бюджетлаштиришни корхона стратегиясига йўналтирилмаганлигидир, 60 % корхоналарда бюджетлар стратегиясига мос равишда тузилмаётганлигидир. Ўрганилган манбалар асосида бюджетлаштириш танқидига оид фикр-мулоҳазалар умумлаштирилди (41-илова).

Иловани таҳлил қилиш бюджетлаштиришдан бутунлай воз кечиш кўп маблағ ва куч талаб қилиши сабабли корхоналар томонидан мазкур бошқарув воситасидан воз кечилмаётганлигини кўрсатмоқда.

Шунга қарамай назария ва амалиётда бюджетлаштиришнинг анъанавий ёндашувига нисбатан самаралироқ воситасини излаш давом этмоқда. Унга Ж. Хоуп ва Р. Фрейзерларни бюджетдан воз

кечишга оид таклифларидан тортиб то Д. Нортон ва Р. Капланларни баланслаштирилган кўрсаткичларни жорий этиш тўғрисидаги тавсияларигача киради.

Юқорида таъкидланган бюджетлаштиришдаги муаммоларни хал этиш учун бизнингча бюджетлаштириш тизимини самарали фаолият кўрсатиш тамойилларини жорий этиш лозим (42-илова).

Бюджетлаштиришда юқорида таъкидланган муаммоларнинг кўплиги ва уни такомиллаштириш бўйича кўплаб фикрлар айтилаётганлигига қарамай корхоналарнинг асосий қисми анъанавий бюджетлаштиришдан фойдаланмоқда. Бунинг кўпгина сабаблари мавжуд (43-илова).

Бюджетлаштиришни жорий этгандан сўнг тўхтаб қолмаслик керак. Доимий равишда диагностика қилиниши ва келгусида оптималлаштириш (такомиллаштириш) учун бюджетлаштириш тизимини таҳлил қилиш услугига эга бўлиш лозим.

Бюджетлаштиришни ҳар томонлама тавсифловчи мезонлари: бюджетлаштириш харажатлари, бюджетларга тузатиш киритиш, менежерлар томонидан назорат қилиш, режалаштириш доираси, ходимлар мотивациясига таъсири, ташкилий тузилмаларнинг акс эттирилиши, бюджет шакллари ягоналиги, маълумотлар шаффошлиги ва ахборот технологиялари билан уйғунлиги мавжуд.

Ушбу таҳлил кўйидаги схема бўйича ўтказилиши керак<sup>26</sup>:



#### 2.14-чизма. Бюджетлаштиришни таҳлил қилиш чизмаси

Мавжуд бюджетлаштириш тизими юқоридаги мезонларни ҳар бири бўйича таҳлил қилинади. Таҳлил натижалари бюджет назарияси ва корхона фаолияти хусусиятларига асосан тузилган маълум бир меъёрий ҳолат билан таққосланади. Четланишлар аникланганда муаммонинг ечиш йўллари изланади, мос келганда эса самарадорлиги ҳақида хулоса қилинади.

<sup>26</sup> Муаллиф ишланмаси

## **III БОБ. ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАЛАРИДА БЮДЖЕТЛАШТИРИШНИНГ УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТИ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

### **3.1. Пахта тозалаш корхоналарида операцион бюджетларни тузиш услуги**

Пахта тозалаш корхоналари бош бюджетининг муҳим таркибий қисми операцион бюджетлар ҳисобланиб, у пахта хомашёсини тайёрлаш, қайта ишлаш ва сотиш бюджетларидан иборат бўлади.

Тадқиқотнинг аввалги бобида таъкидланганидек, операцион бюджетлар пахта хомашёсини тайёрлаш бюджетини тузишдан бошланади. Пахта тайёрлаш бюджети кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан ҳар йили тасдиқланадиган пахта хомашёсини тайёрлашнинг прогноз кўрсаткичлари ва тузилган контрактация шартномаларига асосан белгиланади. Ушбу бюджетда пахта хомашёсини тайёрлаш, сақлаш, тозалаш ва уни пахта тозалаш корхонасига ташиб келтириш ҳажми ҳамда ҳар бир тайёрлаш маскани бўйича пахтанинг таннархи кўрсаткичлари аниқланади.

Бошқача қилиб айтганда, пахта хомашёсини тайёрлаш бюджетида хомашё ресурсига бўлган эҳтиёж ва унинг қиймати аниқланиб, кейинги бюджетлар - қайта ишлаш бюджети, сотиш бюджети ва бошқа бюджетларни тузиш учун асос бўлиб хизмат килади.

Пахта хомашёси фермер хўжаликлари билан тузиладиган контрактация – шартномалари асосида тайёрлов масканлари орқали тайёрланади.

Тайёрлов бюджетида пахта хомашёсининг харид нархи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 11 сентябрдаги «2016 йилги пахта хомашёсини харид нархлари тўғрисида»ги 293-сонли қарори асосида шакллантирилади.

Унга асосан «Етиштирилган пахта хомашёсининг бутун ҳажмига бўлган харид нархлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан йигим-терим бошланишидан 15 кундан кечикмасдан, франко-ташувчи жўнатиш станцияси (FCA) шартлари ва Марказий банкнинг прогноз қилинаётган валюта курси қийматида пахта хомашёси йигим-терими мавсумида жаҳон

бозорида кутилаётган пахта толасига бўлган ўрта хисобдаги нархлардан келиб чиқиб белгиланади» [3].

Тайёрлов бюджетида пахта хомашёси базис (ўртача) харид нархи (бешинчи тип, иккинчи нав, биринчи класс) тола чиқишининг ўртача кўрсаткичини хисобга олиб, пахта толаси жаҳон бозоридаги ўртача нархидан келиб чиқиб, миллий валюта (сўм)да қўйидаги формула бўйича аникланади:

$$B_x = ((J_n - T_{cx}) \times V_k + I_{mk} - K_x) \times T_q \quad (3.1)$$

бунда  $B_x$  - бир тонна пахта хомашёсининг сўмдаги базис (ўртача) харид нархи;

$J_n$  - жаҳон бозорида бир тонна пахта толасининг йигим-терим мавсумида кутилаётган АҚШ долларидағи ўртача нархи;

$T_{cx}$  - бир тонна пахта толасининг сотиш харажатлари, АҚШ долларида (пахта тозалаш корхонасидан минтақавий пахта терминалигача ташиш, терминалда сақлаш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган ташқи савдо корхоналарининг пахта толасини экспортга сотиш бўйича чегараланган харажатлари, худудий филиаллар комиссиян харажатлари);

$V_k$  - пахта йигим-терими мавсумида Марказий банк томонидан прогноз қилинаётган ўртача валюта курси, сўм/доллар;

$I_{mk}$  - бир тонна пахта толасига тўғри келадиган иккимачи маҳсулотнинг киймати, сўмда;

$K_x$  - пахта тозалаш корхоналарининг бир тонна пахта толасига тўғри келадиган пахта хомашёсини тайёрлаш, ташиш, сақлаш ва қайта ишлаш бўйича харажатлари, сўмда;

$T_q$  - охирги уч йилда ўртача тола чиқиш коэффициенти.

Пахта хомашёсининг харид нархини аниклашда фермер хўжаликларининг бизнес-режасига кўра сарфлайдиган харажатлари ҳам хисобга олинади.

Юкорида келтирилган формула бўйича аникланган базис (ўртача) нархидан келиб чиқиб, пахта хомашёсининг навлари ва класслари бўйича нархи бюджетда толанинг жаҳон бозоридаги конъюнктурасидан келиб чиқиб, тасдиқланадиган коэффициентларга кўпайтириб аникланади (44 -илова).

Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юкорида таъкидланган қарорига асосан 2016 йилги пахта мавсумида 1 тонна пахта хомашёси учун харид нарх 2.143 минг сўмдан 317.57 минг сўмгача қилиб белгиланган [6].

Пахта хомашёси учун амалда қабул қилинган ҳисоб-китоблар унинг таркибидаги тола сифати ва миқдорини ҳисобга олиб икки босқичда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси» орқали амалга оширилади (45-илова):

Биринчи босқич - тайёрлаш мавсумида пахта хомашёси сифатини ҳисобга олган ҳолда типлари (селекцион навлари) ва саноат навлари бўйича дастлабки ҳисоб-китоб қилиш. Бу босқичда фермер ҳўжаликларига харид нархлари бўйича хомашё баҳосининг 90 фоизи тўланади.

Иккинчи босқич - пахта хомашёсини қайта ишлаш тугаллангач, тола чиқишига кўра, якуний ҳисоб-китоб қилиш (масалан, 2016 йилги пахта хосили учун 2017 йил 1 апрелга қадар [6]). Бунда хомашёнинг тола чиқиши ҳам ҳисобга олинган ҳолдаги баҳоси билан биринчи босқичда амалда унга тўланган пул ўртасидаги фарқ тўланади.

Бу ҳолат тармоқ корхоналарининг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланиб, бюджетлаштиришда албатта мазкур хусусиятни инобатга олган ҳолда кўрсаткичларни аниқлаш керак.

Пахта тозалаш корхоналари тайёрлов бюджетида пахта тозалаш корхонасининг тайёрлов масканларидан пахта хомашёсини қабул қилиб олиш ва сақлаш билан боғлиқ харажатлари акс эттирилмайди. Бу харажатлар қайта ишлаш бюджетида қайд этилади ва мазкур бюджет операцион бюджетларнинг яна бир муҳим таркибий элементи ҳисобланади.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, иктиносидий адабиётларни ўрганиш айрим ҳолларда ушбу бюджет билан ишлаб чиқариш дастурини бир хил тушунча сифатида қараш ҳолати учраёт-ганлигини кўрсатмоқда. Бу албатта нотўғри қараш ҳисобланади. Ишлаб чиқариш бюджети ва дастури бир-биридан фарқ қиласди. Ишлаб чиқариш дастури маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишнинг йиллик ҳажми, номенклатураси, товар ва хизматлар бозори талаби асосида сифат ва муддатни тавсифловчи комплекс режани ўзида намоён этади. Пахта хомашёсини қайта ишлаш бюджетига пахта баланси, материал ва эҳтиёт қисмлар, уларнинг сарфланиши, бевосита меҳнат харажатлари ва умумишилаб чиқариш харажатлари бюджетлари киради.

Амалиётни ўрганиш уларнинг ичидаги пахта балансини тузиш муҳим ҳисобланисини кўрсатди. Чунки пахта тозалаш корхонаси ихтиёрида қоладиган барча пахта ресурслари ана шу балансга қараб аниқланади ва у тақвим йили учун тузилади (3.1-жадвалга қаранг).

## Пахта баланси

3.1-жадвал

### I. Хомашё ресурслари

А. Ўтган йил ҳосилининг:

1. Январгача қолгани.
  2. Кўшимча тайёрлангани.
  3. Бошқа пахта тозалаш корхоналаридан қайта ишлаб бериш учун келтирилгани.
- Б. Шу йилги ҳосилнинг:
1. Тайёрлов режаси.
  2. Бошқа пахта тозалаш корхоналаридан қайта ишлаб бериш учун келтириладигани.

### II. Хомашёга бўлган эҳтиёж

А. Ўтган йил ҳосилининг:

1. Пахта тозалаш корхонасини ўзида қайта ишланадигани.
2. Бошқа пахта тозалаш корхоналарига қайта ишлашга бериладигани.

Б. Шу йилги ҳосилнинг:

1. Пахта тозалаш корхонасини ўзида қайта ишланадигани.
2. Бошқа пахта тозалаш корхоналарига қайта ишлашга бериладигани.
3. Йил охирига қолдик.

Пахта баланси саноат навларига бўлинган ҳолда ҳар қайси селекционнав бўйича алоҳида тузилади.

Мазкур тармоқ кўп материал сарф қилувчи (90,6%) саноат тармоғи ҳисобланади (3.1-чизма). Шунинг учун бюджетлаштиришда материаллар ва уларнинг сарфланишига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Тадқиқотлар бюджетлаштиришни жорий этишда энг муҳими материаллар ва эҳтиёт кисмлар хариди бюджетини моддий бойликлар сарфини асосланган меъёrlарига мувофиқ шакллантирилишига эришиш лозимлигини кўрсатди. Ушбу меъёrlарга қўйидағилар киради:

1. Пахта толасининг чиқиши.

2. Толали чиқиндилар чиқиши.
3. Жинланган пахта чигитини қолдик толадорлиги.
4. Линтнинг чиқиши.
5. Линтерланган чигитнинг чиқиши.
6. Асосий ишлаб чиқариш куйиндилиари.
7. Куритиш-тозалаш цехлари куйиндилиари.
8. Толанинг мустаҳкамлигига кўра пахта хомашёси навларининг ўзгариши.
9. Пахта хомашёси ва чигитини сақлаш ҳамда ташишда юз берадиган табиий йўқотишлар.
10. Сим ва материаллар сарфи.
11. Пахта толаси, линт ва толали чиқиндиларни тойлаш.
12. Жинлаш ва линтерлаш жараёнларида арра, колосник ҳамда прокладкалар сарфи.



### **3.1-чизма. Пахта тозалаш корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари таркиби**

«Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамияти пахта тозалаш корхоналининг талаб эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда, уларни зарур асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлари, моддий-техника ресурслари билан шартнома асосида таъминлашда кўмаклашади. Мазкур ишлар марказлаштирилган ҳолда акциядорлик жамияти таркибига кирувчи «Марказлашган республика таъминот базаси» орқали амалга оширилади.

Ушбу хусусиятлар пахта хомашёсини қайта ишлаш бюджетини материал ва эҳтиёт қисмлар бўлимини ишлаб чиқиша инобатга олиниши лозим.

Тайёрлаш масканларининг материалларга бўлган эҳтиёжлари (брезент, мато, сим, каноп, лаборатория материаллари) пахта хомашёсини тайёрлаш ва уни пахта тозалаш корхонасига топшириш бўйича, шунингдек, фермер хўжаликлари эҳтиёжларидан келиб чиқиб режалаشتарилади.

Пахта тайёрлаш масканлари фойдаланадиган материаллар тайёрлаш фаолиятига доир моддий харажатлар таркибига киради. Пахта топширувчиларга берилиши керак бўлган материаллар эса бу эҳтиёжни зътиборга олиш учун пахта тозалаш корхонасининг материаллар ва эҳтиёт қисмлар хариди бюджетида акс эттирилади.

Пахта хомашёсини қайта ишлаш бюджетини тузишдан маҳсад пахта тозалаш корхонасининг бир йилда ишлаб чиқарадиган маҳсулотлари миқдорини аниқлашдан иборатдир.

Пахта хомашёсини қайта ишлаш бюджетини қолган бўлимларини тузиш услубиёти куйида «Ўзбекистон пахта тозалаш заводи» акциядорлик жамияти мисолида кўриб чиқилади.

Бюджетлаштириш жараённада даставал корхонанинг йиллик иш вақти ҳисоблаб чиқилади ва у куйидагича аниқланади.

$$T = [N_d - (N_a + N_b + N_k)] \times N_c \times t_c \times \phi \quad (3.2)$$

бунда  $N_d$ -бир йилдаги кунлар сони;  $N_a$  - дам олиш кунлари сони;  $N_b$  - байрам кунлари сони;  $N_k$  - корхонада капитал таъмиглашга сарф қилинадиган кунлар сони;  $N_c$  - бир суткадаги сменалар сони;  $t_c$  - бир сменадаги соатлар сони;  $\phi$ -ускуналардан фойдаланиш коэффициенти.

$$T = [365 - (52 + 9 + 32)] \times 3 \times 8 \times 0,92 = 6005,76 \text{ соат.}$$

Пахта хомашёси қайта ишлаш бюджетининг кейинги босқичида корхона ишлаб чиқарадиган йиллик тола миқдори ҳисобланади ва у куйидаги формула орқали аниқланади:

$$Q_T = (K_m \times K_A \times \Pi_{uy} \times T) / 1000, \text{ тонна.} \quad (3.3)$$

бунда  $K_m$  - корхонада ўрнатилган жинлар сони, дона;

$K_A$  - битта жиндаги арралар сони;

$\Pi_{uy}$  - жиннинг иш унуми, кг.арпа.соат.

$$Q_T = (4 \times 90 \times 12,5 \times 6005,76) / 1000 = 27025,92.$$

Бюджетда корхонанинг белгиланган тола ишлаб чиқариши учун керак бўладиган пахта хомашёси миқдори аниқланади. Бу ҳисоб-китоб қўйидагича амалга оширилади:

$$Q_n = \frac{Q_T \times 100}{B_t} \quad (3.4)$$

бунда  $Q_T$  - ишлаб чиқариладиган йиллик тола міндари;  
 $B_t$  – тола чиқиши.

$$Q_n = \frac{27025,92 \times 100}{33,6} = 80434,28$$

Тола ва пахта ҳомашёсінинг умумий міндари аниқланғандан сұнг корхонада ишлаб чиқариладиган тола навлари бүйіча пахта ассортименти хисоб-китоб қилинади (3.2-жадвал).

### Тола навлари бүйіча пахта ассортименти хисоб-китоби

3.2-жадвал

Пах- та нави	Пахта хомашё- си хажми	Тола навлари бүйіча пахта хажми										Саноат навлари бүйіча тола чиқиши ва хажми		
		1-нав		2-нав		3-нав		4-нав		5-нав				
%	тонна	%	тонна	%	тонна	%	тонна	%	тонна	%	тонна	%		
I	80	64348,2	80	64348,2								35,0	22521,8	
II	7,2	5791,3			7,2	5791,3						32,4	1876,3	
III	4,4	3539,1					4,4	3539,1				29,6	1047,5	
IV	7,5	6032,6							7,5	6032,6		22,9	1381,4	
V	0,9	723,9									0,9	723,9	27,4	198,3
<b>Жами</b>	<b>100</b>	<b>80435,28</b>	<b>80</b>	<b>64348,2</b>	<b>7,2</b>	<b>5791,3</b>	<b>4,4</b>	<b>3539,1</b>	<b>7,5</b>	<b>6032,6</b>	<b>0,9</b>	<b>723,9</b>	<b>33,6</b>	<b>27025,3</b>

Бюджетлаштиришда пахта толасининг синфлари бүйіча ассортименти ҳам хисоблаб чиқылади (3.3-жадвал).

### Пахта толасининг синфлари бүйіча ассортименти

3.3-жадвал

Пах- та нави	Тола хажми		Давлат стандарты бүйіча тола сифати									
	Аъло		Яхши		Үртга		Оддий		Ифлос			
	тонна	%	тонна	%	тонна	%	тонна	%	тонна	%	тонна	%
I	22521,8	35,0	20720,0	92	1801,8	8						
II	1876,3	32,4	112,5	6	1763,8	94						
III	1047,5	29,6			52,3	5	995,2	95				
IV	1381,4	22,9					41,4	3	1340,0	97		
V	198,3	27,4									198,3	100
<b>Жами</b>	<b>27025,3</b>	<b>33,6</b>	<b>20832,5</b>		<b>3617,9</b>		<b>1036,6</b>		<b>1340,0</b>		<b>198,3</b>	

Бюджетлаштиришнинг кейинги босқичида қўйидаги ҳисоб-китоблар асосида корхонанинг хомашё ва тайёр маҳсулот баланси тузилади (3.4-жадвал):

- пахта хомашёсининг ассортименти бўйича ҳажми ҳақидаги маълумотлар 3.2-жадвалдан олинади;

- пахта навлари сифати бўйича тола чиқиши ва миқдори маълумотлари 3.3-жадвалдан олинади;

- пахта навлари бўйича улук, момик, толали чиқиндилар ва куйиндининг чиқиши ҳақидаги маълумотлар эса корхона кўрсаткичларидан олинади;

- улук, момик, толали чиқиндилар ва уларнинг миқдори қўйидаги формула орқали топилади:

$$q_{y_n} = \frac{Q_m}{100} \times B_{y_n} \quad q_M = \frac{Q_m}{100} \times B_M \quad q_{m_n} = \frac{Q_m}{100} \times B_{m_n} \quad q_{y_T} = \frac{Q_m}{100} \times B_{y_T} \quad (3.5)$$

д) улук, момик, толали чиқиндилар ва куйиндининг ўртача чиқиши қўйидаги формула орқали топилади:

$$B_{y_p} = \frac{q_1 + q_{II} + q_{III} + q_{IV} + q_V}{Q_m} \times 100\% \quad (3.6)$$

е) чигитнинг чиқиши пахта нави бўйича қўйидаги формула орқали топилади:

$$B_q = 100 - (B_T + B_{y_n} + B_{TЧ} + B_{y_T}) \% \quad (3.7)$$

ж) пахтанинг ҳар бир навидан олинадиган чигит миқдори қўйидагича аниқланади:

$$q_x = Q_n \times B_q / 100, \text{ тонна.} \quad (3.8)$$

Пахта хомашёсини қайта ишлаш бюджетида корхонадаги асосий технологик машиналарнинг кўрсаткичлари ҳам ҳисобланади. Дастреб жин машиналари кўрсаткичлари аниқланади (3.5-жадвалга қаранг) ва у қўйидаги тартибда амалга оширилади:

1. Тола миқдори 3.2-жадвалдан олинади – 27025.3 т, корхонада бюджет даврида 4 та жин ишлайди.

## Пахтадан олинадиган маҳсулотлар баланси

3.4-жадвал

Пахта нави	Пахта		Тола		Чигит момик билан		Улук		Толали чиқинди		Угар	
	%	тонна	%	тонна	%	тонна	%	тонна	%	тонна	%	тонна
I	80	64348,2	35,0	22521,8	55,9	20782,7	0,7	260,3	3,8	1412,8	4,6	171,2
II	7,2	5791,3	32,4	1876,3	55,6	1859,8	0,9	30,1	7,0	234,2	4,1	137
III	4,4	3539,1	29,6	1047,5	53,7	1077,7	1,0	33,4	11,0	224,9	4,7	96,
IV	7,5	6032,6	22,9	1381,4	30,1	1049,2	1,4	48,8	4,6	160,3	41,0	142
V	0,9	723,9	27,4	198,3	48,8	204,4	1,3	5,5	7,8	32,6	14,7	61,
	100	80435,28	33,6	27025,3	53,6	24973,5	0,8	378,1	4,4	2064,8	7,3	343

## Арралы жин ўрнатилган цех кўрсаткичларининг ҳисоб-китоби

3.5-жадвал

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Пахтанинг нави					Жами
		I	II	III	IV	V	
Пахта ҳажми	T	64348,2	5791,3	3539,1	6032,6	723,9	80435,1
Жинлар сони	Дона	4	4	4	4	4	4
Арралар сони	Дона	360	360	360	360	360	360
Жинларнинг иш унумдорлиги	кг/appa. соат	11	10	9	8	7	9
Ажратилган тола миқдори	T	13012,5	1084,3	605,5	798,2	114,5	15615
Ишлаб чиқарилган чигит миқдори	T	20782,7	1859,3	1077,7	1049,2	204,4	24973,5
Навлар бўйича жинлашга сарфланадиган иш вақти	Соат	4549,8	417	2587	3837	62,9	6673

2. Жинларнинг иш унуми (П) эса ўртача пахта навлари бўйича куйидагича тақсимланади:

$$I\text{-нав пахта учун} - P_I = P_{up} + 1 = 10 + 1 = 11;$$

II-нав пахта учун -  $\Pi_{II} = \Pi_{up} = 10$ ;

III-нав пахта учун -  $\Pi_{III} = \Pi_{up} - 1 = 10 - 1 = 9$ ;

IV- нав пахта учун,  $\Pi_{IV} = \Pi_{up} - 2 = 10 - 2 = 8$ ;

V-нав пахта учун -  $\Pi_V = \Pi_{up} - 3 = 10 - 3 = 7$  кг/appa.coat

Ушбу бюджетда линтерлаш курсаткичларига оид ҳисоб-китоблар ҳам келтирилади (3.6-жадвалга қаранг).

Бунинг учун керакли маълумотлар, жумладан жинлашдан кейинги чигитнинг миқдори 3.4-жадвалдан олинади.

Линтерлар сони момикни чигитдан ажратиб олиш даражасига ва линтерларнинг ўтказадиган чигит миқдорига қараб ҳисобланади.

А – типдаги момик ажратиш чигит массасига нисбатан 2,0-2,5% ажратилганда  $\Pi_L = 800 - 1000$  кг/соат бўлади.

Б–типдаги момик ажратиш чигит массасига нисбатан 2,5-3,2% ажратилганда  $\Pi_L = 700 - 800$  кг/соат бўлади.

Линтерлар сони қўйидагича топилади:

$$K_L = \frac{q_x \times 1000}{\Pi_x \times T} = \frac{24973,5 \times 1000}{1000 \times 6005,76} = 4 \text{ та линтер.} \quad (3.9)$$

бунда  $K_L$  – линтерлар сони;

$q_x$  – чигит массаси, тоннада;

$\Pi_L$  -линтерларнинг иш унуми, кг/соатда.

А типдаги линт ажратиш натижасида ҳосил бўлган чигит миқдори қўйидагича ҳисобланади:

$$q_q^A = q_q^A - q_m^A = 24973,5 - 668,8 = 24304,7 \text{ тонна.} \quad (3.10)$$

Б типдаги линт ажратиш натижасида ҳосил бўлган чигит миқдори қўйидагича ҳисобланади:

$$q_q^B = q_q^B - q_m^B = 24973,5 - 286,6 = 24018,1 \text{ тонна} \quad (3.11)$$

## Корхонанинг чигитни линтерлашга оид курсаткичларининг ҳисоб-китоби

### 3.6-жадвал

T/p	Линт типи	Чигит бўйича иш унуми, кг/соатда	Момик чиқиши, % да	Ўрнатилган линтерлар сони, донада	Линтерлашдан олдин чигит миқдори, тоннада	Ажратилган линт миқдори, тоннада	Линтерлашдан кейин олинган чигит миқдори, тоннада
1.	А	1000	2,5	4	24973,5	668,8	24304,7
2.	Б	800	3,2	4	24304,7	286,6	24018,1

Пахта хомашёсини қайта ишлаш бюджетида пресслаш бўлимининг асосий технологик ускуналарини ишига оид кўрсаткичлар ҳам белгилаб олинади (3.7-жадвал). Пресслаш бўлимида тайёр маҳсулотлар тола, момик, толали чиқиндилар тойланади ва тайёр маҳсулотнинг микдори ҳамда сифати назорат қилинади.

### Пресслаш бўлимининг асосий технологик ускуналарининг иш режаси ҳисоби

3.7-жадвал

Т/ р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирли ги	Пресслаш бўлимининг қуввати			
			Тола пресси	А-тип- даги момик той- лашда	Б-тип- даги момик той- лашда	Толали чиқин- диларни тойлашда
1.	Пресслар сони	Дона	2	1	1	
2.	Йил давомида иш вақти	Соат	6005,7	6005,7	6005,7	6005,7
3.	Тойнинг ўргача массаси	Кг	220	230	230	230
4.	Маҳсулотнинг умумий массаси	Т	15614,9	668,8	286,6	2064,8
5.	Пресснинг иш унуми: - масса бўйича - тойлар сони бўйича	T/соат Той/ соат	2,6 12	0,11 0,48	0,05 0,012	0,35 1,5
6.	Тайёр маҳсулотлар сони	Дона	70977	2907,8	1246	8977,4

Мазкур бюджет тузилаётганда тайёр маҳсулотни бир соат, смена ва кеча-кундузда ишлаб чиқаришга оид кўрсаткичларни ҳам ҳисоблаб чиқиш лозим (3.8-жадвал). Бу корхонанинг бир маромда ишлашини таъминлайди ва маҳсулот сифатини оширишга кўмаклашади ҳамда курилмаларнинг бекор туриб қолишини камайтиради.

Пахта хомашёсини қайта ишлаш бюджетида хомашё ва тайёр маҳсулотларни сақлаш учун керак бўладиган омборхона ва бунт майдонлари ҳажми ҳам аниқланади.

**Корхонада пахта хомашёсини қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳисоб-китоби  
3.8-жадвал**

T/p	Маҳсулот номи	Үлчов бирлиги	Бир йилда	Бир соатда	Бир сме-нада	Бир кечакундузда
1.	Пахта	Тонна	46473,2	7,74	61,92	185,76
2.	Тола	Тонна	15614,9	2,6	20,8	62,4
3.	Чигит	Тонна	24973,5	4,16	32,3	96,9
	Момик:					
4.	А-тип	Тонна	668,8	0,11	0,88	2,64
	Б-тип		286,6	0,05	0,4	1,2
5.	Толали чиқиндилар	Тонна	2064,8	0,35	2,8	8,4

Пахта хомашёсини сақлаш учун керак бўладиган омборхона ва бунт майдонларига бўлган эҳтиёж шу корхона қошидаги пахта тайёрлаш масканинг техник кувватига боғлиқ бўлса, тайёр маҳсулотлар сақланадиган усти ёпиқ омборхонага бўлган эҳтиёж эса корхонанинг тўрт кунлик ишлаб чиқариладиган маҳсулотлари миқдори асосида аниқланади. Тегишли ҳисоб-китоблар учун маълумотлар куйидаги жадвалда келтирилган (3.9-жадвал).

А. Дастреб пахта сақланадиган усти ёпиқ омбор ( $n_6$ ) ва бунт майдончалари сони ( $n_0$ ) аниқланади. Бунинг учун қуйидаги формулалардан фойдаланилади:

$$n_6 = \frac{Q_{\max} \times (25...30)}{Q_6 \times 100} = \frac{30 \times 5323,7}{750 \times 100} = 2 \text{ та омбор.} \quad (3.12)$$

$$n_0 = \frac{Q_{\max} \times (70...75)}{Q_0 \times 100} = \frac{70 \times 5323,7}{350 \times 100} = 11 \text{ та очик бунт.} \quad (3.13)$$

бунда  $Q_6$  -стандарт ёпиқ омборда (24x54м) сақланадиган пахта ҳажми, т.

$Q_0$ -стандарт очик бунт майдончасида (14x25м) сақланадиган пахта ҳажми, т.

$$Q_6 = 750 - 800 \text{ т; } Q_0 = 350 - 400 \text{ т.}$$

**Корхона қошидаги пахта тайёрлаш маскани омборлари ва бунт майдонларида сақланадиган пахтанинг умумий ҳажмини хисоб-китоби**

3.9-жадвал

Т/р	Тайёрлаш муддати	Тайёрланган пахта ҳажми		Муддатдаги иш куни	Кунлик ишлаб чиқарышга берилган пахта, тоннада	Бюджет даврида қайта ишланган пахта, тоннада	Корхонада бюджет даврида тайёрланган пахта, тоннада
		% да	тоннада				
1.	15.09-30.09	20	3038,8	14	185,76	2600,6	438,2
2.	01.10-15.10	35	5309	13	185,76	2414,9	2894,1
3.	16.10-31.10	30	4550,7	13	185,76	2414,9	2135,8
4.	01.11-15.11	15	2270,5	13	185,76	2414,9	144,4
		100	15169				5323,7

Б. Сүнгра техник чигит сақлаш учун керак бўладиган майдоннинг ҳажми аниқланади ва у куйидаги формула орқали аниқланади:

$$f_m = \frac{K \times Q_{Tq}}{H \times P_q} = \frac{5 \times 96,9}{2,5 \times 350} \times 1000 = 553,7 \text{ кг/м}^2 \quad (3.14)$$

бунда  $f_m$  - техник чигит сақлаш майдон миқдори;

$K$  – захира кунлар ( $K=2-5$ );

$Q_{Tq}$  – пахта тозалаш корхоналарида бир кечада кундузда ишлаб чиқариладиган техник чигит миқдори, тоннада;

$H$  - чигит уюмининг баландлиги,  $H=2,5$  м;

$P_q$  - чигитнинг солишишим оғирлиги, кг/м (350).

В. Уруғлик чигит сақлаш учун ёпик омборга бўлган эҳтиёж куйидаги формула орқали топилади:

$$f_{yu} = \frac{Q_{yu}}{H \times Y \times p_q} = \frac{3750}{25} \times 1000 = 5042 \text{ М}^2 \quad (3.15)$$

бунда  $Q_{yu}$  - корхонада бир кечада кундузда ишлаб чиқариладиган уруғлик чигит миқдори, тоннада;

Н - чигит уюми баландлиги, Н=2,5 м;

р<sub>т</sub> - чигитнинг солиштирма оғирлiği, кг/м (350);

Y - омборнинг тўлиш коэффициенти, Y=0,8-0,85;

Г. Ҳисоб-китоб сўнггида пахта толаси ва момиқ тойларни саклаш учун зарур бўладиган майдон ҳажми аниқланади ва у куйидаги тартибда амалга оширилади:

Белгиланган меъёр бўйича ортиқча маҳсулотни 1-5 кун саклаш учун керак бўладиган майдонга бўлган эҳтиёж куйидаги формула ёрдамида топилади:

$$f = \frac{K_T (\Pi_T + \Pi_m) \times a \times b}{H_T \times \Phi} = \frac{5(62,4 + 3,84) \times 0,97 \times 0,6}{2,2 \times 0,9} = 97,3 \text{ м} \quad (3.16)$$

бунда К<sub>T</sub> - заводда тойларнинг саклаш кунлари сони;

Н<sub>T</sub> - тахланган тойларнинг баландлиги, Н<sub>T</sub> = 2,2 м;

Π<sub>T</sub> - бир кеча кундузда ишлаб чиқариладиган тола тойлари сони;

Π<sub>m</sub> - бир кеча кундузда ишлаб чиқариладиган момиқ тойлари сони;

а - тойлар узунлиги = 0,97 м;

в - тойлар эни = 0,6 м;

К<sub>T</sub> - заводда тойларнинг саклаш кунлари сони;

Φ - майдоннинг тўлдирилиш коэффициенти = 0,9.

Демак, корхонада бюджет даврида пахта хомашёсини саклаш учун 2 та ёпиқ омбор, 5042 м<sup>2</sup> бунт майдончаси ва тайёр пахта маҳсулотлари саклаш учун 97,3 м майдон керак бўлади.

Бюджетлаштиришнинг кейинги босқичида маҳсулот прогноз таннархи тузилади ва у куйидаги босқичларга бўлинади:

а) пахта хомашёсини тайёрлашга оид харажатлар учун тегишли смета тузиш ва пахта таннархини бюджетда белгиланган калькуляциясини тузиш;

б) ишлаб чиқариш харажатлари сметасини тузиш;

в) режа асосида калькуляция тузиш.

Амалиёт таҳлили пахта толасининг прогноз таннархи калькуляция моддалари тузилаётганлигини кўрсатмоқда (46-илова).

Тадқиқотлар пахта тозалаш корхоналарида пахта маҳсулотларини сотиш ҳам ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини кўрсатди. Пахта тозалаш корхоналарида маҳсулот сотиш ва етказиб бериш тартиби меъёрий ҳужжатларда белгилаб берилган. Унга асосан:

««Ўзпахтасаноатэкспорт» АЖ пахта толасини экспортга ва уни қайта ишлайдиган республика корхоналарига ҳар йили тасдиқланадиган пахта толасини ишлаб чиқариш ва етказиб бериш балансининг параметрларига мувофиқ эркин конвертация килинадиган валютага тўғридан-тўғри контрактлар бўйича ҳамда Ўзбекистон Республика товар-хомашё биржаси орқали амалга оширади;

пахта толасини сақлаш ва экспортга ҳамда республика корхоналарига етказиб бериш фақат пахта терминаллари орқали амалга оширилади;

хорижий харидорлар ҳамда республика корхоналари томонидан пахта толасини сифати ва оғирлиги бўйича якуний қабул қилиб олиш пахта терминалларида амалга оширилади» [6].

Пахта тозалаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган пахта толаси етказиб берувчилар томонидан харидорга тузилган шартномаларга мувофиқ пахта терминалларига етказиб берган ҳолда сотилади.

«Минтақавий пахта терминаллари янги хўжалик юритувчи субъект ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 июлдаги «Ишлаб чиқарилган ва сотиладиган пахта толаси учун ҳисоб-китоб қилиш меҳанизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги 240-сонли қарорига мувофиқ ташкил этилган» [42; 76-б.]. Ушбу хусусиятлар сотиш бюджетини тузишда инобатга олиниши керак.

Пахта толаси экспорти юқорида таъкидланганидек, «Ўзпахтатэкспорт» акциядорлик жамияти орқали амалга оширилади.

Экспорт қилинадиган пахта толаси сифатига баҳо бериш учун O'z Dst 604:2001 стандарт томонидан уни ҳалқаро стандартлар бўйича таснифлаш тавсия этилган. Шу таснифга кўра, пахта толаси узунлик гурухлари бўйича 13/16 дан 1-3/4 дюймгача диапазондаги 1/32 дюйм оралиқ билан ажратилади. Савдода базавий узунлик Упланд пахта толасининг 1-1/16 дюйми бўйича қабул килинади, бу эса O'z Dst604:2001 бўйича 32 мм (5 типга) тўғри келади.

Сотиш бюджетида акс эттириладиган пахта толасининг нархи Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 30 августдаги «Пахта толасини сотиш ва ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги 286-сонли қарорини 1-иловаси билан тасдиқланган ««Ўзпахтатэкспорт» АЖ томонидан пахта толасини сотиш ва «Ўзпахтасаноат» АЖнинг худудий филиаллари

билин ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби тұғрисида Низом»га күра шакллантирилади.

Ушбу низомга мувофиқ «Календар йили етказиб берувчилар ва харидор үртасида, етказиб берувчилар ва пахта етиштирувчи хұжаликлар үртасида тузилган контрактация шартномаларига би-ноан жорий йилда кутилаётган пахта хомашёсі ҳосилидан олина-диган пахта толасини харид қилиш юзасидан бош битимлар тузилади.

Бош битимда күйидагилар белгиланади:

жағон бозорида күп талаб қилинадиган тегишли саноат навлари ва типларидаги пахта толасини ишлаб чиқариш учун пахта хомашёсининг аниқ селекция навлари;

пахта хомашёси ишлаб чиқаришнинг прогноз ҳажмларидан ва ғұза навларини жойлаштиришдан келиб чиқсан ҳолда, кейин-чалик пахта толасини қайта ишлайдиган республика корхоналарига экспорт қилиш ва сотиш учун терминалларга етказиб бериладиган пахта толасининг ҳисоблаб чиқылған ҳажмлари;

жорий йилнинг сентябрь — декабрь ва келгуси йилнинг январь — август даврларыда харидор томонидан сотиб олинадиган пахта толаси ҳажмлари бүйича шартномалар тузишнинг тахминий муддатлари.

Бош битимга мувофиқ:

амалдаги ғұза майдонларини ва кутилаётган ҳосилни апробация қилиш натижалари бүйича келгусида жорий йилнинг сентябрь — декабрь даврида экспорт қилиш ва республика корхоналарига сотиш учун пахта толасини терминалларга етказиб бериш юзасидан шартномалар тузилади;

пахта хомашёсина жорий йилда йигиб-териб олиш ва амалда тайёрлаш натижалари бүйича кейинчалик келгуси йилнинг январь — август даврида экспорт қилиш ва республика корхоналарига сотиш учун пахта толасини терминалларга етказиб бериш юзасидан шартномалар тузилади» [6].

Етказиб берувчилар ва харидор үртасидаги пахта толаси юзасидан үзаро ҳисоб-китоблар белгиланған тартибда тузиладиган шартномалар асосида амалга оширилади.

Келгусида экспортта ва республика корхоналарига сотиш учун етказиб берувчилар томонидан етказиб бериладиган пахта толаси учун нархлар, нетто массасига қайта ҳисобланған (улгуржи нархлар прейскурантида көлтирилған формула бүйича) улгуржи

нархлар прейскурантидан ҳамда етказиб берувчиларнинг (сугурта қилиш, етказиб бериш, тушириш ва пахта толасини терминалларда сақлаш, шу жумладан етказиб берувчиларнинг воситачилик ҳаки бўйича харажатлардан) келиб чиқсан ҳолда, СІР — пахта терминали шартлари бўйича аниқланади.

Бунда «Коттон Оутлук» бюллетенида зълон қилинадиган пахта толаси учун жаҳон нархлари амалда бўладиган даврларда («А» индекси котировкаларининг ва унинг CFR — Узоқ Шарқ портларидаги шартларида Ўзбекистон компонентининг ўртacha миқдори), пахта толасини сотишнинг тасдиқланган улгуржи прейскурант нархларидан паст бўлган даврларидаги пахта толасини сотиш ишлаб чиқариш ва етказиб бериш баланси доирасида амалга оширилади.

Сотиш бюджетида пахта толаси харид нархини акс эттириш учун пахта толасининг бешинчи тип, биринчи нав, ўрта классдаги улгуржи базис нархи пахта хомашёсининг бешинчи тип, иккинчи нав, биринчи классига белгиланган харид нархи, ундан ўртacha тола чиқиши, пахта тозалаш корхоналари харажатлари ва энг кам зарур фойда олиш миқдоридан келиб чиқиб аниқланади. Бунинг учун куйидаги формуладан фойдаланилади:

$$B_{yn} = X_n \div T_q - I_{mk} + K_x + \Phi \quad (3.17)$$

бунда  $B_{yn}$  — пахта толасининг улгуржи базис нархи;

$X_n$  — бир тонна бешинчи тип, иккинчи нав, биринчи классдаги пахта хомашёсининг харид нархи, сўмда;

$T_q$  — охирги уч йилда бешинчи тип, иккинчи нав, биринчи классдаги пахта хомашёсидан тола чиқиш коэффициенти;

$I_{mk}$  — бир тонна пахта толасига тўғри келадиган иккиламчи маҳсулотлар қиймати, сўмда;

$K_x$  — пахта тозалаш корхоналарининг бир тонна пахта толасига тўғри келадиган пахта хомашёсини тайёрлаш, транспортда ташиш, сақлаш ва қайта ишлаш бўйича харажатлари, сўмда;

$\Phi$  — бир тонна пахта толасига тўғри келадиган давр харажатлари;

Ф — бир тонна пахта толасига тўғри келадиган керакли фойда миқдори.

Харидор томонидан экспортга сотиладиган пахта толаси учун нархлар эркин конвертация қилинадиган валютада, «А» индекси котировкаларининг ўртacha миқдоридан ва унинг «Коттон Оутлук» бюллетенида зълон қилинадиган, CFR — Узоқ Шарқ портлари

шартларида «Биринчи» навли, «Ўрта» классли, 4 типли, 36 кодли (базис нарх) пахта толасининг 1 тоннаси учун белгиланади. Ушбу нархдан келиб чиқсан ҳолда, юқорида таъкидланган Низомнинг 2-илювасига мувофиқ (47-илюва) коэффициентларни қўллаган ҳолда пахта толасининг бошқа сортлари, класслари, типлари ва кодлари учун нархлар аниқланади. Нархларни белгилаш тартиби, тўлаш ва етказиб бериш шартлари пахта толасини экспорт қилиш контрактларида белгиланади.

Харидор томонидан республика корхоналарига сотиладиган пахта толаси нархлари юқоридаги тартибда аниқланади, фақат фарқли томони 15 фоиз миқдоридаги чегириш ва харидорнинг шартномавий нархнинг 1,0 фоизи миқдоридаги воситачилик ҳаки ҳисобга олинади.

Шуни таъкидлаш жоизки, сотиш бюджетини тузишда «Микронейер» кўрсаткичи белгиланган меъёрлардан (3,5 дан 4,9 гача) юқори ёки паст бўлганда пахта толаси учун улгуржи нархлар преискурантида кўрсатилган шкалага мувофиқ I-II - нав пахта толаси шартномавий нархидан чегиришлар қўлланиши” [5]ни ўтиборга олиш лозим.

Сотиш бюджетида пахта толасини экспорт қилиш бўйича харажатларни чегириш ҳар бир нав, класс ва тип нархи аниқлангандан кейин амалга оширилади.

Харидор, хорижий харидорлар ва республика корхоналари ўртасида тузилган контрактларга мувофиқ терминаллар пахта толасини харидорнинг юклаб жўнатиш йўрикномаларига асосан юклаб жўнатади.

Ҳар ойнинг 5-кунигача, етказиб берувчилар ва харидор ўртасида кейинчалик қайта ҳисоб-китоб қилиш ҳукуки билан, етказиб берувчилар томонидан тақдим этилган счёtlар асосида оралиқ таққослаш далолатномалари тузилади. Таққослаш амалда юклаб жўнатиш ва ўтган ой тўлови суммаси бўйича амалга оширилади.

Муайян йил ҳосили бўйича тегишли йил пахта толасини юклаб жўнатиш тугагандан кейин 30 кун мобайнида ўзаро таққослаш далолатномалари тузилади.

Ҳосил бўйича якуний ҳисоб-китоблар пахта толаси харидорга амалда юклаб жўнатилган кундан бошлаб қонун хужжатларида белгиланган муддат мобайнида амалга оширилади.

Тадқиқотлар шуни тасдиқладики, тармок корхоналарининг сотиш бюджетини тузиш жараёнида маҳсулотни экспортга сотишдаги ҳисоб-китобларнинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олиниши зарур. Ушбу хусусиятлардан бири пахта толаси экспорт қилинганда ҳисоб-китобнинг аккредитив шаклидан фойдаланишдир. Сотиш бюджетини тузишда аккредитив суммалардан келиб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Республикамизда сотиб олинадиган пахта толаси учун ҳақнинг 15 фоизини олдиндан тўланади, узил-кесил ҳисоб-китобни пахта толаси пахта тозалаш корхоналари билан тузилган контрактларда назарда тутилган шартларда етказиб берилган санадан бошлаб 90 кун мобайнида амалга оширадилар. Пахта толаси қийматининг қолган 85 фоизи учун аккредитив очилади ёки банк кафолати берилади. Ҳисоб-китоб қилишнинг худди шундай тартиби терминалларга етказиб берилган ва республика корхоналарига сотиладиган пахта толаси юзасидан сотиб олувчилар ва етказиб берувчилар ўртасида ҳам белгиланади. Бунда «Ўзпахтаэкспорт» акциядорлик жамиятига республика корхоналарга етказиб берилаётган пахта толаси қийматининг 85 фоизини кафолатли таъминлаш сифатида, олдиндан тўланадиган ҳақни ёки мазкур корхоналарнинг маҳсулотларини сотиб олувчилар томонидан «Ўзпахтаэкспорт» акциядорлик жамияти фойдасига очиладиган аккредитивларни қабул қилишга рухсат берилади.

Аkkредитив очишнинг барча шартлари пахта толасини етказиб берувчи минтақавий пахта терминаллари ва пахта толасини сотиб олувчи корхоналар ўртасида тузиладиган шартномада қайд этилади.

Минтақавий пахта терминали учун унга хизмат кўрсатувчи банкда (ижро этувчи банкда) аккредитивлар бўйича алоҳида депозит ҳисоб рақами очилади.

Аkkредитивдан тўлаш учун тузилган шартнома шартларига мувофиқ пахта толаси етказиб берилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар банкка аккредитив амал қиладиган муддатда тақдим этилиши лозим.

Сотиш бюджетида пахта тозалаш корхоналари сотадиган маҳсулотларни ассортименти ва номенклатураси, микдори акс эттирилади. Ушбу бюджет тайёрлов, қайта ишлаш бюджети ва прогноз таннархига доир кўрсаткичларга асосланиб тузилади.

Тармоқда бюджетлаштиришнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, пахта толаси ва қўшимча маҳсулотлар сотиш бюджетини бир бўлими сифатида мазкур корхоналарда маҳсулот жўнатиш бюджети тузилади. Ушбу маълумотлар пахта толасини юклаб жўнатишнинг ҳар чораклик йиғма жадваллари ва «Пахта толаси ишлаб чиқариш ва уни экспортга етказиб бериш» балансига мувофиқ тузилади. Ушбу баланс вилоятлардаги «Пахтасаноат» худудий филиаллари томонидан «Ўзпахтазэспорт» акциядорлик жамияти билан биргаликда ишлаб чиқилиб, тасдиқлатиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилади.

Сотиш бюджетини маҳсулот жўнатишга бағишлиган бўлими чоракларга бўлиб тузилади. Пахта тозалаш корхонаси пахта сифатига баҳо бериб, 1 январгача тўпланган маълумотлар асосида тақвим йилнинг дастлабки уч чораги ичida етказиб бериладиган маҳсулот микдорини навларга ажратиб аниқлайди.

Сотиш бюджетининг чигит, линт ва бошқа толали маҳсулотларга оид бўлимлари ҳам чорак ва йил бўйича алоҳида тузилади. Бюджетнинг ушбу қисмida жўнатиладиган уруғлик чигит, техник чигит, линт, таркибида момик ва калта тола бўлган чиқиндилар микдори кўрсатилади.

Тармоқ корхоналарида бюджетлаштириш жараённда чигит, линт, толали чиқиндилар, шунингдек, товар маҳсулоти таркибига киритиладиган бошқа маҳсулотларни (капитал таъмирлаш ва бошқаларни) соддалаштирилган тартибда хисоб-китоблар қилишга йўл қўйилади, чунки жўнатилган бу маҳсулотлар микдори маҳсулот сотиш ҳажми билан teng бўлади.

Сотиш бюджетида пахтани қайта ишлаш натижасида ҳосил бўлган барча маҳсулотлар сотиш каналлари бўйича акс эттирилади (3.10-жадвалга қаранг).

Амалдаги прейскурантларда пахтанинг турли селекция ва саноат навларидан олинган пахта маҳсулотининг бундай тури қўшимча бўлган маҳсулотлари учун бир хил нарх белгиланган. Шунинг учун ҳам саноатда ишлатиладиган техник чигит, линт ва бошқа толали маҳсулотларни жўнатиш режаси бу маҳсулотларнинг қандай селекцион ва саноат нави пахтасидан олинганлигидан қатъи назар тузилади, аммо бу маҳсулотлар саноат навлари, тур, тип ва гурухларга бўлиб кўрсатилади. Уруғлик учун, одатда, факат I-нав пахта чигитидан тайёрланади.

**«Ўзбекистон пахта тозалаш заводи» АЖИНИНГ 2015 йил учун  
сотиш бюджети**

3.10-жадвал

№	Маҳсулот номи	Сотиш каналлари	2015 йил бюджети	Шу жумладан чораклар бўйича			
				1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак
1.	Тола, минг сўмда	хорижга	9035057	1897362	451752	1264908	5421035
		ички эҳтиёжга	375142	78780	18757	52520	225085
2.	Чигит, минг сўмда	ёг-мой комбинацияга	564105	101539	-	73334	389232
		уругликка	138117	24861	-	17955	95301
3.	Момик, минг сўмда	давлат хариди	6354	6354	-	-	-
		эркин савдога	24	24	-	-	-

Пахта тозалаш корхоналарида сотиш бюджетини бир бўлими сифатида чигит жўнатиш баланси тузилади (48-илова).

Унда давр бошида омборда қолган, пахта тозалаш корхонаси ишлаб чиқарган, жўнатган, давр охирида қолган микдор кўрсаткичлари акс эттирилади.

Сотиш бюджетини тузишда пахта тозалаш корхоналари сотиладиган пахта толаси бўйича ҳисоб-китоблар схемаси амалдаги меъёрий ҳужжатларда белгиланганлигидан келиб чиқиши зарур. Ушбу ҳисоб-китоблар «Ўзпахтазэкспорт» акциядорлик жамияти билан вилоятлардаги «Пахтасаноат» ҳудудий филиаллари ўргасида пахта толаси учун ҳисоб-китоблар схемаси асосида амалга оширилади (49-илова)

Тадқиқотлар пахта тозалаш корхоналарида сотиш бюджети тузилаётганда STEP-таҳлилдан фойдаланиш зарурлигини кўрсатмоқда. Ушбу таҳлил истикболдаги ташки муҳит ҳолатини баҳолайди, натижада, экспертлар томонидан ташки муҳит омилларига баҳо берилади. Унинг материаллари макро даражада муҳитни диагностика қилиш учун кўлланилади, бозор, корхонанинг мавкеи, бизнес имконияти ва йўналишини ўрганишнинг самарали воситаси ҳисобланади.

STEP-тахлил қуйидаги босқичларни үз ичига олади: юз бериши мүмкін бўлган ва корхона фаолиятига таъсир кўрсатиш эҳтимоли юкори бўлган ташки стратегик омилларни аниқлаш; ҳар бир жараённи маълум бир корхона учун амалга ошиш эҳтимолини бирдан (ассосий) нолгача (унчалик мухим бўлмаган) микдорда баҳолаш; ҳар бир жараённи корхона стратегиясига таъсири даражасини 5 балли шкалада баҳолаш; мазкур корхона учун пухта ўлчангандан баҳо қиймати хисоб-китобини амалга ошириш орқали аниқлаш. Якуний баҳо корхонани ташки мухитни прогнозлаштирилаётган ва жорий омилларига корхонани жавоб харакатларини килиш бўйича тайёргарлик даражасини кўрсатади.

Пахта тозалаш корхоналари фаолиятига макродаражада жаҳон бозоридаги нарх-навонинг ўзгариши, микродаражада эса банк, солик, сугурта, турли мол етказиб берувчилар ва таъминот ташкилотлари билан ҳисоб-китоблар таъсир килади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, муаллиф томонидан пахта тозалаш корхоналарида материаллар, эҳтиёт қисмлар хариди ва сотиш бюджетини тузишдан олдин STEP/PEST тахлилини ўтказиш таклиф қилинди (50-илова).

Бунда биринчи гуруҳ омилларига технологик омиллар, иккинчи гурухга иқтисодий омиллар, учинчи гурухга ижтимоий ва тўртинчи гурухга сиёсий омиллар киритилади.

Маҳсулот сотиш пахта тозалаш корхонасининг ишлаб чиқариш - хўжалик фаолиятининг якунловчи босқичидир. Маҳсулот сотиш бюджетининг бажарилиши таҳлил қилинар экан, бунда белгиланган микдор ва қиймат кўрсаткичларидаги ўзгаришлар ва уларнинг туб моҳияти ҳар томонлама ўрганилиши зарур. Бу сабабларни аниқлаш учун эса ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми, нави ва сифат кўрсаткичлари, ишлаб чиқариш бюджетининг бир маромда бажарилаётганлиги, маҳсулот таниархи даражаси, омбор ва транспорт хўжалиги ахволи синчиклаб ва пухта ўрганилиши лозим.

### **3.2. Пахта тозалаш корхоналарида инвестиция, маҳсус ва йиғма бюджетларни шакллантириш**

Инвестиция (инновация) бюджети бош бюджетнинг таркибий қисми ҳисобланиб, у янги, замонавий техника ва технологияларни жорий этишда узок муддатли молиявий қўйилмаларни сарфлаш бўйича дастур вазифасини бажаради.

Инвестиция харажатлари билан ишлаб чиқариш циклини бир-бирига боғлаш учун инвестиция режа-графиги тузилади ва у инвестиция бюджетини тузиш учун асос бўлиб хисобланади.

Унинг мақсади инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун зарур ресурсларни белгиланган вактда келтириш устидан назорат ўрнатишдан иборатдир. Демак, самарали ва тўғри тузилган инвестиция режа-графиги пул маблағлари харакати, даромадлар ва харажатлар ҳамда инвестиция лойиҳаси баланси учун асос бўлиб хизмат қиласи.


Инвестиция бюджетида акс эттирилган тадбир ва лойиҳаларни амалга ошириш операцион бюджет ва энг аввало сотиш ва харажатлар бюджетларининг кўплаб кўрсаткичлари ўзгариши билан боғликдир (3.2-чизма).

Инвестиция бюджети лойиҳаси асосида инновацион маҳсулотлар ёки инновация жараёнлари ётади. Уларни жорий этиш операцион бюджетларда тегишли ўзгартиришлар килишга олиб келади, ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини оширади, харажатларни камайтиради.

Инвестиция бюджетини тузишнинг ташкилий-услубий жиҳатлари илмий-амалий муҳитда кенг муҳокама қилинмоқда. Бир гурух россиялик иқтисодчи олимларни фикрига кўра, «Жараёнларни режалаштириш билан молиявий режалаштириш оралиғида инвестицион режалаштириш амалга оширилади, яъни инвестиция бюджетлари тузилади.

Бизнингча, инвестициялар бўйича режани операцион ёки молиявий режа сифатида туркумлаш унчалик муҳим эмас. Энг асосийси, мазкур режа шакллантирилиши ва режалаштиришнинг умумий таркибига киритилиши лозим» [92; 96-б.].

Тадқиқот обьекти хисобланган пахта тозалаш корхоналарида маҳсус бюджетлар ичida энг муҳимларидан бири уруглик чигит тайёрлаш цехининг бюджетидир. Бюджет тузишда технологик жаён мухим саналганлиги боис, бунга батафсил тўхталиб ўтиш зарур.



### **3.2-чизма. Инвестиция бюджетининг операцион бюджет кўрсаткичлари ўзариши билан боғлиқлиги.**

*Манба. Аньшин В.М. Бюджетирование в компании: Современные технологии постановки и развития: учебное пособие. / В.М. Аньшин, И.Н. Царьков, А.Ю. Яковleva-М.: Дело, 2005. с. 89*

Ургулк чигит тайёрлаш цехи бюджетини тузиш жараёнини монографик тадқиқот объектларидан бири – «Ўзбекистон паҳта тозалаш заводи» АЖ мисолида кўриб чиқамиз. Мавсум давомида корхонада 5000 тонна ургулк чигит тайёрланиши белгиланган. Дастрлаб чигит қабул қилиш, чигит тайёрлаш линиялари иш графиклари ва линия иш дастури тузилади. Улар қўйидаги кўринишга эга бўлади:

#### **Чигит қабул қилиш графиги**

3.11-жадвал

Асосий хомашёлар	Ойлар	
	XII	I
Ургулк чигит	1	30

Бюджет тузишда 5000 тонна чигитга ишлов бериш учун хомашё баланси ҳам тузилади.

5000 тонна чигитга ишлов берилганда, одатда 70-85 % уруғлик чигити олинади.

### Уруғлик чигит тайёрлаш линиясининг иш графиги

3.12-жадвал

Сменалар	Иш куни (смена) сони ва муддати		Мавсумда	
	Ойлар бўйича			
	XII	I		
I	1	30		
II	1	30		
Уруғлик чигит	31(62) 30(60)		61(122)	

### Уруғлик чигит тайёрлаш линиясининг иш дастури

3.13-жадвал

Маҳсулот номи ва ўлчови	Қайта ишланадиган маҳсулотлар миқдори, тоннада		Жами мавсум давомида	
	Ойлар бўйича			
	XII	I		
Уруғлик чигит, тоннада	2500	2500	5000	

1. Ушбу корхонада технологик меъёрга мувофиқ 1 тонна чигитдан 75 % уруғлик чигит олинади.

5000 тонна ---- 100%

X ----- 75%

X = (75 x 5000)/ 100 = 3750 тонна туксизлантирилган уруғлик чигит тайёрланади.

2. Уруғлик чигитни сақлаш учун зарур бўладиган омборхона майдони ҳисоблаб чиқилади:

$$f_{yq} = \frac{Q_{yq}}{H \times Y \times p_q} \times 1000; \quad (3.18)$$

бунда  $Q_{yq}$  – пахта тозалаш корхонасида бир кеча-кундузда тайёрланадиган уруғлик чигит миқдори, т;

H- чигит уюми баландлиги, H=2,5 м;

Y - омборнинг тўлиш коэффициенти, Y=0,8-0,85;

P<sub>ч</sub> - чигитнинг солиштирма оғирлиги, кг/м<sup>3</sup> (350);

$$Q_{\text{тч}} = \frac{3750}{2,5 \times 0,85 \times 350} \times 1000 = 5042 \text{ м}^2$$

Демак, 3750 тонна туксизлантирилган уруғлик чигит учун 5042 м<sup>2</sup> майдон керак бўлади.

Юкоридаги меъёрга кўра, бюджетлаштириш учун тегишли хисоб-китоблар бажарилади:

3. Технологик меъёр бўйича 1 сменада иш вақти 7 соат белгиланган. Корхонада бир сменада ишлов бериладиган уруғлик чигит микдори қуидагича хисобланади:

122 сменада --- 5000 тонна

1 сменада ----- X тонна

$$X = \frac{1 \times 5000}{122} = 40,9 \text{ тонна/смена.}$$

4. Бир соатда ишлов бериладиган уруғлик чигит микдори қуидагича хисобланади:

8 соатда ---- 40,9 тонна

1 соатда ----- X тонна

$$X = \frac{1 \times 40,9}{8} = 5,1 \frac{\text{тонна}}{\text{соат.}}$$

Кейинги босқичда уруғлик чигитни тайёрлаш учун зарур бўладиган ёрдамчи материаллар микдори аниқланади.

А. Кимёвий зарарсизлантириш учун 1 тонна уруғлик чигитга 4 кг препарат сарфланади:

1 тонна - 4 кг, 3750 тонна - X кг препарат керак.

Демак, пахта тозалаш корхонасида режадаги уруғлик чигитни тайёрлаш учун 15000 кг препарат керак.

Пахта тозалаш корхонасида уруғлик чигитни тайёрлаш учун зарур бўладиган ускуналарга бўлган эҳтиёжни бюджетлаштириш қуидаги жадвалда келтирилган тартибда амалга оширилади:

Б. Уруғлик чигитларни қадоқлаш учун керак бўладиган коплар микдори қуидагича хисобланади (1 та қопга 30 кг уруғлик чигит жойлаштирилади):

30 кг -1 дона қопга

3750000 кг      X дона қоп керак бўлади.

Демак, уруғлик чигит учун 125000 дона қоп зарур бўлади.

Уруғлик чигит тайёрлаш цехи бюджетини тайёр маҳсулот бўлимини тўлдириш уруғлик чигитни фермер хўжаликларига етказиб беришни амалда белгиланган тартибига асосланади.

Пахта тозалаш корхоналари бюджетида куритиш-тозалаш цехининг бюджети алоҳида тузилади, чунки у харажатларини даромадлари хисобига қоплаши зарур. Улар фермер хўжаликлари томонидан тайёрлов масканига келтириладиган ҳосил сифатини саклаш мақсадида намлик ва ифлослик меъёrlарига етказиш учун мўлжалланган ва унинг фаолияти тайёрлов фаолиятидан алоҳида режалаштирилади.

**Пахта тозалаш корхонасида уруғлик чигитни тайёрлаш учун  
зарур бўладиган ускуналарга бўлган эҳтиёжни  
бюджетлаштириши**

3.14-жадвал

T/p	Ускунанинг номи	Хисоблаш алгоритми	Хисоблаш натижаси	Эҳтиёж, дона
1.	Уруғлик чигитни тозалагич УСМ-А аппарати	$X = \frac{Умс \times 1}{Усу}$	$X = \frac{5,1 \times 1}{4}$	1,2
2.	Уруғлик чигитни саралагич СПС аппарати	$X = \frac{Умс \times 1}{Ссу}$	$X = \frac{5,1 \times 1}{6,5}$	0,78
3.	Уруғлик чигитни линтерлаш 1 ЛБ аппарати	$X = \frac{Умс \times 1}{Лсу}$	$X = \frac{5,1 \times 1}{0,6}$	8,5
4.	Уруғлик чигитни туксизлантириш ОС-1 чигит яланғочлагич аппарати	$X = \frac{Умс \times 1}{Тсу}$	$X = \frac{5,1 \times 1}{0,6}$	8,2
5.	Уруғлик чигитни калибрлаш КСМ-1-1,5 аппарати	$X = \frac{Умс \times 1}{Ксу}$	$X = \frac{5,1 \times 1}{1,5}$	3,4
6.	Кимёвий заарсизлантириш СП-3 М уругдорилагич аппарати	$X = \frac{Умс \times 1}{КЗсу}$	$X = \frac{5,1 \times 1}{5}$	1,02
7.	Уруғлик чигитни қадоқлаш ускунаси	$X = \frac{Умс \times 1}{КДсу}$	$X = \frac{5,1 \times 1}{5}$	1,02

Ундан ташқари, куритиш-тозалаш цехининг кўрсатган хизмати қиймати пахта тозалаш корхоналарини товар маҳсулоти таркибиغا кирмайди. Шу сабабли ҳам ушбу цехнинг харажатлари ва даромадларини акс эттирувчи алоҳида бюджет тузилиши мақсадга мувоффик.

Куритиш-тозалаш цехида ишлов бериш учун мұлжалланған пахтанинг бир хил белгилари (хили, нави, синфи, намлиги, ифлослиги, терим тури) бүйича жамланған тұдалари тайёрлов масканларидан тозалаш ва қуритиш цехига юборилади.

Тола атроф-мухитдан жуда тез намликиң үзиге тортади, бунда ҳароратнинг ошиши унинг намлик мувозанатининг камайишига, пасайиши эса намлик мувозанатининг ошишига олиб келади.

Пахта хомашёсінің қуритиш ва тозалашда тола қатлами, чигит ва ифлос аралашмалари бұлған күп компонентли (тола - 43 %, қобиқ-20 %, мағиз-37 %) материал эканлығы инебатта олиниши лозим.

Бюджетлаштириш жараённанда цехнинг пахта хомашёсінің қуритиш ва тозалаш бүйича сарфлайдыган қаржатлары қурилған хомашё мікдорига мутаносиб равишда ҳисобдан чиқарилади.

Куритиш-тозалаш цехининг унумдорлиғи қуритиш барабанларининг типи, мікдори ва мөъерий намликкача қуритиш фоизига боғлиқ. Қуритиш барабанининг унумдорлиғи сувни 1 соат/кilogраммда буғланиш мөъери ва белгиланған намликни қуритиш фоизига күра аникланишини бюджет тузишида ҳисобға олиш зарур.

Куритиш барабани унумдорлигини ҳисоблашда (У) күйидаги формуладан фойдаланылади:

$$U = M_6 \times (100 + M_H) \div H_{б\kappa\phi} \quad (3.19)$$

бунда  $M_6$  – мазкур типдеги қуритиш барабанининг сувни 1 соат/кilogраммда буғланиш мөъери;

$M_H$  – стандарт бүйича пахта хомашёсінің намлиги мөъери;

$H_{б\kappa\phi}$  – намликни белгиланған мөъергача қуритиш фоизи.

Куритиш-тозалаш цехи бүйича бюджет тузишида бажарыладын ишлар ҳажми унинг ишлаб чиқариш күввати, тайёрланған пахта хомашёси мікдори ҳамда паст навли пахта хомашёсінің мікдоридан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Куритиш-тозалаш цехининг иш вакти 3.15-жадвалда келтирилған шактада бюджетлаштирилади.

Куритиш-тозалаш цехи бюджетининг қаржат қисми: иш ҳақи (ақратмалар билан биргә), материал қаржатлари (ёқилғи, электр-энергия, махсус кийим), қурилма ва иншоотларни жорий таъмирлаш, асосий воситаларнинг эскириши, техника мұхофазаси ва техника хавфсизлиги, ёнғинга қарши кураш ва бошқа бүйича қаржатлардан иборат бўлади.

## Куритиш-тозалаш цехи бюджети

3.15-жадвал

№	Кўрсаткичлар	Чораклар бўйича		Йил давомида
		I	IV	
1.	Бажариладиган иш ҳажми (пахта хомашёсини физик ҳажми бўйича), тоннада	5774	5633	14082
2.	Хомашёнинг намлигини куритиш, % да	9.35	9.1	9.35
3.	Бажариладиган иш ҳажми (пахта хомашёсини кондицион оғирлиги бўйича), тоннада	540	512.6	13120
4.	Сменадаги цехни иш унумдорлиги (пахта хомашёсини кондицион оғирлиги бўйича), тоннада	1.1	1.24	0.75
5.	Иш сменалари сони	3	3	3
6.	Сменали иш кунлари сони	30	30	365

Куритиш-тозалаш цехи бюджетининг харажат қисми: иш ҳақи (ажратмалар билан бирга), материал харажатлари (ёқилғи, электр-энергия, маҳсус кийим), курилма ва иншоотларни ҳ.Эрий таъмирлаш, асосий воситаларнинг эскириши, техника муҳофазаси ва техника ҳавфсизлиги, ёнғинга қарши кураш ва бошқа бўйича харажатлардан иборат бўлади.

Куритиш-тозалаш цехи бюджетининг даромад қисмida фермер хўжаликлари томонидан пахта хомашёсини куритиш ва тозалаш хизмати бўйича тўланган маблағлари акс эттирилади.


Соликларни бюджетлаштирмасдан корхона молиявий-хўжалик фаолиятини бюджетлаштиришда керакли самарага эришиб бўлмайди. Чунки соликларни бюджетлаштириш солик тўловлари хисоб-китобларини бир тизимга солиш имконини беради. Бу масала бозор иктисадиёти шароитида ўта муҳим хисобланади. Мазкур холат пахта тозалаш корхоналарида маҳсус бюджетнинг

бошқа турлари қаторида солиқ бюджетини ҳам тузиш заруратини келтириб чыгармокда.

Солиқ бюджетини тузышда корхоналарга солиқларни оптималлаشتариш ва солиқ түловлари тақвимини шакллантириш, келгусида молиявий оқимларни оптималлаشتариш ҳамда уни самарали бошқариш учун зарурдир.

Солиқларни бюджетлаштириш корхона учун келгусида солиқ түловлари күренишидаги пул маблағлари чиқимини прогнозлаштириш ва жарима, пенялар юзага келиши рискини камайтириш имконини ҳам яратади.

Солиқларни бюджетлаштиришнинг асосий босқичлари куйидагилардан иборат (3.2-чизма).



### 3.2-чизма. Солиқларни бюджетлаштиришнинг асосий босқичлари

*Манба. Чухрова О.В. Развитие управленческого учета в условиях бюджетирования (на примере машиностроительного производства). Канд. дис. на соис. уч. степ. канд. экон. наук. Ростов – на – Дону. 2008. С.68.*

«Солиқ бюджетида куйидаги маълумотлар: режалаштирилаётган солиқ хисоб-китоблари ва түловлари солиқ турлари бүйича гурухланган ҳолда, солиққа тортыш базаси ва бюджет олдида солиқ бүйича кўзда тутилаётган қарздорлик (реструктуризация қилинган

қарздорлик билан бирга) ҳамда солиқларни оптималлаштириш натижалари акс эттирилади» [18].

Пахта тозалаш корхоналарида солиқлар бюджетини тахминий күрениши күйидаги тартибда бұлиши лозим:

### **Солиқлар бюджети<sup>27</sup>**

3.16 - жадвал

Солиқлар номи	Бюджет даври бошига қарздорлик суммаси	Хисобланған солиқлар	Бюджеттегі тұланған міндори	Бюджет даври охирiga қарздорлик суммаси
Фойда солиги				
КҚС				
Мол-мұлк солиги				
Жисмоний шахслар-нинг даромад солиги	Давр бошига солиқлар прогнозлаштирилади	Солиқлар ҳисоб-китоб қилинади	Солиқлар бюджеттегі үтказилади	Давр охирiga солиқлар бүйіча қарздорлық ҳисоб-китоб қилинади
Бошқа солиқлар				

Солиқлар бюджетини четланишлар бүйіча таҳлилий услуги 3.17-жадвалда көлтирилган.

<sup>27</sup> Муаллиф ишланмаси

**Солиқлар бюджетини четланишлар бүйича таҳлилий услуги<sup>28</sup>  
(минг сүмда)**

3.17-жадвал

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Статик бюджет	Мослашувчан бюджет	Ҳакиқий бюджет	Четланишлар	
					Статик бюджетдан	Мослашувчан бюджетдан
1.	Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан соғ тушум					
2.	Асосий фаолиятнинг фойдаси					
3.	Фавқулодда фойда ва зарарлар					
4.	Даромад (фойда) солигини тўлагунга кадар фойда (зарар)					
5.	Солиқлар					
6.	Солиқларнинг салмоғи, %					

Солиқларни пахта тозалаш корхоналарининг харажатлари таркибида катта салмоққа эга эканлигини ҳисобга олиб, даврий равишда солиқларни бюджетлаштиришнинг самарадорлиги баҳоланиб борилиши зарур.

Солиқларни бюджетлаштиришнинг самарадорлигини, масалан, солик юки самарадорлиги мезонини (бу мезон ҳақиқатда ҳисобланган солиқлар бюджетини ҳақиқатда ҳисобга олинган сотиш бюджети ҳажмига нисбати сифатида ҳисобланади) ҳисоблаш орқали баҳолаш мумкин. Самарадорлик мезонининг миқдори тегишли тартибда таҳлил қилиб борилиши лозим (51-илова).

<sup>28</sup>Муаллиф ишланмаси

Солиқ сиёсати самарадорлигини баҳолаш тегишли күрсат-кичлар ёрдамида мұқобил вариантын таққослаш жараённан амалға оширилиши мүмкін ва бу пировард натижада улардан самаралисими танлашга имкон беради.

Йиғма бюджетлар – күзда тутилаётган молиявий маблағлар-нинг манбалари ва уларни ишлатылып йўналишларини акс этти-рувчи режадир. Пахта тозалаш корхоналарида йиғма бюджетлар пул маблағлари бюджети, даромад ва ҳаражатлар бюджети ва прогноз бухгалтерия балансларини камраб олади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бош бюджетнинг бошка турлари каби йиғма бюджетлар ҳам пахта саноати корхоналарида пахта хомашёсими тайёрлашнинг прогноз ҳажмларидан келиб чиқиб тузилади.

«Йиғма бюджетларни, энг аввало пул маблағлари ҳаракати бюджетини ишлаб чиқиша иккита методдан фойдаланиш мүмкін:

1) тўғри метод, даромад ва ҳаражатлар бюджети ва пул маблағлари ҳаракати бюджети бир вактда, «бир-бирига боғлик (ҳар бир мазкур бюджетларни керакли бошланғич маълумотларни асосида)» ҳолда тузилади;

2) эгри метод, бунда аввал даромад ва ҳаражатлар бюджети тузилади ва унинг асосида пул маблағлари ҳаракати бюджети ва ҳисоб-китоб баланси ишлаб чиқилади. Кўпгина хорижий компаниялар ушбу методни аниқроқ деб ҳисоблаганлиги учун кенг кўллади» [106; 80-б.].

«Ушбу турдаги бюджетлар қоидага кўра қуидаги бўлимга бўлинади:

1. Пул тушумлари (пул маблағлари қолдиғи, буюртмачилар тўловлари ва ҳ.к.).

2. Пул сарфлари, яъни мақсадли сарфланган пул тўловлари.

3. Касса профицити ёки дефицити, яъни пул тушумлари билан тўловлари ўртасидаги фарқ. Ушбу бўлим бошқача қилиб, «соғ пул оқими» деб ҳам аталади.

4. Молиялаштириш, яъни маълум бир муддатга режалаштирилаётган кредитлар ва тўловлар ҳакида батафсил ҳисобот.

5. Бўш пул маблағларини ишлаб чиқаришга жалб қилинишини изохловчи капитал қўйилмалар бўлими» [109; 103-б.].

Пул оқимини режалаштириш доимий равища, ўзгарувчан тарзда, дастлабки биринчى ойда – ҳафталик, кейин эса ойлик (2-3 ой), ундан сўнг эса чораклик ўтказилади. Кейинги ойлар учун режа-

лаштириш эса ўтган давр натижаларини режа билан таққосланғандан сұнг шакллантирилади.

Ушбу бюджет маълум бир бюджет даврига (одатда бир тақвим йилга) имконият даражада батафсил тузилади. Пул маблағлари бюджетини бир йилдан ортиқ муддатта түзиш мүмкін, бирок мазкур бюджет жараёнларни ликвидлилигини қаттың назоратта олиш талаб этилган шароитдагина керакли самара беради. Амалий тадқиқотларимиз ҳафтаптак пул маблағларини режалаштириш тегишли самара беришини күрсатмоқда.

«Корхоналарда пул маблағлари бюджети лойиҳасини тайёрлаш күйидаги кетма кетликда бажарилади:

1. Таркибий бўлинмаларни ўтган даврдаги пул оқими тенденцияси ва динамикаси, уларни келгуси даврга мўлжалланган сметасини таҳлил қилиш ва эксперт баҳолашни ташкил қилиш.

2. Истиқболда пул оқимини шаклланиши, миқдори ва харатини интенсивлигига таъсир қилувчи ташқи ва ички омилларни таҳлил қилиш.

3. Бюджетнинг даромад қисмини режалаштириш: пул маблағлари киримининг ҳажми ва асосий манбаларини аниқлаш.

4. Бюджетнинг харажат қисмини режалаштириш: пул маблағлари чиқимининг ҳажми ва асосий йўналишларини аниқлаш.

5. Бюджетнинг дастлабки вариантини ишлаб чиқиш: пул оқимларининг шаклланиши ва ҳаракатини маълум бир даврга оптималлаштириш ва мослаштириш.

6. Бюджетнинг дастлабки вариантини таҳлил қилиш ва унга тегишли тузатишлар киритиш.

7. Ҳисобот ва келгуси (режалаштирилаётган) даврдаги тушум ва тўловларни таққослаш орқали соф пул оқимини ҳисоблаш.

8. Бюджетнинг якуний вариантини келишиб олиш.

9. Бюджетни тасдиқлаш» [39].

Пул маблағлари бюджетини түзиш бўйича ҳам даромад ва ҳаражатлар бюджетига ўхшаб күйидаги иккита ёндашув бўлиши мүмкін:

1. Белгиланган ҳисобот шаклларининг модификацияси;


2. Пул маблағлари шаклини халқаро стандартларга мослаштириш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли буйргуининг 4-сонли иловаси билан тасдиқланган пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот (4-сонли шакл)

асосида мазкур ҳисобот шаклини такомиллаштирган ҳолда пахта тозалаш корхоналари учун пул оқимлари бюджетини тузиш таклиф қилинади (52-илова). Сабаби, унда пул оқимининг кирими ва чиқими мантиқий кетма-кетлиқда келтирилган. Бизнингча, аввал пул оқимининг кирими ва сўнгра чиқими келтирилса, мақсадга мувофик бўлади.

Амалиётни ўрганиш пул оқимлари бюджетига қўшимча сифатида тадқиқотчи Е.Е.Коба тавсия этган пул маблаглари оқими прогнозини акс эттирувчи графикни тузиш мақсадга мувофиклигини кўрсатди (3.3 - чизма).

Ушбу графикда акс эттирилган пул маблаглари прогнози пахта тозалаш корхонаси бош директори ва бош бухгалтерига пул маблагларининг етишмовчилиги ёки ортиқча бўлишини олдиндан аниқлаш ҳамда зарур вактда тезкор чора-тадбирларни кўриш имконини беради.



### 3.3-чизма. Пул маблаглари оқими прогнози графики

*Манба. Коба Е.Е.. Формирование методологии системы внутреннего контроля в агропромышленных холдингах. Дис. на соис. уч. степ. д-ра. экон.наук. Москва. 2012. С. 237.*

Хорижий иқтисодий адабиётлар таҳлили пул маблаглари бюджети қўйида келтирилган методлар асосида бир неча вариантларда тузилиши мумкинлигини кўрсатмоқда:

1. Мослашувчан бюджетлар методи ёки бюджет назорати методи.
2. Пул маблагларининг эҳтимолий бюджети.
3. Пул маблагларини моделлаштирилган бюджети.

Хорижлик мутахассислар томонидан пул маблагларини энг кам қолдигининг ҳисоб-китобини 4 та асосий модели: Баумоль

модели, Миллер-Оппа модели, Стоун модели, Монте-Карло модели тавсия қилинади.

Тадқиқотлар хорижда кенг қўлланиладиган модел Баумоль модели эканлиги ва мазкур модел пул маблағлари қолдигини режалаштириш учун қўлланиладиган EOQ моделини ўзгартириш орқали яратилганлигини кўрсатмоқда.

Баумоль моделининг бошланғич нуқтаси пул маблағлари чиқими оқимини ўзгармаслиги, пул маблағларини барча захирасини кисқа муддатли молиявий қўйилмалар шаклида сақлаш ва пул активлари қолдигини энг юқори қийматдан энг куи қийматгача ўзгариши, нолга тенг бўлиши ҳисобланади.

Тадқиқотлар пул маблағлари бюджети асосан корхоналарни молиявий фаолиятини бошқаришнинг самарали воситаси сифатида қаралаётганлиги, тўлов қобилиятини таъминлаш воситаси сифатидаги функцияси эса эътибордан четда қолаётганлигини кўрсатмоқда. Энг асосийси бунда пул оқими прогнозини асосий методи сифатида инкассация коэффициенти қўлланилмоқда. Бироқ, у харидорлар томонидан тўловларни ўз вақтида бажарилишини кафолатламайди ва кассада узилишлар бўлмаслигидан сакламайди.

Ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун иқтисодий адабиётларда «корхоналарда режа ҳисоб-китоблари тизимини яратиш» [11] тавсия қилинмоқда. Хорижий компанииларда ушбу тизим белгиланган кунда харидорнинг счетидан маблағларни автоматик тарзда ўтказиб юбориш имкониятини бериши туфайли пулларни келиб тушишини тезлаштириш учун қўлланилади [59].

Илмий ва ўкув-услубий адабиётларда пул маблағлари бюджетини тузиш тартиби ва тамойиллари, тузиш услуги батафсил баён қилинмоқда, бироқ, уни баҳолаш кўрсаткичларини шакллантириш ва асослаш иқтисодчи олимларнинг назаридан четда қолмоқда. Пул маблағлари бюджетини баҳолаш аслида унинг кўрсаткичлари корхона эҳтиёжига мослигини аниқлаш учун зарур. Пул маблағлари бюджетини мутлақ ликвидлилик, пул маблаги билан таъминланганлик ва пул оқимларининг етарлилиги коэффициентлари ёрдамида баҳолаш тавсия қилинади. Ушбу кўрсаткичлар жорий, инвестиция ва молиявий фаолиятлар бўйича алоҳида ҳисобланади. Мутлақ ликвидлилик коэффициенти корхонада маълум бир вақтга кисқа муддатли мажбуриятлар пул маблағлари билан қанчалик таъминланиши мумкинлигини кўрсатади. Пул маблағлари билан таъминланганлик кўрсаткичи корхонада пул маблағлари

тушумисиз фаолиятни узлуксиз давом этиш муддатини кўрсатади. Ушбу кўрсаткич пул маблағларининг ўртача микдорини бир кунлик тушумга нисбати орқали аникланади. Пул оқимларининг етарлилиги коэффициенти корхонада хўжалик фаолиятини олиб бориш учун пул маблағларини етарлилик даражасини кўрсатади. Ижобий пул оқими карз маблағлари ва айланма маблағларнинг ўзгаришига нисбати билан аникланади. Ушбу коэффициент энг камида бирга тенг бўлиши лозим. Коэффициентнинг бирдан кам бўлиши пул оқимлари корхонанинг жорий эҳтиёжини қоплаш учун етарли эмаслигидан далолат беради. Бирдан анча юқори бўлиши эса корхонада бўш пул маблағлари етарли даражада эканлигини билдиради.

«Компанияларда пул маблағлари харакати устидан назорат ўрнатиш, молиявий ҳисоботнинг барча тизимини тегишли кўрсатичларни максимал даражада аниқ ва тўғри аниклашга йўналтиришнинг самарали воситаларидан бири Мобли матрицаси ҳисобланади.

Ушбу молиявий ҳисобот тизимининг афзаллilikларидан бири горизонтал моддаларнинг ҳар бири ҳар бир ҳисобот позициясининг маълум бир суммаси қўшилади ёки айирилади, шунинг учун унга асосан компаниянинг ҳисобот даври давомида молиявий ҳолатининг ўзгариши ҳақида тегишли маълумотларга эга бўлиш мумкин бўлади» [106; 269-270-б.].

Пул маблағлари бюджетини жорий этиш корхона ва унинг таркибий бўлинмалари раҳбарлари фаолиятини баҳолашнинг асосий мезони ҳисобланади.

Аслида даромад ва ҳаражатлар бюджети – келгуси йилда ишлаб чиқариладиган маҳсулот таннархининг таркибий тузилишини ўзгарувчан ва шартли-доимий ҳаражатлар, ялпи, операцион, баланс ва соф фойдани алоҳида акс эттирган ҳолда прогнозлаштиришдан иборатdir. Даромад ва ҳаражатлар бюджети маълум бир маънода молиявий ҳисоботнинг 2-шаклига мос келиб, ҳамда даромад ва ҳаражатлар таркибини кўрсатади. Молиявий ҳисоботнинг 2-шаклидан фарқи шундаки, у нафақат корхона, фирма ва бошқа юридик шахслар учун, балки алоҳида бир лойиҳа, бизнеслар ёки молиявий жавобгарлик марказлари бўйича ҳам тузилиши мумкин.

Даромад ва ҳаражатлар бюджети корхонада қабул килинган бюджет регламентида белгиланган бюджет даврига тузилади ва тасдиқланади. Ушбу бюджетнинг баъзи бир мақсадли кўрсатичлар ва меъёрлар сифатида тасдиқланиши ҳамда бажарилиши мажбурий

бўлмаган кўрсаткичлари эса икки-беш йил муддатга белгиланиши мумкин.

Бюджетнинг даврларга бўлиниш даражаси корхонада бюджетлаштириши жорий этишнинг ташкилий-техник тайёргарлигига боғлик бўлади. Ушбу бюджет энг камидага ойларга бўлинган холда тузилиши мақсадга мувофиқ.

Даромад ва харажатлар бюджети бизнес тури, лойиҳа, молиявий масъулият маркази ёки таркибий бўлинманинг маҳсулоти таннархи таркибини ифодалар экан, демак, унга кўра ишлаб чиқариш рентабеллиги, фойда ва кредитларни қайтариш имкониятини баҳолаш мумкин. Шунингдек, заарарсизлик нуктасини ҳисоблаш, харажатларнинг асосий турлари лимити ва бошқа кўрсаткичларни аниқлаш имкониятига ҳам эга бўлинади.

Даромад ва харажатлар бюджетини ишлаб чиқиша кўйидаги умумий талабларга риоя қилиниши керак:

- даромад ва харажатлар микдори ўзгаришини даврлар бўйича (динамикада) ва бизнесни таркибий бўлинмалар (турлари) бўйича аниқлаш;

- ишлаб чиқариш рентабеллиги - соф, маржинал ва бошқа фойда микдори ва меъёрини аниқлаш ҳамда улар устидан назорат қилиш;

- алоҳида таркибий бўлинмалар бўйича шартли-доимий харажатлар лимитини белгилаш;

- алоҳида таркибий бўлинмалар бўйича нормативларни аниқлаш ва улар устидан назорат ўрнатиш.

Корхоналарда даромад ва харажатлар бюджетини ишлаб чиқиша кўйидаги иккита услубий ёндашув қўлланилиши мумкин:

1. Молиявий ҳисоботни 2-шаклини халқаро стандартларга яқинлаштириш (кушимча моддаларни ажратиш ва мавжудларни деталлаштириш) ва корхонанинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинишини таъминлаш мақсадида ўзгартириш.

2. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисбот шаклини корхона хусусиятларидан келиб чиқиб, даромад ва харажатлар бюджети шаклига мослаштириш.

Прогноз бухгалтерия баланси – корхонани мазкур даврда эга бўлган барча маблағлари, мажбуриятлари (барча мол-мулки, харидорлар мажбурияти ва бошқалар), яъни активлар ва корхонанинг мол етказиб берувчилар, бюджет, банк ва инвесторлар олдидаги мажбуриятлари нисбати прогнозини билдиради. Прогноз одатда

активлар ва мажбуриятларни юзага келган таркибий тузилиши ҳамда бошқа асосий бюджетларни амалга ошириш натижасида юзага келиш эҳтимоли бўлган ўзгаришларга асосан ишлаб чиқилади.

Унинг вазифаси бюджет даври давомида ишлаб чиқаришни амалга ошириш натижасида корхона қиймати қай даражада ўзгариши мумкинлигини кўрсатишдан иборатдир.

Бухгалтерия баланси прогноз бухгалтерия балансидан нафакат шакли, балки бажарадиган вазифаси бўйича ҳам фарқ қиласди. У ҳақиқий хисобот асосида эмас, балки тегишли бюджет маълумотлари асосида барча бюджетлардан кейин тузилади.

Бухгалтерия баланси прогнози бошқа асосий бюджет турлари тузиладиган муддатларга тузилади ва энг камида чораклик (аслида энг маъқул вариант ойлик) бўлади.

Амалиётни ўрганиш шуни тасдиқладики, бухгалтерия баланси прогнозини тузиш каби бюджетлаштириш усули ҳозиргача пахта тозалаш корхоналарида кўлланилмаяпти. Бунинг сабабларидан бири уни амалиётда кўллаш бўйича аниқ тавсиялар йўклигиdir.

Иккинчи сабаб, бухгалтерияда бюджет баланси прогнозини шакллантиришни намунавий алгоритми ишлаб чиқилмаслигидир.

Иктисадий адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатдики, бухгалтерия баланси прогнози тадқиқотчи О.Чухрова [46; 75-б.] томонидан унификация қилинган (бир хил шаклга келтирилган).

Бухгалтерия баланси прогнозини шакллантириш доирасида иктисадий категориялар бирлиги нуқтаи назаридан келиб чиқиб, асосий ва айланма маблағлар, ўз ва қарз капитали ҳамда даромад ва харажатлар кўрсаткичларининг ҳар бири ўз кўрсаткичлар тарк.. Йига эга. Уларни прогноз бухгалтерия балансининг хисоб-китобига қўшишдан аввал йириклаштириш ҳамда бирлаштиришни талаб этади.


Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бухгалтерия баланси прогнозини тузишнинг мантики энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тасдиқлаган 1-шакл “Бухгалтерия баланси” шаклига асосланиши лозим.

Шу билан бирга, бухгалтерия балансини прогнозини тузиш тартиби қуйидаги кетма-кетлиқда амалга оширилиши керак: даромад ва харажатлар бюджетини тузиш; хисоб-китоб давридаги пул тушумлари прогнозини аниқлаш; хисоб-китоб давридаги пул тўловларини прогнозини аниқлаш; келгуси давридаги соф пул оқимини (пул маблағлари ортиқча бўлиши ёки етишмаслиги) аниқлаш; хисоб-китоб даврида қисқа муддатли молиялаштиришини

рүёбга чиқарадиган манбаларни аниклаш. Прогноз бухгалтерия балансини шакллантириш алгоритмини қуидаги тақдим этамиз (3.4-чизма).

Ушбу алгоритм турли бюджетларнинг ҳар хил кўрсаткичлари ўртасидаги асосли нисбатни шакллантиришга имкон беради. Ушбу жараёнда бухгалтерия баланси актив ва пассивларининг муҳимроқ турларини акс эттирадиган моддаларини йириклиштириш ва бирлаштириш зарурати юзага келади. Прогноз бухгалтерия балансида маълумотларни йириклиштириш тартиби маблағлар ёки манбаларни бир гурухга кирувчи актив ва пассив моддаларини бирлаштиришдан иборатdir.

Албатта баланснинг бирлаштириб бўлмайдиган моддалари алоҳида акс эттирилаверади. Юкорида кўрсатилган тамойилга кўра, намунавий 1-шакл “Бухгалтерия баланси” асосида йириклиштирилган ва бирлаштирилган бюджет балансини 53-иловада келтирмоқда.



### 3.4-расм. Прогноз бухгалтерия балансини шакллантириш алгоритми

*Манба. Чухрова О.В. Развитие управленческого учета в условиях бюджетирования (на примере машиностроительного производства). Дис. на соис. уч. степ. канд. экон. наук. Ростов – на – Дону. 2008. С.77.*

Бунда баланс моддаларини бирлаштириш ва йириклаштириш моддалар баланси бир-бирига мазмунан яқинлигидан келиб чиқади. Баъзи бир моддаларни аҳамияти юқорилиги хисобга олиниб, улар мустақил модда сифатида қолдирилган ва натижада баланс моддалари қисқарган. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, прогноз бухгалтерия баланси моддалари бюджетларни шакллантириш давомида маблағлар ва уларнинг манбаларини деталлаштириш заруратига қараб ўзгариши мумкин.

### **3.3. Пахта тозалаш корхоналарида бюджетлар бажарилиши таҳлилининг услугий таъминоти ва уни ривожлантириш**

Пахта тозалаш саноати корхоналарида бюджетлар бажарилишининг контроллинги ва таҳлили бюджетлаштириш циклининг узвий қисми бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотлар пахта тозалаш корхоналарида бюджет бажарилишини самарали назорат қилиш учун амалиёт материаллари ва бюджет бажарилишини батафсил таҳлил қилишнинг услугий таъминоти етарли эмаслигини кўрсатди. Мазкур иш пахта хомашёсини тайёрлаш бюджетининг ижроси батафсил таҳлил қилишдан бошланиши лозим.

Бюджет бажарилиши таҳлилида даставвал тайёрланган пахта хомашёсининг сифат даражаси кўриб чиқлади. Бунда пахтанинг нав ва синфлари бўйича бюджет кўрсаткичларининг бажарилиши ўрганилади (3.17- жадвалга қаранг).

Жадвалга кўра, корхонада пахта хомашёсини тайёрлаш бюджетидаги кўрсаткичлар I-навнинг 3-синфи, II-навнинг 2-3 – синфлари ва III-навнинг 3-синфи бўйича бажарилмаган. I-навнинг 2 – синфи, II-навнинг 1-синфи, III-навнинг 1-2-синфлари, IV- ва V-навнинг барча 3 та синфи бўйича эса ошириб бажарилган. Бу албатта, корхонанинг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатади. Чунки тайёрланган пахта хомашёсининг нави қанчалик юкори бўлса, ундан келадиган даромад микдори ҳам унга мос равища юкори бўлади.

**«Ўзбекистон пахта тозалаш заводи» АЖнинг 2016 йилги пахта  
хомашёси тайёрлов бюджети ижросининг ассортимент  
бўйича таҳлили**

3.17- жадвал

Пахта хомашёси нави	Пахта хомашёси синфи	Тайёрлов ҳажми			Бюджетдан четланишлар	
		Бюджет бўйича, тоннада	Ҳақиқатда тоннада	% да	Мутлак, (+,-)	Нисбий, %да
I	1	-	-	-	-	-
	2	9006	9642	107,6	+ 636	+7,06
	3	145	61	42,1	- 84	- 57,9
	Жами	9151	9703	106,3	+ 552	+ 6,03
II	1	4140	4639	112,05	+ 499	+ 2,05
	2	3750	3567	95,1	- 183	- 4,9
	3	180	71	39,4	- 109	- 60,6
	Жами	8070	8277	102,5	+ 207	+ 2,5
III	1	2770	3002	108,4	+ 232	+ 8,4
	2	405	832	205,4	+ 427	+105,4
	3	275	228	82,9	- 47	- 17,1
	Жами	3450	4062	117,7	+ 612	+ 17,7
IV	1	1240	1472	118,7	+ 232	+ 18,7
	2	450	640	142,7	+ 190	+ 42,2
	3	60	167	278,3	+ 107	+178,3
	Жами	1750	2279	130,2	+ 529	+ 30,2
V	3	1450	1965	135,5	+ 515	+ 35,5
	Ҳаммаси	23871	26256	110,0	+ 2385	+ 10,0
	1	8150	9113	111,8	+ 963	+ 11,8
	2	13611	14681	107,8	+ 1070	+ 7,8
	3	2119	2462	116,7	+ 352	+ 16,7

Манба. «Ўзбекистон пахта тозалаш заводи» АЖ материалари асосида муаллиф ишланмаси

Жадвалга кўра, корхонада пахта хомашёсини тайёрлаш бюджетидаги кўрсаткичлар I-навнинг 3-синфи, II-навнинг 2-3 – синфлари ва III-навнинг 3-синфи бўйича бажарилмаган. I-навнинг 2 – синфи, II-навнинг 1-синфи, III-навнинг 1-2-синфлари, IV- ва V-навнинг барча 3 та синфи бўйича эса ошириб бажарилган. Бу

албатта, корхонанинг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатади. Чунки тайёрланган пахта хомашёсининг нави қанчалик юқори бўлса, ундан келадиган даромад микдори ҳам унга мос равиша юқори бўлади.

Таҳлиллар тайёрланган пахта хомашёсини сифат кўрсаткичларини амалдаги стандарт меъёрий кўрсаткичлари билан тақослаш орқали таҳлил қилиш катта аҳамиятга эгалигини кўрсатди (3.18-жадвал).

**«Ўзбекистон пахта тозалаш заводи» АЖда 2016 йил пахта хомашёси тайёрлов бюджети бажарилишининг намлик ва ифлослик бўйича таҳлили**

3.18-жадвал

Пахта синфи	Пахта нави	Намлиги, % да			Ифлослиги, % да		
		Хисобот бўйича	Меъёр бўйича	Четла-нишлар, (+,-)	Хисобот Буйича	Меъёр бўйича	Четла-нишлар, (+,-)
1 - синф	I	-	9,0	-	-	3,0	-
	II	9,6	10,0	- 0,4	5,1	5,0	+0,1
	III	9,7	11,0	-1,3	5,7	8,0	- 2,3
	IV	9,9	13,0	-3,1	8,7	12,0	-3,7
	V	-	-	-	-	-	-
	Жами	9,7	9,8	- 0,1	6,7	6,9	- 0,2
2 - синф	I	9,6	12,0	- 2,4	3,8	10,0	- 6,2
	II	9,5	13,0	- 3,5	5,3	10,0	- 4,7
	III	9,4	15,0	- 5,6	8,1	12,0	- 3,9
	IV	10,5	17,0	- 6,5	8,3	16,0	- 7,7
	V	-	-	-	-	-	-
	Жами	9,7	12,1	- 2,4	6,2	10,1	- 3,9
3 - синф	I	15,2	14,0	- 1,2	15,6	16,0	- 0,4
	II	12,3	16,0	- 3,7	21,4	16,0	- 4,6
	III	11,6	18,0	- 6,4	21,5	18,0	- 3,5
	IV	15,2	20,0	- 4,8	22,5	20,0	- 2,5
	V	21,3	22,0	- 0,7	24,2	22,0	- 2,2
	Жами	15,2	20,4	- 5,2	20,8	21,1	- 0,3
	Барча-си	10,3	12,2	- 1,9	7,9	9,4	- 1,5

Манба. «Ўзбекистон пахта тозалаш заводи» АЖ материаллари асосида муаллиф ишланмаси

Жадвал маълумотларига кўра, 2016 йилда «Ўзбекистон пахта тозалаш заводи» АЖда тайёрланган пахта хомашёсининг намлиги ва ифлослиги баъзи бир навни, яъни намлик бўйича 1-синф II-навни хисобга олмагандан, асосан давлат стандарти меъёрлари даражасида ва ундан паст даражада бўлган. Масалан, 1- синф бўйича меъёрдаги 9,8 % ўрнига ҳақиқатда намлик 9,7 % ни ташкил этган ёки 0,1 % га камайган. Мос равищда намлик кўрсаткичидан 2-синфда - 2,4 % га; 3 - синфда - 1,9 % га меъёр даражасига нисбатан пасайиш рўй берган. Пахта хомашёсининг ифлослигига ҳам 1- синф бўйича - 0,2%, 2 - синф бўйича - 3,9 % га, 3 - синфи бўйича - 1,5 % га меъёр даражасига нисбатан пасайиш рўй берган. Бу албатта ижобий кўрсаткич хисобланади.

Амалиётни ўрганиш тола чиқишининг маҳсулот ҳажмига таъсирини ўрганиш зарурлигини ҳам тасдиқлади (3.19-жадвал).

3.19-жадвал таҳлили кўрсатиб турибдики, «Ўзбекистон пахта тозалаш заводи» АЖда 2016 йилда тола чиқиши бюджетдагидан 0,8% га камайганлиги натижасида бюджет кўрсаткичидан 74 тонна I-нав тола ва 14 тонна V-нав тола кам ишлаб чиқарилган. Пахта тозалаш корхонасида жами тола чиқиши 32,12 % ни ташкил этиб, бюджет кўрсаткичидан 0,1 % га паст бўлганлиги сабабли 22 тонна (2156,1 минг сўм) кам тола ишлаб чиқарилган ва бу сумма фойдаланилмаган кўшимча имконият хисобланади.

**«Ўзбекистон пахта тозалаш заводи» АЖда 2016 йилдаги мавсумда тола чиккининг маҳсулот**

**Хажмига тасьири таҳлили**

**3.19-жадвал**

Тола чиккини, % да	Биринчий бюджет	Хисобот бюджет	Биринчий бюджет	Хисобот бюджет	Толанинг бир саноат навидян бошқа саноат навига үтиши						
					I нав	II нав	III нав	IV нав	V нав		
I	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
I	9621	34,0	33,2	3268	3194	-74	-24	-44	-5	-0,8	-0,2
II	14082	33,1	33,5	4669	4718	+49	+21	+18	+6,9	+1,7	+1,4
III	7457	30,6	30,7	2284	2285	+1	+0,3	+0,3	+0,2	+0,15	+0,05
IV	2063	29,1	30,0	601	617	+16	+12	+8,89	+3,19	+1,92	+0,8
V	2720	27,7	26,9	747	733	-14	-	-1,95	-2,06	-7,18	-2,81
Жами	35943	32,22	32,12	11569	11547	-22	-1,5	-18,76	+3,23	-4,21	-0,76
Б. Толанинг улугъжи нархлари, сўм								106479	102064	96756	83966
В. Толанинг киймати т. минг сўм								-2156,1	-159,72	-1914,72	+312,52
										-353,49	-40,74

**Манба. «Ўзбекистон пахта тозалаш заводи» АЖ материялларни асосида муаллиф ишланганаси**

Пахта хомашёси 5 та нав ва 3 та синфга булиниши тола ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмига катта таъсир кўрсатади. Тахлил жараёнида бу каби омиллар таъсири ҳам атрофлича ўрганилади (3.20-жадвалга қаранг).

Жадвал таҳлили натижаларига кўра, «Ўзбекистон пахта тозалаш заводи» АЖда 2016 йилда 1130969 минг сўмлик тола ишлаб чиқарилиб, бу бюджетдагига нисбатан 2847 минг сўмлик кам демакдир. Толанинг синфларга тақсимланиши ҳам маҳсулот кийматига салбий таъсир кўрсатган. Камайиш асосан қўйидаги нав ва синфлар бўйича юз берган: бюджетдагидан 126165 минг сўмлик I нав олий синф тола кам ишлаб чиқарилган; бошқаларида мос равишда қўйидаги суммага тенг бўлган: II нав олий - 34468 минг сўм; яхши – 15564; оддий – 6481; III нав яхши – 82557; ифлос – 6260; IV нав яхши – 2343, ўрта – 5064; V нав ўрта – 18642 минг сўм.

Ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатини таҳлил қилишда навлилик коэффициенти ёхуд ўртача навлилик коэффициентидан фойдаланилади.

Ушбу кўрсаткич қўйида келтирилган уч хил усулда хисобланади:

1. Ўртача тортилган навни аниқлаш. Бу усулда ҳар бир нав бўйича ишлаб чиқарилган пахта толаси микдорини айнан шу навга кўпайтириб, сўнгра ҳосил бўлган суммани барча навлар бўйича ишлаб чиқарилган жами маҳсулотларнинг микдорига тақсимлаш лозим.

Хисоб-китоблар учун керакли маълумотлар қўйида келтирилган:

«Ўзбекистон пахта тозалаш закони» АЖНа 2016 йилди ишлаб чиқарилган пахта толасининг сифодарга таҳсилотиниши

Нав- лар	Сифодар	Боюнчиги кўри		Хисобот бўйича		Умурни пархи сўнгтоннада	Төланинг бадоси, минг сўмни		Четаниншар (т, -)
		% да	Тоннада	% да	Тоннада		Боюкет бўйича	Хасикатда	
I	Олий	70	2236	33.0	1059	167192	239681	135116	+ 126165
	Яхши	20	639	59.3	1875	106175	67846	201202	+ 133356
	Ўрга	10	319	6.4	197	102092	32567	201112	- 12455
	Оддий	-	-	1.0	34	98517	-	3350	+ 3350
	Ийлоғс	-	-	0.3	9	94443	-	850	+ 850
Жами		100	3194	100	3194		340094	339030	+ 1064
II	Олий	50	2559	43.0	2028	104133	245640	211182	- 34468
	Яхши	40	1887	36.7	1733	101067	190713	175149	+ 15564
	Ўрга	5	236	13.9	654	97500	23010	63765	+ 4735
	Оддий	5	236	3.5	167	93925	22166	15685	- 6481
	Ийлоғс	-	-	2.9	136	87440	-	11892	+ 11892
Жами		100	4718	100	4718		481539	477673	+ 3866
1 тоннага сўм майдорнида							102064	101245	+ 819
III	Олий	-	-	32.9	752	102064	-	76752	+ 76752
	Яхши	70	1599	33.3	761	98517	157228	14971	+ 82557
	Ўрга	20	458	24.8	566	94942	43483	53737	+ 10254
	Оддий	5	114	7.2	163	90350	10300	14908	+ 4608
	Ийлоғс	5	114	1.8	41	85758	9776	3514	+ 6260
Жами		100	2285	100	2285		221087	223884	+ 2797
1 тоннага сўм майдорнида							967556	97980	+ 1224
IV	Олий	-	-	7.3	45	94970	-	4274	+ 4274
	Яхши	60	370	55.6	343	86775	32107	29764	+ 2343
	Ўрга	30	185	19.9	123	81675	15110	10046	+ 5064
	Оддий	5	31	12.0	74	76567	2374	56666	+ 3292
	Ийлоғс	5	31	5.2	32	71467	2216	2287	+ 71
Жами		100	617	100	617		51807	52037	+ 230
1 тоннага сўм майдорнида							83966	84338	+ 373
V	Яхши	-	-	13.9	102	62120	-	6336	+ 6336
	Ўрга	60	440	14.7	108	56150	24706	60664	+ 18642
	Оддий	30	220	51.3	376	51042	11229	19192	+ 7963
	Ийлоғс	10	73	20.1	147	45942	3354	6753	+ 3399
	Жами	100	733	100	733		39280	38345	+ 1288
1 тоннага сўм майдорнида							53660	52312	- 1288
Хамаси							113816	1130969	- 2847
1 тоннага сўм майдорнида							98191	97945	+ 246

Манба. «Ўзбекистон пахта тозаланинг забоди» АЖК материалилари асосидаги муаллиф шилланмаси

Тола нави	Үлчов бирлиги	Микдори	
		Бюджетга кўра	Ҳақиқатда
I	тонна	3268	3194
II	тонна	4669	4718
III	тонна	2284	2285
IV	тонна	601	617
V	тонна	747	733
Жами	тонна	11569	11547

Бунда куйидаги формулалардан фойдаланиб, навлилик коэффициенти топилади:

$$a) H_{k_0} = \frac{T_{H1}^0 \times 1 + T_{H2}^0 \times 2 + T_{H3}^0 \times 3 + T_{H4}^0 \times 4 + T_{H5}^0 \times 5}{\sum T_H^0}; \quad (3.20)$$

$$b) H_{k_1} = \frac{T_{H1}^1 \times 1 + T_{H2}^1 \times 2 + T_{H3}^1 \times 3 + T_{H4}^1 \times 4 + T_{H5}^1 \times 5}{\sum T_H^1} \quad (3.21)$$

бунда  $H_{k_0}$  – бюджетга кўра навлилик коэффициенти;  
 $H_{k_1}$  – ҳақиқий навлилик коэффициенти;

$T_{H1}^0$ -бюджетга кўра 1-нав толанинг микдори;

$T_{H2}^0$  - бюджетга кўра 2-нав толанинг микдори;

$T_{H3}^0$ - бюджетга кўра 3-нав толанинг микдори;

$T_{H4}^0$ - бюджетга кўра 4-нав толанинг микдори;

$T_{H5}^0$  – бюджетга кўра 5-нав толанинг микдори;

$T_{H1}^1$  -1-нав толанинг ҳақиқий микдори;

$T_{H2}^1$ -2-нав толанинг ҳақиқий микдори;

$T_{H3}^1$ - 3-нав толанинг ҳақиқий микдори;

$T_{H4}^1$ - 4-нав толанинг ҳақиқий микдори;

$T_{H5}^1$  - 5-нав толанинг ҳақиқий микдори;

$\sum T_H^0$  - бюджетга кўра барча навлар микдорининг жами;

$\sum T_H^1$  – барча навлар бўйича ҳақиқатдаги жами микдор.

Юқорида келтирилган ракамларга кўра навлилик коэффициенти қуйидагича аниқланади :

$$a) H_{k_0} = \frac{3268 \times 1 + 4669 \times 2 + 2284 \times 3 + 601 \times 4 + 747 \times 5}{11569} = 2,212$$

$$6) H_{K_1} = \frac{3194 \times 1 + 4718 \times 2 + 2285 \times 3 + 617 \times 4 + 733 \times 5}{11547} = 2,218$$

Таҳлиллар ва ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, «Ўзбекистон пахта тозалаш заводи» АЖда 2016 йилда навлилик коэффициенти бюджетга кўра 2,212, ҳақиқатда эса 2,218 ни ташкил этган, яъни навлилик коэффициенти 0,006 бандга пасайган.

2. Ўртача навлилик коэффициентини аниқлаш. Ушбу коэффициентни аниқлаш учун аввал ҳар бир навнинг баҳосини биринчи нав баҳосига бўлиш орқали шартли равишда биринчи навга ўтказиш коэффициенти аниқланади, сўнгра бу коэффициентлар ҳар бир нав бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорига кўпайтирилиб, жами ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорига бўлинади. Натижа қўйида 3.21-жадвалда жамланган ва тегишли ҳисоб-китоблар ўтказилган.

**«Ўзбекистон пахта тозалаш заводи» АЖда 2016 йилда  
ишлаб чиқарилган тола сифатини ўртача навлилик  
коэффициенти ёрдамида таҳлил қилиш**

3.21-жадвал

Пахта тола- си нави	Тола ишлаб чиқариш, тоннада		Айлантириш коэффициенти	Шартли бирликда тола ишлаб чиқариш, тоннада	
	Бюджетда	Ҳақиқатда		Бюджетда	Ҳақиқатда
I	3268	3194	1.0	3268	3194
II	4669	4718	0.96	4482	4529
III	2284	2285	0.91	2078	2079
IV	601	617	0.84	505	518
V	747	733	0.53	396	388
Жами	11569	11547	0,85	10729	10708

Манба. «Ўзбекистон пахта тозалаш заводи» АЖ материаллари асосида  
муаллиф ишланмаси

Жадвалдаги рақамларга кўра шартли ўтказиш коэффициенти ёрдамида ўртача навлилик коэффициенти қўйидагича ҳисбланади:

а) бюджетга кўра:

$$\bar{H}_{K_1} = \frac{1 \times 3268 + 0.96 \times 4669 + 0.91 \times 2284 + 0.84 \times 601 + 0.53 \times 747}{11569} = 0,9274$$

б) ҳақиқатда:

$$\hat{y}_{H_{k_1}} = \frac{1 \times 3194 + 0.96 \times 4718 + 0.91 \times 2285 + 0.84 \times 617 + 0.53 \times 733}{11547} = 0.9273$$

Демак,  $\hat{y}_{H_0} = 0,9274$ ;  $\hat{y}_{H_1} = 0,9273$  ни ташкил қылган ёки ўртача навлилик коэффициенти режага нисбатан 0,0001 бандга пасайған. Бу эса маҳсулот сифати пасайғанлыгидан далолат беради.

3. Ўртача навни ўртача тортилган баҳоға асосан аниқлаш. Бу усулда ҳар бир нав бўйича маҳсулот миқдори айнан шу навлар баҳосига қўпайтирилиб, сўнгра ҳосил бўлган қиймат ишлаб чиқарилиган маҳсулотларнинг жами миқдорига бўлинади.

Ўртача навлилик коэффициенти худди шундай тартибда ёрдамчи маҳсулотлар ҳисобланадиган чигит ва момик бўйича ҳам аниқланади.

Пахта толасининг нав даражаси маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир қилувчи асосий қўрсаткичидир. Толанинг ўртача нави ва ўртача навлилик коэффицентлари пахта хомашёси навларидан толанинг саноат навларига ўтиши даражасига боғлик бўлади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, пахта тозалаш корхоналари асосий ишлаб чиқариш фаолияти билан биргаликда пахта хомашёсини тайёрлаш, сақлаш ва уни ташиб келтириш билан боғлик фаолият билан ҳам шуғулланади. Шу боисдан таннархни таъминот фаолияти харажатлари моддалари бўйича таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Мазкур таҳлил натижалари 3.22 -жадвалда келтирилган.

Жадвал таҳлилидан кўриш мумкинки, А бўлим бўйича жами харажатларда энг асосий салмоқни пахта хомашёсини тайёрлов масканингача ташиб келтириш ва туширганлиги учун қилинган тўлов элементи эгаллайди (67,8%). Ушбу харажат ҳисобот даврида бюджетдагига нисбатан 4% га кам бўлган. Бу бўлимдаги барча харажат элементлари бўйича жорий йилда бюджетдагига нисбатан 1455 минг сўм тежашга эришилган.

**«Ўзбекистон пахта тозалаш заводи» АЖни 2016 йилдаги  
пахтанинг транспорт-тайёрлов харражатлари таҳлили**

3.22-жадвал

Т/ р	Кўрсаткичлар	Бюд- жет бўйи- ча, минг сўмда	Харакатда			Бюджетдан четланиши- лар, (+,-)	
			Минг сўмда	% да	1 тонна пахтага, сўм/тоин- на	Мут- лак, (+,-)	Нис- бий, %
1	2	3	4	5	6	7	8

**А. Пахтани тайёрлаш, саклаш ва пахта тозалаш корхонасига жўнатиш  
харражатлари**

1.	Асосий ва қўшимча иш хақи	6581	6501	13,5	247,6	-80	-1,2
2.	Ижтимоий сугурта ажратмалари	2632	2600	5,4	99,0	-32	-1,2
3.	Асосий воситалар эскириши	650	650	1,3	24,7	-	-
4.	Материаллар	968	951	2,0	36,2	-17	-1,7
5.	Енилги	-	-	-	-	-	-
6.	Электр энергия	878	874	1,8	33,3	-4	-0,4
7.	Тара ва брезент харражатлари	3176	3118	6,5	11,9	-58	-1,8
8.	Пахтани тайёрлов масканнагача ташиб келтирганлиги ва туширганлиги учун фермер хўжаликларига қўшимча тўловлар	33822	32518	67,8	1238,5	-1304	-4,0
9.	Бошқа харражатлар	774	814	1,7	31,0	+40	+4,9
10.	А бўлим бўйича жами	49481	48026	100	1829,1	-1455	-3,0

**Б. Пахтани тайёрлов масканларидан пахта тозалаш корхонасига ташиб  
келтириш харражатлари**

11.	Пахтани пахта тозалаш корхонасига ташкаридаги тайёрлов масканларидан ташиб келтирилганлиги учун тўлов харражати	41724	39781	55,0	1515,1	-1943	-4,5
12.	Асосий ва қўшимча иш хақи	17640	17505	24,2	666,7	-135	-0,8
13.	Ижтимоий сугурта ажратмалари	7290	7002	9,7	266,7	-288	-4,1
14.	Материаллар	3294	3239	4,5	123,4	-55	-1,7
15.	Енилги	-	-	-	-	-	-
16.	Электр энергия	4374	4203	5,8	160,0	-171	-4,1
17.	Бошқа харражатлар	226	626	0,8	23,8	+400	+63,9
18.	Б бўлим бўйича жами	74548	72356	100	2756	-2192	-3,0
19.	Ҳамма харражатлар	124029	120382	100	4585	-3647	-3,0

Манба. «Ўзбекистон пахта тозалаш заводи» АЖ материаллари асосида  
муаллиф ишланмаси

Б бўлим бўйича пахтани корхонадан ташқаридаги тайёрлов масканларидан пахта тозалаш корхонасига ташиб келтирилганлиги учун тўлов харажатлари - 39781 минг сўмни ташкил этиб, шу бўлимнинг барча харажатларининг 55 %, жумладан, асосий ва қўшимча иш ҳақи - 17505 минг сўм, ижтимоий сугурта ажратмалари - 7002 минг сўмни ёки 9,7% ва ҳоказолар ташкил этган. Бўлим бўйича бюджет бажарилиши умуман ижобий якунланган бўлса-да, айрим моддалар бўйича фойдаланилмаётган резервлар мавжудлиги аниқланди. Жумладан, бошка харажатлар бюджетдаги 226 минг сўм ўрнига ҳисоботда 626 минг сўмни ташкил этган ёки ортиқча 400 минг сўм харажат қилинган. Бу фойдаланилмаган ички резерв ҳисобланади.

Бу таҳлил барча харажатларнинг модда ва элементлари бўйича жами ва бир тонна толага тўғри келувчи харажатлар кесимида олиб борилади ва уларнинг барча харажатлардаги улушини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Таҳлилнинг навбатдаги босқичида пахта хомашёсидан тола чиқишининг маҳсулот таннархига таъсири таҳлил қилинади (3.23-жадвалга қаранг).

Пахта тозалаш корхоналарида пахта хомашёсининг пахта навидан саноат навларига ўтиши ҳам таннархга катта таъсир килади ва шу сабабли мазкур холат таҳлил қилинади (3.24-жадвалга қаранг).

Таҳлил натижаларига кўра, жорий йилда ушбу корхонада толанинг пахта навидан саноат навларига ўтишида кескин ўзгаришлар рўй берган. Ҳисобот даврида I-нав пахта толасини олиш учун 5 турдаги пахта навларидан қуйидаги миқдорда: I-навдан - 3190 тонна, II-навдан - 5708 тонна, III-навдан - 593 тонна, IV-навдан - 102 тонна, V-навдан - 28 тонна пахта хомашёси сарфланган. Таҳлилдан кўриниб турибдики, ҳаттоқи IV- ва V-нав пахта хомашёларидан ҳам юқори нав пахта толаси олинган, жумладан, IV- нав пахтадан 150 тонна I-нав ва 1147 тонна II-нав, V-нав пахтадан 378 тонна II-нав тола олишга эришилган. Бу каби холат барча навларда юз берган. Натижада пахта толасини ҳисобот даврида ишлаб чиқариш таннархи I нав бўйича - 2710 минг сўмга; II нав бўйича - 2548 минг сўмга; III нав бўйича – 500 минг сўмга; IV нав бўйича - 153 минг сўмга бюджетдагига нисбатан паст бўлган. Барча пахта толаси навлари бўйича ушбу сумма 5921 минг


сўмни ташкил этган, яъни таннархни 0,6 % га пасайтиришга эришилган.

**«Ўзбекистон пахта тозалаш заводи» АЖда 2016 йилдаги  
пахтадан тола чиқишининг таннархга таъсири таҳлили  
3.23-жадвал**

Пахта нави	Хисобот даврида кайта ишлашга берилган пахтанинг хажми, тоннада	Бюджетга кўра	Тола чиқиши, %		Хисобот даврида олинган тола микдори, тоннада	Бюджетда белгиланган тола чиқиши мебёри буйича пахта хомашёси сарфи, тоннада	Четланишлар, (+,-)	Пахта хомашёсининг ўргача харид нархи, сўм/тоннада	Пахта хомашёсидан тола чиқишининг таннархга таъсири, минг сўмда
			да	Четланишлар, (+,-)					
I	9621	34,0	33,2	-1,8	3194	9394	+227	32100	+7286,7
II	14082	33,1	33,5	+0,4	4718	14254	-172	27760	-4774,8
III	7457	30,8	30,6	-0,2	2285	7419	+3,8	22828	+867,5
IV	2063	29,1	30,0	+0,9	617	2120	-57	199097	-10,5
V	2720	27,7	26,9	-0,8	733	2646	+74	9647	+713,9
Жамми	35943	32,22	31,12	-0,10	11547	35833	+110	27316	+3004,8

Манба. «Ўзбекистон пахта тозалаш заводи» АЖ материаллари асосида муаллиф ишланмаси

Ушбу холатни график шаклида акс эттириш орқали якколрок кўриш мумкин (3.4-чизма):



### 3.4-чизма. Пахта хомашёсидан пахта толаси ишлаб чиқаришда толанинг саноат навларига ўтиш графиги<sup>29</sup>

Сотиш бюджети ижросининг таҳлили ва мониторингида ишлаб чиқарилган маҳсулот, сотилган маҳсулот ҳажмининг қиймат ва натурал бирликлардаги бюджет кўрсаткичлари ҳамда ўтган йилга нисбатан бажарилиши ўрганилади (3.25-жадвал).

Таҳлил маълумотларига кўра бюджет бажарилмаслиги мос равишда: пахта толаси ишлаб чиқариш бюджетига нисбатан 22 тоннага, ўтган йилга нисбатан эса 1070 тоннага; пахта чигити бўйича бюджетга нисбатан 3611 тоннага, ўтган йилга нисбатан 2980 тоннага; момик бўйича бюджетга нисбатан 279 тоннага, ўтган йилга нисбатан 434 тоннага кам ишлаб чиқарилган. Таркибида улук ва калта момик бўлган ишлаб чиқариш чиқиндиларини ишлаб чиқариш бўйича бюджет кўрсаткичи ортиғи билан бажарилган. Пахта чигити ва момик ишлаб чиқариш бюджети бажарилмаганлиги ўз навбатида товар маҳсулоти бўйича бюджет топшириғи бажарилмаганлигига ўз таъсирини кўрсатган. Бу эса, охир оқибатда пахта тозалаш корхонасининг жорий йилдаги маҳсулот ишлаб чиқариш бюджетини ассортиментлар бўйича бажарилишига салбий таъсир кўрсатади. Таҳлил жараёндаги асосий вазифа бу ўзгаришларни келтириб чиқарган сабабларни аниқлашдан иборат бўлиши лозим.

Тайёр маҳсулотларни сотиш ҳажмининг бажарилишига таъсир қилувчи омилларни ўрганишда уни ташкил этувчилар ҳолати ҳамда омбордаги қолдиқ ва сотилган маҳсулот миқдорини таҳлил қилиш лозим бўлади (3.26-жадвалга қаранг).

<sup>29</sup> Муаллиф ишланмаси

**«Ўзбекистон пахта тозалаш заводи» АЖда 2016 йилда толанинг пахта навидан саноат навларига ўтишининг маҳсулот таннархига тасири таҳлили**

3.24-жадвал

Толанинг нави	Толанинг саноат навларига ўтиши, тоннада					Жами пахтанинг сўмдаги сўм/тонга	Жами харражатлар, минг сўмда
	I	II	III	IV	V		
Бюджетнига кўра	Хаким катла	Бюджетнига кўра	Хаким катла	Бюджетнига кўра	Хаким катла	Бюджетнига кўра	Четганинчалар (+,-)
I	3116	3190	5572	5708	584	94	102
II	6129	6053	5273	5172	1996	195	428
III	2448	2454	2448	2454	1855	1847	2
IV	148	150	1187	1147	424	412	254
Жами	11841	11847	14850	14889	\$256	5205	2644
						2780	1242
						1222	35833
						35943	27355
							980212
							983221
							-5921

Манба: «Ўзбекистон пахта тозалаш заводи» АЖ материаллари асосида муаллиф ишланмаси

**«Ўзбекистон пахта тозалаш заводи» АЖда 2016 йилги сотиш бюджети ижросининг ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати ва ҳажми бўйича таҳлили**

3.25-жадвал

Кўрсат-кичлар	Ўтган йил хисоботи бўйича хаки-катда	Жорий йилда		Четланишлар, (+,-)			
		Бюд-жет бўйи-ча	Хисо-бот бўйи-ча	Бюджет-дан четланиш-лар		Ўтган йил хисоботидан четланишлар	
				Минг сўмда	% да	Минг сўмда	% да
<b>I. Қиймат кўрсаткичларида (минг сўмда):</b>							
1. Товар маҳсулоти ҳажми	1391190	139110	1382143	- 9047	- 0,65	- 9047	- 0,65
2. Сотилган маҳсулот ҳажми	1365300	136530	1367542	+2242	+0,16	+ 2242	+0,16
Четланишлар, (+,-)	- 25890	- 25890	- 14601	- 6805	- 6,6	- 6805	- 6,6
<b>II. Натурал кўрсаткичларда (тоннада):</b>							
Пахта толаси	12617	11569	11547	- 22	- 0,19	- 1070	- 9,2
Пахта чигити	18464	19977	16366	- 3611	- 22,0	- 2098	- 12,8
Улук	874	210	1140	+ 930	+ 1,6	+ 266	+23,3
Момик	1184	1029	750	- 279	- 37,2	- 434	- 57,8
Калта толали момик	1070	272	1186	+ 914	+ 7,0	+ 116	+ 9,7
Жами	34209	33057	30989	-2068	-6,2	-3220	-9,4

Манба. «Ўзбекистон пахта тозалаш заводи» АЖ материалари асосида муаллиф ишланмаси

**«Ўзбекистон пахта тозалаш заводи» АЖда 2016 йилда тайёр ва  
сотилган маҳсулот таҳлили, минг сўмда**

3.26-жадвал

Кўрсаткичлар	Тайёр маҳсулотнинг қолдиғи		Меъёр бўйи- ча кол- дик	Хисобот йилидаги колдикнинг фарқи, (+,-)	
	Хисо- бот йилида	Ўтган йили		Ўтган йил- дагидан	Меъёрдан
Тайёр маҳсулот, жами	72439	52943	14940	+19496	+57499
Шу жумладан:					
- тола;	26802	19589	5528	+7213	+21274
- чигит;	39117	28589	8068	+10528	+31049
- улук;	1811	1324	373	+487	+1438
- момик;	2535	1853	523	+682	+2012
Калта толали момик	2174	1588	448	+586	+1726
Жўнатилган йўлдаги маҳсулот	-	-	x	-	x
Дебиторлик қарзлари	175	5481	x	- 5306	x

*Манба. «Ўзбекистон пахта тозалаш заводи» АЖ материаллари асосида  
муаллиф ишланмаси*

Жадвал маълумотларига кўра, хисобот йилида тайёр маҳсулотнинг йиллик ўртача қолдиғи 72439 минг сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 19496 минг сўмга ва меъёрга нисбатан эса 57499 минг сўмга ошган. Корхонада дебиторлик қарзлари эса ўтган йилга нисбатан 5306 минг сўмга камайган. Шундай қилиб, маҳсулот сотиш режасини бажариш бўйича ушбу корхонада фойдаланилмаган жами ички резервлар 57499 минг сўмни, жумладан, тола бўйича 21274 минг сўм, чигит бўйича 31049 минг сўм, улук бўйича 1438 минг сўм, момик – 2012 минг сўм ва калта толали момик бўйича 1726 минг сўмни ташкил этади.

Сотилган маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига таъсир килувчи омиллар таҳлили натижалари бўйича 3.26 – жадвалда келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики, сотиш ҳажми ўсиш суръатига

кўпгина омиллар таъсир кўрсатади. Буларга маҳсулотнинг сифати, уни бир маромда ишлаб чиқариш ҳамда маҳсулотни ўз вақтида истеъмолчиларга жунатиш, унинг ҳақини тўлаш, сотилмаган маҳсулотларнинг йил боши ва йил охирига бўлган қолдиги каби омиллар киради.

Сотиш бюджети ижроси таҳлилида товар ва сотилган маҳсулотлар ҳажмлари бюджетдагига ва ўтган йилларга нисбатан бажарилиши таҳлил қилиниб, бу борадаги фойдаланилмаган ички имкониятлар аникланиши лозим (3.27-жадвал). Бу эса, ўз навбатида, ушбу кўрсаткичлар ўсиш суръати ва ўсиш суръати жадаллигини аниклаш имкониятини беради.

**«Ўзбекистон пахта тозалаш заводи» АЖда 2016 йилда сотилган маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар таҳлили, минг сўмда**

3.27-жадвал

№	Кўрсаткичлар	Бюд-жет бўйи-ча	Ҳаки-катда	Четла-нишлар, (+, -)	Сотиш ҳажмига таъсири, (+, -)
1.	Сотилмаган маҳсулотнинг йил бошига қолдиги	52943	52943	-	-
2.	Сотилмаган маҳсулотларнинг йил охирига қолдиги	52439	72439	+ 20000	- 20000
3.	Товар маҳсулоти	1251533	1382142	+ 130609	+ 130609
4.	Сотилган маҳсулот ҳажми (1-қатор – 2-қатор + 3-қатор)	1252037	1362646	+ 110609	+ 110609

Манба. «Ўзбекистон пахта тозалаш заводи» АЖ материаллари асосида муаллиф ишланмаси

Жадвал таҳлилига кўра, «Ўзбекистон пахта тозалаш заводи» АЖда 2016 йилда бюджетдагига нисбатан 110609 минг сўмлик кўп маҳсулот сотилган. Бунга товар маҳсулоти 130609 минг сўмга ўстганлиги ва сотилмаган маҳсулот қолдигининг йил охирига 20000

минг сўмга камайганлиги таъсир кўрсатган. Бу, ўз навбатида, корхонанинг молиявий ҳолатига ижобий таъсир кўрсатади.

Пахта тозалаш корхоналарида сифат кўрсаткичларидан бири фойда ҳисобланади. Шунинг учун ҳам молиявий бюджетлар бажарилишини таҳлил қилиш катта аҳамият касб этади (3.28-жадвал).

**«Ўзбекистон пахта тозалаш заводи» АЖда 2016 йилда товар маҳсулотини сотишдан олинган фойданинг таҳлили  
(минг сўмда)**

3.28-жадвал

Т/ р	Кўрсаткич- лар	Бюд- жетга кўра	Ҳақиқатда сотилган маҳсулот хажмига нисбатан мослашувчан бюджет	Ҳақи- катда	Четланишлар, (+,-)	
					Бюд- жет- дан	Мосла- шувчан бюджет- дан
1.	Ишлаб чиқариш танинархи	1213600	1216642	121956	-644	-3686
2.	Товар маҳ- сулотини сотишдан тушган тушум	1365300	1367542	1367542	+2242	-
3.	Товар маҳ- сулотини сотишдан олинган фойда	151700	150900	154586	+2886	+3660

*Манба. «Ўзбекистон пахта тозалаш заводи» АЖ материаллари асосида  
муаллиф ишилнамаси*

Таҳлил натижаларига кўра, товар маҳсулоти сотишдан тушган ялпи фойда ҳақиқатда бюджетдагига нисбатан 2886 минг сўмга (154586-151700) ошириб бажарилган. Бунга куйидаги омиллар таъсир кўрсатган:

- Сотиш ҳажмининг ўзгариши;

$$a) \frac{1367542 \times 100}{1365300} = 100,16\%;$$

$$b) \frac{151700 \times 0,16}{100} = +243 \text{ минг сўм}.$$

Демак, сотиш бюджети ижросининг 0,16 % га ортиғи билан бажарилиши корхонага 243 минг сўм фойда келтирган.

2. Ишлаб чиқариш таннархининг 3686 минг сўмга камайиши (1212956-1216642) корхонага шунча миқдорда фойда келтирган.

3. Маҳсулот ассортименти ва таркибий тузилишининг ўзгаришини таъсири баланс усули билан аникланади. Бунда фойда бўйича аникланган умумий фарқдан олдин хисобланган барча омилларнинг таъсири айрилади ва у корхонада (2886 - (243+3686)) = 1043 минг сўмни ташкил қилган. Демак, корхонада маҳсулот ассортименти ўзгарганлиги туфайли 1043 минг сўмлик зарар кўрилган.

Маҳсулот ассортименти ва тола сифати кўрсаткичлари маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва таннарх ўзгаришига сезиларли таъсир кўрсатади. Юқоридаги жадваллар таҳлиллари натижалари асосида ушбу таъсир баланс усули ёрдамида таҳлил қилинади (3.29-жадвал).

Жадвал таҳлилига кўра, ҳисобот даврида корхонада сотилган маҳсулот ҳажми ҳақиқатда бюджетдагига нисбатан 2242 минг сўмга ошган. Ушбу ошиш куйидаги омиллар таъсирида рўй берган: тола чиқиши ҳисобига сотилган маҳсулот ҳажми 2156,1 минг сўмга камайган, пахта навидан саноат навига ўтиш ҳисобига 820 минг сўмга ошган, синфларга тақсимланиши ҳисобига 2847 минг сўмга камайган, жами сифат кўрсаткичлари таъсирида маҳсулот ҳажми 4183,1 минг сўмга камайган.

Сотилган маҳсулот таннархи эса бюджетдагига нисбатан 644 минг сўмга пасайган. Ушбу четланишга куйидаги маҳсулот сифати омиллари ўз таъсирини кўрсатган: тола чиқиши ҳисобига, яъни унинг бюджетдагидан паст бўлганлиги сабабли таннарх 3004,8 минг сўмга ошган, пахта навидан саноат навига ўтиши ҳисобига 5921 минг сўмга арzonлашган, жами сифат кўрсаткичлари таъсирида маҳсулот таннархи 2916,2 минг сўмга пасайган.

Натижада, ҳисобот даврида олинган ялпи фойда бюджетдагига нисбатан 2886 минг сўм кўп бўлган. Унга куйидаги сифат омиллари таъсир кўрсатган – тола чиқиши ҳисобига ялпи фойда миқдори 5160,9 минг сўмга камайган, пахта навидан саноат навига ўтиш ҳисобига - 6741 минг сўмга ошган ва синфларга тақсим-

ланиши ҳисобига эса 2847 минг сўмга камайган. Жами маҳсулот сифати кўрсаткичлари таъсирида унинг миқдори 1266,9 минг сўмга камайган. Бу суммани баратараф этиш ва қўшимча равишда яна 4183,1 минг сўм ҳисобига ялпи фойда миқдори 7099,3 минг сўмга ( $2916,2 + 4183,1$ ) ошиши мумкин эди.

**«Ўзбекистон пахта тозалаш заводи» АЖда 2016 йилда сотилган маҳсулотдан олинган фойда ва унинг миқдорига тола сифати таъсири таҳлили, минг сўм**

3.29-жадвал

Т/ р	Кўрсат- кичлар	Бюд- жет- га кура	Ҳаки- катда	Чет- ла- ниш- лар, (+, -)	Шу жумладан, четланишларга таъсири килувчи омиллар, (+, -)			
					Тола чи- киши	Пахта нави- дан саноат навига- ўтиши	Синф- ларга таксим- ланиши	Жами
1.	Сотил- ган маҳсу- лот ҳажми	1365300	1367542	+2242	-2156,1	+820	-2847	-4183,1
2.	Сотил- ган маҳсу- лотнинг ишлаб чикариш таннархи	1213600	1212956	-644	+3004,8	-5921	-	-2916,2
3.	Маҳсу- лот сотишдан олинган фойда ёки зарар	151700	154586	+2886	-5160,9	+6741	-2847	-1266,9

Манба. «Ўзбекистон пахта тозалаш заводи» АЖ материаллари асосида муаллиф ишланмаси

Маҳсулот рентабеллиги таҳлилини алоҳида селекцион нав, саноат нави ва синфи бўйича олиб бориши максадга мувофиқдир.

Шунинг натижасида самарали маҳсулот турини аниқлаш имконияти туғилади.

Рентабелликни таҳлил қилиш режа бажарилишига умумий баҳо бериш билан бошланади, сўнгра унга таъсир этувчи омиллар аниқланади. Ишлаб чиқариш рентабеллик даражасига фойда мидори, асосий ишлаб чиқариш фондлари ва меъёрлаштирилган айланма маблағлар киймати ўзгариши таъсир кўрсатади. Фойда мидорининг ошиши ўз навбатида рентабеллик даражасини оширади. Асосий фондлар ва меъёрлаштирилган айланма маблағларнинг киймати ошса, рентабеллик даражаси камаяди (3.30-жадвал).

**«Ўзбекистон пахта тозалаш заводи» АЖда 2016 йилда  
рентабеллик даражасини таҳлил қилиш, (минг сўмда)**

3.30-жадвал

T/р	Курсаткичлар	Бюджет бўйича	Хақиқатда	Фарки, (+,-)
A	Б	1	2	3
1.	Сотишдан тушган ялпи фойда	151700	154586	+2886
2.	Баланс фойда	56370	57447	+1077
3.	Асосий ишлаб чиқариш фондларининг йиллик ўртача киймати	24978	25767	+789
4.	Меъёрлаштирилган айланма маблағлар йиллик ўртача киймати	44500	44758	+258
5.	Жами ишлаб чиқариш фондлари, (2-к.+4-к.)	69478	70525	+1047
6.	Умумий рентабеллик даражаси, фоиз хисобида, (2-к. x 100:5-к.)	81.13	81.45	+0.32
7.	Соф фойда	32116	32727	+611
8.	Соф рентабеллик, фоиз хисобида (7-к. x 100/5-к.)	46,22	46,40	+0,18
9.	Товар маҳсулотнинг тўла таниархи	1377435	1342787	
10.	Маҳсулотларнинг рентабеллик даражаси, фоиз хисобида, (1-к. x 100/9-к.)	11,01	11,51	+0,5

Манба. «Ўзбекистон пахта тозалаш заводи» АЖ материаллари асосида муаллиф ишиланмаси

Жадвал маълумотларига кўра, жорий йилда ҳакқиатда режага нисбатан умумий ва соф рентабеллик даражаси мос тарзда 0,32 ва 0,18 бандга ошган.

Маҳсулотнинг рентабеллик даражаси эса мутаносиб равишда 0,5 бандга ошган. Бунга қўйидаги иккита омил таъсир кўрсатган: сотишдан тушган ялпи фойда микдори ўзгариши, маҳсулот ишлаб чиқариш таннархининг тўлиқ ўзгариши. Ушбу омилларнинг таъсирини аниқлаш учун занжирли алмаштириш ҳамда кўрсаткичлар даражасидаги мутлақ фарқ қилувчи усуllibарни қўллаймиз.

Занжирли алмаштириш усулини қўллаш натижалари 3.31-жадвалда акс эттирилган. Жадвал маълумотларига кўра, маҳсулот рентабеллик даражаси ҳакқиатда режага нисбатан 0,5 бандга ошган. Бунга қўйидаги омиллар таъсир кўрсатган:

1. Ялпи фойданинг ўзгариши:  $11,51 - 11,22 = +0,29$  банд.

**«Ўзбекистон пахта тозалаш заводи» АЖда 2016 йилда маҳсулотнинг рентабеллик даражасига таъсир қилувчи омилларни занжирли алмаштириш усулини қўллаш орқали аниқлаш**

3.31-жадвал

Хисоб-нинг тартиб рагами	Алмаштириш тартиб рагами	Ялпи фойда	Тўла таннарх	Маҳсулот рентабеллиги	Олдинги хисобга нисбатан фарқ
A	B	1	2	3	4
1	-	151700	1377435	11.01	+0.21
2	1	154586	1377435	11.22	+0.29
3	2	154586	1342787	11.51	

Манба. «Ўзбекистон пахта тозалаш заводи» АЖ материаллари асосида муаллиф ишланмаси

1. Маҳсулот таннархининг тўлиқ ўзгариши:  $11,22 - 11,01 = +0,21$  банд.

Омиллар баланси:  $0,21 + 0,29 = +0,5$  банд.

Кўрсаткичлар даражасидаги мутлақ фарқ усули билан маҳсулотнинг рентабеллик даражасига омиллар таъсири ўрганилади (3.32-жадвал).

**«Ўзбекистон пахта тозалаш заводи» АЖда 2016 йилда  
кўрсаткичлар даражасидаги мутлақ фарқ усули билан  
маҳсулот рентабеллик даражасига таъсир қилувчи омилларни  
аниқлаш**

3.32-жадвал

Кўр- сат- кич- лар	Режа	Хисоб- бот	Чет- ла- ниш- лар, (+,-)	Режа кўрсат- кичидаги рентабеллик		Рентабел- лик (кур- саткич- нинг режа киммати даражасида)	Ушбу кур- саткичда хисоблан- ган рента- беллик- нинг режадан фарқи
				Фс	Ти		
R <sub>M</sub>	11,01	11,51	+0,5				
Фс	151700	154586	+2886	151700		11,3	+ 0,29
Ти	1377435	1342787	-34648		1377435	11,22	+ 0,21

*Манба. «Ўзбекистон пахта тозалаш заводи» АЖ материаллари асосида  
муаллиф ишланмаси*

Ушбу усулнинг моҳияти шундаки, натижা курсаткичига (рентабелликка) омиллар таъсирини аниқлаш учун хисобланадиган омилнинг фарқи қолган омилларнинг жойлашиш тартибига қараб базис ёки хисобот давридаги қиммати олинади.

## **IV БОБ. ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАЛАРИДА БЮДЖЕТЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ АВТОМАТЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА ТАШКИЛИЙ- УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

### **4.1. Пахта тозалаш корхоналарида бюджетлаштириш жараёнларини автоматлаштиришнинг назарий асослари**

Бозор иқтисодиёти ривожланиши билан бюджетлаштиришнинг янги сифат даражасига кўтарилиши, уларда қўлланилаётган усуллар ва кўп вариантли ҳисоб-китобларнинг мураккаблиги ҳамда хилма-хиллиги, режа ҳужжатларини қайта ишлаш жараёнлари тезлашиши ахборот-коммуникация технологияларидан (АКТ) янада самарали фойдаланишни тақозо этмокда.

«Бюджетлаштиришнинг функциялари катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш услубияти нуқтаи назаридан турлича ва анчагина мураккаб ҳисобланади ва шунинг учун ҳам улар замонавий ахборот технологиялари ёрдамидагина амалга оширилиши мумкин» [44].

АКТ – дастурий таъминот, техник воситалар ва телекоммуникация, кадрлар ва уларни ташкил этишини мажмуи ҳисобланади.

АКТнинг ҳар қандай турини жорий этиш пахта тозалаш корхоналарининг молиявий-хўжалик фаолияти билан интеграциялашуви жараёнларини ўзида ифодалайди. Ушбу жараёнлар АКТни сотиб олиш, уларни жорий этиш ва синовдан ўтказиш, бизнес-жараёнларни бошқариш регламентини яратиш ҳамда кадрлар тайёрлаш билан боғлиқдир.

Пахта тозалаш корхоналарида бюджетлаштиришни самарали жорий этиш бухгалтерия ҳисоби тизимостиларини методологик асослари ва назорат қилиш тартиби ишлаб чиқилган ҳамда тегишли талабларга мувофиқ амалга оширилгандагина юз бериши мумкин. Албатта, самарали АКТга эга бўлиш, ахборот тизимишнинг жорий этиш ва ҳисоб-таҳлил бажарилишини назорат қиласидан махсус бўлимни фаолият юритиш аҳамиятини инкор қилиб бўлмайди. Бюджетлаштиришни жорий қилишнинг муҳим босқичларидан бири автоматлаштириш ҳисобланади. Бюджетлаштиришни жорий қилиш жараённида дастурий маҳсулотлардан фойдаланиш бюджетларни тузиш, уларга керакли тузатишлар киритиш ва ички ҳисоботларни шакллантиришга оид ташкилий харажатлар ва вақт

сағини камайтириш, керакли маълумотларни олиш тезкорлигини таъминлаш ҳамда ихтисослашган инструментал воситалардан кенг фойдаланиш орқали таҳлил қилиш имкониятларини кенгайтириш, бўлимларнинг корхонанинг умумий молиявий натижасига қўшган ҳиссасини самарали баҳолаш ва улар фаолиятини оқилона баҳолаш имконларини яратади. Шунингдек, профессорлар Д.Шим, Д.Сигель тўғри таъкидлаганидек, «Компьютер технологиялари асосида тузилган бюджетлаштириш «Нима, агар» сценарийсини амалга ошириш имконини беради. Ундан ташқари, компьютер технологиялари ёрдамида менежерлар турли холатларни моделлаштирган холда муқобил варианtlардан энг маъқулини танлай олади» [109; 84-б.].

Шунинг учун ҳам, бошқарув ҳисоби тизимини тўлаконли жорий қилганда албатта бюджетлаштириш жараёнларига АҚТни кенг жорий этиш ва компьютер дастури шаклида амалга ошириладиган компания моделини ўзида ифодалайдиган ахборот тизимларини танлаш керак бўлади.

Аслида «Ахборот таъминотини тарихан ривожланиши ҳисоб хужжатларини унификациялаш ва уларни қайта ишлашни оптималлаштириш тартибида амалга ошган. Ўтган асрнинг 80-йилларида ёк бошқарувни автоматлаштирилган тизимини яратиш бошланди» [47; 269-б.].

Бюджетлаштириш иқтисодиётимиз учун янгилик бўлганлиги сабабли уни автоматлаштириш ҳам кўплаб тадқиқотлар ўтказишни талаб қиласди.

Иқтисодий адабиётларнинг таҳлили бюджетлаштириш жараёнини автоматлаштиришнинг самарали амалга оширилиши кўп жиҳатдан менежерлар ва мулк эгаларига аниқ ва тезкор молиявий маълумотлар тақдим этилишига боғлиқ эканлигини кўрсатмоқда.

Бюджетлаштириш жараёнларини автоматлаштириш учун, авваламбор, корхонада тегишли шарт-шароитлар, яъни бюджетларни тузиш ва тасдиқлаш тартиби ишлаб чиқилган бўлиши ҳамда бюджет бажарилиши ҳақидаги ҳақиқий маълумотларни олиш учун бошқарув ҳисоби юритилиши лозим.

Бюджетлаштиришга оид АҚТнинг дастурий маҳсулотлари:

- корхонанинг хусусиятига мослаштирилиши, мақсад ва стратегияларни ўзгаришига мос ҳолда ўзgartирилиши;

- корхонанинг молиявий таркибий тузилиши ва уни ўзгаришига мослаштирилиши;

- бюджетларга доимий равишда тузатишлар киритиб бориш имкониятини берувчи регламентларга эга бўлиши;
- оддий интерфейсга эга бўлиши лозим.

Ундан ташқари, корхоналар томонидан бюджетлаштириш жа-раёнларини автоматлаштиришдан кўзланган мақсад ва унга эри-шиш йўллари аниқ белгиланиб олиниши керак (54-илова).

Иловага кура, корхоналарда бюджетлаштириш жараёнларини автоматлаштиришдан кўзланган асосий мақсад харажатларни камайтириш, шаффофликни таъминлаш ва бошқарув қарорлари сама-радорлигини оширишдан иборатдир. Автоматлаштириш тизимини яратишда уларга асосий эътибор қаратиш керак.

Бюджетлаштириш жараёнларини автоматлаштириш давомида ҳал қилинадиган мақсад ва вазифаларга келадиган бўлсак, улар 55-иловада келтирилган.

Бюджетлаштириш жараёнларини автоматлаштиришда сарф-ланадиган маблағларнинг қопланиши, бюджетлар таркиби ва шакл-ларини олдиндан ишлаб чиқилиши, бюджетлаштириш жа-

раёнлари оптималлаштирилиши ва улар бюджетлаштириш регламентида белгилаб кўйилишига таяниб иш юритиш лозим.

Корхоналарда бюджетлаштиришни такомиллаштириш учун:

1) бюджетлар тузиш, назорат ва тахлил қилиш услубияти блокини ишлаб чиқиш;

2) ўз ичига ташкилий тузилма ва бюджетлаштиришни бошқа-рув тизимини олувчи ташкилий блокни яратиш;


3) бюджетлаштириш жараёнларини жорий этиш учун тегишли дастурий маҳсулотлар ва техник воситалар билан таъминловчи АҚТ блоки бўлиши зарур.

Юқорида таъкидланган талаблар бюджетлаштириш жараён-ларини автоматлаштириш учун дастурий таъминотларни танлаш ва жорий этишда албатта эътиборга олиниши лозим (4.1-чизма).

Демак, корхонада тўлақонли бюджетлаштириш тизимини жо-рий этмасдан бюджетлаштиришни автоматлаштиришдан кўзланган иқтисодий самарага эришиб бўлмайди.

Пахта тозалаш корхоналарида бюджетлаштириш жараёнлари-ни автоматлаштириш «куйидаги афзалликларга олиб келади: би-ринчидан, ягона маълумотлар базасига асосланган ягона ахборот манбаи яратилади; иккинчидан, йиғма ҳисоботларни горизонтал ва вертикаль омилли таҳлилини ўтказишида кодификацияни қўллаш имконияти пайдо бўлади; учинчидан, бошқарувнинг турли

бүгингларида ягона ахборотлар тури ва маълумотлар базасини кўллашга асосланган тезкор назоратнинг ягона тизими яратилади; тўртингидан, дастурий-техник таъминот турли маълумотларни стратегик ва тезкор бошқарувда таҳлилий қайта ишлаш жараёнларини тезлаштириш имконини беради» [82; 251-б.].



#### 4.1-чизма. Бюджетлаштириш жараёнларини автоматлаштириш тартиби

*Манба. В.Н.Ясенева. Информационные системы и технологии в экономике. UNITY. Москва.2008.*

Пахта тозалаш корхоналарида маҳсус функционал дастурлар тўплами бюджетларни тузиш, таҳлил ва назорат қилиш жараёнларини тўла автоматлаштиришга имкон беради.

Тадқиқотлар амалиётда ҳозиргача бюджетлаштириш бўйича бошқача ёндашувлар ҳам борлигига эътибор қаратилмаётганлигини кўрсатди (4.2-чизма).

## Режа-факт таҳлили

Ҳакиқий маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш

## Сценарий таҳлил

Бюджетларни тузиш

Бошлангич маълумотлар

Бухгалтерия ҳисоботини тузиш

### Белгиланган ҳисбот шаклларини тайёрлаш

**4.2-чизма. Бюджетлаштириш жараёнларига автоматлаштиришни жорий этиш бўйича тавсия қилинаётган ёндашув.**

*Манба. Хруцкий В.Е., Гамаюнов В.В. Внутриfirmменное бюджетирование: Настольная книга по постановке финансового планирования. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Финансы и статистика, 2007. С.374.*

«Бюджетлаштириш жараёнлари автоматлаштирилганда аслида учта эмас, балки тўртта вазифа ҳал қилинади. Сценарий таҳлил (молиявий режа ва прогнозлар тузиш) ва режа-факт таҳлили (назорат ва тузатишлар киритиш эҳтиёжлари учун бюджет бажарилишининг бориши тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш), бюджетлаштиришни самарали туридан фойдаланиш орқали бўлимларни корхонанинг умумий натижасига қўшган ҳиссасини оқилона баҳолаш, белгиланган ҳисбот шаклларини тўлдиришдан ташқари, биринчи галда бошлангич маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш муаммосини бухгалтерия ҳисоби эҳтиёжларидан ажратилган ҳолда ҳал қилиши керак» [106; 374-б.].

Тадқиқотларга кўра бюджетлаштириш жараёнларини автоматлаштириш қуидаги жараёнларни қамраб олади:

- автоматлаштиришнинг ахборот тизимини танлаш;
- автоматлаштиришни жорий этиш;
- автоматлаштиришни жорий этиш натижаларини баҳолаш.

Автоматлаштириш жараёнларини жорий этиш босқичида мажбуриятларни буюртмачидан ижрочи зиммасига ўтказиш ёки акси бўйича, жорий этиш даврида режалаштирилганидан кўпроқ

ишлиарни амалга ошириш, жорий этиш вақтини нотұғри белгилаш билан боғлик муаммолар үртага чиқиши мүмкін.

Фикримизча, автоматлаштиришнинг натижалари баҳоланғанда:


- автоматлаштиришни жорий этишни режалаштирилган муддатта тұлғық риоя этилган;
- автоматлаштиришдан аввал тузилған бюджетларда хатоликлар аникланған;
- тегишли ҳужжатлар комплекти тайёрланған бұлсагина мазкур жараённи мұваффақиятли жорий этилған, деб хисоблаш мүмкін.

Шундай қилиб, бюджетлаштиришни автоматлаштиришда мазкур тизимнинг масштаби ва мослашувчанлиги, жорий этишни күп мәхнатталаб қилиши ва қыймати кабилар инобатта олиниши лозим. Автоматлаштириш жараёнлари үз ичига дастурий маҳсулотлардан ташқари, уни жорий этиш ва натижаларини баҳолашни ҳам қамраб олади.

Бюджетлаштириш жараёнларини мұваффақиятли автоматлаштириш бюджетлаштириш тизимини корхона ҳұжалик фаолияти натижаларини бошқариш бүйіча қарорлар қабул қилишга оид афзаллигидан фойдаланиш ва таҳлил ҳамда назорат қилиш учун маълумотлар базасини яратып имконини беради.

Иктиисодий адабиёттар ва амалиётни үрганиш бюджетлаштириш жараёнларини автоматлаштиришга оид иккى хил ёндашув борлигини күрсатди. Биринчи ёндашувға күра корхоналарда бюджетлаштиришда биринчи галда автоматлаштириш жорий этилади. Бунда дастлаб керакли дастурий маҳсулот танлаб олиниб, корхона шароитига мослаштирилади. Иккінчи ёндашувда эса даставвал бюджетлаштиришнинг услугияти ва регламенти ишлаб чиқылиб, маълум бир вакт давомида корхонада синааб күрилади. Бунда бюджетлаштириш электрон жадвалларни тұлдериш орқали амалга оширилади ва синов тугагач, автоматлаштиришни жорий этишга үтилади (4.3-чизма).

Келтирилған варианtlар үрганилғанда бир қараганда 2-вариант күп босқичли ва мураккабға үхшаб туюлади. Шу билан биргә мазкур варианtnинг ҳар бир босқичида автоматлаштиришни мустаскил ёки четдан маслахатчиларни жалб қылған ҳолда амалга ошириш имконияти мавжуд. Биринчи вариант содда ва осонға үхшаганлиги сабабли күлгина корхоналар ушбу варианtnи танламоқда.



#### 4.3-чизма. Бюджетлаштириш жараёнларини автоматлаштириш стратегиясини амалга оширишнинг варианлари

Манба. Карпов А.Е. Новая стратегия автоматизация бюджетирования. Журнал. Финансовый менеджмент. 2/2009.

Хар иккала ёндашувнинг афзаллиги ва камчиликларини таҳлил қилиш «боши берк күчага» кириб қолинаётганлигини кўрсатмоқда. Бир томондан, автоматлаштиришни жорий этишга киришишдан олдин тегишли техник топшириққа эга бўлиш лозим. Уни тайёрлаш учун эса бюджетлаштириш услубияти ва регламентини синовдан ўтказиш керак. Бунинг учун катта ҳажмдаги маълумотларни бир неча марта тўплаш зарур. Катта ҳажмдаги маълумотларни автоматлаштирилмаган ҳолда тўплаш мураккаб ҳисобланиб, кўп вақт талаб қиласи. Иккинчи томондан, автоматлаштиришга киришишдан олдин қандай маълумотлар кераклигини билиш лозим. Ушбу муаммони итерация усули орқали ҳал қилиш мумкин.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, юкорида таъкидланган бюджетлаш-тиришни автоматлаштиришга оид ҳар иккала ёндашувлар ҳам маълум бир афзалликлар ва камчиликларга эга. Уларнинг афзаллиги ва камчиликлари 4.1-жадвалда келтирилган.

Шу кунгача пахта тозалаш корхоналарида ахборот оқимларини қайта ишлаш жараёнларини автоматлаштиришда бюджетлаштиришга оид дастурий маҳсулотларни қўллаш масаласи эътибордан четда қолмоқда.

Тадқиқотларга кўра ушбу масалани ҳал қилиш учун бюджетлаштириш жараёнларини автоматлаштиришни учта вариантини қўллаш мумкин: электрон жадваллардан (ЭД) фойдаланиш, ихтисослашган дастурий маҳсулотларни қўллаш ва ERP (Enterprise Resource Planning) тизимини функционал базаси асосида бюджет ечимларини топиш.

Биринчи вариант нисбатан содда, бироқ кўп меҳнат талаб қиласи. Бир томондан ходимларни ўқитиш ва малакасини ошириш харажатлари кам бўлади, иккинчи томондан эса корхонада бюджетлаштиришни амалга ошириш анчагина қийин кечади. Шу сабабли Excel ЭДни қўллаб бюджетлар тузиш анча мураккаб жараён саналади.

Бюджетни Excel ЭД орқали киритиш мумкин бўлса ва бюджет шаклларини тузиш ҳамда тузатишлар киритиш жараёнларини соддлаштириш учун ахборот тизимини тегишли тартибда созлаган тақдирда ҳам барibir бюджет бажарилишини қандай назорат қилиш керак деган савол туғилади. Масалан, бюджет бажарилиши ҳақидаги ҳисботларнинг тегишли графасига тўловларни тўлаш учун ҳар бир буюртмага раҳбариятдан рухсат олингандан сўнг тегишли суммани қўлда киритиш мумкин.

**Бюджетлаштириш жараёнини автоматлаштиришга оид  
ёндашувларнинг тақкослама таҳлили**

4.1-жадвал

	<b>Дастурий маҳсулотдан – бюджетлаштиришнинг услубияти ва регламентига</b>	<b>Бюджетлаштиришининг услубияти ва регламентидан - дастурий маҳсулотларга</b>
<b>Афзалликлари</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- автоматлаштиришни якуний натижага йўналтирилганлиги;</li> <li>- дастурга асос сифатида олинган бюджетлаштириш модели корхона фаолиятига мос келганда бюджетлаштиришнинг жорий этишни маълумотларни тұгашда вактнинг тежалиши хисобига анча тез амалга оширилиши</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- техник топшириқ мавжуд бўлғанлиги сабабли корхона томонидан қайси соҳани автоматлаштириш кераклигини билиши;</li> <li>- бюджетлаштиришни жорий этиш ва автоматлаштириш лойиҳасининг кам вакт талаб қилиши ва арzonлиги.</li> </ul>
<b>Камчиликлари</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- дастурий маҳсулотда асос килиб олинган бюджетлаштириш моделини корхонага мос келмаслиги;</li> <li>- дастурий маҳсулотдан кўзланган натижага эршилмаслиги ва оқибатда харажатлар кўпайиб кетиши хамда жорий этиш муддатларини чўзилиб кетиши</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- бюджетлаштиришни жорий этиш жараёнида ходимлар томонидан маълумотларни электрон жадвалларга кўлда киритилиши сабабли меҳнат ҳажмининг кўпайиб кетиши;</li> <li>- техник топшириқ ишлаб чикилгандан сўнг танланган дастурий маҳсулотларнинг корхонанинг хусусиятларига мос келмай қолиши</li> </ul>

*Манба. Карпов А.Е. Новая стратегия автоматизация бюджетирования. Журнал. Финансовый менеджмент. 2/2009.*

Биринчи вариант корхонада барча харажатлар марказлаштирилган ҳолда тасдиқланган ва келишилганда, яъни молия бўлимида барча тўловлар бўйича буортмалар масъул шахс орқали ўтиб, у барча харажатларни маълум бир тартибда тасдиқлаган ва қайд этганда амал қилиши мумкин.

Ихтисослаштирилган дастурий маҳсулотлар тизимли тартибда бюджетлар билан ишлаш имкониятини яратганда иккинчи варианктан фойдаланиш мумкин. Бу амалиётта қўлланилаётган бухгалтерия дастурлари базасидаги ечимлар ёки Oracle Financial Analyzer, Prophix, Comshare MPC, Adatum, Frango Controller, Hyperion Planning ва бошқа маҳсус дастурлар бўлиши мумкин. «Ихтисослаштирилган дастурий маҳсулотларни кўп ва мураккаб номенклатурадаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарда қўллаш айниқса яхши самара беради» [94; 40-б.].

Бу соҳада Ўзбекистон Республикасида БИС, ИнфоБух, Uzto, Pyramid, БЭМ, 1С каби дастурий маҳсулотлар кенг тарқалган. Улар хақида кенгроқ маълумотлар 4.2-жадвалда келтирилган.

Бухгалтерия дастурлари базасида бюджет ечимлари ишлатилганда одатда тезкор назорат қилиш ва бюджет бажарилиши хақида ҳақиқий маълумотларни олиш унчалик қийин бўлмайди. Масаланинг салбий жиҳати шундаки, мазкур дастурлар бюджетлаштиришнинг шаклларига қаттиқ боғланган. Ундан ташқари, мазкур дастурий маҳсулотларни бирон-бир корхонанинг хусусиятига мослаштириш, молиявий ва ҳаражатлар таркибини ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш анча қийин бўлади.

Ушбу варианктан фойдаланилганда бошқа бир муаммо ҳам келиб чиқади. Мазкур дастурий маҳсулотлар бюджетлаштириш учун зарур бўладиган таҳлилий классификаторларни юритиш, корхонанинг молиявий таркиби ва ўзаро ҳамкорлиги тамойилларини тавсифлаш, бюджет бажарилишининг омилли таҳлили каби функцияларга эгадир. Одатда, улар алоҳида бир бизнес-жараёнлар учун бюджетлар тузиш ва сўнгра уларни корхонанинг ҳар қандай бўгинида йиғма бюджетларга умумлаштириш имкониятини беради. Бироқ, бюджетларни тузишдан ташқари уларнинг бажарилиши устидан назорат ҳам қилиш керак.

**Ўзбекистон Республикасининг йирик тијкорат корхоналарида  
қўлланиладиган ихтиослашган дастурий маҳсулотлар (умумий  
фойдаланишдаги дастурий маҳсулотлардан ташкари)<sup>30</sup>, донада**

**4.2-жадвал**

	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил
<b>Ихтиослаштирилган дастурий маҳсулотлар: илемий тадқикотлар учун</b>	165	178	167	197	202	189	159
лойиҳалаштириш ишлари учун	140	151	159	165	178	177	168
автоматлаштирилган ишлаб чиқариш, алоҳида бир техник воситалар ва технологик жараёнларни бошқариш учун	231	263	307	274	235	267	249
ташкилий, бошқарув ва иктисодий вазифаларини ечиш учун	496	596	518	599	550	532	513
товар (иш, хизмат)ни харид килиш ва сотишларни бошқариш учун	244	302	320	313	284	313	204
электрон кўринишида мол- лиявий хисоб-китобларни амалга ошириш учун	806	904	973	1219	1253	1350	1406
корхонани маълумотлар базасидан глобал аҳборот тармоғи, жумладан интернет орқали фойдаланиш шароитини яратиш учун	208	260	289	357	303	320	304
электрон шаклда маъ- лумотлар берувчи ва ху- кукий ёрдам курсатувчи тизимлар	605	679	681	808	724	769	699
CRM тизимлари	34	28	40	59	38	57	53
ERP тизимлари	33	27	29	43	40	62	62
SCM тизимлари	15	10	24	26	17	24	20
таҳририй-ноширлик тизимлари	39	43	59	68	195	125	98
антивирус тизимлари	1383	1254	1337	1552	2151	2004	1723
ўқитишига мўлжалланган дастурлар	95	104	123	129	119	129	126
бошқалар	212	238	236	274	272	291	292

<sup>30</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг расмий маълумотлари

Ушбу масалани ҳал қилишнинг бир нечта варианtlари мавжуд, масалан, ҳақиқий маълумотларни қўлга меҳнати орқали киритиш ёки корхонадаги молия-иктисод фаолиятини ҳисобга олиш учун қўлланиладиган бошқа ҳисоб ахборот тизимлари билан интеграциялаштириш мумкин. Интеграция масаласи қўрилаётганда маълумотлар йўналиши ва ҳаракатининг хусусиятини аниқлаб олиш зарур. Бунда ҳисботдаги ҳақиқий маълумотларни бюджет дастурига ўтказиш ёки бюджетлаштириш маълумотларини бухгалтерия ҳисоби тизимиға ўтказиш имконияти туфилади.

Иккинчи вариантни қўллашнинг муаммоли жиҳати деталлаштириш ва иқтисодий мазмуни бўйича дастурда турли тоифадаги таҳлиллардан фойдаланилишидир. Масалан, бухгалтерия ҳисобига оид компьютер дастурларининг таҳлил қилиш имконияти чекланган. Бунинг оқибатида бюджетлаштириш натижасида асосий бюджет тузилади ва унда бошқа барча бюджетлар умумлаштирилади ҳамда асосий ҳужжат операцион, инвестиция, маҳсус ва йиғма бюджетлар ишлаб чикилади. Агар бюджет бажарилиши устидан назорат килиш учун ушбу асосий шакллар даражасида режа ва ҳақиқий кўрсаткичларни таққослаш етарли бўладиган бўлса, у ҳолда асосий бюджетларни режа кўрсаткичларини ҳисоб дастурига ўтказиш ва унинг бажарилишини тезкор равишда назорат қилиш анчагина осон кечади. Агар барча ёрдамчи, операцион ва бошқа бюджетлар бажарилишини назорат қилиш керак бўлса, у ҳолда ушбу вазифани ҳал қилиш учун барча ҳақиқий маълумотларни бюджет дастурига ўтказиш керак бўлади. Бундай шароитда маълумотлар экспорт/импорти интервалини аниқлаш ва маълумотлар базасини мослаштириш, ўтган даврларга тузатишлар киритиш учун ёпиш, олинаётган таққослашнинг тезкорлиги ва бошқа масалалар ўртага чиқади.

Бюджетлаштириш жараёнларини автоматлаштириш бўйича учинчи ёндашув – ERP - ахборот тизимидан фойдаланишdir. Маблағ сарфига кўра мазкур вариант ихтисослаштирилган бюджет ахборот тизимларини сотиб олиш билан тенгdir. Барча ўзига хос талаблар ва корхоналарнинг молиявий тузилиши хусусиятини қондириши нуқтаи назаридан бу вариант анча мослашувчан ҳисобланади.

Агар корхона раҳбарияти мазкур йўлни танлASA, у ҳолда даставвал бюджетлаштириш жараёнларини автоматлаштиришдан кутилаётган натижани аниқлаб олиши зарур. Албатта, барча

бюджет амаллари анча вақтдан бери бажарилаётган ва етук ходимлар уларни корхона молия-хұжалик фаолиятининг барча соҳаларини бюджетлаштириш жараёнларини тұлға автоматлаштириш доирасыда амалга ошириш тартибини аник тасаввур қила олса, у ҳолда мазкур варианты самарали хисобланади. «ERP-ахборот тизимидан фойдаланиш ишлаб чиқаришдаги ҳақиқий харажатлар устидан тезкор назорат қилиш имкониятини яратади. Бунинг натижасыда нафакат харажатлар хисобини қиймат шаклида юритиш, балки бюджетларни шакллантириш ва охир-оқибатда корхонани барча бўлимлардан олинган ва қайта ишланган ҳақиқий маълумотлар ёрдамида бошқаришга эришилади» [34].

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳар қандай ERP-ахборот тизими бюджетлаштириш мақсадлари учун мўлжалланган маълум бир функциялар тўпламига эга бўлади. Бироқ, мураккаб бюджет хисоб-китобларини амалга ошириш учун етарли бўлмайди. Даставвал бюджетлаштириш жараёнларини корхонада ишлатиладиган бошқарув технологияси сифатида ишлаб чиқиш ва жорий этиш керак, яъни уни амалга ошириш учун тегишли тадбирларни амалга ошириш зарур. Корхонанинг молиявий тузилишини аниқлаш, регламент ва ташкилий тартиб-қоидаларни батафсил ёзиб қўйиш, хисобот ва таҳлил хужжатларининг тури ва шаклларини белгилаш, бюджетлаштириш жараёнларига жалб қилинган ходимларга функция ва вазифаларини тақсимлаш керак. Шундан сўнг ERP-ахборот тизими базасыда бюджет регламентини амалга оширишга киришиш мумкин.

Бюджетлаштириш жараёнлари учун керакли дастурий маҳсулотларни танлаш масаласи мухим хисобланади, чунки ERP-ахборот тизими билан интеграллаштирилган ечимлар (масалан, Oracle Financial Analyzer Oracle, e-Business Suite билан, ёки «Инталев» 1С дастури билан ва ҳоказо) ва алоҳида BPM (Business Process Management) – 1клас (Infor, Cognos ва бошқалар) каби дастурий маҳсулотлари ҳам бор.

Пахта тозалаш корхоналари «уларни танлашда:

- олдига қўйган вазифалардан;
- корхонани ишлаб чиқариш кувватидан;
- ахборот технологияларига ажратилган маблағлардан;
- маълумотларни қайта ишлаш муддатларидан келиб чиқиб танлаши керак» [50].


Бюджетлаштириш жараёнларини автоматлаштиришда режа ва ҳисоб моделини ишлаб чиқиш билан мазкур моделларни автоматлаштиришнинг параллел равишда амалга ошириш мумкин (4.4-чизма). Албатта бунда мазкур моделлар ўртасида услубий ва дастурний маҳсулот нұқтаи назаридан үзаро алоқадорлик бұлишига еришиш лозим.

4.4-чизмадан күриниб турибдикі, бюджетлаштиришнинг автоматлаштириш тизимини лойиҳалаштириш жараёніда иш охиридан бошланиши керак. Бошқача қилиб айтадиган бұлсак, даставвал зарурий бюджет ва ҳисобларнинг шакллари ишлаб чиқилиши лозим. Үндан сұнг режалаштириш ва ҳисоб моделини шакллантириш зарур.

Кейинги боскичда бюджетлаштириш жараёнлари иштирокчиларини бажарадиган техник ишларини осонлаштириш мақсадида режа ва ҳисоб моделларини автоматлаштириш керак. Бюджет модели лойиҳалаштирилиб бүлингандан сұнг бевосита автоматлаштириш жараёнига киришиш мумкин. Бунинг учун тайёр дастурний маҳсулотни харид қилиб жорий этиш ёки янгисини корхонада яратиш мумкин. Ҳар қандай ҳолатда режалаштириш ва ҳисоб моделини созлаш күтай бўлиши учун дастурний маҳсулот маҳсус конструктор модулига эга бўлиши назарда тутилади. Конструктор ҳам тегишли модель асосида тузилади ва у ёрдамида дастурний маҳсулот тегишли режалаштириш ва ҳисоб моделига созланади.

Режалаштириш ва ҳисоб конструкторини яратишнинг ўзи дастурлашни англатади. Ушбу фаолиятни компьютер дастурчилари бажаради.

Автоматлаштиришни жорий этишда албатта пухта режалаштириш тизимиға эга бўлиш мухим аҳамият касб этади, чунки, режалаштириш услубиятини ўзгартириш ҳисоб услубиятини ўзгартиришга нисбатан анча мураккаб ҳисобланади. Ушбу ҳолат бюджетлаштиришни автоматлаштиришнинг комбинациялаштирилган стратегиясини яратишга асос бўлади. Бюджетлаштиришни автоматлаштиришнинг ушбу вариантини жорий этиш эса юқорида таъкидланган автоматлаштиришга оид анъанавий ёндашувларнинг камчиликларини камайтириш имкониятини яратади.



#### 4.4-чизма. Бюджетлаштиришни лойихалаштириш ва автоматлаштириш

Манба. Карпов А.Е. Новая стратегия автоматизация бюджетирования. Журнал. Финансовый менеджмент. 2/2009.

Хозирги кунда кўпгина иқтисодий адабиётларда дастурий маҳсулотларни таснифлаш, уларнинг таққослама таҳлили, мавжуд маҳсулотларнинг афзаллиги ва камчиликлари батафсил баён этилган.

Ихтисосликка оид адабиётларни ўрганиш асосида тадқиқотда бошқарув ҳисоби ва бюджетлаштиришнинг автоматлаштирилган ахборот тизимларини турли синфлари таснифи кўриб чиқилди (56-57-иловалар).

Бошқарув ҳисобини автоматлаштириш учун ахборот тизимларини синфлари таққослаш класификация гурухларини ажратиш билан таснифланган. Шу мақсадда кўриб чиқилаётган тизимлар тўртта бир хил гурухларга ажратилган (58-илова).

Бошқарув корпоратив тизимлари (Oracle Applications, SAP/R3, «1С: Предприятие» ва бошқалар) ҳозирги кунда амалиётда кенг тарқалмоқда. Бундай тизимлар транзакцион турдаги тизимлар бўлиб, хўжалик жараёнларини қайд этади ва бошқарув ҳисоби счёtlар режаси асосида изоҳлайди. Бундай шароитда транзакция механизмларини корхоналар фаолиятини узок муддатга режалаштиришда қўллаб бўлмайди. Мазкур синфдаги тизимлар бошқарув ҳисобини жорий этиш ва қисқа муддатли режалаштириш учун қўлланилиши мумкин.

Тадқиқотда ҳар бир таснифлаш гурухига тегишли бўлган ахборот тизимларининг камчилиги ва афзалликлари ўрганилди (59-илова).

Корхона қандай дастурий маҳсулотни танлашидан қатъи назар охир-оқибатда самарали бошқарув тизимиға эга бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бунинг асосий сабабларидан бири - корхонада қўлланилаётган бюджетлаштириш услубияти етарли даражада пухта ишлаб чиқилмаганлигидadir. Бундай ҳолатларда кўпгина корхоналарда бюджетлаштириш услубияти унинг тизимиға қўйилаётган талабларга, яъни корхонанинг стратегик мақсадларига эришишига йўналтирилган стратегик режалаштириш билан яқин ҳамкорлик қилиш, ягона ахборот тизимида узок, ўрта ва йиллик режалаштиришни таъминлашга тўғри келмайди.

Бюджетлаштириш тизимини автоматлаштириш самарадорлигининг муҳим кўrsatkiчларини (Key Performance Indicators (KPI)) белгилаш, бўлимлар менежерлари ўртасида жавобгарлик марказлари ва молиявий бошқарув функциясини чеклаган ҳолда ваколатларни тақсимлаш, самарадорликнинг муҳим кўrsatkiчлари

натижаларини таҳлил қилиш асосида раҳбарларни рағбатлантириш тизимини яратиш, истикболда қарорлар қабул қилиш учун прогнозларга эга бўлиш, қабул қилинаётган бошқарув қарорларини сценарий таҳлилини ўтказиш, салбий ҳолатлар, рискларни олдиндан кўра билиш ва уларни камайтириш бўйича тегишли тадбирларни ўз вақтида ишлаб чиқиш имконини беради. Ахборот тизими қисқа вақт ичida таъсиранлик таҳлилини ўтказиши, яъни бюджет кўрсаткичларига мухим таъсир кўрсатиши мумкин бўлган омилларни кузатиб бориши лозим.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, бюджетлаштиришнинг самарадорлиги факатгина танланган ахборот тизимига эмас, балки қўлланилаётган бюджетлаштириш методологиясига ҳам боғлиқдир. Баъзи бир корхоналар анъанавий бюджетлаштиришнинг бюджетларни шакллантиришга оид усулларининг камчиликларини бартараф этиш мақсадида бюджетлаштириш услубиятига тегишли ўзгартиришлар кирита бошлади.

Биринчи навбатда, корхона бизнесининг барча турларини аниқлаб олиш ва улар ўртасида маблағларни тақсимлаш тартибини белгилаш зарур. Кўпинча бюджетларни шакллантиришга масъул бўлган менежерлар ўз корхонасининг барча фаолият турлари ҳакида тўлиқ маълумотларга эга бўлмайди. Шу сабабли корхонанинг турли бўлимлари ходимларидан иборат бўлган автоматлаштиришни жорий этиш бўйича гурух тузиш керак. У куйидаги афзаликкларга эга бўлиши лозим:

- бюджетлаштириш жараёнларининг ахборот таъминотидаги камчиликларни бартараф этиш;
- бюджет позициялари бўйича бюджет моделини қайта кўриб чиқиш;
- бюджет моддалари сонини қисқартириш;
- молиявий ҳисоб маркази ва масъулият марказини йириклиштириш;
- кўшимча аналитик маълумотлардан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлигини таҳлил қилиш;
- корхона фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг мавжуд тизими, шу жумладан, уни корхонанинг стратегик мақсадларига мос келишини таҳлил қилиш;
- бизнес юритишнинг асосий мақсадларини аниқлаш ва унинг асосида самарадорликни баҳолаш мезонларини баланслаштирилган тизимини ишлаб чиқиш;

- корхонанинг молиявий тузилишини қайта кўриб чиқсан ҳолда ваколатларни тақсимлаш имкониятини яратиш;

- тақвим ёки молия йилига прогнозларни шакллантиришдан воз кечиш. Бунга сабаб ушбу ёндашув бозордаги ўзгаришларга нисбатан бошқарувчилар томонидан бир хил жавоб харакатларини амалга ошириш ва режалаштириш соҳасида камида 3 йил муддатга мўлжалланган «ўзгарувчан» режалаштиришга ўтиш имконини бермайди.

Корхонада бюджетлаштириш жараёнларини автоматлаштиришнинг қандай варианти танланишидан қатъи назар, ҳар қандай ҳолатда ҳам мазкур вазифани самарали ҳал қилиш учун белгиланган мақсад ва кутилаётган натижалар аниқ белгилаб олиниши лозим. Ҳар бир вариантни «баҳо-сифат» мезони бўйича баҳолаш жуда мураккаб масаладир, чунки турли компаниялар учун «сифат» корхонадаги режалаштиришнинг мураккаблигига боғлик бўлади. Қанчалик талаб юкори бўлса, уни амалга ошириш шунчалик қийин кечади ва қимматга тушади.

Дастурий маҳсулотлар бозорини ўрганиш шуни кўрсатмокдаки, ҳозиргача бошқарув ҳисоби учун ихтисослаштирилган маҳсус дастурлар ишлаб чиқилмаган. Бошқарув ҳисобини автоматлаштиришга мўлжалланган дастурларга корпоратив ахборот тизимлари, бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш дастурларида бошқарув ҳисоби ва бюджетлаштириш модули, бюджетлаштиришни автоматлаштириш тизимлари ҳамда лойиҳаларни бошқариш, инвестицион лойиҳаларнинг ҳисоб-китоби учун ихтисослаштирилган дастурий маҳсулотларни киритиш мумкин. Бошқарув ҳисоби ва бюджетлаштиришни жорий этишда бир қанча муаммолар юзага келиши мумкин. Уларни дастурий маҳсулотлардан энг самаралисини танлаб жорий этиш орқали бартараф қилиш мумкин. Ушбу муаммоларни шартли равишда услубий ва ташкилий муаммоларга бўлиш мумкин.

Фикримизча, услубий муаммоларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

- бошқарув ҳисобини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, бошқарув ҳисобини корхонанинг ягона ахборот тизими сифатидаги моҳиятини англаш бўйича тизимли ёндашувнинг мавжуд эмаслиги;

- корхонада барча ходимларга тушунарли бўлган бошқарув ҳисоби ва бюджетлаштиришга оид ягона терминологиянинг мавжуд эмаслиги;

- ходимлар ҳисобнинг аналитик функцияси ва амалларини ғақатгина ташки истеъмолчиларнинг талабларига йўналтиришни мухим эканлигини тушуниб етмаслиги;

- харажатларни бошқаришнинг услубий масалаларини етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги;

- бошқарув ҳисоби ва бюджетлаштириш жараёнларини ўзаро алоқаси ва ҳисоб ҳамда бюджет аналитикасини тузишда турли ёндашувларни кўллашга эътибор бермаслик;

- бюджетлаштириш тартиби ва регламентига риоя қилинмаслик;

- ички ҳисобот тузилиши ва шаклларини ҳисоб ҳамда бюджетлаштириш шаклларига мос келмаслиги;

- корхона бюджети билан стратегик режаси ўртасида ўзаро алоқанинг йўқлиги.

Амалиётни ўрганиш бошқарув ҳисоби ва бюджетлаштиришни жорий этишда учраши мумкин бўлган ташкилий муаммоларга куйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатмоқда:

- корхона ташкилий тузилишининг аниқ иерархияси бўлмаслиги;

- юқори поғона менежерлари мақсадларини белгилаш ва асосий методологик жиҳатларни ишлаб чиқишида қатнашмаслиги;

- бюджетлаштиришни жорий этишда қатнашувчи ходимлар малакаси етарли эмаслиги ва мотивация йўқлиги;

- «ҳамма нарсани бирданига ва ҳозир жорий этиш» тамойилини кўллаш асосида бюджетлаштиришнинг жорий этилганлиги.

Пахта тозалаш корхоналари амалиётини ўрганиш автоматлаштиришни жорий этишда объектив ва субъектив тавсифдаги муаммолар ҳам мавжудлигини кўрсатмоқда. Объектив муаммо шундан иборатки, ҳар қандай дастурий маҳсулотда унинг функционал имкониятига киритилган ички мантиқи бўлади ва жиддий аналитик ёндашувга асосланиб фаолият юритади. Бу эса дастурий маҳсулотни ишлатиш учун юқори малакали ходимлар ишлашини талаб қиласди. Субъектив муаммоларга корхоналарда автоматлаштиришни жорий этишга ходимлар малакаси ҳар доим ҳам етарли бўлавермаслиги, ундан ташқари дастурий маҳсулотларни амал килиш хусусиятлари ва уларни корхонадаги хўжалик жараёнларига мос келиши ҳақидаги маълумотлар етарли бўлмаслиги киради.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ҳеч бир дастурий маҳсулотлар универсал ҳисобланмайди ва унда мулкчилик шакли, фаолият турин, корхонада қабул қилинган ҳисоб сиёсати, бизнес тузилмаси ва бошқа омиллар ҳисобга олинмайди. Шунинг учун ҳам уларни ўзгартириш имконияти бўлиши ва корхонанинг ўзига хос хусусиятларига мослаштирилиши керак. Бунда автоматлаштиришга кетадиган харажатлар билан бошқарув ҳисоби, бюджетлаштиришни жорий этишдан олинадиган самаранинг мос келиши борасида жиддий муаммолар юзага келади. Юқорида санаб ўтилган муаммолар бошқарув ҳисоби ва бюджетлаштиришни жорий қилишни режалаштирган ҳар қандай корхоналарда учрайди. Шу билан бирга ушбу жараёнларни автоматлаштиришда керакли маълумотларни тезкор равишда олиш, аналитик имкониятларни такомиллаштириш, корхонада ягона ахборот маконини яратиш, четланишлар ҳақида хабар беришнинг фаол тизимига эга бўлиш, мутахассисларни маълумотларни излаш ва қайта ишлаш бўйича меҳнат харажатларининг камайиши каби кўпгина афзалликлари мавжуд.

Бюджетлаштиришни жорий қилишнинг ажралмас ва муҳим босқичларидан бири автоматлаштириш ҳисобланади. Бюджетлаштириш жараёнларини автоматлаштириш бюджетларни тузиш, уларга керакли тузатишлар киритиш ва ички ҳисботларни шакллантиришга кетадиган харажатлар ва вақт сарфини камайтириш, керакли маълумотлар олиш тезкорлигини таъминлаш ҳамда ихтисослашган инструментал воситалардан кенг фойдаланиш орқали таҳлил қилиш имкониятларини кенгайтириш, бўлимларни корхонанинг умумий молиявий натижасига қўшган хиссанини самарали баҳолаш ва улар фаолиятини оқилона баҳолаш имкониятини яратади. Автоматлаштириш керакли маълумотларни тезкор олиш, аналитик имкониятларни ривожлантириш, корхонада ягона ахборот маконини яратиш, четланишлар ҳақида маълумот беришнинг тезкор тизимига эга бўлиш, мутахассисларнинг маълумотларини излаш ва қайта ишлаш бўйича меҳнат харажатларининг камайтириш каби кўпгина афзалликларга ҳам эгадир. Шунинг учун ҳам, бошқарув ҳисобининг тўлақонли тизимини жорий қилганда албатта бюджетлаштириш жараёнларига АКТни кенг жорий этиш ва компьютер дастури шаклида амалга ошириладиган компания моделини ўзида ифодалайдиган ахборот тизимларини танлаш керак бўлади.

## **4.2. Бюджетлаштириш ахборот тизимини лойихалаштириш ва ишлаб чиқиши босқичларини шакллантириш**

Бозор муносабатларининг ривожланиши ва ракобат кучайиб бориши корхоналарни нақафат ҳисоб функциялари, балки тахлил килишининг кенг имкониятлари ва бюджет бошқаруви жараёнини ўтказишга ёрдам берувчи янги воситаларни излашга мажбур қилмоқда.

Шунингдек, ҳар қандай корхонанинг асосий мақсади кўзланган фойдага эришишдир. Ушбу масала бюджетлаштиришни самарали автоматлаштириш ахборот тизими жорий этиш орқали ижобий ҳал қилиниши мумкинлигига ишонч хосил килаётган корхона раҳбарларининг сони кун сайн ортиб бормоқда. «Автоматлаштирилган ахборот тизими (ААТ) – бошқарувнинг турли соҳаларида иқтисодий ва бошқа фаолият учун интеграллашган тармоқли, компьютер ва коммуникация технологиялари доирасида маълумотларни автоматлаштирилган тарзда тайёрлаш, излаш ва кайта ишлашни таъминловчи инсон-машина тизими» [44].

Автоматлаштирилган ахборот тизими (ААТ) тузиш концепцияси тегишли параметрлар асосида бир нечта муқобил прогноз бюджетлари варианtlарини ичидан самарали вариантини танлаб олишнинг гипотетик моделига асосланади.

Мазкур модельни тузишнинг турли босқичларида:

- мазкур модельни тавсифлаш учун қўлланиладиган асосий терминларни белгилаш;
- КАТ доирасида БААТга қўйиладиган муҳим функционларни таҳлил қилиш;
- бюджетлаштириш жараёнларининг муҳим элементларини аниқлаш;
- улар ёрдамида модельни хосил килувчи иқтисодий жараёнларни акс эттириш керак.

Корпоратив ахборот тизимлари ёки корхона ресурсларини бошқариш тизими (ERM тизими) – компаниянинг турли бизнес-жараёнларини бошқариш ва ресурсларини режалаштиришнинг интеграллашган комплекс тизими ҳисобланади. ERP-услубияти талаблари атамаси ERP-тизими лойихалаштириш, жорий этиш ва амалга ошириш услугига корхонада мавжуд бўлган ва автомат-

лаштирилиши назарда тутилаётган бизнес-жараёнлар томонидан күйилаётган функционал талаблар йигиндисини ифодалайды (4.5-чизма).



#### 4.5-чизма. Корпоратив ахборот тизимлари бошқарувининг ягона ахборот контури


*Манба. Кислицын А.М. Модели и инструментальные средства бюджетирования. Канд. дис. на соис.уч. степ.канд. экон. наук. Москва. 2001. С.49.*

Буларнинг ҳар бири бизнесни ўзаро ягона маълумотлар базаси ёки корпоратив маълумотлар базаси орқали интеграциялашган ёки «икки томони очиқ» ахборот оқими орқали бирлашган маълум бир вазифаларини ҳал килишни ўзида ифодалайди.

Бошқарувнинг ягона ахборот контури «икки томони очиқ» ахборот оқими орқали бизнес-жараёнлар устидан назорат қилиш имкониятини яратади.

Бюджетлаштириш контури атамаси деганда бошқарув жараённи ва корхонадаги молиявий оқимларни режалаштиришга жалб қилинган БААТ қўлланиладиган «икки томони очиқ» ахборот оқимида муҳим роль ўйнайдиган КАТ модулларини йигиндиси тушу-

нилади. 4.6-чизмада бюджетлаштириш тизимининг КАТни бошқа модуллари ичидаги ўрни ва корхонанинг айrim соҳаларини автоматлаштирадиган турли қуи тизимлар ёки модуллар комбинациялари акс эттирилган.



#### 4.6-чизма. Корпоратив ахборот тизимларида бюджетлаштириш контурини ташкил этувчилар интеграцияси

*Манба. Кислицын А.М. Модели и инструментальные средства бюджетирования. Канд. дис.на соис.уч.степ.канд.экон.наук. Москва. 2001. С.50.*

ERP-услубияти нұқтаи назаридан бюджетлаштириш контурига қўйиладиган қатый талаблар мавжуд «икки томони очиқ» ахборот оқимини қайта ташкил этиш ва таҳлил қилиш имконига эга бўлган БААТни тегишли функционаллиги мавжудлигига асосланади. Ушбу талабларни икки гурухга: бюджетлаштириш жараёнларини сотиш бюджетини тузиш ва ишлаб чиқариш бюджетини тузишдан бошланадиган гурухга бўлиш мумкин. Мазкур ҳар иккала ёндашувларда режалаштириш учун асос сифатида кўзда тутилаётган ишлаб чиқариш ёки реализация хажми олинади. Сўнгра мазкур кўрсаткичлар асосида тегишли меъёрлар ва меъёрий хужжатлар асосида бошқа зарур кўрсаткичлар ҳисоблаб чиқилади.

Бюджетлаштиришда КАТнинг аналитик кўйи тизими таркибida қўйидаги бюджет шакллари бўлиши шарт:

1. Сотиш режаси (натурал ва қиймат кўринишида).
2. Активларни сотиш режаси (натурал ва қиймат кўринишида).
3. Ишлаб чиқариш режаси (натурал ва қиймат кўринишида).
4. Харидлар режаси (натурал ва қиймат кўринишида).
5. Техник жиҳозлаш режаси ва ишлаб чиқаришга тайёрлаш графиги.
6. Товар моддий захиралар ҳаракати режаси (натурал кўринишида).
7. Транспортда ташиш режаси (натурал ва қиймат кўринишида).
8. Бўлинмалар ҳаражатлари режаси (натурал кўринишида).
9. Инвестициялар ва асосий воситалар ҳаракати режаси (натурал ва қиймат кўринишида).
10. Даромад ва ҳаражатлар режаси (қиймат кўринишида).
11. Пул маблағлари ҳаракати режаси (қиймат кўринишида).
12. Режа баланси.

Бюджетлаштириш жараёни ишлаб чиқариш бюджетини тузишдан бошланадиган методга кўра пахта тозалаш корхоналарида ҳар бир таркибий бўлинмалар ички ва ташқи мол етказиб берувчиликларга маълум бир микдордаги керакли хомашё учун талабномабуюртма тақдим этади.

Турли аралаш модулларга қўйиладиган функционал талабларни режалаштириш ягона ЕРР-услубиятини БААТга қўядиган талабларининг ажралмас бир қисми ҳисобланади. Жумладан, асосий воситаларни харид қилиш ҳар бир комплекс бўйича алоҳида режалаштирилади ва сўнгра маълумотлар умумлаштирилади.

Ундан ташқари, пахта тозалаш корхоналарида турли энергия ресурсларини харид қилиш ҳам режалаштирилади. Хомашё ва материалларни харид қилиш дастлаб комплекс тарзда режалаштирилади ва сўнгра маълумотлар умумлаштирилади. Режалаштириш барча хомашё ва материаллар бўйича узоқ муддатларга умумлаштирилган ҳолда ва қисқа муддатлар кесимида эса маълум бир хомашё ва материалларни алоҳида ажратиб кўрсатган ҳолда амалга оширилади.

КАТ доирасида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштириш маҳсулот ишлаб чиқариладиган иш жойи бўйича ва алоҳида

таркибий булинмалар маълумотларини умумлаштирадиган умумий аналитик тизимостиларида амалга оширилади. Шундай қилиб, корхона режа калькуляцияни буюртмали методда асосланиб тузиши мумкин. Якунда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш режасини шакллантиришга эришилади.

Ундан ташқари, ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва техник хизмат кўрсатишни режалаштириш босқичида ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва техник хизмат кўрсатиш графиклари тузилади. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш режаси, ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва техник хизмат кўрсатиш графиклари асосида ишлаб чиқаришни хомашё ва материаллар, маблағлар ҳамда ишчи кучига бўлган эҳтиёжлари ҳисоблаб чиқилиши керак.

Маълумотлар ишлаб чиқаришни режалаштириш тизимидан бухгалтерияга ва ундан БААТ модулига келиб тушади. Натижада, куйидаги имкониятларга эга бўлинади:

- маҳсулот ишлаб чиқариш технологияси ҳақидаги маълумотларни ҳисоблаш ва автоматлаштириш тизимига киритиш;
- ишлаб чиқаришга хомашё ва материалларни етказиб бериш графикини шакллантириш ва унга тузатишлар киритиш;
- маҳсулот бирлиги таннаҳхи ва баҳосини тўғри ҳамда эгри харажатларни ҳисобга олган ҳолда аниқлаш;
- харажатлар режаси, тўлов ва тушумлар режасининг даромад ва харажат бўлимларини автоматик равишда шакллантириш;
- тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришга оид технологик жараёнларни шакллантириш;
- ишлаб чиқариш қурилмалари ва бошқа ишлаб чиқариш ресурсларининг бандлиги, ишлаб чиқаришни технологик жараёни, техник хизмат кўрсатиш графиги ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда тармоққа оид графикни тузиш.

Ишлаб чиқариш кувватлари ҳолати ҳақидаги маълумотлар ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш режасига мувофиқ ишлаб чиқаришга тайёргарлик кўриш режаси тузилиши керак. Мазкур режа орқали турли режалар ва прогноз бюджетлар шакллантирилади.

БААТда прогноз бюджетлар тузишида пахта тозалаш корхонасидаги логистика ва юк айланиши бўйича имкониятлар ҳисобга олиниши керак.

Пахта тозалаш корхонасида юк айланишини режалаштириш сотиш ва харидлар режаси асосида амалга оширилади. Худди

шундай тартибда товар моддий захираларни харидорларга етказиб бериш ва мол етказиб берувчилардан хомашё ва материалларни келтириш ҳам режалаштирилади. Товар-моддий захираларни режалаштириш ягона корпоратив ахборот тизими услубияти талабига биноан ишлаб чиқариш режаси ва харид қилиш даврларининг муддати ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

БААТ доирасида сотишни режалаштириш комплекс сотиш бўйича амалга оширилади. Бюджетлаштиришнинг мазкур босқицида OLAP (Online analytical processing) - технология ва унинг асосий компонентларидан бири бўлган «Нима-агар...» тахлини кўллашнинг афзалликлари яққол намоён бўлади. Мазкур методлар турли омиллар таъсирини ҳисобга олган ҳолда иктисадий шартшароитлар ривожланишининг бир неча вариантларини кўриб чиқиш ва натижаларини баҳолаш имконини беради. Бунда тайёр маҳсулот сотиш режаси билан корхона ўзи ишлаб чиқармаган активларни сотиш режасини чалкаштирмаслик керак.

Демак, автоматлаштириш ахборот тизими ўтган даврлардаги реализацияга оид аналитик маълумотлар ва прогнозлаштирилаётган маълумотларни ўз ичига олиши ҳамда мавжуд маълумотлар асосида бозорнинг ўзгариш моделини ишлаб чиқиши лозим.

Ҳар қандай КАТда таннархни тўғри ҳисоблаш учун ходимларнинг иш ҳақи, бюджет ҳамда бюджетдан ташқари фонdlарга ажратмаларни режалаштириш имконияти бўлиши лозим. Кўпгина ҳолларда ходимларни бошқариш ва иш ҳақи ҳисоблаш бўйича масъул бўлган КАТ модули ўзининг аналитик инструментига, жумладан, ходимлар сонини кўпайтириш, маошни оширишни режалаштиришда қўлланиладиган тузатиш коэффициентларини киритиш имкониятига эгадир.


Ходимларга иш ҳақи ҳисоблаш учун қуйидаги шартлар бажарилиши керак:

- тизимда ходимларнинг иш вақти ҳисобига оид маълумотлар бўлиши;
- тизимда тариф ставкалари, маошлар ва бошқа иш ҳақини ҳисоблаш учун керакли маълумотлар мавжуд бўлиши;
- қасаллик, таътил, алимент, сменалар бўйича ҳисобкитобларнинг ҳисоби юритилиши керак.

Шундай қилиб, ходимларни бошқариш модулидан БААТга кайта ишланган аналитик маълумотлар келиб тушади, фақатгина уларнинг мос келиши баҳоланиши лозим. Бунда бюджетлаштириш

тизимиға бошқа модуллардан маълумотларни интеграциялаш имкониятига, яъни қайта ишланадиган маълумотларга ягона стандартларни қўллашнинг асосий талаблари қўйилмоқда.

Ягона корпоратив тизими доирасида ва тегишли услугиятга мувофиқ БААТга қўйиладиган бошқа талаблар етарли даражада ишлаб чиқилган, деталлаштирилган ва шунинг учун улар соддлаштирилган ҳолда келтирилмоқда (4.7-чизма).



#### 4.7-чизма. Корпоратив ахборот тизимининг элементи сифатида бюджетлаштиришни автоматлаштирилган ахборот тизимиға қўйиладиган талаблар

*Манба. Кислицын А.М. Модели и инструментальные средства бюджетирования. Канд. дис.на соис.уч. степ. канд. экон. наук. Москва. 2001. С.59.*

Ҳисоб тизими талаблари мамлакатдаги меъерий ҳужжатлар (бухгалтерия ҳисоби ва солиқни тартибга солувчи меъёрлар) ва пахта тозалаш корхонасида қабул қилинган ҳужжатлар айланиш режасининг талаблари йигиндиси ҳисобланади. Бюджетлаштириш жараёнлари ўз моҳиятига кўра, маълум даражада биринчи ва иккинчи талабларга боғлиқ бўлади.

Пул маблағлари, қарздорлик ва таннарх калькуляцияси билан боғлиқ ҳўжалик жараёнлари корхонадаги бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботини ифодаловчи КАТни «Бош дафтар» модулига ўтказилиши, БААТга эса фақатгина КАТ доирасида аналитик функцияларгина қолдирилиши мумкин.

Умумқабул қилинган стандартлар талабларига жавоб берувчи КАТда пул маблағлари билан боғлиқ операциялар контури кўп ҳолларда қўйидаги функцияларни амалга оширади:

- тегишли режа ва лимитларга кўра тўлов асосини кўрсатган ҳолда тўлов учун буюртмаларни шакллантириш;

- тұлов бүйіча буюртмаларни реестрга умумлаштириш, реестрни таҳир килиш, тұлов муддатлари мұхиммилігига күра рүйхатини тузиш ва тұлов буюртмасини тасдиқлаш;

- тасдиқланган буюртмаларни накд пулсиз шаклда тұлаш;
- валютаны конвертация қилиш;
- накд пул тұлаш;
- инкассация қилиш.

Қарздорлик билан боғлиқ операцияларнинг ҳар хиллигини инобатта олиб, молиявий жараёнларни автоматлаштирувчи ахборот тизими мазкур операциялар билан боғлиқ ҳисобларни юритиша қарздорлик бүйіча ҳолатни эътиборга олиш имконини бериши лозим.

Автоматлаштирилган ахборот тизимида ишлаб чиқариш хусусиятидан келиб чиқиб, таннарх ҳисоблашнинг буюртмали методи құлланилиши мүмкін ва бунда буюртма таннархига барча тұғри харажатлар күшилади. Бюджетлаштириш тизимида, жумладан, әгри харажатларни күп босқичли тақсимлаш механизмлари амалға оширилади. Ундан ташқары, әгри харажатларни таннарх моддалари бүйіча ҳисоб-китоб қилиш учун автоматлаштирилган ахборот тизимида пахта тозалаш корхонасининг таркибий бўлинмалари бўйича әгри харажатлар сметасини шакллантириш имконияти мавжуд бўлиши керак. Агар автоматлаштирилган ахборот тизимида операцияларни турли валюталарда қайд этиш имконияти бўлса, у ҳолда ҳисобот тузишда валюта курсларидаги фарқлар инобатта олиниши лозим.

Юкорида таъкидланганидек, корхонанинг фаолият туридан келиб чиқиб, КАТ кўпгина хўжалик операциялари ва бизнес-жараёнларини автоматлаштиради. КАТ прогноз балансини тузиш учун киравчи маълумотлар нуқтаи назаридан БААТ учун мухим бўлган куйидаги функционал соҳалардаги операциялар автоматлаштирилади:

- пахта тозалаш корхоналарида бухгалтерия ҳисоби (жумладан, пул маблағлари, қарздорлик билан боғлиқ операциялар);
- пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқаришни режалаштириш ва ташкил этиш;
- пахта тозалаш корхоналарида пахта хомашёсини харид қилиш ва пахта маҳсулотларини сотиш (тайёр маҳсулот, хомашё ва материаллар, асосий воситалар);

- пахта тозалаш корхоналари томонидан пахта толасини терминалларга юклаш ва транспортда жүннатиш, етказиб бериш ва пахта хомашёсини қабул қилиш, сақлаш, инвентаризация қилиш (хомашё, материаллар, асосий воситалар);

- пахта тозалаш корхоналарида кадрлар, ходимлар ва иш ҳақи.

Пахта тозалаш корхоналари амалиётіда бир неча турдаги бухгалтерия ҳисоботлари турлари мавжудлигини ҳисобға олиб, автоматлаштириш тизимида хұжалик операцияларини бир неча счёtlар режаси бўйича қайд этиш ва якунда мазкур счёtlар бўйича ҳисоботлар тузиш имонияти яратилиши керак.

Пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятларига оид операцияларни ҳисобға олиш ва юридик шахслар кесимида бухгалтерия ҳисобини юритиш учун счёtlар режасига қўшимча синтетик счёtlарни киритиш имконияти кўзда тутилиши лозим.

Юкорида таъкидлаб ўтилган бюджетлаштириш контури доирасида хұжалик операциялари ҳисоби ва таҳлилиниң турли жабҳаларига кўйилган талабларни умумлаштирган ҳолда БААТда қўлланилиши тавсия этилаётган таҳлил турларига куйидагилар киради:

- молиявий таҳлил (молиявий коэффициентлар таҳлили, пул маблаглари ҳакидаги, фойда ва заарлар ҳакидаги ҳисобот ва прогноз балансининг вертикал ва горизонтал таҳлили, ROI «дараҳти» ҳисоб-китоби);

- четланишлар таҳлили (ҳақиқий кўрсаткичларни режа ёки меъёрий кўрсаткичлардан четланишлари таҳлили), молиявий ҳисоботларни омилли таҳлили, мослашувчан бюджет таҳлили;

- харажатлар таҳлили (эгри харажатлар – уларни тайёр маҳсулотга тақсимлаш, жараёнлар, ҳаражатларни ҳосил бўлиш жойлари ва ҳосил бўлиш обьектлари бўйича таҳлили), зарарсизлик нуктаси таҳлили;

- «Нима-агар..» таҳлили (бозор риски, инвестиция, соликлар ҳисоб-китоби таҳлили);

- статистик таҳлил (жамғарилган маълумотлар ва ўтган даврлар маълумотлари асосида бозор шароити моделини тузиш асосида таҳлил қилиш, регрессия таҳлили, корреляция таҳлили, омилли таҳлил, дискриминант таҳлил).

Бухгалтер - аналитик ўзининг асосий хизмат вазифаларини бажариши, яъни ўтган даврлар операцион бюджетлари асосида


корхонанинг молиявий кўрсаткичлари прогнозини тузиш ва БААТ доирасида молиявий бюджетлар тузиш учун керакли имконият ва зарур воситага эга бўлиши лозим. Бюджетлаштириш модули асосий бюджетлар, шу жумладан, пул маблағлари бюджети, даромад ва харажатлар бюджети ҳамда прогноз бухгалтерия баланси тузиш имкониятини яратиши керак.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, иқтисодий шароитларни динамик тарзда ўзгариб бориши шароитида замонавий ахборот тизимлари мослашувчан бўлиши, киска ва узок муддатли режалаштириш ҳамда бир нечта сценарийдаги бюджетларни тузиш имкониятини назарда тутиши лозим. Бунда бюджетларни қиёсий таҳдил қилиш ва самаралисини танлаб олиш имконияти яратиласди. Сўнгра корхона томонидан ижро учун қабул қилинадиган бюджет варианти танлаб олинади.

Автоматлаштирилган ахборот тизимлари комплекси пахта тозалаш корхоналарида маълумотларни қайта ишлаш, сақлаш ва узатишни осонлаштириши зарур. Бу корхоналарда бошқарув ҳисобини автоматлаштирилган тизимини жорий қилинишини тақозо қиласди. Ундан ташқари, ушбу тизим бюджетлаштириш жараёнларини автоматлаштириш тизимларини фаолият қўрсатиши учун зарур бўладиган корхона фаолияти тўғрисидаги статистик, меъёрий ва ҳақиқий маълумотлар билан таъминлаши лозим (4.8-чизма).

Бюджетлаштириш жараёнларининг автоматлаштирилган ахборот тизимида бюджет тузиш вақтида статистик ва меъёрий маълумотлар, бюджет бажарилишини назорат қилиш даврида эса ҳақиқий маълумотлар тегишли тартибда қайта ишланади.

Корхоналарнинг самарали фаолият юритиши бюджетларни сифатли тузилиши ва ижро қилинишига боғлиқдир. Маълумки, ходимлар томонидан маълумотларни қайта ишлаш ва унинг асосида бюджетлар шакллантириш жараёнида кўп вақт сарф қилинади. Бюджетлаштириш жараёнлари автоматлаштирилиши натижасида ходимлар меҳнати самарадорлиги ошади ва ходимлар томонидан сарфланадиган вақт анча қисқаради. Ходимлар ушбу тежалган вақтни шакллантирилаётган бюджетлар сифатини ошириш ва бюджет бажарилишини назорат қилишга сарфлаши мумкин. Ундан ташқари, бюджетлаштириш жараёнларини автоматлаштириш тизими молиявий маълумотлар аниқлиги ва тезкорлиги юксалишини таъминлайди.



**4.8-чизма.** Бошқарув хисоби ва бюджетлаштириш жараёнларининг автоматлаштирилган ахборот тизимлари ўзаро алокадорлик

*Манба. Савин В.Ю. Выбор и внедрения программного продукта для автоматизации бюджетирования инвестиций и источников их финансирования. Журнал. Аудит и финансовый анализ. 1/2011.*

Тадқиқотга кўра бюджетлаштириш тизими фаолият кўрса-тиши учун қуидаги икки турдаги маълумотлар керак:

- 1) режа маълумотлари;
- 2) ҳақиқий маълумотлар.


Ахборот тизимлари томонидан юқоридаги маълумот турларига нисбатан қўлланиладиган функционални таҳлил қилиб, бюджетлаштириш дастурларини иккинчи даражали гуруҳларини ажратиш учун етарли бўладиган хусусиятлар ҳақиқий маълумотларни қайта ишлаш функционалига тегишли эканлигини кўриш мумкин.

Ҳақиқий маълумотлар тегишли статистик маълумотларнинг массиви кўринишида ўртага чиқиб, бюджетларни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Ҳақиқий маълумотлар бюджетлар ижро-сининг жорий назоратида ишлатилади. Ҳақиқий маълумотлар таҳлили натижалари асосида эса бюджет бажарилишининг якуний таҳлили ўтказилади.

Бюджет бажарилиши доирасида амалга оширилаётган ишлар борасида пахта тозалаш корхонаси директори томонидан самарали бошқарув қарорларининг қабул қилиниши учун имкон қадар ба-тафсил таҳлил (ҳатто алоҳида бир хужжатларгача таҳлил) ўтказиш имконияти яратилиши керак.

Бюджетлар ижросининг самарали назорат қилиш учун ўтказиладиган таҳлиллар учун керак бўладиган маълумотларни хужжатлар асосида шакллантирилиш даражаси 4.9-чизмада келтирилган.

## Маълумотларни хужжатлар асосида шакллантирилиш даражаси



### 4.9-чизма. Бюджетлар ижросининг назорати ва маълумотларни хужжатлар асосида шакллантириш даражаси

*Манба. Савин В.Ю. Выбор и внедрения программного продукта для автоматизации бюджетирования инвестиций и источников их финансирования. Журнал. Аудит и финансовый анализ. 1/2011.*

Бунда қуйидаги таҳлил турлари ўтказилади:

- молиявий кўрсаткичларга эришилишини таҳлил қилиш;
- молиявий кўрсаткичларни ҳисоблаш учун асос бўладиган бир турдаги хўжалик операциялари гурухи таҳлили;
- алоҳида турдаги хўжалик операциялари таҳлили.

Маълумотларни қайта ишлашнинг янги бир босқичига ўтища  
хатога йўл қўйиш риски ошиб боради. Шунинг учун асосий масала  
корхона раҳбариятида бюджетнинг маълум бир кўрсаткичларига  
оид савол ёки шубҳа туғилганда маълумотлар қайси ҳисботлардан

олинганлиги ва бунда қайси ҳужжат ва хұжалик операциялари ишлатилғанлиги ҳақида ахборотларга зәғ бұлиш керак.

Шундай қилиб, бюджетлаштириш жараёнларини автоматлаштиришда құлланилаётган замонавий дастурый таъминотлардаги ассоций ва мұхим фарқ бизнингча, бюджетлаштириш тизими маълумот оладиган бюджетнинг ҳақиқий ижроси акс эттириладиган маълумотлар базаси, яғни бошқарув ҳисоби тизими маълумотлар базаси билан үзаро алоқасыда бўлади.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, бюджетлаштириш жараёнлари автоматлаштирилған ахборот тизимини жорий этишга киришилаётган вақтда корхоналарда жорий этилган молиявий ва бошқарув ҳисобининг автоматлаштирилған тизимлари мавжуд бўлиши лозим.

Бюджетлаштириш жараённининг автоматлаштирилған тизими маълумотлар базасини бошқарув ҳисоби автоматлаштирилған тизимининг ахборот базасидан алоҳидалик даражасига қараб қуидаги учта ёндашувни ажратиб кўрсатишмиз мумкин:

- бюджетлаштириш ва бошқарув ҳисобининг автоматлаштирилған тизимлари ягона автоматлаштирилған корпоратив ахборот тизимининг бир қисми ҳисобланади ва умумий базада сақланади. Бунда қуйи тизимлари ўртасида маълумотларни бир-бирига ўтказиш зарурати бўлмайди;

- корпоратив ахборот тизимини мустақил модул вариантлари яратилади, яғни автоматлаштириш учун ягона ишлаб чиқарувчи комплект дастурый маҳсулотлари ишлатилади. Мазкур комплектдаги ҳар бир дастур корхонани алоҳида бир бошқарув соҳасини автоматлаштиради ва алоҳида ахборот базасига зәғ бўлади, бироқ ахборот базалари ўртасидаги үзаро алоқа жуда содда кўринишга зәғ бўлади;

- бошқарув соҳаларини автоматлаштириш учун дастурый маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи турли корхоналар маҳсулотлари ишлатилиши ҳар бир дастурый маҳсулот учун алоҳида бир маълумот базасини ишлатишни тақозо қиласи. Мазкур маълумотларни битта дастурый таъминотдан иккинчисига ўтказиш кўп меҳнат талаб қиласи.

Ҳозирги кунда мазкур учта ёндашувлар доирасида кўплаб дастурый маҳсулотлар жорий этилмоқда (4.10-чизма).

Ихтисослаштирилған автоматлаштириш тизимларини танлашда бошқарув ҳисоби тизимидан маълумотлар кўчиришни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бюджетлаштириш

жараёнларида катта ҳажмдаги маълумотлар билан иш кўрилади. Шунинг учун ҳам мустақил дастурий маҳсулотлардан фойдаланилганда катта ҳажмдаги маълумотларни бир тизимдан бошқа бир тизимга ўтказиш керак бўлади. Бу эса сермашаққат ва қўп вақт талаб қиласиган жараён хисобланади. Мазкур ёндашувда тезкор таҳлил ўтказиш ва бюджет бажарилишини назорат қилиш анчагина қийин бўлади.

Бюджетлаштириш модули билан интеграллашган корпоратив молия тизимини танлаш вариантининг камчилиги уларда аналитик имкониятлар етарли даражада бўлмайди.

Ихтисослаштирилган автоматлаштириш тизимларини танлашда бошқарув ҳисоби тизимидан маълумотлар кўчиришни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бюджетлаштириш жароёнларида катта ҳажмдаги маълумотлар билан иш кўрилади. Шунинг учун ҳам мустақил дастурий маҳсулотлардан фойдаланилганда катта ҳажмдаги маълумотларни бир тизимдан бошқа бир тизимга ўтказиш керак бўлади. Бу эса сермашаққат ва қўп вақт талаб қиласиган жараён хисобланади. Мазкур ёндашувда тезкор таҳлил ўтказиш ва бюджет бажарилишини назорат қилиш анчагина қийин бўлади.

Бюджетлаштириш модули билан интеграллашган корпоратив молия тизимини танлаш вариантининг камчилиги уларда аналитик имкониятлар етарли даражада бўлмайди.

Бюджетлаштириш тизимости корхонанинг ҳисоб тизимиға осон қўшилиб кетиши лозим. Шундагина иш ҳажми камайиши, маълумотларнинг шаффоғлиги ва ҳаққонийлигига эришиш мумкин.

Интеграциянинг варианларидан бири ҳисоб ва бюджетлаштириш тизимлари ўртасида автоматлаштирилган ахборот алмашиб нувини йўлга қўйишидир. Бироқ, бизнингча, ўз ичига бюджетлаштириш куйи тизими олувчи корхонанинг умумий комплекс бошқарув тизимини яратиш янада самаралироқ ҳисобланади.

Комплекс ахборот тизимини жорий қилиш ва келгусида унга хизмат кўрсатиш даврида тегишли талабларга кўра аналитик функционални кенгайтириш, дастурий маҳсулотни корхона хусусиятига мослаштириш, таҳлил қилиш услубига тегишли ўзгартиришлар киритиш имкониятига эга бўлинади. Ушбу классдаги дастурий маҳсулотлар нисбатан мослашувчан ҳисобланади.

## **Бюджетлаштириш жараёнининг автоматлаштирилган ахборот тизимини яратиш**

1. Бошқарув хисоби ва бюджетлаштириш учун ягона компьютер дастурий маҳсулоти ва маълумот базаси бўлиши

- 1 С: ишлаб чикариш корхонасини бошқариш дастурий маҳсулоти
- SAP Business Suite дастурий маҳсулоти  
SAP ERP дастурий маҳсулоти
- Oracle E-Business Suite дастурий маҳсулоти  
Oracle Financials дастурий маҳсулоти
- Microsoft Dynamics AX дастурий маҳсулоти

2. Битта ишлаб чикарувчининг компьютер дастурий-модули комплекти. Ҳар хил маълумот базаси, маълумотларни оддий кўчириш тизими бўлиши

- 1С: консолидация дастурий маҳсулоти
- Oracle Hyperion Planning дастурий маҳсулоти

3. Турли ишлаб чикарувчиларни алоҳида компьютер дастурлари, ҳар хил маълумот базалари. Маълумотларни кўчиришни кўп меҳнат талаб килиши

- КАТ: Бюджетлаштириш дастурий маҳсулоти
- Plan-Designer дастурий маҳсулоти
- IBM Cognos & Planning дастурий маҳсулоти
- Comshare MPC дастурий маҳсулоти
- Adayum e. Planning дастурий маҳсулоти

### **4.10-чизма. Бюджетлаштириш жараёнларининг автоматлаштирилган ахборот тизимларини тузиш вариантилари**

*Манба. Савин В.Ю. Выбор и внедрения программного продукта для автоматизации бюджетирования инвестиций и источников их финансирования. Журнал. Аудит и финансовый анализ. 1/2011 материаллари асосида муаллиф ишланмаси.*

ERP-тизими қўлланиладиган вариантнинг афзаллиги шундан иборатки, бунда бошқарув хисоби ва бюджетлаштириш тизимлари ягона умумий ахборот базаси доирасида фаолият юритади. Натижада, корхона раҳбарияти бюджет бажарилишини назорат қилиш, молиявий кўрсаткичларни талаб қилинадиган даражада: ойлик, хафталик, ҳатто кунлик ва соатлик кузатиб бориш имкониятига эга бўлади. Ундан ташқари, маълумотларни текшириш имконияти кенгаяди.

Турли ишлаб чиқарувчиларнинг алоҳида компьютер дастурлари ва ҳар хил маълумот базалари варианти оралиқ ёндашув хисобланади. Унда бошқарув хисоби ва бюджетлаштириши автоматлаштириш тизими ягона дастурий таъминотчи яратган мустақил дастурий маҳсулотлар асосида жорий қилинади. Дастурий маҳсулотлар ўргасида маълумотлар алмашинуви жараёнлари анчагина содда кўринишга эга бўлади.

Юқорида таъкидланган ҳар учта гуруҳ дастурий маҳсулотлар кенг тарқалган ва амалиётда самарали жорий этиб келинмоқда ҳамда уларга бўлган талаб борган сари ортмоқда.

Шу ўринда республикамизнинг йирик тижорат корхоналари томонидан ахборот-коммуникация технологияларига катта эътибор қаратилаётганлиги ва йирик миқдорда сармоя сарфланаётганлигини таъкидлаб ўтиш керак (60-илова).

Дастурий маҳсулотларни бирон-бир турини танлаш осон масала эмас, чунки тармоққа хос умумий хусусиятлардан ташқари ҳар бир пахта тозалаш корхонаси ўз хусусиятига эга (масалан, бир батареяли ёки икки батареяли ва х.к.). Шунинг учун ҳам «идеал» дастурий маҳсулотлар харид қилиш ниятида бўлган пахта тозалаш корхонаси дастурий маҳсулотларни қўллаш самарадорлигидаги фарқлар масаласини ҳал қилиши лозим. Бунда бюджетлаштириш жараёнларини автоматлаштирилган ахборот тизимини жорий этиш орқали ҳал этилиши лозим бўлган вазифалар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ахборот-коммуникация технологияларига нафакат корхоналар маблағлари ва банк кредитлари, балки хорижий инвестициялар, энг асосийси давлат бюджети маблағлари ҳам йўналтирилмоқда (61-илова).

Бюджетлаштириш жараёнларини автоматлаштиришнинг ахборот тизимини қуйидаги олтита боскичини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- жорий этиш натижасида эришилиши лозим бўлган мақсад ва вазифаларни аниқ ифодалаш;
- бюджет шакллари, уларнинг тузилиши ва ўзаро алоқасини идентификация қилиш, акс эттириш ва туркумлаш;
- дастурий маҳсулотлардаги функционални корхона ўз олдига кўйган мақсад ва вазифаларини ҳал этишга етарли бўлиши ва автоматлаштириладиган бизнес-жараёнларнинг хусусиятлари мослигини баҳолаш учун керакли мезонлар тизимини ишлаб чикиш;
- бозордаги дастурий маҳсулотларни тегишили услубиятга кўра баҳолаш ва танлаш;
- танланган дастурий маҳсулотнинг ташкилот-интеграторини танлаш учун баҳолаш мезонлари тизимини ишлаб чиқиш;
- танланган дастурий маҳсулотни жорий этиш учун ташкилот-интеграторини баҳолаш ва танлаш.

Дастурий маҳсулот турини танлаш масаласи ўта муҳим хисобланади. Тадқиқотларни кўрсатишича, барча талабларга жавоб берувчи мукаммал дастурий маҳсулот мавжуд эмас. Бироқ, корхонанинг кўзлаган мақсад ва вазифаларини ҳал этиш учун максимал даражада талабга жавоб берувчи дастурий маҳсулотни топиш мумкин. Бизнингча, дастурий маҳсулот корхонани функционал эктиёжини қанчалик кўп қондирса, шунчалик ундан олинадиган самара юқори бўлади.

Шунинг учун ҳам дастурий маҳсулот ва уни жорий этадиган ташкилот-интеграторни танлаш мезонларини аниқ белгилаш керак.

Бюджетлаштириш жараёнларини автоматлаштирилган ахборот тизимини жорий этишга даромад ва харажатлар оқимиға эъ бўлган инвестиция лойиҳаси сифатида қараш керак. Бизнингча, инвестиция лойиҳасининг қабул қилиниши учун автоматлаштиришнинг ахборот тизимини жорий этишдан олинадиган самара харажатдан юқори бўлиши лозим.

Юқоридаги фикрлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, бюджетлаштиришнинг ахборот тизимини самарали жорий этиш учун корхонадаги бошқарув маданиятини умумий даражаси билан боғлиқ кўпгина омилларни баҳолаш зарур.

Шунингдек, замонавий ахборот тизимлари мослашувчан бўлиши, қиска ва узоқ муддатли режалаштириш ҳамда бир неча сценарийдаги бюджетларни амалга ошириш имкониятини назарда тутиши лозим. Бунда бюджетларни қиёсий таҳлил қилиш ва қулийини танлаб олиш имконияти яратилади. Шундан сўнг корхона

томонидан ижро учун қабул қилинадиган бюджет варианти танлаб олинади.

#### **4.3. Бюджетлаштириш бүйича дастурий-таъминотларни ишлаб чиқиши ва татбиқ этиши жараёнлари таҳлилиининг ташкилий-услубий жиҳатлари**

Пахта тозалаш корхоналари дастурий маҳсулотларни танлаш жараёнида истиқболга мұлжалланған ахборот тизимини ривожлантириш стратегиясини белгилайди. Халқаро даражадаги ERP-тизимини ишлаб чиқарувчи ҳар қандай компания хоҳ у Oracle ёки SAP компанияси бўлсин корхоналарни дастурий маҳсулотларга кўйдиган барча талабларини қондира олмайди. Чунки ҳатто мазкур соҳада катта тажрибага эга бўлган компаниялар томонидан ишлаб чиқарилган дастурий маҳсулотларда ҳам корхоналарни ўзига хос хусусиятларини тўлиқ ҳисобга олиш имконияти бўлмайди.

Жаҳон тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, корхоналар мазкур муаммони ҳал қилиш учун ERP-тизими билан мавжуд тармоққа оид тизимости дастурларини биргаликда жорий этмоқда ва бу орқали бюджетлаштириш жараёнини автоматлаштиришдан кўзланган самарага эришмоқда.

Юқоридаги холатни ҳисобга олган ҳолда амалиёт ва жаҳон тажрибасини тадқиқ этиш натижасида пахта тозалаш корхоналарида бюджетлаштириш жараёнини автоматлаштириш учун Oracle Financial Analyzer дастурий таъминоти энг мақбул дастурий маҳсулот деган фикрға келинди. Мазкур дастурий маҳсулот КАТ Oracle Applications таркибига киради ва қўйилган барча талабларга жавоб беради.

Ушбу дастурий маҳсулот Financial Applications қўйидаги модулларга эгадир:

- Бош дафтар;
- Financial Analyzer;
- Кредиторлар;
- Дебиторлар;
- Активлар.

Oracle Financial Analyzer бюджетлаштириш жараёнини автоматлаштириш учун мұлжалланған ихтисослашган дастурий таъминот ҳисобланади. 4.11-чизмада БААТни самарали фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган функционаллик билан Oracle Financials

тизимини жавобгарлик сохаси ўртасидаги нисбат яққол тасвирланган.



#### 4.11-чизма. Корпоратив ахборот тизими Oracle Applicationsни молиявий модуллари блоки

4.11-чизмага кўра, бюджетлаштириш модули (Oracle Financial Analyzer) молиявий модулларнинг таркибий қисми ҳисобланади. Мазкур 2 та тизим ва функционалликни таққослаш жараённида тавсия этилаётган дастурий маҳсулотнинг функционаллиги кўриб чиқилган.

Oracle Financial Analyzer ёрдамида ҳал килинадиган вазифаларга қўйидагилар киради:

- бюджетларни шакллантириш, ўзгартериш, ижросини таҳлил килиш ва жўнатиш;
- молиявий оқимларни бошқаришга оид тезкор масалаларни тез ва сифатли ҳал килиш;
- турли фойда марказлари бўйича маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш;
- маълумотларни тегишли мезонлар бўйича ажратиш ва тизимга солиш;

- ягона ахборот омборидаги тезкор молиявий маълумотлар асосида бюджетларнинг тури варианtlарини тузиш;
- бухгалтерия ҳисоботини юритиш модули «Бош дафтар» билан молиявий маълумотлар алмашинувини таъминлаш, “тескари алоқа”ни ўрнатиш.


Oracle Financial Analyzer тизими ёрдамида пахта тозалаш корхоналарида бюджетлар тузишни тайёрлов бюджетини тузишдан бошлиш имконияти яратилади. Бу эса бюджетлар ва прогнозлар тузиш, таҳлиллар ўтказиш, бюджетларга тузатишлар киритиш, бошқа ахборот модуллари билан маълумот алмашиш имконини яратади. Oracle Financial Analyzегни натижалари бюджетнинг қандай тури ва улар қандай муддатларда тузилишидан катъи назар бюджетлаштиришни жорий этишдан кўзланган мақсадларга жавоб беради.

Жорий йил учун бюджет тузиш ва олинган натижаларга тузатишлар киритиш фойизини аниқлаш учун ўтган молия йили маълумотларидан фойдаланиш мумкин. Алоҳида бир бўлинмалар доирасида қисқа муддатли режалаштириш ва уларни мустақил равищда амалга ошириш учун тизим молиявий маълумотларнинг умумкорпоратив маълумотлар базасини бир қисмини алоҳида бир компьютерда сақлаш имкониятига эга.

Бюджет тузиш циклини якунида бюджетнинг якуний варианти умумлаштирилади ва тузатишлар киритилишини олдини олиш учун автоматик равищда ёпиб қўйилади.

Корхона фаолияти режа-факт таҳлилини ўтказиш учун Oracle Financial Analyzerда маҳсус қеракли маълумотларни танлаш тартиби жорий этилган.

4.12-чизмада Oracle Financial Analyzer доирасида режа-факт таҳлилини тармоқ ичидаги стандартлар жадвали маълумотлари билан бевосита bogланиш тартиби тасвиirlанган.



**4.12-чизма. Кейинги чорак прогнозида ҳақиқат/режа нисбати**

4.12-чизмада күрсатылған тартиб таҳлилий жадвалдаги маълумотлар асосида ҳисботлар тайёрлаш ва маълумотларни назорат килиб бориш имконини беради. Бунга Selektor маҳсус ишланмаси ёрдамида эришилади. Ушбу ишланма сифатли ва батағсил таҳлил ўтказышга имкон беради.

Designer ва Discover ишланмалари ёрдамида эса құшымча таҳлилий ҳисботлар түзиш имконияти яратылади. Улар дастурий маҳсулотдаги мавжуд кераклы таҳлиллар: молиявий таҳлил, четлашишлар таҳлили, мослашувчан бюджет таҳлили (4.13-чизмага қаранг), «Нима, агар...» таҳлили, “Мұхиммелик нұқтаси” таҳлили, статистик таҳлилларни янада тұлдиради.

Мазкур дастурий маҳсулот “Бош дафттар”, жадвал ва бошқа операцион тизимлардаги маълумотларни қулай киритиш ва натижаларни чиқариш имкониятига эга. Oracle Financial Analyzerде тайёрланған ва қайта ишланған ҳужжатлар “Бош дафттар” билан түлик интеграциялашади. Мазкур интеграциялашув маълумотларни тақрор киритмаслик учун фойдалы ва самарағы ҳисобланади. Бу орқали молиявий оқимларни бошқариш тизими самарағы фаолият күрсатышига эришилади. Бош дафттарда (Oracle General Ledger) қайта ишланадиган маълумотлар Oracle Financial Analyzer тизимида тегишли ҳужжатларни қайта ишлашда құлланыладиган иерархик тузилмаси мөс келади. Oracle Financial Analyzerнің фаолиятида счёtlар, баланс ва бош дафттар тузилмаси үз аксина топған.


	Total Revenue	Cost of Sales and Services	Gross Profit	%
Total Revenue	2,629,873,826	1,672,172,776	967,700,250	3.7
Cost of Sales and Services	1,219,794,130	1,075,486,944	(131,689,195)	(12.2)
Gross Profit	829,176,697	797,700,792	36,111,205	4.5
Sales and Marketing	229,712,477	228,372,300	11,339,877	5.0
Research and Develop.	269,826,338	157,023,211	(7,806,815)	(1.9)
General and Admin.	136,155,882	130,936,368	781,345	0.6
Mac Operating Expenses	44,395,884	37,311,348	(7,673,836)	(16.9)
Total Operating Expenses	860,463,913	612,134,421	248,331	1.6
Operating Income	226,802,973	166,571,364	45,761,612	25.3
Other Income and Expenses	3,041,734	2,000,400	(546,725)	(17.7)
Provision for Income Taxes	66,915,372	52,359,306	(13,556,466)	(25.4)
Net Income	156,135,868	124,200,446	31,628,421	25.4
Gross Profit %	31	27	39	16.9
Operating Income %	31	27	1	15.6

#### 4.13-чизма. Бюджетнинг даромад қисмини хисоб-китоб қилиш ва деталлаштирилган ҳолда акс эттириш

Oracle Financial Analyzer билан Бош дафтар (Oracle General Ledger) бир-бири билан интеграциялашган. Натижада Oracle Financial Analyzer ёрдамида тузилган бюджет маълумотларини автоматлаштирилган тизимдан фойдаланувчи Бош дафтар (Oracle General Ledger)га қулай киритиш мумкин.

4.14-чизмада бюджетлаштириш, молиявий таҳдил, ҳисоб ва ҳисбот модулларининг ўзаро ҳамкорлиги жараёнида молиявий маълумотларни қайта ишлаш босқичлари кетма-кетлиги тасвирланган.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, “Бош дафтар” молиянинг бош-карув тизимиdir. Унда самарали молияни назорат қилиш, маълумотларни тўплаш, тегишли бўлинмаларга керакли маълумотларни олишга рухсат бериш ва молиявий ҳисботни тайёрлаш учун зарур бўлган барча керакли воситалар мавжуддир.



4.14-расм. Financial Analyzerни General Ledger билан интеграцияси, ахборот окимларининг йўналишлари

Бош дафтарнинг мослашувчанлиги корхона томонидан маълумотлар тўплашни ташкил этиш ва интерфейсни созлаш имконияти бўйича кўйиладиган ҳар қандай талабларни қондириш имконини беради. Ушбу талабларга умумий хисоб юритиш, бир неча счёtlар режасини яратиш, сальдоларни автоматик равишида аниқлаш, хисобни бутун циклини электрон жадвалда юритиш (шу жумладан, бюджетларни тузиш, хўжалик жараёнларини қайд этиш, молиявий хужжатларни тайёрлаш), бухгалтерия ёзувлари ёзиш, хисоботларни тайёрлаш, умумлаштириш ва бошкалар киради.

Бош дафтарни интерактив таҳлил модуллари гуруҳи таркибиغا кирувчи молиявий анализатор билан интеграциялашуви Бош дафтарда сақланувчи маълумотларни интерактив қайта ишлаш, яъни маълумотларни излаш, таҳлил қилиш, моделлаштириш, бюджетлар, хисоботлар ва прогнозлар тузишни ташкил қилишга имкон яратади.

Маълумотларни корреляцион моделини қўлладиган Бош дафтардан фарқли ўлароқ, молиявий анализатор интерактив таҳлил учун идеал бўлган кўп ўлчовли моделлардан фойдаланади. Мазкур моделлар ўртасидаги маълумотлар алмашинуви автоматлаштирилиши ҳар иккала моделларни афзалликларидан фойдаланиш имконини беради.

Бюджетлаштиришни автоматлаштирилган ахборот тизимини тузишда ишлатилган модулларнинг характеристикаси сифатида қўйидагиларни кўrsатиб ўтиш мумкин:

- баланс, фойда ва зараплар ҳисботи, харажатлар таҳлили ҳақидаги ҳисбботларни тузиш;
- электрон жадваллар шаклида ҳисбботлар тайёрлаш (ҳисбботлар тавсифини яратиш, молиявий хужжатларни тайёрлаш ва назорат қилиш, натижаларни олиш);
- истиснолар ҳақида ҳисбботлар тайёрлаш;
- стандарт ҳисбботлар тузиш (синов баланси, Бош дафтар бўйича ҳисбботлар, счёtlар таҳлили бўйича ҳисбботлар, журналлар бўйича тузиладиган ҳисбботлар);
- электрон жадвалга киритиш учун яроқли ҳолда ҳисбботлар тайёрлаш;
- ҳисбботларни интерактив тарзда кўриб чиқиш;
- бир марталик ҳисбботларни жўннатиш;
- йиғма счёtlарни деталлаштириш, тўлик счёtlар ва бухгалтерия ёзувлари бўйича счет-фактуralар, дебитор ва

кредиторлар, тафовутлар ҳисоб-китоблари бўйича расмий талаблар юбориш.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Бош дафтар ҳисобот даври давомида счёtlар юритиш ва ҳисоботларни тузиш учун қўлланилса, Молиявий анализатордан ҳисобот даври якунида молиявий маълумотларни таҳлил қилиш учун фойдаланилади. Бош дафтар ёрдамида бюджетлар тузишни бир неча тартибда амалга ошириш: “Юкоридан куйига” (даромадлардан бошланадиган), “Куйидан юкорига” (харажатлардан бошланадиган), оралиқ тузиш имконияти мавжуд. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, тизимда бюджетлар версияларининг сони чекланмаган. Бюджетларни тегишли рухсатсиз олишни олдини олиш учун тизимда парол орқали муҳофаза қилиш имконияти мавжуддир. Бюджет маълумотларини электрон жадвалдан олиш ёки формула ва умумлаштирилган бюджетлар ёрдамида автоматик равишда юклаш мумкин. Бюджетлар тартиб-қоидаси қўлланилиши аналитик томонидан барча даврлар учун суммалар ва бюджет проводкалари киритишни анча осонлаштиради. Ундан ташқари бунда куйидаги функцияларга ҳам эга бўлинади:

- чекланмаган микдорда бюджетлар тузиш;
- бюджетларни интерактив тартибда киритиш;
- бюджетларни муҳофаза қилиш;
- батафсил ва йиғма счёtlар, назорат даражаси, мослашувчан вақт интерваллари қўллаш орқали бюджет бажарилиши назорати параметрларини киритиш;
- бюджетлар иерархиясини яратиш;
- бюджетлардан нусха кўчириш ва уларни ўзгариши;
- стандарт қоидаларни қўллаган ҳолда бюджет маълумотларини киритиш;
- бюджет формулаларидан фойдаланиш;
- автоматик равишда бажариладиган ҳисоблашларни бажариш;
- бюджет маълумотларини электрон жадвалдан киритиш.

Иқтисодий маълумотлар оқимиининг бундай тарзда ташкил этилиши ва ҳисоб, таҳлил ва бюджетлаштириш модуллари ўртасидаги тўлиқ интеграциясига эришиш бюджетларни нафакат турли бўғинларда ва муддатларга ҳамда вариантларда тузиш, балки мураккаб даражадаги аналитик ҳисоботларни натурал ва қиймат кўринишида тайёрлаш имкониятини ҳам яратади. Бош дафтари таркибига кирувчи Oracle Applicationsни таркибига барча

модуллар ўртасидаги юқори даражадаги интеграциялашув натижасида молия, ишлаб чиқариш, сотиш, ходимлар, лойихалар ва давлат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликни бошқариш учун москелувчи мижоз/сервер типидаги тайёр масалаларга эга бўлинади.

Юқоридагиларга хулоса қилган ҳолда шуни айтиш мумкинки, бюджетлаштиришни автоматлаштирилган ахборот тизимини жорий этиш бир неча даврлардан ташкил топади. Мазкур даврлар кўзланган умумий маҳсулотларга эришиш учун лойихалаштириш фаолиятини мувофиқлаштириш учун назорат нуқтасини таъминлайди. Тизимнинг ўзида турли жараёнларга оид вазифаларни бажаради. Танланган дастурий маҳсулотни юқорида таъкидланган характеристикиси ва параметрлари асосида бюджетлаштиришни автоматлаштирилган ахборот тизимини жорий этишни кейинги даври/ босқичи ва саноат даражасида дастурни жорий этиш натижаси қўйидагилар ҳисобланади:

- масалаларни (маълум бир бизнес-талаблари ва таҳлиллар натижалари натижасида) лойихалаштириш;
- масалаларни тузиш;
- янги тизимга ўтиш;
- бюджетлаштиришни автоматлаштирилган ахборот тизимини саноат даражасида татбиқ этиш ва уни техник хужжатларини тайёрлаш.

Масалаларни лойихалаштириш даврида бизнес-талабларни мухимлилик даражаси ва корхона фаолияти учун иқтисодий курсаткичлар тартиби ишлаб чиқилиши лозим. Бу танланган бизнес-моделни босқичма- босқич амалга ошириш ва уни бюджетлаштиришни автоматлаштирилган ахборот тизимида амалга оширилишини назорат қилишга имкон беради. Бунда жараёнларнинг таҳлили мазкур мухимлилик даражасини аниқлашни тезлаштириш имконини беради ва ушбу алгоритм (ишлаб чиқариш цикли/товар айланиши) ни тузиш учун базисни тақдим этади.

Масалани лойихалаштирилиши якунлангач, ечиш босқичига ўтилади. Бу бирон бир СУБД-платформасида бюджетлаштириш масаласини корхона мутахассислари томонидан ечишган варианти ёки бозордаги мавжуд самарали дастурий маҳсулотни танлаш кўрининишида бўлиши мумкин. Тадқиқотчи томонидан бир хил номдаги СУБД базасидаги Oracle Financial (Financial Analyzer) амалий-дастурий маҳсулот танланган ва асослаб берилган. Бирон-

бир дастурий таъминотни тегишли талабларга жавоб берishi ёки бермаслиги ҳақидаги қарорни қабул қилиниши муҳим талабларни мазкур маҳсулот томонидан етарли даражада бажарилишига боғлиқдир. Албатта, бу ҳақдаги қарорни бевосита мазкур дастурий маҳсулот билан ишловчи ёки келгусида ишлайдиган мутахассислар: бюджет аналитиклари, молия менежерлари ва иқтисодчилар қабул киласи.

Хар кандай дастурий маҳсулотни яратиш ва жорий қилиш янги тизимга ўтилаётганда юз берадиган қийинчиликларга учрайди. Шунинг учун дастурий маҳсулотни жорий қилиш услугиятига тұлық риоя қилиниши керак. Oracle Financial дастурий маҳсулотида услубий асос Application Implementation Method хисобланади. Шу билан бирга прогноз күрсаткичлар реал иқтисодий ҳолатни акс эттирувчи күрсаткичларга яқынлаштиришни нисбатан самарали методини күллаш лозим.

Шу билан бир вақтда бюджетлаштиришни автоматластирилған ахборот тизимини пахта тозалаш корхоналари фаолиятини хусусиятларига мослаштиришда ёндаш йұналишларни автоматлаштирадиган, иқтисодий маълумотларни тұплаш, сақлаш ва таҳлил қилиш жараённан қатнашувчи дастурий маҳсулотлар муҳим роль үйнайды. Улар ягона ахборот тизимига бирлаштирилиши ёки үзаро маълумотлари оқими келишилған (модуллар интеграциясы) алохida турли модулларни үзіда ифодалаши мүмкін. Бунда биринчи навбатда күйидаги модуллар назарда тутилмоқда:

- кредиторлар модули;
- дебиторлар модули;
- асосий воситалар модули.

Кредиторлар модули фойдаланувчи учун счет-фактуралар ва түлов ҳужжатларини бошкаришнинг қулагай ва самарали воситаси хисобланади. Дастурий таъминотга илова қилинаётган ҳужжатларга мувоғиқ мазкур Oracle Applications модулида счёtlар таркиби, валюта, банк счёtlари, түлов шартлари ва бошқалар билан боғлиқ жараёнларни амалга ошириш имкони бўлади. Кредиторлар модулини операторлар иш жойидаги “папка”сини тегишли тартибда созлаш иловани тезлик билан компанияни хўжалик фаолиятнинг юритишини аниқ методларига мослаштириш имкониятини беради.

Жараёнлар оқимини ишлатиш йўлини тутиш маълумотларни аниқ бўлишини таъминлайди ва Кредиторлар модулида счёtlар

фактураларни қайта ишлашнинг самарадорлигини оширади. Кредиторлар модули тұловларга оид самарали қарорлар қабул қилиш учун зарур бұладиган барча маълумотларни тақдим этади. Кенг күлмәдеги мол етказиб берувчилар, тизимлар ва тұловлар параметрлари құлланилиши ҳисобига мол етказиб берувчиларға тұловлар үтказилиши тартиби ва муддатларини фойдаланувчи томонидан қулай назорат қилишга эришилади. Кредиторлар модули барча тұлов шакллари, шу жумладан электрон тұловлар, “накд” тұлов ва бошқа тұлов турларини қайта ишлаш ҳамда истиқболдаги тұловлар бүйіча әхтиёжлар прогнозини тузиш орқали маблағларни тежаш, тақрорий ва рухсатсиз тұловларнинг олдини олиш имконини беради. Мол етказиб берувчилар ҳақидаги маълумотларни қайта ишлашда уларни автоматик киритиш воситаси орқали тезлик билан киритиш, бир неча мансиллар, банк счёtlари ва ҳар бир мол етказиб берувчи учун вакилларни қайд этиш, солиқ ҳисоботи ва соликларни ушлаб қолиш ҳамда бошқа керакли тадбирларни созлаш назарда тутилган.

Дебиторлар модули счёtlар тақдим этиш ва қарздорликларни ундириш жараёнларини самарали бошқариш воситасидир. Турли хұжалик жараёнларини ҳисобга олиш фойдаланувчи томонидан белгиланған тартибга күра, автоматик равищда амалга оширилади. Пул маблағлары ҳисоби самарали созланиши пул маблағларини банкка үз вактида келиб тушиши ва дебиторлик қарздорлигини даврий равищда тұланишини таъминлайди. Улардан ташқары қуйидагилар ҳам мавжуд бўлади:

- қайта ишлаш тұпламидан фойдаланиш имконияти;
- счёtlар режасининг мослашувчан майдони, тизимли мослашувчан майдони ва худудни мослашувчан майдонини созлаш;
- 30 тача сегментларни қамраб олувчи ҳар қандай счёtlар режасини аниқлаш;
- ҳисоб тақвимини аниқлаш;
- тұлов шартларининг кенг турдаги варианtlари (В-тұловни кечикитириш, С- кейинги ойда тұлаш, Г- чегирма суммаси ёки фоизини қайд этиш, Д - бир неча чегирмалар);
- буюртмачиларни кредит профилини яратиш, кредит профилидан нусха күчириш;
- сотиши худудларини аниқлаш.

Бу ерда катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш учун зарур бұладиган кучли универсал воситалар назарда тутилган.

Автоматик равишида электрон ўтказиш корхона банкига келиб тушган тушумларни автоматик равишида қайта ишлаш орқали маълумотларни қўлда киритишига эҳтиёж қолдирмайди. Авто тушумлардан фойдаланиш эса маблағларни буюртмачи банки счётидан компаниянинг банкдаги счётига маблағларни ўтказиш имконини беради. Бу пул маблағлари ҳисобини такомиллашишига олиб келади ва қарздорликни ундириш жараёнини осонлаштиради.

Жараёнлар оқимининг ишлатилиш йўлини тутилиши Асосий воситалар модулида активларни ҳисобга олиш самарадорлигини оширади. Жараёнларни амалга ошириш учун активларни танлашда ҳам улар ўзлари ҳақидаги маълумотлардан, ҳам уларни фойдаланиладиган жойи, счёт-фактуралар ва ижара шартлари ҳақидаги маълумотлардан фойдаланиши мумкин. Активлар гурухини биргаликда яна қайта ишлаш мумкин. Дастурый маҳсулот ўрнатилаётганда Асосий воситалар модули маълум бир ҳўжалик фаолияти шароитига кўра мослаб созланади. Корхонадаги ҳар қандай ўзгаришларни қўшимча созлашлар орқали акс эттириш мумкин. Бунда ҳўжалик фаолиятини дастурый таъминотга мослаштиришга зарурат тугилмайди.

Бошқача қилиб айтганда, мазкур модуль доирасида куйидагилар амалга оширилади;

- активлар ҳақидаги маълумотларни юритиш;
- амортизация қилинмайдиган активлар, шу жумладан айланма активлар ва ер майдонларини ҳисобга олиш;
- активларни “ярлик” бўйича назорат қилиш;
- ижарага олинган асосий воситалар ва номоддий активлар ҳисоби;
- Webни активлар бўйича сўровларни бажариш учун қўллаш;
- ижарага олишни амалга ошириш мумкин бўлган варианtlарини таҳлил қилиш ва самарали стратегиясини танлаш;
- архивлаш ва тозалаш (Ўтган молия даврларидағи маълумотларни архивлаш), архив маълумотларини тиклаш.

Асосий воситалар модулини жорий этиш активларни ҳисобга олиш ва уларни балансда акс эттиришни осонлаштиради. Асосий воситалар модулини маҳсус ҳисботлари асосий воситалар бўйича масъулларга барча қўшимча киритилган маълумотлар, ўтказишлар, ҳисобдан чиқаришлар ва активлардаги бошқа ўзгаришлар ҳақидаги маълумотларни бериш учун қўлланилади. Бу эса активлар ҳисобининг аниклигини таъминлайди. Ундан ташқари, Асосий

воситалар модули максимум солиқ имтиёзларига эга бўлиш ва ортиқча соликлар тўлашни олдини олиш имконини беради.

Бюджетлаштириш модулининг бухгалтерия билан интеграциялашуви бюджетлаштиришнинг автоматлаштиришни ахборот тизими доирасида соликларни бюджетлаштириш имкониятини яратади.

Барча учта модуллар компаниянинг контрагентлари ўртасидаги маълумотлар оқимини автоматлаштириш вазифасини бажаради. Биринчисида бу мазкур компанияга қурилма ва хизматлар етказиб берувчилар, иккинчи ҳолатда унинг мижозлари, учинчи сида эса ўзи ички активлари эгаси сифатида ўртага чикади. Функционал сифатида улар анча ўхшаш (маълумотлар оқими харатати йўналиши ва ҳусусиятидан ташқари), улардан бюджетлаштириш модулига келиб тушадиган маълумотлар маълум бир даражада истиқболдаги прогноз бюджет учун катта аҳамият касб этади.

Мазкур қўлланилаётган воситанинг функциялари хақида юқорида таъкидлаб ўтилган фикрлар якуни сифатида шуни қайд этиш керакки, Кредиторлар ва Дебиторлар модуллари аслида пул маблағлари кирими ва чиқими ҳақидаги ҳисботни тузиш учун базис, Асосий воситалар модули эса компания балансидаги қурилмалардан фойдаланилишини ҳисобга олиш ва назорат қилиш базиси ҳисобланади. КАТ доирасида БААТни мазкур модуллар билан интеграциялашуви прогноз бюджетлар тузиш ва уларга тузатишлар киритиш жараёнини янада тезкор ва самарали бўлишини таъминлайди. Щундай экан, бюджетлаштириш жараёнларини автоматлаштиришнинг ахборот тизимини жорий этиш боскичларини вазифалари куйидаги тартибда амалга оширилиши мумкин:

- тизимни (параллел серверлар тизимини) тест тартибida синовдан ўтказиш;
- БААТ тизимидағи майда камчиликларни бартараф этиш;
- компаниянинг алоҳида таркибий бўлимларини БААТ модулини кўллашга босқичма-босқич ўтказиш;
- компаниянинг ўзаро боғланган бўлинмалари (бюджетлаштириш жараёнида қатнашувчи иқтисодга оид бўлинмалар) ўртасида маълумотлар оқими интеграциялашуви;
- тизимни саноат даражасида амалиётга татбиқ этиш ва унга техник хизмат кўrsatiш.

## ХУЛОСА

Тадқиқот пахта тозалаш корхоналарида бошқарув ҳисоби, шу жумладан бюджетлаширишни жорий этиш ва такомиллашириш масалаларига бағишенгандай. Олинган хулоса ва таклифлар асосида тармоқ корхоналарида бошқарув ҳисоби тизимида бюджетлаширишни самарали жорий этиш орқали бозор иқтисодиёти шароитида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконияти яратилади.

Тадқиқот натижасида эришилган асосий натижаларни кисқача куйидагича баён этиш мумкин:

1. Иқтисодий адабиётлар таҳлилига кўра бошқарув ҳисоби тарихан шаклланган ва илмий асосланган тизим бўлиб, ишлаб чиқариш шароитлари ўзгариши ва корхоналарнинг ташкилий шакллари ривожланиши натижасида юзага келган ва бу ҳолат уни бошқарув қарорлари қабул қилишнинг асосий воситаси сифатида юзага келишига олиб келди.

Тадқиқотлар бошқарув ҳисоби иқтисодчи-назариячилар ва муҳандис-амалийётчилар бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш қарорлари қабул қилиш учун ҳисоб маълумотлари зарурлигини тушуниб етган даврда яъни 100 йил олдин бухгалтерия ҳисобидан ажralиб чиққан деб ҳисоблаш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Тадқиқотда бошқарув ҳисоби бухгалтерия ҳисобини англо-америка моделининг элементи ҳисобланганлиги сабабли АҚШ тажрибаси кўриб чиқилди ва Америкалик бухгалтерларни бизнесни ташкил этишининг акционерлик шаклини ривожланиши сабабли ишлаб чиқариш харажатларига асосий эътиборини қаратиши ишлаб чиқариш харажатлари назоратининг комплекс тизимини шакллантиришга олиб келганлиги ҳамда у келгусида “Бошқарув ҳисоби” номини олганлиги илмий асосланди.

Ўрганишлар натижасида хорижда қўлланилаётган бошқарув ҳисобини учдан икки қисми нафақат мамлакатимиз мутахассислари учун таниш бўлган, балки улардан иқтисодиётда кенг ва самарали фойдаланилиб келинган, деган фикрга келинди.

2. Тадқиқотда бошқарув ҳисоби иқтисодий билимларни янги комплекс қисми эканлиги асосланди. Бошқарув ҳисобига оид барча таърифлар ўрганилиб муаллиф томонидан куйидаги таъриф шакллантирилди: бошқарув ҳисоби - корхонадаги умумий ҳисоб тизимининг четга чиқишлилар бўйича бошқарув усусларини кенг

құллаган ҳолда, бухгалтерия ҳисоби, тезкор-техник ва статистик ҳисоб функцияларини иқтисодий таҳлил, режалаштириш, назорат, тартибға солиш ва истиқболни белгилаш функцияси билан үзаро үйғунлигини таъминлайдиган қисми булиб, унга ҳаражатларнинг ҳосил бўлиш жойлари ва жавобгарлик марказлари бўйича ҳисобга олиш, ҳисобнинг илғор тизим ва усулларини яратиш ҳамда татбиқ этиш ҳам киради.

3. Бошқарув ҳисоби ҳам бошка фанларга ўхшаб, ўз предмети, обьекти, тамойили ва методларига эгадир ҳамда ривожланиш босқичидадир. Иқтисодий адабиётлар таҳлили натижасида бошқарув ҳисобини предмети, обьекти, мақсади, вазифалари, тамойиллари, функциялари ва методлари бўйича муаллифлик қарашлари шакллантирилди.

Ушбу қарашлар асосида тадқиқотда муаллиф томонидан пахта тозалаш корхоналари учун бошқарув ҳисоби тизими модели тузилди.

4. Муаллиф томонидан бошқарув ҳисобини ташкил қилиш соҳасидаги хориж тажрибаси чуқур тадқиқ этилиб, улардан тадқиқот обьекти бўлган пахта тозалаш корхоналарида фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Жумладан, ҳисобни интеграллашган тизими кичик бизнес корхоналарида, автоном тизимини эса деталлаштирилган ва алоҳида юритиладиган бошқарув ҳисобини жорий этиш зарур бўлган йирик ва ўрта корхоналарда қўллаш керакли самара бериши асосланди.

5. Диссертацияда амалиётни чуқур ўрганиш ва ихтисосликка оид адабиётларни таҳлил қилиш натижасида замонавий ахборот технологиялари воситалари ҳисобни ягона тизимида турли ҳисоб турлари (бухгалтерия, солиқ, бошқарув)ни юритиш имконини бериши туфайли бухгалтериянинг “бошлангич маълумотларини” бошқарув тизимида кайта ишлаш учун параллел бўлимни очиш ўрнига фаолият кўрсатаётган штатдаги ходимлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Шундан келиб чиқиб, тадқиқот обьекти бўлган пахта тозалаш корхоналарида 2016 йилда тасдиқланган бошқарув аппарати ташкилий тузилмасига ўзgartириш киритиш ва янги “бошқарув ҳисоби” бўлимини ташкил этиш зарурлиги асосланди.

6. Мамлакатимизда ҳам жаҳон амалиётидагига ўхшаб бошқарув ҳисоби соҳасида фаолият кўрсатувчи мутахассислар учун бухгалтер-аналитик терминини қўллаш керак. Ушбу термин бошқарув

хисоби бухгалтери касбининг ҳусусияти (ҳисоб маълумотлари) ва фаолияти мазмунини (таҳлил қилиш орқали қарор қабул қилиш учун зарур маълумотларни етказиб бериш) тўлиқ очиб беради. У нафақат харажатларни ҳисобга олиш билан, балки маблагларни сарфланишини таҳлил қилиш, истиқболини белгилаш, улардан самарали фойдаланилишини назорат қилиш билан ҳам шуғулланиши ва энг муҳими оддий ҳисобчидан стратег, инноватор ва танқидий фикрловчи мутахассис даражасига қутарилиши кераклиги асосланди.

7. Тадқиқотларни кўрсатишича, бошқарув ҳисоби тизимини жорий этиш мураккаб ва узок давом этувчи жараён ҳисобланади. Олимлар бошқарув ҳисобини жорий этишни соддалаштирилган вариантини тавсия қилмоқда. Тадқиқотда ўрганишлар натижасида пахта тозалаш корхоналарида бошқарув ҳисобини жорий этишда россиялик иқтисодчи олима Н.Чупахина тавсия этган соддалаштирилган вариантдан фойдаланиш мақсаддага мувофиқ деб топилди.

8. Бошқарув ҳисоби маълумотлари тижорат сири бўлғанлиги сабабли тижорат маълумотларини муҳофаза қиласдан пахта тозалаш корхоналарида бошқарув ҳисобини самарали ташкил этиш мумкин эмас. Бунинг учун эса тижорат сири тартибини ташкил қилиш, яъни маълумотлар махфийлигини таъминлаш бўйича ҳуқукий, ташкилий, техник ва бошқа чора-тадбирларни ишлаб чиқиш зарур. Ундан ташқари, “Ўзпахтасаноат” АЖ томонидан 2016 йил 30 июнда тасдиқланган “Ўзпахтасаноат” акционерлик жамиятини ахборот сиёсати ҳақидаги” низомда маълумотларни тижорат сирига киритиш, ундан фойдаланишга руҳсат бериш тартиби ва шартлари жамият томонидан Ўзбекистон республикасини “Тижорат сири ҳақидаги” қонуни ва бошқа қонунчилик хужжатлари асосида ишлаб чиқилади, деб таъкидланган.

Бу эса пахта тозалаш корхоналари учун тегишли низом ишлаб чиқишини тақозо қиласди.

Шу сабабдан тадқиқотда тегишли меъёрий хужжатлар асосида тижорат сири режими ҳақидаги намунавий низом ишлаб чиқилди ва тавсия килинди.

9. Бошқарув ҳисобини ташкил этиш давлат томонидан тартибга солинмаганлиги учун корхоналар томонидан унга оид тартибқоидалар бошқарув ҳисобига оид низом кўринишида ишлаб чиқилиши ва жорий этилиши лозим. Ушбу низом корхоналарнинг муҳим ички меъёрий хужжатларидан бири ҳисобланади. Тадқиқотда

иктисодий адабиётлар чуқур таҳлил этилиб ва амалиётни ўрганиш асосида бошқарув ҳисоби тұғрисидаги намунавий низом ишлаб чиқылды ҳамда таклиф қилинди.

10. Бошқарув ҳисоби тизими келажакда муваффақиятга эришишда мұхим рол үйнайдиган молиявий бұлмаган күрсаткичлар: тайёр маҳсулотнинг сифати, доимий мижозларни буюртмаларини даврийлиги, маркетинг ташаббусларига мижозларни зътибор бериш муддати, логистика самарадорлиги, янги маҳсулотларни яратиш ва бозорга олиб чиқыш муддати ва х.к.ни акс эттиришга күпрок зътибор қаратаishi керак.

Тадқиқотда бошқарув ҳисобини истиқболи күпчилик үйлағанидек таннархни калькуляциялаш билан эмас, балки сотиш баҳосини калькуляциялаш билан боғлиқdir, чунки бу маҳсулот (товарлар, хизматлар)ни бозорга олиб кириш ва бизнесда пешкадамлик мавқеини эгаллашда айникса мұхим аҳамиятта әгалиги илмий асосланди.

11. Бюджетлаштиришнинг моҳиятини чуқур англаш учун аввал унинг бошқарув ҳисобидаги ўрни ва ролини аниқлаб олиш зарур. Муаллиф тадқиқотда бу борадаги иктисодий адабиётларни таҳлил қилиб бюджетлаштиришга бошқарув ҳисобини ажralmas bir қисми сифатида қараётган олимларнинг фикрларига қўшилишни лозим деб топган. Чунки бошқарув ҳисобида бошқарув мақсадлари учун ҳақиқий маълумотлардан ташқари, прогнозлаштириладиган маълумотлар ва режалаштириладиган күрсаткичлардан фойдаланилади. Шунинг учун ҳам бюджетлаштириш бошқарув учун ўта мұхим бўлган режа маълумотларини етказиб берувчи тизим сифатида пахта тозалаш корхоналарида бошқарув ҳисобининг ажralmas қисми ҳисобланади.

12. Бюджетлаштириш бутунлай янги восита эмаслиги ва бошланғич асослари қадимги цивилизация даврида шаклланганлиги ҳамда юзага келишига назорат-превентив ахборот таъминотига бўлган эҳтиёжнинг пайдо бўлиши сабаб бўлганлиги илмий жиҳатдан асосланди.

Шу билан бирга бюджетлаштиришни юзага келиш тарихи узок даврни ўз ичига олса-да фақатгина бозор иктисодиёти шароитида тўлақонли ривожланганлиги очиб берилди.

13. «Бюджет» ва «Бюджетлаштириш» атамаларига оид хорижий ва мамлакатимиз олимларининг таърифлари тадқиқ этилиб, муаллиф таърифи ишлаб чиқылди. Унга кўра «Бюджет нафақат

даромад ва харажатларнинг батафсил режаси, балки молиявий рискларни ҳисобга олган ҳолда талаблар ва мажбуриятларни бошқариш, режалаштиришнинг самарали воситаси ҳамда ходимларни рағбатлантириш тизимининг асоси ҳам ҳисобланаб, корхонанинг максимал молиявий барқарорлик ва молиявий самарадорликка эришиши учун шакллантирилади ва у асосида тактик ҳамда стратегик қарорлар қабул қилинади».

«Бюджетлаштириш режалаштириш, ҳисобга олиш, назорат ва таҳлил қилиш жараёнларини бир тизимга бирлаштирувчи аҳборот тизими бўлиб, бошқарувнинг энг мураккаб, муҳим функцияларидан бири ҳисобланади ва истиқболда кўзланган мақсадларни тизимли белгилаш ҳамда уларга эришиш учун керакли тадбирларни ишлаб чиқиш демакдир».

14. Тадқиқотда пахта тозалаш корхоналарида бюджетлар тузиш шакллари тармоқ хусусиятидан келиб чиқиб, қиёсий белгилари ва мезонларига кўра таснифланиши мақсадга мувофиқ деб топилди.

15. Амалиётни ўрганиш пахта тозалаш корхоналарида бюджетлаштиришнинг жорий этишни самарали бошқарув тизимисиз амалга ошириб бўлмаслигини кўрсатди. Шу сабабли пахта тозалаш корхоналари ва вилоятлардаги ҳудудий филиалларда бюджетлаштириш масалалари билан шуғулланиш учун доимий фаолият юритувчи консультатив гурӯҳ мақомига эга бўлган алоҳида кенгаш – бюджетлаштиришни жорий қилиш ва таҳлил кенгашини тузиш кераклиги асосланди.

16. Амалиётни тадқиқ этиш бюджетлаштиришни самарали жорий этиш, амалга ошириш тартиби ва уни бошқарув тизимидағи роли ҳамда ўрнини белгилаш учун тегишли низом ишлаб чиқилиши лозимлигини кўрсатди. Шу сабабли тадқиқотда тармоқнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда пахта саноати корхоналари учун “Бюджетлаштириш ҳақида”ги намунавий низом ишлаб чиқилди ва тавсия этилди.

17. Пахта тозалаш корхоналари учун тармоқ ишлаб чиқариш технологиясини ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда бюджетлаштириш тизимини жорий этиш услубияти таклиф қилинди.

18. Иқтисодий адабиётлар таҳлили бюджетлар тузиш кетма-кетлиги масаласи иқтисодчи олимлар томонидан кенг ёритилганлиги, бироқ, бу масалада ягона бир фикрга келинмаганлигини кўрсатди. Пахта тозалаш корхоналарининг хусусиятидан келиб

чиқиб, бюджетлар тузиш кетма-кетлигини пахта хомашёсини тайёрлаш бюджетидан бошлаш кераклиги асослаб берилди.

19. Бош бюджет корхонанинг турли режаларини боғловчи бўғин бўлиб, белгиланган мақсадларга эришиш учун зарур бўлган мазкур режаларни молиявий ва микдорий ифодаланишини билдиради ва барча бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштиради. Шунинг учун тадқиқотда пахта тозалаш корхоналарида бош бюджетни операцион, инвестиция (инновация), маҳсус ва йигма бюджетлардан ташкил топиши мақсаддага мувофиқ деб топилди.

Тармоқнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, пахта тозалаш корхоналарида бош бюджетни тузиш технологияси ва чизмаси ишлаб чиқилди.

20. Бюджетлаштириш жараёнини пахта тозалаш саноати корхоналари учун қишлоқ ҳўжалиги тармогининг мавсумийлиги ва бюджетлар тузишнинг муддатларига мос ҳолда амалга ошириш тартиби тавсия қилинди. Бунда статик бюджет, мослашувчан бюджет ва ҳақиқий бюджетлар тузиш тартиби ишлаб чиқилди.

21. Бюджет кўрсаткичлари бажарилишини аниқлаш учун бюджет назоратининг тегишли босқичлари ва воситалари ишлаб чиқилди.

Тадқиқотда четланишлар таҳлили ўрганилди ва нормативдан четланишларни таҳлил қилиш - менежерлар томонидан ҳақиқий ва мақсадли кўрсаткичлар ўртасидаги фарқларнинг манбанин тушуниб этиш учун кўлланиладиган тадбирлар мажмуудир, деган хуносага келинди.

Пахта тозалаш корхоналари учун бюджетлаштириш жараёнини баҳолаш ва контроллинги услубиёти ишлаб чиқилди.

22. Бюджет четланишларининг мухимлилик даражаси ва четланишлар бўйича бошқарув тадбирларининг асосий меъзонларини бюджетдаги ўзгаришлар кўрсаткичларига ҳам татбиқ этиш тавсия қилинди.

23. Тадқиқотда пахта тозалаш саноати корхоналарида бюджет бажарилиши иккита сабабга кўра: биринчидан, бюджетлаштириш контроллингини олиб бориш учун, иккинчидан, таҳлил жараёни бюджетлаштириш циклини узвий қисми ҳисобланганлиги сабабли ҳам чукур таҳлил қилиниши кераклиги асосланди.

Таҳлилда тармоқнинг ўзига хос хусусиятлари эътиборга олиниши, яъни пахта толаси чиқиши микдорининг ўзгаришининг товар маҳсулоти ҳажмига таъсирини нав ва синфлар бўйича алоҳида

ўрганиш, ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатини таҳлил қилишда навлилик коэффициенти ёхуд ўртача навлилик коэффициентидан фойдаланиш, пахта толасининг навлилик даражасини маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсири ва “Нав ўзгариши” ва “Пахтанинг тола бўйича навли таркиби” ўзгаришини таннархга таъсири алоҳида таҳлил қилиниши кераклиги кўрсатиб ўтилди.

24. Диссертацияда бюджет бажарилиши ҳақидаги ҳисоботлар тузиш бўйича универсал тавсиялар мавжуд эмаслиги таъкидланди. Бунда кўплаб омилларни доимий равишда ўрганиб бориш, таҳлил қилиш, графиклар чизиш ва муҳим маълумотларни ажратиб кўрсатиш ва молиявий бўлмаган кўрсаткичлар билан ҳисоботларни кенгайтиришга зътибор қаратиш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Пахта тозалаш корхоналари учун тадқиқотчи Е.Коба тавсия қилган ҳисобот шакллари асосида тармоқ ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бюджет бажарилиши ҳақидаги ҳисобот шакли тавсия қилинди.

25. Иктиносий адабиётлар ҳамда хориж тажрибаси тадқиқ этилиб, Ч. Хорнгрен, Ж.Фостер ва Ш. Датарларнинг услубияти асосида тармоқ корхоналари учун мослашувчан ва статик бюджетларни тузиш ҳамда улар бўйича четланишлар таҳлилини ўтказиш услубиёти ишлаб чиқилди.

26. Амалиётни ўрганиш корхона ва унинг бўлинмалари (масъулият марказлари) фаолиятини баҳолаш ва назорат қилиш учун мослашувчан бюджет маълумотлари етарли бўлмаслигини кўрсатмоқда. Шу сабабли тадқиқотда унга қўшимча равища назорат ва баҳолаш бюджетини тузиш кераклиги илмий жиҳатдан асосланди.

27. Тадқиқотда бюджетлаштириш жорий этилгандан сўнг доимий равища диагностика қилиниши ва келгусида оптималлаштириш (такомиллаштириш) учун бюджетлаштириш тизимини таҳлил қилиш услугига эга бўлиш лозимлиги асосланди. Бюджетлаштириш тизимини тегишли мезонлар бўйича таҳлил қилиш схемаси яратилди.

28. Диссертацияда пахта тозалаш корхоналарида тармоқнинг ўзига хос ҳусусиятларидан келиб чиқиб, операцион бюджетлар пахта хомашёсини тайёрлаш, қайта ишлаш ва сотиш бюджетларидан ташкил топиши асосланди.

29. Пахта хомашёсини тайёрлаш бюджетининг кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан ҳар йили

тасдиқланадиган пахта хомашёси тайёрлашнинг прогноз ҳажмларига асосан белгиланади.

Тармоқ корхоналарининг ўзига хос хусусиятларига кўра пахта хомашёси тўдасининг жамланиши, сакланиши ва қайта ишланиши амалдаги ўрнатилган тартибга биноан тола тури ва пахтанинг сифат кўрсаткичларига қараб ҳар бир фермер хўжалиги бўйича алоҳида амалга оширилади.

30. Пахта хомашёсини қайта ишлаш бюджетига пахта баланси, материал ва эҳтиёт қисмлар, материалларнинг сарфланиши, эҳтиёт қисмларни сарфланиши, бевосита меҳнат харажатлари ва умумишлаб чиқариш харажатлари бюджетлари киради. Тармоқ хусусиятидан келиб чиқиб, пахта хомашёсини қайта ишлаш бюджетини тузиш услугияти ишлаб чиқилди.

31. Операцион бюджетларнинг бошқа турлари каби пахта маҳсулотларини сотиш бюджети ҳам ўзига хос хусусиятларга эга, яъни маҳсулотни сотиш ва етказиб бериш тегишли меъёрий хужжатларда белгилаб берилган тартибда амалга оширилади.

Пахта тозалаш корхоналарида ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб сотиш бюджетида бошқа тармоқ корхоналарида фарқли равишда, ушбу бюджетни бир бўлими сифатида маҳсулот жўнаташиб ва чигит жўнатиш баланси тузилиши зарурлиги асосланди.

Сотиш бюджетини сотиш каналлари кесимида чоракларга бўлинган ҳолда тузиш тартиби тавсия этилди.

Пахта маҳсулотларини линг ва пахта чигити каби турларини сотишнинг хусусиятлари мавжуд ва мазкур хусусиятлар сотиш бюджетини тузишда эътиборга олиниши асосланди.

32. Тадқиқотда инвестиция харажатлари билан ишлаб чиқариш циклини бир-бирига боғлаш учун инвестиция режа-графиги тузилиши ва у инвестиция бюджети учун асос бўлиб ҳисобланиши таъкидланди.

Шунингдек, инвестиция бюджети лойихасини жорий этиш операцион бюджетларда тегишли ўзгартиришлар қилишга олиб келиши, ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини ошириши, харажатларни камайтириши асосланди.

33. Пахта тозалаш корхоналари фақатгина пахта хомашёсини тайёрлаш, қайта ишлаш ва маҳсус терминалларга етказиб бериш билан чегараланмайди, балки фермер хўжаликларига уруғлик чигит тайёрлаб бериш билан ҳам шуғулланади. Шу сабабли диссертацияда маҳсус бюджет тизимлари ичida энг муҳимларидан бири

урұғлік чигит тайёрлаш цехи бюджети ҳисобланиши асосланди ва бюджет тузиш услугияти тавсия этилди.

34. Пахта тозалаш корхоналарда куритиш-тозалаш цехи үз харажатларини даромадлари ҳисобига қоплаши, уни күрсатған хизмат қиймати корхона товар маңсулоти таркибига кирмаслиги ва фермер хұжаликларига хизмат күрсатиши туфайли мазкур цех бюджети алоҳида тузилиши зарурлығи асосланди ҳамда услугияти яратилди.

35. Пахта тозалаш корхоналари харажатлари таркибиде солик тұловлари катта улушга эга. Шу сабабдан, маңсус бюджеттинг бошқа турлари қаторида пахта тозалаш корхоналарыда солик бюджетини ҳам тузиш ҳамда унинг самарадорлигини баҳолаб бориш зарурати юзага келмоқда. Шу сабабдан тадқиқотда мазкур масалага алоҳида зәтибор қаратилди ва тадқиқотчи О.Чұхрова услугияти асосида пахта тозалаш корхоналари учун тегишли услугият шакллантирилди. Соликлар бюджетини четланишлар бүйича таҳлили услуги тавсия қилинди.

36. Тадқиқотда пахта тозалаш корхоналарыда йиғма бюджет үзіда пул маблағлари бюджети, даромад ва харажатлар бюджети ва прогноз бухгалтерия балансларини қамраб олиши асосланди. Ушбу бюджетлар тузиш услугияти тавсия қилинди.

Пул маблағлари бюджетини мутлоқ ликвидлилік, пул маблағи билан таъминланғанлық ва пул оқымларини етарлилиги коэффициентлари ёрдамида баҳолаш тавсия қилинди.

Пахта тозалаш корхоналари учун йиғма бюджетлар тузиш услугияти ишлаб чиқылди, тавсия этилди ва унга құшымча равиша пул маблағлари оқими прогнозини акс эттирувчи графикни тузиш мақсадда мувоғиқ деб ҳисобланди.

37. Тадқиқотда пахта тозалаш саноати корхоналарыда биринчидан, бюджетлаштиришни контроллингини олиб бориш учун, иккінчидан, таҳлил бюджетлаштириш циклининг узвий қисми ҳисобланғанлиги учун ҳам бюджет бажарилиши таҳлил қилиниши кераклиги асослаб берилди.

38. Бюджет бажарилиши таҳлилида қуйидагилар бүйича таҳлиллар үтказилишига оид тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқылди:

- пахта хомашёси тайёрлов бюджети бажарилишининг ассортимент бүйича ва намлиқ ва ифлослик бүйича таҳлили;

- тола чиқишининг маҳсулот ҳажмига таъсири ва ишлаб чиқарилган пахта толаси синфларга тақсимланишини маҳсулот баҳосига таъсири таҳлили;

- ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатини навлилик коэффициенти ёхуд ўртача навлилик коэффициенти ёрдамида таҳлил қилиш;

- пахта хомашёсидан тола чиқиши ва пахта хомашёсининг пахта навидан саноат навларига ўтишини маҳсулот таннархига таъсири таҳлили;

- ишлаб чиқарилган маҳсулот ва сотилган маҳсулот ҳажмининг киймат ва натурал бирликлардаги бюджет кўрсаткичлари ҳамда ўтган йилга нисбатан бажарилишининг таҳлили;

- фойда ва унинг микдорига тола сифати (тола чиқиши, пахта навидан саноат навига ўтиши ва синфларга тақсимланиши)нинг таъсири таҳлили;

- маҳсулот рентабеллигини алоҳида селекцион нав, саноат нави ва синфи бўйича таҳлили.

39. Тадқиқотлар ҳеч бир дастурий маҳсулотлар универсал бўлиб ҳисобланмаслиги ва унда мулкчилик шакли, фаолият тури, корхонада қабул қилинган ҳисоб сиёсати, бизнеснинг таркиби ва бошқа омиллар ҳисобга олинмаслигини кўрсатди. Шунинг учун ҳам улар мослашувчан бўлиши ва корхоналарнинг ўзига хос хусусиятларига мослаштирилиши зарурлиги асосланди.

40. Бюджетлаштиришни жорий қилишнинг ажралмас ва муҳим босқичларидан бири автоматлаштириш ҳисобланади. Бюджетлаштириш жараёнларини автоматлаштириш бюджетларни тузиш, уларга керакли тузатишлар киритиш ва ички ҳисботларни шакллантиришга кетадиган ҳаражат ва вақт сарфини камайтириш, керакли маълумотларни олиш тезкорлигини таъминлаш ҳамда ихтисослашган инструментал воситалардан кенг фойдаланиш орқали таҳлил қилиш имкониятларини кенгайтириш, бўлимларни корхонанинг умумий молиявий натижасига кўшган хиссасини самарали баҳолаш ва улар фаолиятини оқилона баҳолаш имкониятини яратади. Автоматлаштиришни керакли маълумотларни тезкор олиш, аналитик имкониятларни ривожлантириш, корхонада ягона ахборот маконини яратиш, четланишлар ҳақида хабар беришни фаол тизимиға эга бўлиш, мутахассисларни маълумотларни излаш ва қайта ишлаш бўйича меҳнат ҳаражатларини камайтириш каби кўпгина афзаликлари ҳам бор. Шунинг учун ҳам бошқарув ҳисоби тизимида

бюджетлаштиришни тұлақонли тизимини жорий күлганды албатта мазкур жараёнларга АҚТни көнг жорий этиш ва компьютер дастури шаклида амалға ошириладиган компания моделинің үзіде ифодалайдын ахборот тизимларини танлаш керак.

41. Бюджетлаштиришнинг ахборот тизимини самарады жорий этиш учун корхонадаги бошқарув маданияттунда умумий даражаси билан боғлиқ күпгина омилларни баҳолаш зарур.

42. Бюджетлаштириш жараёнларини автоматлаштириш нафқат корхона молия – хұжалик фаолияттунда тезкор назорат қилишда, балки молиявий таҳдил соҳасыда ҳам катта имконияттар яратылышына олиб келади. Жумладан, пул маблағлари ҳаракати бюджети ёрдамида баш бухгалтер иммитацион модельлаштириш воситасынан зертталады. Унинг ёрдамида ҳозирги кунда ёки истиқболда амалға ошириладиган бирон-бир хұжалик жараёнини натижасын олдиндан ҳисоблаш имконига зертталады. Натижада, корхонанинг тұла молиявий ахборотлары шаффофлигига ершиллады.

# **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ**

## **I. Норматив-хукуқий хужжатлар**

1. Узбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Узбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони. Узбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 6(766)-сон, 70-модда.
2. Узбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 11 сентябрдаги ЎРҚ-374-сонли “Тижорат сири тўғрисида”ги қонуни. Узбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2014 й., 37-сон, 463-модда.
3. Узбекистон Республикаси Президентининг “Пахта толасини сотиш ва унинг учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тартибга солиш тўғрисида”ги 2006 йил 29 августдаги ПҚ-456-сон қарори. - ЎРҚХТ, 2006 й., 36-сон, 359-модда.
4. Узбекистон Республикаси Президентининг ““Узпахтасаноатэкспорт” холдинг компаниясини ташкил этиш тўғрисида”ги 2015 йил 27 октябрдаги ПФ-4761-сонли Фармони. Узбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2015 й., 43(699)-сон, 548-модда.
5. Узбекистон Республикаси Президентининг ““Узпахтасаноатэкспорт” холдинг компанияси фаолиятини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги 2015 йил 28 октябрдаги ПҚ-2422-сонли Қарори. Узбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2015 й., 44(700)-сон, 558-модда.
6. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 30 августдаги 286-сонли “Пахта толасини сотиш ва ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори. Узбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2016 й., 36-сон, 413-модда.
7. Узбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 11 сентябрдаги 293-сонли “2016 йилги пахта хомашёсини харид нархлари тўғрисида”ги қарори. Узбекистон Республикаси қонунлар тўплами. 2016 йил 37-сон, 430-модда.
8. Узбекистон республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасининг 2016 йил 21 июндаги 01/26-26/40-сонли “Ходимлари тижорат

сиридан фойдаланадиган корхона ва ташкилотлар учун тижорат сири режимига риоя этилиши бўйича намунавий низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги карори. -УР ҚҲТ, 2016 й., 30-сон, 370-модда.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий маълумотлари.

## **II. Монография ва илмий мақолалар**

10. Абдуғаниев А.А. Бошқарув хисобини ташкил этиш муаммолари, уларнинг ечимлари. – Тошкент: Тошкент молия институти, 2003, 275 б.
11. Алиқулов А.И. Харажатлар хисоби ва таҳлилиниң назарий ҳамда амалий масалалари. Монография. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2011, 188 б.
12. Богатый Д.В. Развитие методики управленческого учета и контроля в коммерческих организациях. Дисс на соис. учен. степ. канд. экон. наук. –М, 2002.
13. Боргояков А.С. Система плановых расчетов как основа формирования бюджета денежных средств фирмы. //Аудит и финансовый анализ, №5, 2013.
14. Булгакова С.В. Теория, методология и организация системы управленческого учета. Автореф. докт. дис. на соис. уч. степ. докт. экон.наук. –Воронеж, 2009.
15. Вахрушина М.А. Теория и практика бухгалтерского управленческого учета. Автореф. докт. дис. на соис. уч. степ. докт. экон.наук. -Москва. 2002.
16. Вахрушина М.А. Теория и практика бухгалтерского управленческого учета. Докт. дис. на соис. уч. степ. докт. экон.наук. -Москва, 2002.
17. Вахрушева О.Б. Организация управленческого учета за рубежом. //Аудит и финансовый анализ, №1, 2011.
18. Войко Д.В. Сущность управленческого учета и его место в управлении предприятием. //Управленческий учет, № 3, 2005.
19. Воронова Е.Ю. Институциональные основы управленческого учета (теория, методология, практика) [Текст] : Монография. - М. : Изд-во МГОУ, 2011, 358 с.
20. Горохова Н.А. Налоговое бюджетирование. //Аудит и финансовый анализ, №3, 2009.
21. Грибановский В.М. Концепция управленческого учета на современном этапе развития экономики России. //Управленческий учет, №1, 2005.

22. Гринкевич О.В., Иванников А.Е. Генезис теории и практики бюджетирования. //Техника и технология пищевых производств. №1, 2015.
23. Закирова А.Р. Методология и инструментарий управленческого учета в сельскохозяйственных организациях. Автореф. докт. дис. на соис. уч. степ. докт. экон. наук. -Казан, 2011.
24. Ибрагимов А.К. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби, аудити ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархини аниқлашни такомиллаштириш: иқт.фан.док. дис. ...автореф. – Т.: ЎзР БМА, 2002, 426.
25. Исроилов Б.И. Солиқлар ҳисоби ва таҳлили: муаммо ва ечимлари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2006, 272 б.
26. Каверина М.М. Управленческий учет: организация, методика, опыт внедрения. Дисс на соис. учен. степ. канд. экон. наук. –М, 2002.
27. Карпов А.Е. Новая стратегия автоматизации бюджетирования. //Финансовый менеджмент, №2, 2009.
28. Коба Е.Е. Формирование методологии системы внутреннего контроля в агропромышленных холдингах. Автореф. дисс. на соис. учен. степ. докт. экон. наук. - Москва, 2012.
29. Корнеева Т.А., Татаровская Т.Е. Математическое моделирование в управленческом учете. //Аудит и финансовый анализ, №1, 2013.
30. Ложкина С. Концепция формирования управленческой учетно-аналитической системы на основе информационной платформы МСФО. Докт. дис. на соис. уч. степ. докт. экон. наук. - Орел, 2015.
31. Маматов З.Т. Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисобот аудитини ўтказишни такомиллаштириш масалалари: иқт.фан.док. дис. ...автореф. – Т.: ЎзР БМА, 2005, 40 б.
32. Мизиковский И.Е. Генезис управленческого учета: теоретико – методологический аспект. Докт. дис. на соис. уч. степ. докт. экон. наук. - Нижний Новгород, 2006.
33. Мухина Е.Р. Теоретические аспекты бюджетирования как элемента ресурсного обеспечения управленческого учета. //Вестник Пермского университета, 2014, вып. 1(20).
34. Принципы эффективного бюджетирования. Дронченко О.Б. Финансовый директор, № 5, 2002.

35. Савин В.Ю. Выбор и внедрения программного продукта для автоматизации бюджетирования инвестиций и источников их финансирования. //Аудит и финансовый анализ, №1, 2011.
36. Сандрикова, Т.С. Организация управленческого учета в сельскохозяйственном производстве. Текст. - Рязань : изд-во РГСХА, 2002, 240 с.
37. Сидоров С.А. Организация бюджетирования в системе управленческого учета. Автореф. дисс. на соис. учен. степ. кан. экон. наук. - Москва, 2005.
38. Сухова Г.М. Роль системы бюджетирования в финансовом планировании промышленного предприятия на примере ФГУП Федеральный НПЦ «Радиоэлектроника» им. В.И. Шимко. //Аудит и финансовый анализ, №4, 2010.
39. Кудбиев Д. Бухгалтерия ҳисобининг келиб чиқиш ва ривожланиш босқичлари. //“Иқтисодиёт ва таълим”, № 7, 2012.
40. Курбонов З.Н. Солиқ ҳисоби ва аудитининг методологик муаммолари. Монография. - Т.: “Fan va texnologiya”, 2008, 156 б.
41. Үразов К.Б. Иктиносидиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалалари. – Т.: “Фан”, 2005, 236 б.
42. Харакоз Ю.К. Тенденции развития системы управленческого учета. //Аудит и финансовый анализ, №2, 2007.
43. Хахонова Н.Н. Концептуальные подходы к построению управленческого учета денежных потоков. //Управленческий учет, № 2, 2006.
44. Ҳамдамов Б.К. Узбекистон иқтисодиётининг ҳисоб ва ҳисбот тизимида аудиторлик назоратини ривожлантиришнинг услубий асослари: Иқт.фан.док. дис. ...автореф. - Т.: ЎзР БМА. 2007, - 33 б.
45. Ҳасанов Б. Бошқарув ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш масалалари. Иқт.фан.док. дис. ...автореф. -Т, 2003.
46. Ҳасанов Б., Аликулов А. Минтақавий пахта терминалларида пахта толаси ҳаракати ҳисобининг хусусиятлари. //“Иқтисодиёт ва таълим”. №1, 2010.
47. Ҳолбеков Р.О. Ишлаб чиқариш ҳисобини ташкил килиш тамойиллари ва услубиёти. Монография. – Тошкент: “ФАН”, 2005, 198 б.
48. Чупахина Н.И. Постановка системы управленческого учета в агрехолдингах. //Аудит и финансовый анализ, №3, 2008.

49. Чупахина Н.И. Теоретические основы создания системы управленческого учета в АПК. //Аудит и финансовый анализ, №5, 2007.
50. Чухрова О.В. Развитие управленческого учета в условиях бюджетирования (на примере машиностроительного производства). Дис. на соис. уч. степ. канд. экон.наук. - Ростов – на – Дону, 2008.
51. Шароватова Е.А. Развитие концепции управленческого учета в коммерческих организациях: (теория, методология, практика). Дис. на соис. уч. степ. докт. экон.наук. - Ростов-на-Дону, 2012.
52. Шумейко М.В. Методология стратегического учета в строительстве. //Научно-теоретический журнал. -2011, выпуск 12.
53. Щегловская Ю.А. Бюджетирование как инструмент эффективного финансового планирования. - М.; Аудит и финансовый анализ, №1, 2010.
54. Федоткин Ю.Б. Подходы к автоматизации бюджетирования. //Аудит и финансовый анализ, №5, 2008.

### **III. Фойдаланилган бошқа адабиётлар**

55. Аньшин В.М. Бюджетирование в компании: Современные технологии постановки и развития: учебное пособие. / В.М. Аньшин, И.Н. Царьков, А.Ю. Яковleva-М.: Дело, 2005.
56. Акчурин Е.В., Солодко Л.П., Казин А.В. Управленческий учет. Учебное-практическое пособие. -М.: ТК Велби, Проспект, 2004. 480 с.
57. Алборов Р. Бухгалтерский управленческий учет (теория и практика). -М.: «Дело и сервис», 2005, 223 с.
58. Альтерман Г. Истоки бюджетирования. - М.: Финансы и статистика, 2001, 301 с.
59. Апчерч Алан. Управленческий учет: принципы и практика: Пер. с англ. -М.: Финансы и статистика, 2002, 952с.
60. Бернштайн Л.В. Анализ финансовой отчетности: теория, практика и интерпретация: Пер. с англ.– М.: Финансы и статистика, 2002, - 624 с.
61. Бертонеш М., Найт Р.. Управление денежными потоками. – Пб.: Питер, 2004, - 240 с.
62. Бобожонов О., Жуманиёзов К. Бошқарув ҳисоби. Дарслик. -Т. ТДИУ, 2005, 196 б.
63. Бригхем Ю. Финансовый менеджмент. [Текст] : в 2 т. / Ю. Бригхем, Л. Гапенски. – СПб. : Экономическая школа, 1997, т.2. 320 с.

64. Бюджетирования деятельности промышленных предприятий. – Волгоград.: ВГТУ, 2002, - 143 с.
65. Ван Хорн Дж. К. Основы управления финансами: Пер. с англ.– М.: Финансы и статистика, 2000, 800 с.
66. Васильев А. А. Бюджетирование деятельности промышленных предприятий. - Волгоград : ВГТУ, 2002, 143 с.
67. Вахрушина М.А. Бухгалтерский управленческий учет: Учебник. – М.: Омега-Л, 2006, 576 с.
68. Вахрушина, М. А. Стратегический управленческий учет : Полный курс МВА [Текст] / М. А. Вахрушина, М. И. Сидорова, Л. И. Борисов. – М. : Рид Групп, 2011, - 192 с.
69. Волкова О.Н. Управленческий учет: Учеб. – М.: ТК Велби; Изд-во Проспект, 2005.
70. Воронова Е.Ю. Управленческий учет. Учебник. –М.: Изд. Юрайт, 2011.
71. Гарифуллин К.М. Управление затратами. Учебн. пособие. — Казань, КГФЭИ, 2005, 316 с.
72. Гаррисон Р., Норин Э., Брюэр П. Управленческий учет. 12-е изд. / Пер. с англ. под ред. М.А.Карлика. – СПб.: Питер, 2012, 592 с.
73. Дикки Т. Бюджетирование малого бизнеса. Пер. с англ. - М.: ООО «Издательство Полигон», 1999, 240 с.
74. Дугельный А. П., Комаров В. Ф. Бюджетное управление предприятием. Учеб.- практ. пособие. - М.: Дело, 2007, 432 с.
75. Дусмуратов Р.Д. Аудит асослари. Дарслик. – Т.: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”, 2003, - 612 б.
76. Ермакова Н.А. Бюджетирование в системе управленческого учета. - М.: Экономистъ, 2004, 187 с.
77. Жарикова Л.К. Управленческий учет. -Тамбов. Издательство ТГТУ, 2004.
78. Иванов В.В. Управленческий учет для эффективного менеджмента. / В.В.Иванов, О.К.Хан. - М.: ИНФРА-М, 2007, 208 С.
79. Ивашкевич В.Б. Бухгалтерский управленческий учет. Учеб. для вузов. - М.: Экономист, 2004.
80. Ивашкевич В. Б. Бухгалтерский управленческий учет [Текст] / В. Б. Ивашкевич. –М. : Экономист, 2003, 618 с.
81. Карпов А.Е. Книга 1. Бюджетирование как инструмент управления [Текст] / А.Е. Карпов. - М.: Глобус, 2005, 399 с.
82. Карпова Т.П. Управленческий учет. Учеб. для Вузов. -2-е изд., перераб. и доп. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2004, 351 с.

83. Керимов В. Э. Бухгалтерский управленческий учет. Учебник. – М.: Дашков и К, 2009, 477 с.
84. Колесников С.Н. Стратегия бизнеса. Управление ресурсами и запасами. - М., 2000.
85. Кондраков Н.П. Бухгалтерский (финансовый, управленческий) учет. Учебник. Второе издание, переработанное и допол. Проспект. - Москва, 2011.
86. Красова О.С. Бюджетирования и контроль затрат: теория и практика. - Омега-Л, 2008.
87. Кукукина И.Г. Управленческий учет. - М.: Финансы и статистика. 2005, 400 с.
88. Николаева С. А. Управленческий учет. - М.: ИПБ-БИНФА, 2002, 176 с.
89. Ментленд И. Бюджетирование для нефинансовых менеджеров / Пер. с англ. - Днепропетровск: Баланс клуб, 2002.
90. Мизиковский Е.А. Генезис управленческого учета на отечественных предприятиях. – М.: Экономистъ, 2006.
91. Палий В. Ф. Управленческий учет. – М.: Финансы и статистика, 2007.
92. Пардаев А.Х., Пардаев Б.Х. Бошқарув ҳисоби. Рисола. –Т.: “Ғулом” нашриёти, 2008.
93. Pardayev A.X., Pardayeva Z.A. Boshqaruv hisobi. Darslik. –Т.: G.Gulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2015.
94. Пардаев М.К. Иқтисодий таҳлил назарияси. – Самарқанд.: “Зарафшон”, 2001, 272 б.
95. Пахтани дастлабки қайта ишлаш. Ўқув қўлланма. Э.Зикриёвнинг умумий таҳрири остида. -Т.: “Мехнат”, 2002.
96. Рассказова-Николаева С.А., Шебек С.В., Николаев Е.А. Управленческий учет: учебн. пособие. – СПб.: Питер, 2013, 496 с.
97. Рыбакова О.В. Бухгалтерский управленческий учет и управленческое планирование. – М.: Финансы и статистика, 2005, 464 с.
98. Савчук В.П. Управление прибылью и бюджетирование. - М, 2005.
99. Соколов Я.В. Бухгалтерский учет: от истоков до наших дней: учебн. пособие. - М.: Аудит; ЮНИТИ, 1996, 638 с.
100. Суйц В.П. Управленческий учет. Учебник. - М.: Изд. Высшее образование, 2007.
101. Супрунова Е.А., Миерманова С.Т. Учет затрат, калькулирование и бюджетирование в автотранспорте: учебное пособие. – Омск: Изд-во ИП Погорелова Е.В., 2009.

102. Ткач В.И. Управленческий учет: международный опыт. / В.И.Ткач, М.В.Ткач. -М. Финансы и статистика, 1994.
103. Управленческий учет: Учебное пособие/Под редакцией А.Д. Шеремета. - М.: ИД ФБК-ПРЕСС. 2000, 512 с.
104. Управленческий учет: Учебник /Под редакцией А.Д. Шеремета. - М.: ИД ФБК-ПРЕСС, 2005.
105. Xасанов В.А., Xашимов А.А. Boshgqарув hisobi. Darslik. – Т.: “Cho`lpon”, 2013, 312 б.
106. Xасанов Б.А., Xашимов А.А. Бошқарув ҳисобида бюджетлаштириш. - Т.: Үқитувчи, 2004.
107. Xашимов А.А., Мажидов А.А. Пахта тозалаш корхоналарида бухгалтерия ҳисоби. Үқув қўлланма. –Т.: «ШАРҚ» НМАК. 2013, 240 б.
108. Хоуп Джерими. За гранью бюджетирования. Как руководителям выбраться из ловушки ежегодных планов/ Джерими Хоуп, Робин Фрейзер; пер. с англ. Р.В. Кащеева. -М., СПб: Вершина, 2007, 272 с.
109. Хонгрен Ч. Управленческий учет. [Текст]. Ч.Хонгрен, Дж.Фостер, Ш.Датар. - СПб. :Питер, 2007. 1008 с.
110. Хруцкий В.Е., Сизова Т. В., Гамаюнов В. В. Внутрифирменное бюджетирование: Настольная книга по постановке финансового планирования. - 2-е изд., перераб. и доп. -М.: Финансы и статистика, 2007, 176 с.
111. Чая В.Т., Чупахина Н.И. Управленческий учет. -М. Эксмо, 2009, 480 с.
112. Шим, Дж. К. Основы коммерческого бюджетирования: Полное пошаговое руководство для нефинансовых менеджеров / Дж. К. Шим, Дж. Г. Сигел ; пер. с англ. - СПб. : Азбука, 2001, 474 с.
113. Шим, Джай К. Основы бюджетирования и больше. Справочник по составлению бюджетов : пер. с англ. /Джай К. Шим, Джайл Г. Сигел; под общ. ред. В. А. Плотникова. - М : Вершина, 2007.
114. Шим Д. К., Сигел Д. Г. Основы коммерческого бюджетирования. / Пер. с англ. - СПБ.: Пергамент, 1998, 496 с.
115. Щиборщ К. В. Бюджетирование деятельности промышленных предприятий Росси. - М.: Дело и сервис, 2005, 544 с.
116. [www.uzpaxta/uz](http://www.uzpaxta/uz).
117. [www.sifat/uz](http://www.sifat/uz).

## ИЛОВАЛАР

1-илова

### Бошқарув хисобининг ривожланиш босқичлари

<b>Ф.И.Ш</b>	<b>Босқичлар</b>	<b>Босқичларнинг талкини</b>
Суйц В.П. <sup>31</sup> , Иванов В.В. <sup>32</sup> , Хан О.К.	1950 йилгача	Бюджетлаштириш ва таннархни калькуляциялаш методларини қўллаш орқали харажатларни ўлчаш ва молиявий назорат килиши
	1950-1985 йй.	Қарорлар қабул қилиш учун таҳлил ўтказиш ва маъсуллият марказлари бўйича ҳисобга олиш каби методларни қўллаш орқали бошқарув режалаштирилиши ва назорати мақсадлари учун маълумотлар тақдим этиш
	1985-1995 йй.	Харажатлар бошқарувининг жараёнли таҳлили ва аникрок методларидан фойдаланиш орқали бизнес-жараёнларга жалб килинган маблағлардаги йўқотишларни камайтириши
	1995 йилдан – х.в.	Маблағлардан самарали фойдаланиш, қиймат кўрсаткичларини баҳолаш ва режалаштириш методларини қўллаш, ташкилий инновациялар ва билимларни капиталлаштиришни бошқариш орқали қўшимча қиймат яратилишини бошқариш (В.Суйц).  Самарали маблағ таъминоти, прогнозлаштириш, баҳолаш, режалаштириш, баланслаштирилган баҳолаш кўрсаткичларини назорат килиш орқали мақсадли харажатлар, ўзгаришлар ва билимлар бошқарви жараёнини таъминлаш (О.Хан)
Ткач <sup>33</sup> В.И., Ткач М.В.	XIX асрнинг охири	Саноат бухгалтерияси
	Иккинчи жаҳон уруши	Аналитик бухгалтерия

<sup>31</sup> Суйц В.П. Управленческий учет. Учебник. Изд. Высшее образование. 2007. С.9-10.

<sup>32</sup> Иванов В.В. Управленческий учет для эффективного менеджмента. / В.В.Иванов, О.К.Хан. –М.: ИНФРА-М, 2007. -208 С.

<sup>33</sup> Ткач В.И. Управленческий учет: международный опыт. / В.И.Ткач, М.В.Ткач. –М. Финансы и статистика. 1994. С.5.

	бошлангунга кадар бўлган давр	
	1953 йилгача	Бошқарув бухгалтерияси
	1975 йилгача	Маржинал бухгалтерия (оддий ва таком- миллашган директ-костинг)
	1975 йилдан	Стратегик бухгалтерия
Шумейко <sup>34</sup> М.В.	200 йил олдинги давр	Ҳисобнинг оддий, буюртмали, жараён- ли ва бўлимли методларининг таркали- ши, харажатларнинг ҳосил бўлиш жой- лари бўйича ҳисобини ташкил қилиш
	100 йил олдинги давр	Турли даврларда хар хил давлатларда меъёrlаштиришнинг ривожланиши, ҳи- собни стандарт-костинг, оддий ва таком- миллашган директ-костинг, норматив методлари, контроллингни пайдо були- ши билан боғлиқдир
	30 йил олдинги давр	Бошқарув ҳисобини функционал ме- тодлари (ABC, кийматни яратиш зан- жири, ўз муддатида ва х.к.)
	20 йил олдинги давр	Мавжуд маблағлар, захира тизими, риск ва бошка долзарб муаммоларни бошқариш
	15 йил олдинги давр	Ташқи омилларни корхона кийматига таъсирини бошқариш орқали стратегик бошқарув ҳисоби ва ҳисобни бошка мустақил турлари тизимини яратиш
Ложкина С. <sup>35</sup>	1494 йилгача бўлган давр ва ўрта асрлар	Хўжалик муносабатларининг ривож- ланиши ва алмашув жараёнлари оқиба- тида дастлаб хўжалик ҳисоби, сунгра калькуляция ҳисоби пайдо бўлган. Ўрта асрларга келиб эса сотилаётган товар- ларнинг таннархини калькуляциялаш эҳтиёжи туғилган.
	XVIII асрнинг охири - XX асрнинг ўрталари	Бу даврда бошқарув ҳисобини элементлари шакллана бошланган

<sup>34</sup>Шумейко М.В. Методология стратегического учета в строительстве. /М.В.Шумейко. //Научно-теоретический журнал. -2011. Выпуск 12.

<sup>35</sup>С.Ложкина. Концепция формирования управлеченческой учетно-аналитической системы на основе информационной платформы МСФО. Докт. дис. на соис. уч. степ. докт. экон. наук.-Орел. 2015. 356-358. С.

	1972 йил	Бошқарув ҳисобини бухгалтерия ҳисобини мустакил тизимости сифатида расман тан олиниши. Америка бухгалтерлар уюшмаси томонидан бошқарув ҳисоби бўйича диплом бериш дастурини ишлаб чиқилиши ва шу асосида бухгалтер-аналитик квалификациясини берилиши
	1970-йилларнинг ўрталаридан тортиб то XX асрни 90-йилларини охиригача	Бошқарув ҳисоби тизимларини вариятивлиги ва стратегик бошқарув ҳисобини ажратилиши масаласи таддик этилган. Бошқарув ҳисобининг янги методлари: харажатларни ҳар томонлама бошқариш тизими (TCM), харажатларни фаолият турлари бўйича ҳисобга олиш (ABC) ёки дифференциялашган (функционал) ҳисоб, жараёнлар бўйича калькуляциялаш, баланслаштирилган кўрсаткичлар тизими (BSC), “уз муддатида” пайдо бўлиши, стратегик бошқарув ҳисобининг ривожланиши
Муаллиф талкини	1900 йилгача бўлган давр	XX асрнинг охирига келиб ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва айникса саноатни тез суръатларда ривожланиши бошқарув максадлари учун ҳисобни юритиш заруратини юзага келтирган, шу сабабли бошқарув ҳисоби элементлари тўлик шаклланган
	1900-1950 йй.	1900 йилларга келиб йирик корхоналарнинг кўпайиши бошқарув ҳисобининг кўпгина замонавий методларини ишлаб чиқилишига олиб келган. 1950 йилларга келиб хорижий олимларнинг ихтиrolари туфайли, бошқарув ҳисоби тўлик шаклланди. Бунга Спенсер А.Такер томонидан “таъриф-вақт-манина” деб аталувчи методнинг яратилиши туртки бўлди. Бу метод ишлаб чиқаришнинг масъулият марказлари миқёсида ҳар бир технологик жараёнларнинг харажатларини назорат килиш ва калькуляциялаш имконини берди

	1950-2000 йй.	Бу даврда бошқарув ҳисоби ривожланишига компьютер технологиялари ва глобал ракобат каби омиллар ўз таъсирини кўрсата бошлади, натижада харажатларни бошқаришнинг янги технологиилари фаолиятни таҳлил асосида калькуляциялаш ва “уз муддатида” (ЛТ) бошқарув тизими ва унга мос ҳисоб методлари жумладан, “тескари оқим” орқали калькуляциялаш яратилди. 1995 йилга келиб эса қиймат кўрсаткичларини баҳолаш ва режалаштириш, ташкилий инновацияларни бошқариш ва билимларни капиталлаштириш каби илғор усулларни қўллаш ва маблағлардан самарали фойдаланиш туфайли қўшимча қийматни яратиш орқали бошқаришга ўтишга асосий эътибор каратила бошланди
	2000 й - х.в.	Бу боскичга келиб, бошқарув ҳисобини қўллаш чегараларининг кенгайиши ва фан-техникани ривожланишини тез суръатларда ўсиши ва мегаракобатнинг пайдо бўлиши билан обьектлари таркибига янги обьектлар қўшиш ва бошқарув ҳисобида статистика, информатика ва социология каби турли фанларнинг янги услубларидан фойдаланишни такозо этмоқда.

## Бошқарув ҳисобига оид таърифлар таҳлили

№	Олимларнинг Ф.И.Ш	Таърифларнинг мазмуни
1.	Аврова И. А.	Бошқарув ҳисоби корхона миқёсида бошқариш учун керак бўладиган барча турдаги маълумотларни ўзида камраб олади. Бошқарув ҳисобининг асосий мақсади корхона миқёсида назорат қилиш ва ахборот билан таъминлаш бўлганилиги учун ҳам у моделларга эга, бирок унинг тартиб ва қоидаларини корхоналарнинг ўзлари мустакил равишда ишлаб чиқади
2.	Карпова Т.П.	Бошқарув ҳисоби тезкор бошқарув қарорлари қабул қилиш ва келгусида ривожлантириш муаммоларини мувофиқлаштириш учун харажат ва даромадларни ҳисобга олиш, нормалар белгилаш, режалаштириш, назорат ва таҳлил қилиш, маълумотларни бир тизимга солишининг интеграллашган тизимиdir
3.	Алборов Р.	Бошқарув ҳисоби бухгалтерия ҳисобининг бир қисми(тизимиости) бўлиб, хўжалик жараёнларини (таъминот, ишлаб чиқариш, сотиш) ҳақконий қайд этиш ҳамда ички истеъмолчиларга назорат, таҳлил этиш, бошқарув қарорлари қабул қилиш, тартибга солиш, режалаштириш ва прогнозлаштириш учун керак бўладиган маълумотларни тайёрлаш ва тақдим этиш каби вазифаларни бажаради
4.	Килоуф Л., Лейнигер В., Ройборн С.	Бошқарув ҳисоби корхона маблағларидан ходимлар томонидан самарали фойдаланиш бўйича доимий жавобарликни таъминлаш учун корхона бошқаруви томонидан ўз фаолиятини режалаштириш ва назорат қилиш мақсадида ишлатиладиган молиявий маълумотларни аниқлаш, ўлчаш, жамлаш, таҳлил этиш, кайта ишлаш, изоҳлаш ва айрибошлиш жараёниdir.
5.	Арнольд Ж., Хоуп Т.	Бошқарув ҳисоби корхонанинг ички маблағларини таксимлаш йўллари ва усуслари ҳакидаги бошқарув қарорларини қабул киладиган менежерлар учун маълумотларни жамғарадиган ва кайта ишлаб берадиган тизимdir
6.	Хорнгрен Ч.,	Бошқарув ҳисоби тизими маълумотларнинг ички

	Фостер Ж., Датар С.	истеъмолчилари учун керак бўлиб, корхонанинг олдига қўйган мақсадларига эришишида менежерларга керак бўладиган молиявий ва бошка турдаги маълумотларни ўлчайди ва қайта ишлайди. Бошқарув ҳисобининг асосий ғояси “турли мақсадлар учун ҳар хил ҳаражатлар” тамойили ҳисобланади
7.	Кукукина И.Г.	Бошқарув ҳисоби – корхона ичидағи ҳисоб, режалаштириш, назорат ва баҳолаш, ташкил этиш, рағбатлантириш ва ҳаракатларни мувофиқлаштириш бўйича аҳборот алоқалари функцияларининг ишлатиладиган жараёндири. У ўзида раҳбариятга ўз функцияларини бажариши учун керак бўладиган маълумотларни аниклаш, ўлчаш, тўплаш, таҳлил қилиш, тайёрлаш ва узатишни тизимли ёндашувини намоён этади.
8.	Жарикова Л.А.	Бошқарув ҳисоби маълумотларни ички истеъмолчилари учун корхона фаолиятини оптималлаштириш ва бўлғуси ривожланишини мувофиқлаштириш учун керакли анализатор маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва тақдим этишининг интеграллашган тизимиридири
9.	Волкова О.	Бошқарув ҳисоби корхонанинг барча мақсадларига эришишга йўналтирилган бошқарув карорларини қабул қилишга мўлжалланган аҳборот алмашинуви тизимиридири
10.	Николаева С.А.	Бошқарув ҳисоби ҳўжалик фаолияти натижалари ва ҳаражатлар ҳақидаги маълумотларни обьектларни бошқариш учун керакли кесимда тўплаш, режалаштириш, назорат ва таҳлил қилиш ва улар асосида корхонанинг молиявий натижаларини оптималлаштириш мақсадида тезкор равишда турли бошқарув карорларини қабул қилиш тизимиридири
11.	Друри К.	Бошқарув ҳисоби – корхонанинг бошқарув ҳарактеридаги, яъни чора-тадбирларни кўллаш, режалаштириш, назорат, тартибига солиш фаолиятларини амалга ошириш учун зарурий бўлган маълумотларни тайёрлаш демакидир
12.	Гаррисон Р.Н., Норин Э.Ю.	Бошқарув ҳисоби – корхона фаолиятини назорат қиласидаган ва йўналтирадиган менежерларни аҳборотлар билан таъминлаш тизимиридири

13.	Палий В.Ф., Виль Р.В.	Бошқарув ҳисобининг моҳияти ишбилармөнлик фаолиятини бошқариш жараёнида менежерларга аскотадиган ёки зарур бўлган ахборотни тақдим этишдан иборат
14.	Вахрушина М.А.	Бошқарув ҳисоби бир вактнинг ўзида тадқиқотлар тизими ва соҳасини ўзида намоён этади. У корхона бошқариш тизимининг муҳим элементи, ҳисоб жараёни ва бошқарув ўртасида боғловчи халқа ҳисобланади
15.	Абдуганиев А.А.	Бошқарув ҳисоби – корхонанинг ички бошқарувчиларига давр талабларини эътиборга олган ҳолда самарали бошқаришда, режалаштиришда, таҳлил ва назорат этишида ҳамда зарур чоратадбирларни белгилашида, уларни корхона фаолиятида кўллашида зарур бўлган аник ҳисоб маълумотларни тезкор ҳолда етказиб берувчи тизимдир
16.	Янковский К.П., Мухар И.Ф.	Бошқарув ҳисоби корхона менежерлари (мулкдорлари) томонидан самарали, тезкор, тактик ва стратегик қарорларни кабул қилиш учун керак бўладиган маълумотларни кайд этиш, умумлаштириш ва тақдим этиш тизимини ифодалайди
17.	Воронова Е.Ю.	Бошқарув ҳисобини бошқарув, режалаштириш, назорат қилиш ва баҳолаш мақсадида корхона ва унинг таркибий бўлинмаларини хўжалик фаолияти хақидаги маълумотларни йиғадиган, қайд этадиган, умумлаштирадиган ва узатадиган бухгалтерия ҳисобини тизимости сифатида ифодалаш мумкин
18.	Чая В.Т., Чупахина Н.И.	Бошқарув ҳисоби – мақсади корхона бошқарувчиларига ўз вактида тегишли маълумотлар билан таъминлашдан иборат бўлган, режалаштириш, назорат ва таҳлил билан узвий боғланган корхонада қиска муддатга ва келажак даврга мўлжалланган бошқарув қарорларини кабул қилиш учун керак бўладиган маълумотларни кайд этиш, аниqlаш, бир тизимга солиш ва интерпретация қилиш тизимидир

**Бошқарув ҳисобининг предметига оид таърифларнинг қиёсий  
тахлили**

<b>№</b>	<b>Олимларнинг Ф.И.Ш.</b>	<b>Таърифларнинг мазмуни</b>
1.	Булгакова С. В.	Бошқарув ҳисобининг предметига нафакат харажатлар ҳисоби ва таннархни калькуляциялаш кириши керак, балки бюджетлаштириш, фаолиятни баҳолаш ва ҳоказоларни ҳам ўз ичига олиши керак
2.	Карпова Т.П., Мурунова И.А.	Бошқарув ҳисобининг предметига ўзида хўжалик маблағларини айланишини акс эттирувчи таъминот, ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнларининг йигиндиси киради
3.	Козин Е.Б., Козина Т.А.	Бошқарув ҳисобининг предметини ишлаб чиқариш маблағлари, хўжалик жараёнлари ва улар натижаларининг жамланмаси сифатида карашган
4.	Николаева С.А., Керимов В.Э.	Бошқарув ҳисобининг предметида энг асосийси бозор муносабатлари субъектлари ва улар бўлинмаларининг харажатлари ва натижаларидир
5.	Безрукых П. С., Бахрушина М.А., Ивашкевич В.Б., Кондрakov Н.П., Николаева О.Е., Пизенгольц М.З., Шеремет А.Д.; Аткинсон Э.А., Банкер Р.Д., Каплан Р.С., Хорнгрен Ч.Т., Фостер Ж., Янг С.	Бошқарув карорлари кабул қилишнинг ахборот таъминоти бошқарув ҳисобининг предметидир
6.	Сатубалдин С.С., Соколов Я.В., Стуков С.С., Чумаченко Н.Г.	Харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш бошқарув ҳисобининг предметига киради
7.	Врублевский Н.Д., Мизиковский Е.А., Николаева С.А., Палий В.Ф., Палий В.В.	Корхонанинг бошқариш функцияси баҳарилиши бошқарув ҳисоби предметидир

8.	Блаженкова Н.М.	Бошқарув ҳисоби предмети корхона ва унинг бўлинмаларини бошқарув жараёнининг барча циклидаги ишлаб чикариш, тижорат-сотиш ва инвестицион фаолияти ҳисобланади
9.	Сандрикова Т. С.	Бошқарув ҳисобининг предмети ишлаб чикариш жараёнида фойдаланилайдиган мулк ва таркибий бўлинмалар фаолияти натижалари ҳисобланади
10.	Карпова Т.П.	Бошқарув ҳисобининг предмети ишлаб чикаришни бошқаришнинг барча циклидаги объектларни жами ҳисобланади
11.	Бахрушина М.А.	Бошқарув ҳисобининг предмети корхона ва уни масъулият марказлари деб номланувчи алоҳида таркибий бўлинмаларини ишлаб чикариш фаолияти ҳисобланади.

**Бошқарув ҳисобини объектлариға оид таърифларнинг  
қиёсий таҳлили**

<b>№</b>	<b>Олимларнинг Ф.И.Ш.</b>	<b>Таърифларнинг мазмуни</b>
1.	Сандрикова Т. С.	Бошқарув ҳисоби объектлариға қуидагилар киради: <ul style="list-style-type: none"> <li>- ишлаб чиқариши харажатлари (доимий ва үзгарувчан харажатлар), уларни меъёrlаштириш, режалаштириш, назорат ва таҳлил килиш;</li> <li>- харажатларни хосил бўлиш жойлари, маъсулият марказлари, харажатларни ташувчилари (калькуляциялаш объектлари);</li> <li>- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат қўрсатишларни натижалари</li> </ul>
2.	Бойко Е.А.	Объектларни қуидаги икки гурӯхга бирлаштириш мумкин: <ul style="list-style-type: none"> <li>- субъектнинг хўжалик фаолияти жараённада инсонларнинг меҳнатини маълум максадга йўналтирилишини таъминловчи ишлаб чиқариш маблағлари;</li> <li>- субъектнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этувчи хўжалик жараёнлари ва уларнинг натижалари</li> </ul>
3.	Бахрушина М.А.	Бошқарув ҳисоби объектлариға бизнес сегментлари (маъсулият марказлари)нинг даромад, харажат ва молиявий натижалари киради
4.	Карпова Т.П.	Бошқарув ҳисоби объектлари деганда ишлаб чиқариш маблағлари тушунилади
5.	Николаева С.А.	Бошқарув ҳисобининг асосий объектлариға корхонанинг харажат ва даромадлари хамда харажат ва даромадларни солиштириш натижалари, маъсулият марказлари ва ички ҳисбот тизими киритилади
6.	Шеремет А.Д.	Бошқарув ҳисоби объектлари таркибиға экология харажатлари, корхоналарнинг турли рисклари, транспорт турлари бўйича транспорт харажатлари ва бошқаларни хам киритиш лозим
7.	Мусин С.Л.	Бошқарув ҳисоби объектлариға корхона ва унинг таркибий бўлинмалари харажатлари; корхона ва унинг таркибий бўлинмалари хўжалик фаолияти натижалари; маъсулият марказлари ва харажат марказларининг молиявий натижалари (харажатлари); ички баҳолаш; бюджетлаштириш ва ички ҳисботлар киради
8.	Закирова А.Р.	Активлар, маъбуриятлар ва сармояни хам бошқарув ҳисобинин объектлариға киритиш мумкин, чунки улар хам мазкур ҳисоб тури томонидан ўрганилади
9.	Карпова Т.П.	Объектларга ишлаб чиқариш маблағлари, хўжалик жараёнлари ва натижалари киради.

**Бошқарув хисоби мақсади бүйича фикрларнинг қиёсий таҳлили**

<b>№</b>	<b>Олимларнинг Ф.И.Ш.</b>	<b>Таърифларнинг мазмуни</b>
1.	Бахрушина М., Карпова Т., Хорнгрен Ч., Фостер Ж., Шеремет А., Бахрушина М.	Бошқарув хисобининг мақсади: бошқарувчиларга бошқарув карорлари қабул килишида ахборот кўмаги бериш; корхона ва унинг масъулият марказлари фаолиятининг иктисодий самарадорлигини назорат килиш, режалаштириш ва прогнозлаштириш; баҳо белгилаш учун асос яратиш; корхонанинг ривожланишини самарали варианatlарини танлашдан иборатдир
2.	Ивашкевич В.	Корхона иктисодиётини бошқариш бүйича қарорлар қабул килиш ва мазкур қарорларни самарали бажарилишини баҳолаш учун керакли маълумотлар билан таъминлаш бошқарув хисобини бош мақсадидир
3.	Ковалев В., Соколов Я.	Бошқарув хисобини мақсади билан тижорат ташкилотлари фаолиятини мақсадлари бир бирига узвий боғлиқидир
4.	Головознина А., Ивашкевич В., Николаева С., Нидлз Б.	Иктисодий адабиётларда бошқарув хисобининг мақсади фаолиятини самарали ва илмий асосланган ҳолда бошқариши учун маълумотларни ички истеъмолчилигига (корхона бошқарувчилари) зарурӣ маълумотларни тақдим этиши сифатида таърифланади
5.	Керимов В., Ткач В.	Бошқарув хисобининг мақсади масъулият марказлари ва бизнес сегментлари бүйича хисоб юритишидир
6.	Булгакова С.	Бошқарув хисобининг мақсади иктисодий субъект, унинг бўлинмалари ва бизнес сегментлари фаолиятининг ҳақиқий, норматив ва прогноз кўрсаткичлари ҳамда ташки муҳит курсаткичлари асосида ташкилий (стратегик, тактик, тезкор) мақсадларга эришиши учун режалаштириш, назорат ва бошқарув қарорларини қабул килиш жараёнларини ахборот таъминотини яратишдан иборатдир
7.	Блаженкова Н.	Бошқарув хисобининг мақсади - корхона хўжалик фаолияти вазифалари ва стратегик, тактик ва тезкор мақсадларига эришиш, назорат қилиш ва тартибга солиш борасидаги бошқарув қарорларини ахборот таъминотидир
8.	Закирова А.	Бошқарув хисобининг мақсади корхона менежерларини ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини иктисодий нафли-лигини назорат қилиш, бошқарувнинг ички вазифаларини ечиш ва бошқарув қарорларини тайёrlаш ва уларни асослаш учун керак бўладиган маълумотлар билан таъминлашдан иборатдир.

## Бошқарув ҳисобининг вазифалари ҳақидаги таърифлар

№	Олимларнинг Ф.И.Ш.	Таърифларнинг мазмуни
1.	Закирова А.	<p>Бошқарув ҳисобининг вазифалари қуидагилардан иборатdir:</p> <p>1. Корхона фаолияти харажати, даромади ва натижаларини бошқариш мақсадлари учун маълумотларни шакллантириш; харажатлар ҳисоби объектлари, масъулият марказлари ва харажат марказларини аниклаш, харажатларни туркумлашнинг белгиларини ишлаб чикиш; харажатларни элементлар, моддалар, турлари, аниқ бир маҳсулотлар, масъулият марказлари бўйича баҳолаш; калькуляциялаш объектлари ва устама харажатларни калькуляциялаш объектлари бўйича тақсимлаш методларини аниклаш; ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлигини калькуляциялаш методларини аниклаш; масъулият марказлари ва харажат марказлари бўйича фаолият натижалари ва харажатларини тақослаш; бошқарувни режалаштириш ва назорат қилиш учун харажатлар ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш.</p> <p>2. Бюджетларни прогнозлаштириш, режалаштириш ва шакллантирища кўмаклашиш, жорий харажат ва даромадларни прогнозлаштириш, корхонани стратегик ва тезкор мақсадларига эришишини таъминловчи деталлаштирилган, комплекс ва ҳар томонлама пухта режаларни ишлаб чикиш, бюджетлаштириш методларини жорий этиш.</p> <p>3. Корхонанинг ижрочи органлари бажарадиган функциялар билан боғлик молиявий-хўжалик фаолият устидан олиб бориладиган бошқарув назоратини таъминлаш: ҳар бир харажат тури бўйича назорат методларини танлаш; корхона фаолияти натижаларини таҳлил, назорат ва тартибга солишига имкон берадиган бошқарув ҳисботларини шакллантириш.</p>

		<p>4. Корхона фаолиятининг ҳақиқий натижаларини таҳлил килиш ва баҳолаш: корхонани ривожланиш ҳолати, мавжуд маблағлари, ишлаб чикариш қуввати, ракобатдаги афзаликлари ва кучсиз томонларини баҳолаш.</p> <p>5. Корхонанинг резервларини аниқлаш ва ишлаб чикариш фаолиятини ривожлантириш бўйича тактик ва стратегик карорларни ишлаб чикиш</p>
2.	Чупахина Н.	<p>Бошқарув ҳисобининг вазифаларига қўйида гилар киради:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• корхона раҳбариятини кўп сонли юридик шахслар ва таркибий бўлинмалардан ташкил топган бизнесини умумлаштирилган натижалари ҳақидаги маълумотлар билан таъминлаш;</li> <li>• бизнес таркибига кирувчи юридик шахслар ўртасида тақсимланишидан катъи назар алоҳида бир йўналишлар (фаолият турлари, товар гурухлари ёки бизнеснинг хусусиятига қараб бошқа элементлари) натижаларини кўрсатиб бериш;</li> <li>• таркибий бўлинмалар (бўлим, цех, юридик шахслар)нинг ишлари натижаларини кўрсатиб бериш;</li> <li>• харажат турлари ва харажат марказлари бўйича ҳисоб юритиш оркали харажатлар устидан назорат олиб бориш;</li> <li>• корхоналарнинг даромад ва харажатлари ҳақидаги статистик маълумотларни маълум бир кесимда тўплаш ва умумий тенденцияларни аниқлаш;</li> <li>• бизнес ва алоҳида бир харажат марказлари бўйича бюджет режалаштирилишини амалга ошириш ва унинг бажарилишини назорат қилиш;</li> <li>• контрагентлар билан ҳисоб-китоблар ва ўзига қарашли юридик шахслар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларнинг тезкор ҳисобини олиб бориш</li> </ul>
3.	Булгакова С.	Бошқарув ҳисоби вазифаларини корхоналарнинг стратегик, тактик ва тезкор мақсадлари аниқлаштириб беради

4.	Пизенгольц М.	Асосий вазифаси маржинал даромадни хи- соблашга асос бұладиган тұлиқ ва қискарты- рған таннархни шакллантиришдан иборатдир
5.	Ивашкевич В.	Бошқарув хисобининг асосий вазифаларига белгиланған мәқсадларға эришишга зәтиборни қаратиш, белгиланған вазифаларни ечишни мұ- қобил варианtlарини таъминлаш зарурлығи, оптималь вариант ва уни бажарышни норматив параметрлари хисоб-китобини аниклашда иш- тирок этиш, күрсаткычтар бажарилишининг белгиланған топшириклардан четланишларини аниклашга дикқатни қаратиш, аникланған чет- ланишларни изохлаш ва таҳжил қилиш киради
6.	Николаева С.	Бошқарув хисоби вазифаларига күйи- дагилар киради: <ul style="list-style-type: none"> <li>• фаолият натижалари ва ички хұжалик жараёнлари ҳақидаги аниқ ва тұлиқ маълумот- ларни шакллантириш ва ички бошқарувға тақ- дим этиш орқали раҳбариятта маълумотларни тақдим этиш;</li> <li>• корхона ва унинг масъулият марказлари фаолиятини иқтисодий самарадорлигини режа- лаштириш ва назорат қилиш;</li> <li>• маҳсулот(ищ, хизмат)ни ҳақиқий таннар- хини ҳисоблаш ва үрнатылған норма, стандарт, сметадан четланишларни аниклаш;</li> <li>• мулқ, материал, пул ва меңнат ресурсла- рининг бутлиги ва ҳаракати устидан назоратни таъминлаш;</li> <li>• карорлар қабул қилиш учун ахборот таъ- минотини шакллантириш;</li> </ul> <p>корхона фаолияти самарадорлигини оши- риш имкониятларини аниклаш</p>

## Бошқарув хисобининг методлари бўйича таърифлар

№	Олимларнинг Ф.И.Ш.	Таърифларнинг мазмуни
1.	Бир гурӯҳ олимлар	Бошқарув хисоби методларига бухгалтерия хисобининг методлари (счёtlар ва иккиёклама ёзув, инвентаризация, хужжатлаштириш, баланс, хисобот), статистика методлари (индекс методи, гурӯхлаш ва умумлаштириш, назорат счёtlарини ишлатиши), иқтисодий таҳлил методлари (омилли таҳлил, корхона моливий ҳолатининг таҳлили), математика методлари (корреляция, чизикли дастурлаш), стратегик ва тезкор режалаштириш методлари (режалаштириш, бюджетлаштириш, меъёрлаштириш, лимитлаштириш), имитацион моделлаштириш киради
2.	Бахрушина В.	Бошқарув хисоби методларига бухгалтерия хисоби методининг элементлари, индекс методи, иқтисодий таҳлил усуслари ва математик методларни кўшиш керак
3.	Николаева О., Шишкова Т.	Бошқарув хисоби таннархни калькуляциялаш ва харажатларни бошқариш, узок муддатли режалаштириш ва бюджетлаштириш, бюджетлар бажарилишини назорат ва таҳлил килиш, четга чиқишлилар бўйича бошқариш, бошқарув карорлари кабул қилиш учун маълумотлар тайёрлаш каби методларни ўз ичига олади
4.	Бир гурӯҳ олимлар	<p>Бошқарув хисоби методининг анъанавий элементларига счёtlар ва иккиёклама ёзув, инвентаризация, хужжатлаштириш, баланс, хисобот, баҳолаш ва калькуляция киради. Бирок, бу элементларнинг баъзи бирларини бошқарув хисобида мазмуни ўзгаради. Бошқарув хисобининг ўзига хос методлари таркибига эса куйидагиларни киритиш мумкин:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- бюджетлаштириш, бу шундай жараёнки, унинг ёрдамида корхоналарни сотиш, ишлаб чиқариш, молия, инвестиция бўйича имкониятлари таҳлил қилинади; фаолиятининг асосий кўрсаткичлари прогноз қилинади; эришилган натижалар белгиланган критериялар билан солишиширилиб баҳоланади;</li> <li>- статистик ва регрессия таҳлили, сонли интеграллаш, оптимальлаштириш методлари,</li> </ul>

		<p>стохастик хисоблаш, кўп омилли таҳлил ва бошқаларни ўз ичига олувчи маълумотларни умумлаштириш ва изоҳлашнинг миқдорий методлари;</p> <p>- ривожланишининг ҳакиқий ва прогноз параметрларини умумлаштиришга йўналтирилган бошқарув жараёни ҳакидаги маълумотларни бир тизимга солиш</p>
5.	Бир гурӯҳ олимлар	Бошқарув хисобининг методлари турличадир, чунки у ўзида кўпгина: хисоб (тезкор, бухгалтерия, статистика), таҳлил, назорат, стратегик ва тезкор режалаштириш ва бошқариш, корхона иқтисодиёти, статистика, математика каби фанларнинг методларини бирлаштиради
6.	Николаева С.	Бошқарув хисобида турли фанлар: хисоб (тезкор, бухгалтерия, статистика), таҳлил, назорат, стратегик ва тезкор режалаштириш ва бошқариш, корхона иқтисодиётининг методларидан фойдаланилади
7.	Чернова В.	Бошқарув хисобида турли фанлар методлари, айниқса математик методлардан (шу жумладан, имитацион моделлаштиришдан) кенг фойдаланилади
8.	Карпова Т.	Бошқарув хисоби методи ўз ичига корхонанинг объектларини қайд этишининг турли усул ва тартиблари мажмуасини олади
9.	Мишин Ю.	Бошқарув хисоби методини корхона ахборот тизимида ишлаб чиқариш хисоби объектлари ҳолатини акс эттиришда турли усул ва тартибларни қўллаш сифатида таърифлаш мумкин
10.	Мизиковский И.	Бошқарув хисоби методи ҳўжалик субъекти томонидан ўз фаолиятидан фойда олиш максадида ҳаражатларни бошқаришнинг ахборот таъминотини усул ва тартиблари мажмуасини ўз ичига олади
11.	Муаллиф таърифи	Бошқарув хисобида бухгалтерия хисобининг методларидан ташқари статистика, иқтисодий таҳлил ва иқтисодий-математик методлар, комплекс иқтисодий таҳлилнинг энг асосий бўлимларидан бири бўлган параметрик таҳлил, фирмалараро таккослаш, сифатли гурӯхлаш, ракобат разведкаси ва маркетинг тадқикотлари услублари хам ишлатилиди

## Бошқарув ҳисобининг функциялари буйича таърифлар

№	Олимларнинг Ф.И.Ш.	Таърифларнинг мазмуни
1.	Карпова Т.	<p>Бошқарув ҳисоби функциялари қуидагилардан иборатdir:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• бошқарувнинг турли бүғинларини маълумотлар билан таъминлаш;</li> <li>• тезкор назорат;</li> <li>• истиқболли режалаштириш</li> </ul>
2.	Хорнгрен Ч., Фостер Ж.	Бухгалтерия ҳисобини режалаштириш, назорат, ҳисоботларни таҳлил қилиш ва маслаҳатлар бериш каби функцияларни бошқарув ҳисоби функцияси сифатида караш мумкин
3.	Алчерч А.	<p>Бошқарув ҳисобини (хар доим ҳам аниқ ажратиб булмайдиган) функциялари: счётларни юритиш - раҳбариятга ёрдам бериш учун молиявий маълумотларни ҳисобини юритиш; эътиборни қаратиш - бошқарув ҳисоби фаолиятининг муҳим жабхалари буйича ички ҳисоботларни тақдим этади ва шу орқали раҳбарият томонидан муҳим масалаларга диккатни қаратиш ва улар буйича керакли натижаларга еришиш буйича тезкор харакатларни амалга оширишга еришилади; муаммоларни ҳал қилиш - бошқарув ҳисоби қарорлари вариантларини ижобий ва салбий оқибатларини миқдорий баҳолашга ҳаракат килади</p>
4.	Дусаева Е.	Бошқарув ҳисоби функциялари бошқарувнинг прогнозлаштириш, меъёрлаштириш, тезкор ҳисоб, назорат, баҳолаш ва рағбатлантириш каби функциялари билан ўзаро боғлиқdir
5.	Волкова О.	<p>Бошқарув ҳисоби функцияларини қуидаги икки гурухга бўлиш мумкин:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ахборот оқимини таъминлайдиган функциялар (корхонани турли бўлинмалари ўртасида ахборот алмашинуви тизимини яратиш ва жорий қилиш хамда маълумотларни тақдим этиш; маълумотларни таҳлил қилиш; фаолиятни режалаштириш);</li> <li>2. Ахборот оқимининг мазмунини белгилаб берадиган функциялар (булимлар, сегментлар ва корхонани ходимлари фаолиятини мувофиқлаштириш, ходимлар мотивацияси, режаларнинг бажарилиши устидан назорат олиб бориш)</li> </ol>
6.	Закирова А.	Бошқарув ҳисобининг функциялари мазмуни ва шакли бошқарув вазифаларини бажаришга қаратилган


		харакатлардан ибораттир. Бошқарув хисобининг функциялари: корхона стратегияси ва истиқболда ривожланиши йўналишларини аниқлаш ва маблаглардан фойдаланишини иктисодий самарадорлигини ошириш; режа ва бюджетлар тузиш; норматив хўжаликни шакллантириш ва нормативларга риоя килинишини назорат килиш; корхона, бўлинма ва маҳсулот турлари бўйича
		харажатлар ва молиявий натижаларни аниқлаш; ички бўлинмалар ва корхонани кўйилган мақсадларига эришиши борасидаги фаолият натижаларини тезкор назорат килиш ва баҳолаш; корхона, бўлимлар ва маҳсулот турлари бўйича фаолият натижаларини таҳлил килиш
7.	Булгакова С.	Бошқарув хисоби функциялари бошқарувнинг хисоб, режалаштириш, назорат, карорлар қабул килиш, ташкил этиш ва коммуникация каби муҳим функцияларини амалга оширади. Бошқарув хисобининг функцияларига хисоб, режа-назорат, аналитик ва коммуникация каби функциялар киради
8.	Сандрикова Т.	Бошқарув хисобини прогнозлаштириш, ахборот, назорат, аналитик ва таъминлаш каби муҳим функцияларини санаб ўтишимиз мумкин
9.	Блаженкова Н.	Бошқарув хисобининг функциялари қўйидаги вазифаларни бажаради: - бошқарувнинг барча бўгинларини жорий режалаштириш, назорат ва тезкор бошқарув қарорлари қабул килиш учун зарур маълумотлар билан таъминлаш; - фаолиятни ҳақиқий натижаларини баҳолаш ва таҳлил килиш асосида корхонани келажакда ривожланишини мувофикаштириш ва истиқболли режалаштириш
10.	Чупахина Н.	Бошқарув хисобининг асосий функциялари назорат-бошқарув ва ахборот-таъминот функцияларидир. У ўз ичига харажатлар хисоби ва бошқариш, материал ва пул маблаглари харакатини таҳлил килиш ва бошқариш, фаолиятни баҳоловчи ва такқослама индикаторларни ишлаб чиқиш, компанияни бозор қўйматини максималлаштириш жараёнини бошқариш, ишлаб чиқариш, молия ва инвестиция фаолиятини режалаштириш (бюджетлаштириш)ни олади
11.	Каверина О.	Бошқарув хисобининг қўйидаги функцияларини санаб ўтишимиз мумкин: - бизнесни тизимли бошқариш учун бошқарувнинг барча бўгинларини маълумот билан таъминлаш; - корхона бўлинмаларини бошқариш учун керакли маълумотларни шакллантириш

## Бошқарув ҳисоби тамойиллари

№	Олимларнинг Ф.И.Ш.	Таърифларнинг мазмуни
1.	Бахрушина М.	<p>Бошқарув ҳисобининг тамойилларига маълумотларни тақдим этишни тезкорлиги, тақдим этиладиган маълумотларни махфийлиги, фойдалилиги, бошқарув ҳисоби тизимини мослашувчанлиги, бошқарув ҳисоби тизимини прогностилиги, тақдим этиладиган маълумотларни тежамлилиги, масъулиятни тақсимлаш ва ижрочиларни мотивацияси <u>тамойили</u> киради</p>
2.	Алборов Р.	<p>Бошқарув ҳисобининг асосий тамойиллари бухгалтерия ҳисобини умумий тизимининг қўйидаги энг муҳим тамойиллари киради: мураккаб ташкил этиладиган тизим тамойили; яхлитлик тамойили; микдорий ва сифат ўлчови тамойили; хўжалик фактларини иккиёклама кайд этиш тамойили; маълумотларни ёппасига қайд этиш тамойили; маълумотлар билан муомала қилиш ва тақдим этиш тамойили; маълумотларни махфийлиги тамойили; маълумотларни кўп марта ўзгартира олиш тамойили; тизимни фаол ҳаракати тамойили; тизимнинг ҳаракатини мослашувчанлиги тамойили; ташки мухитдаги ўзгаришларга жавоб ҳаракатини қилиш тамойили, консерватизм тамойили</p>
3.	Чупахина Н.	<p>Бошқарув ҳисобининг тамойиллари қўйидардир:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- корхона фаолиятининг узлуксизлиги тамойили;</li> <li>- субъект бўлинмалари фаолиятининг натижаларини баҳолаш тамойили;</li> <li>- режалаштириш ва ҳисоб (режа-ҳисоб) учун ягона ўлчов бирликларини қўллаш тамойили;</li> <li>- бошқарув мақсадлари учун бирламчи ва оралиқ маълумотлардан изчил ва кўп марта фойдаланиш тамойили;</li> <li>- ички ҳисобот кўрсаткичларини бошқарув</li> </ul>

		<p>погоналари ўргасидаги коммуникацион алоқаларнинг асоси сифатида шакллантириш тамойили;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- бошқарувнинг бюджет (смета) методини кўлланилиши тамойили;</li> <li>- ҳисобнинг обьектлари ҳақида тўлиқ маълумот олиш имкониятини берувчи тўлиқлик ва аналитиклик тамойили;</li> <li>- ҳисоб сиёсати томонидан белгиланган субъектнинг ишлаб чиқариш ва тижорат циклини акс эттирувчи даврийлик тамойили</li> </ul>
4.	Бобожонов О., Жуманиёзов К.	<p>Бошқарув ҳисобининг тамойиллари:</p> <p>субъект фаолиятининг узлуксизлиги; режалаштириш ва ҳисоб (режа-ҳисоб) учун ягона ўлчов бирликларини қўллаш ва субъект бўлинмалари фаолиятининг натижаларини баҳолаш; бошқарув мақсадида бирламчи ва оралиқ маълумотни кейинга колдириш ва кўп марта ишлатилиши; бошқарув погоналари ўргасида ички ҳисбот кўрсаткичларини коммуникацион алоқалар асоси сифатида шакллантириш; ҳар хил молиялар, тижорат фаолиятини бошқаришнинг бюджет (смета) услубини қўллаш; ҳисоб обьекти ҳақида тўлиқ маълумот билан таъминловчи тўлиқлик ва аналитиклик; ҳисоб сиёсати томонидан ўрнатилган субъектнинг ишлаб чиқариш ва тижорат циклини акс эттирувчи даврийлик ва ҳоказолардир</p>
5.	Блаженкова Н.	<p>Бошқарув ҳисобининг тамойиллари куйидагилардир:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• илмий асосланганлик тамойили;</li> <li>• мақсадга мувофиқлик тамойили;</li> <li>• тизимлилик тамойили;</li> <li>• ҳисоблаш тамойили;</li> <li>• консерватизм тамойили;</li> <li>• корхона ва унинг эгаларининг мулкка алоҳида эгалик қилишлик тамойили;</li> <li>• корхона фаолияти узлуксизлиги тамойили;</li> <li>• маълумотларни шакллантиришнинг даврийлиги тамойили;</li> <li>• бошқарув бюджет (смета) методининг қўлланилиши тамойили;</li> </ul>

		<ul style="list-style-type: none"> <li>• ягона калькуляция бирликлари тамойили;</li> <li>• корхонанинг стратегик бизнес-бирликларини хисобдорлиги тамойили;</li> <li>• хўжалик рискларининг бошкарилиши тамойили;</li> <li>• мазмуннинг шаклдан устунлиги тамойили, қонунийлик тамойили</li> </ul>
6.	Карпова Н.	<p>Бошқарув хисобининг тамойилларига:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- корхона фаолиятини узлуксиз хисобга олиш;</li> <li>- режалаштириш ва хисоб (режа-хисоб) учун ягона ўлчов бирликлари қўлланилиши;</li> <li>- субъект бўлинмалари фаолияти натижаларини баҳолаш;</li> <li>- бошқарув мақсадлари учун бирламчи ва оралиқ маълумотлардан изчил ва кўп марта фойдаланиш;</li> <li>- ички хисобот кўрсаткичларини бошқарув погоналари ўртасидаги коммуникацион алокаларнинг асоси сифатида шакллантириш;</li> <li>- бошқарувнинг бюджет (смета) методининг қўлланилиши;</li> <li>- тўлиқлик ва аналитиклик;</li> <li>- даврийлик;</li> <li>- мақсадга йўналтиришлиқ;</li> <li>- тезкорлик;</li> <li>- етарлилик;</li> <li>- адреслилик;</li> <li>- мослашувчанлик;</li> <li>- маҳфиликни таъминлаш</li> </ul>
7.	Волкова О.	<p>Бошқарув хисобининг тамойилларига қўйидагилар киради:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- фаолиятнинг узлуксизлиги;</li> <li>- тўлиқлик тамойили;</li> <li>- ишончлилик тамойили;</li> <li>- ўз вактидалик тамойили;</li> <li>- таққослаш тамойили;</li> <li>- тушунарлик тамойили;</li> <li>- даврийлик тамойили;</li> <li>- тежамкорлик тамойили.</li> </ul>



«XXX ПАХТА ТОЗАЛАШ ЗАВОДИ»  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

ТАСДИҚЛАЙМАН  
«XXX пахта тозалаш заводи»  
АЖ бош директори  
З. С. Салимов

— \_\_\_\_ 20 \_\_\_\_й

«XXX пахта тозалаш заводи» АЖда  
“Тижорат сири режимига риоя этиш бүйича”  
намунавий НИЗОМ

— \_\_\_\_ 20 \_\_\_\_й

Келишилди:

“XXX пахта тозалаш заводи” АЖ акциядорларининг  
умумий йиғилиши қарори  
Баённома №\_ \_\_\_\_ 20 \_\_\_\_й

Ишлаб чиқувчи:

\_\_\_\_\_

Суз боши

1. Бош директорнинг \_\_\_\_ 20 \_\_\_\_йилдаги №\_ буйруғи билан тасдиқланган ва жорий қилинган.
2. Низом “XXX пахта тозалаш заводи” АЖни манфаатларини химоя қилиш мақсадида ишлаб чиқылган.
3. Илк марта жорий қилинмоқда.

## **1. Умумий коидалар**

Тижорат сири режимига риоя этиш бўйича мазкур намунавий низом (бундан кейин қисқача Низом деб юритилади) Ўзбекистон республикасининг “Тижорат сири тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2016 йил 21 июндаги 01/26-26/40-сон қарорига илова сифатида тасдиқланган “Ходимлари тижорат сиридан фойдаланадиган корхоналар ва ташкilotлар учун тижорат сири режимига риоя этилиши бўйича” намунавий низом асосида тайёрланган. Пахта тозалаш корхонасига (бундан кейин қисқача жамият деб юритилади) тегишли бўлган маълумотларни тижорат сири таркибига киритиш, бундай маълумотларни узатиш, уларни маҳфийлигини муҳофаза қилиш билан боғлик манфаатларини химоя қилиш ҳамда тижорат сирига кирмайдиган маълумотларни аниқлаш мақсадида ишлаб чиқилган. Мазкур низом маълумот ташувчини туридан қатъий назар тижорат сирига кирувчи барча маълумотларга жорий қилинади.

Тижорат сирининг мулкдори фаолият соҳасининг хусусиятидан келиб чиқиб мазкур Низомда назарда тутилмаган тижорат сирини муҳофаза қилиш усусларини мустақил равиша белгилашга ҳақли.

**Низомда фойдаланилган асосий тушунчалар қўйидагилардир:**

**тижорат сири** – маҳфий маълумот бўлиб, ўз эгасига маълум ёки зарур шароитларда даромадини ошириш, оқланмаган харажатларга йўл қўймаслик, бозорда ўз мавқенини саклаш ёки бошқа бир манфаат қўриш имкониятини беради;

**тижорат сирига кирувчи маълумотлар** – илмий-техник, технологик, ишлаб чиқариш, молия-иқтисод ёки бошқа турдаги нотанишлиги, ушбу маълумотларни олишга қонуний имконият йўклиги ва бу маълумотлар бўйича тижорат сири тартиби жорий этилганлиги сабабли учинчи бир шахслар учун маълум бир тижорат қийматликларига эга бўлган маълумотлар;

**тижорат сири режими** – маълумот эгаси томонидан уларнинг маҳфийлигини муҳофаза қилиш бўйича амалга ошириладиган ҳукукий, ташкилий, техник ва бошқа тадбирлар тизими;

**тижорат сирига кирувчи маълумотларнинг эгаси** – мазкур тижорат сирига кирувчи маълумотларга қонун доирасида эгалик қилувчи, мазкур маълумотдан фойдаланиш ҳукуқини чегаралаган ва тижорат сири режимини ўрнатган шахс;

**тижорат сирига киравчи маълумотлардан фойдаланиш** хукуқи – мазкур тижорат сирига киравчи маълумотлардан маълум бир шахслар томонидан эгасининг розилиги билан ёки бошка бир конуний асосда маълумотлар махфийлигини саклаган ҳолда танишиши;

**тижорат сирига киравчи маълумотларни узатиш** – мазкур маълумотларни контрагентларга шартнома асосида узатиш;

**конфидент** – тижорат сирини унинг мулкдорлари билан тузилган шартнома асосида эгалик қилиш ва фойдаланишга олган юридик ёки жисмоний шахс;

**Тижорат сирига киравчи маълумотларни тақдим этиш** – мазкур маълумотларни эгалари томонидан давлат органлари ва ўзини ўзи бошқарув органларига тегишли хизмат вазифаларини бажариши учун тақдим этиш;

**тижорат сирига киравчи маълумотларни ошкор қилиш** – бирон-бир ҳаракатни қилиш ёки қилмаслик оқибатида тижорат сирига киравчи маълумотларни ҳар қандай шаклда (оғзаки, ёзма, бошқа шаклда, шу жумладан техника воситаларидан фойдаланган ҳолда) учинчи бир шахсга маълумот эгасининг розилигисиз ёки гражданлик-хукукий шартномага хилоф равиша ошкор булиши;

**тижорат сирининг махфийлиги** – тижорат сирининг тарқалиб кетиши, ошкор этилиши ва ундан рухсатсиз фойдаланилиши хавфсизлиги таъминланганлиги ҳолати;

**“тижорат сири” грифи** – тижорат сири режими ўрнатилган моддий жисмларга қўйиладиган реквизит;

**тижорат сири бўйича комиссия** (бундан буён матнда Комиссия деб юритилади) – корхонада тижорат сири режимини ўрнатиш ва унга риоя этиш билан боғлиқ ишларни амалга ошириш учун раҳбарнинг буйргуи билан ташкил эйтладиган комиссия;

**тижорат сири акс этган моддий жисмлар** – тижорат сирини ташкил этувчи ахборот акс этган моддий жисмлар, шу жумладан тижорат сирини ўз ичига олган ҳужжатлар ёки ахборот акс этган ҳажмли жисмлар;

**ахборот акс этган ҳажмли жисмлар** (бундан буён матнда АҲЖ деб юритилади) – тижорат сирини ташкил этувчи ахборот ёзиладиган CD ва DVD дисклари, флеш-карталари ва ҳажмли қаттиқ дисклар (ташқи);

**корхонанинг тижорат сири рўйхати** (бундан буён матнда Рўйхат деб юритилади) – корхонанинг бўлинмаларидаги

маълумотларнинг бутун ҳажмидан саралаб олинган, тижорат сири ўрнатилган ахборот.

**2. Маълумотларни тижорат сирига кирувчи маълумотлар таркибига ўтказиш ҳуқуқи ва бундай маълумотларни олиш тартиби:**

2.1. Маълумотларни тижорат сирига кирувчи маълумотлар таркибига ўтказиш, таркиби ва рўйхатини аниқлаш ҳуқуқи мазкур низом ва давлат конунчилигига асосан жамиятга тегишилдирил ҳамда корхона бош директори буйруғи билан тузилган комиссия томонидан амалга оширилади.

2.2. Комиссия тижорат сири режимини қўллаш бўйича хулоса тайёрлайди (тегишли баённома асосида) ва белгиланган тартибда маълумотлар рўйхатини шакллантиради.

2.3. Тижорат сирига кирувчи маълумотлар эгасидан шартнома ёки бошқа қонунга кўра олинса, қонуний олинган ҳисобланади.

2.4. Жамиятта қарашли тижорат сирига кирувчи маълумотлар корхонада қабул қилинган маҳфий маълумотларни муҳофаза қилиш бўйича кўрилган тадбирлар бузуб олинган бўлса ҳамда мазкур маълумотларни оловчи шахслар ушбу маълумотлар маҳфийлигини билган ёки керакли асосга эга бўлган ва маълумотни тақдим этаётган шахснинг бунга қонуний ҳақи йўқлигини билган бўлса, у ҳолда маълумотлар ноқонуний олинган бўлади.

2.5. Жамиятда тижорат сирини муҳофаза қилиш билан боғлик жорий ишларни бажариш алоҳида бир мансабдор шахсга юклатилиши лозим.

### **3. Тижорат сирига кирмайдиган маълумотлар:**

Жамиятда Ўзбекистон Республикасининг «Тижорат сири тўғрисида»ги Қонунининг 5-моддасига мувоғик қўйидаги маълумотларга нисбатан тижорат сири тартиби жорий қилинмайди:

3.1. Жамиятнинг таъсис ҳужжатларида акс эттирилган ёзувларни тегишли давлат регистрларида кайд қилинганлигини тасдиқловчи маълумотлар.

3.2. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи берилганлигини тасдиқловчи маълумотлар.

3.3. Атроф-мухитни ифлослантирилганлиги ҳақидаги, ёнгинга қарши хавфсизлик ҳолати, озиқ-овқат маҳсулотларини санитария-эпидемиология ва радиация ҳолати ҳамда бошқа ишлаб чиқариш обьектларини фаолият кўрсатишига салбий таъсир кўрсатувчи фактлар ҳақидаги маълумотлар.

3.4. Ходимлар сони, таркиби, мәжнат шароити, ишлаб чиқариш травмаси ва касбий касаллик күрсаткичлари, бүш иш үринлари ҳақидаги маълумотлар.

3.5. Жамиятнинг иш ҳақи ва ижтимоий тұловлар бүйича қарздорлиги ҳақидаги маълумотлар.

3.6. Давлатнинг тегишли қонунлари бузилганлиги ва унинг учун жавобгарликка тортилганлик ҳақидаги далиллар тұғрисида маълумотлар.

3.7. Жамият номидан ишонч қоғозисиз ҳаракат қилиш хукуқига эга бўлган шахслар рўйхати.

3.8. Тегишли қонунчиликда белгиланган тартибда маълумотлар ошкор қилиниши шарт бўлган ёки тижорат сирига киритиш мумкин бўлмаган маълумотлар.

3.9. Давлат статистика ҳисботи сифатида тақдим этилиши лозим бўлган маълумотлар.

#### **4. Тижорат сирига киравчи маълумотлар бүйича жамият хукуқлари:**

4.1. Жамиятнинг тижорат сирига киравчи маълумотларга эгалик қилиш хукуки бош директор томонидан мазкур маълумотларга нисбатан тижорат сири режими үрнатиш ҳақидаги буйруқка имзо чекилган кундан бошлаб кучга киради.

4.2. Жамият қўйидаги хукуқларга эга:

4.2.1. Мазкур низом ва хукукий шартномага мувофиқ комиссия хulosаси асосида (баённомага кўра) тижорат сири режимини үрнатиш, ўзгартириш ва бекор қилиш.

4.2.2. Тижорат сирига киравчи маълумотлардан тегишли қонунчиликка зид бўлмаган ҳолларда корхона эҳтиёжи учун фойдаланиш.

5.2.3. Комиссия хulosаси асосида тижорат сирига киравчи маълумотлардан фойдаланишга рухсат бериш ёки таъкилаш, улардан фойдаланиш тартиби ва шароитларини белгилаш.

5.2.4. Буйруқ, фармойиш ва шартномалар асосида тижорат сирига киравчи маълумотлардан ўз фаолиятида фойдаланиш.

5.2.5. Тижорат сирига киравчи маълумотлардан фойдаланишга рухсат берилган давлат органлари ва бошқа органлардан мазкур маълумотлар маҳфийлигини сақлашни талаб қилиш.

5.2.6. Тижорат сирига киравчи маълумотлардан фойдаланишга рухсат берилган шахслардан тасодифан ёки ножӯя ҳаракати

туфайли мазкур маълумотлар махфийлигини сақлаш талабларини бузмасликни талаб қилиш.

5.2.7. Қонунда белгиланган тартибда тижорат сирига киравчи маълумотларни учинчи бир шахс томонидан ошкор қилиниши, ноқонуний кўлга киритилиши ёки ишлатилишини химоялаш, шу жумладан, мазкур қонунбузарликлар оқибатида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

**6. Тижорат сирига киравчи маълумотларга меҳнат муносабатлари доирасида эгалик қилиш:**

6.1. Тижорат сирига киравчи маълумотларга меҳнат муносабатлари доирасида жамият эгалик қиласди.

6.2. Ходимлар томонидан меҳнат вазифасини бажариш ёки иш берувчининг аниқ топширигини бажариш вақтида ихтиро, фойдали модель, саноат нусхаси, компьютер дастури ёки маълумотлар базаси яратилса, у ҳолда ходим билан иш берувчи ўртасидаги муносабатлар тегишли қонунчилик асосида тартибга солинади.

**7. Жамият томонидан махфий маълумотларни муҳофаза қилиш бўйича кўриладиган тадбирлар:**

7.1. Жамият томонидан махфий маълумотларни муҳофаза бўйича кўриладиган тадбирларга куйидагилар киради:

7.1.1. Тижорат сирига киравчи маълумотлар рўйхатини комиссия хулосаси асосида аниқлаш.

7.1.2. Тижорат сирига киравчи маълумотлардан фойдаланишни мазкур маълумотлар билан ишлаш тартибини белгилаш ва ушбу тартибга риоя қилинишини назорат қилиш орқали чегаралаш (тижорат сири режимини бекор қилиш (муддатини ўзгартириш) тўғрисидаги баённома, тегишли далолатнома, рўйхатга олиш журнали, ҳаракати ҳисобини юритиш журнали асосида).

7.1.3. Тижорат сирига киравчи маълумотлардан фойдаланиш ҳукуқига эга ва мазкур маълумотлардан фойдаланаётган ёки маълумотлар берилган шахслар ҳисобини юритиш.

7.1.4. Ходимлар томонидан тижорат сирига киравчи маълумотлар ишлатилишида юзага келадиган муносабатларни меҳнат шартномаси асосида тартибга солиш.

7.1.5. Тижорат сирига киравчи маълумотларга эга бўлган ҳужжатлар (маълумот ташувчилар)га масъуль шахс томонидан “тижорат сири” грифини ва тўлиқ номи ҳамда жамият манзилини ёзиб кўйиш, ҳисобини юритиш, сақлаш, тегишли бўлинмаларга факат-

гина далолатнома асосида бериш ҳамда ходимларга фойдаланишга рухсатномага кўра тақдим этиш.

7.2. Жамият томонидан мазкур низомнинг 7.1-моддасида белгиланган тадбирлар бажарилгандан сўнггина тижорат сири режими ўрнатилган ҳисобланади.

7.3. Жамият мазкур низомнинг 7.1-моддасида белгиланган тадбирлар билан биргалиқда маҳфий маълумотларни муҳофаза қилишнинг қонунчиликка зид бўлмаган бошқа метод ва воситаларини ҳам қўллаши мумкин.

7.4. Жамият томонидан маҳфий маълумотларни қўриқлаш бўйича кўриладиган тадбирлар қуидагилар амалга оширилсагина керакли самара беради.

7.4.1. Жамият рухсатисиз тижорат сирига кирувчи маълумотлардан фойдаланишига йўл қўймаслик.

7.4.2. Ходимлар томонидан маълумотлардан фойдаланиш ва уларни контрагентларга узатишда тижорат сири режими бузил-маслигини таъминлаш.

## **8. Жамиятнинг тижорат сирига кирувчи ҳужжатлари рўйхати:**

8.1. А иловада кўрсатилган тижорат сирига кирувчи маълумотлар рўйхати жамиятнинг тижорат сири ҳисобланади.

8.2. Рўйхатда кўрсатилган маълумотлар билан ишлаш ва назорат килиш жамиятнинг ижрочи органи томонидан тасдиқланган хизмат йўрикномаларида белгилаб берилади.

## **9. Жамият ва ходимларни маҳфийликни муҳофаза қилиш бўйича ҳуқук ва мажбуриятлари:**

9.1. Маҳфийликни сақлаш мақсадида жамият қуидагиларни бажариши шарт:

9.1.1. Маҳфий маълумотлар билан ишлаш ҳуқуқига эга бўлган ходимларни тижорат сирига кирувчи маълумотлар рўйхати билан тилхат асосида таништириш.

9.1.2. Жамиядта ўрнатилган тижорат сири режими ва уни бузганлик учун кўриладиган чоралар тўғрисида ходимларни тилхат асосида таништириш.

9.1.3. Ходимларга ўрнатилган тижорат сири режимини бажариш учун тегишли шароитларни яратиб бериш.

9.2. Тижорат сирига кирувчи маълумотлар билан ишлаш ҳуқуки ходимни хизмат вазифасида кўрсатилмаган ҳолларда унинг розилиги билан тегишли рухсатни бериш.

9.3. Маълумотлар махфийлигини таъминлаш мақсадида ходимлар қўйидагиларга риоя қилиши шарт:

9.3.1. Ўрнатилган тижорат сири режимиига риоя қилиш, махфий маълумотларни ошкор қилмаслик ва улардан шахсий манфаат йўлида фойдаланмаслик.

9.3.3. Мехнат шартномаси бекор килингандан сўнг мазкур шартномада белгиланган муддатларда ва ундан кейин З йил давомида маълумотларни ошкор қилмаслик.

9.3.4. Ходим томонидан хизмат вазифаси давомида ишлатган махфий маълумотларни ошкор қилиниши туфайли жамият томонидан кўрилган зарарни қоплаш.

9.3.5. Мехнат шартномаси муддати тугагандан сўнг ўзидағи маълумотларни жамиятга топшириш.

9.4. Жамият меҳнат шартномаси муддати тугаган ходимлардан улар томонидан махфий маълумотларни белгиланган муддатларда ошкор қилиниши туфайли кўрилган зарарни қоплашини талаб қилишга ҳақлидир.

9.5. Тижорат сирига кирувчи маълумотлар зарурат нуқтаи назаридан, мажбурийлиқдан ёки иш берувчи томонидан тижорат сири режимиини сақлаш бўйича мажбурият бажарилмаслиги оқибатида ошкор қилинса, келтирилган зарар ходим томонидан ёки меҳнат муносабатларини тўхтатган шахслар томонидан қопланмаслиги мумкин.

9.6. Бўлим бошлиқлари билан тузилган меҳнат шартномаларида махфий маълумотларни муҳофаза қилиш бўйича уларнинг жавобгарлиги белгилаб қўйилиши мумкин.

9.7. Жамият раҳбари корхонани молиявий-хўжалик фаолиятига алоқадор бўлган ва “XXX пахта тозалаш заводи” АЖ да тижорат сирига кирувчи (А илова) маълумотларга эга бўлади.

9.8. Жамият раҳбари ўзининг нотўғри ҳаракати билан тижорат сири ҳақидаги режимни бузиши оқибатида корхонага етказилган зарарни қоплайди. Етказилган зарарнинг миқдори тегишли қонунчилик асосида белгиланади.

9.9. Ходим ўз хизмат вазифасига кўра фойдаланиши лозим бўлган маълумотларга нисбатан тижорат сири режимиини нотўғри ўрнатилганлиги бўйича тегишли қонунчиликда белгиланган тартибида ҳуқуқ органларига ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

9.10. Бўлим бошлиқлари тижорат сирига кирувчи маълумотлардан фойдаланишни чегаралаш мақсадида ахборот техно-

логиялари хизмати билан бўлимга тегишли компьютер тармоғидаги маълумотлардан фойдаланиш тартибини келишиши шарт.

**10. Тижорат сири акс этган моддий жисмларнинг сақланишини назорат қилиш:**

10.1. Тижорат сири акс этган моддий жисмлар ва «тижорат сири» грифи қўйилган йигмажилларнинг сақланишини назорат қилиш қўйидагилар оркали амалга оширилади:

10.1.1. Тижорат сири режимига ходимлар томонидан риоя этилишини кунлик назорат қилиш.

10.1.2. Тижорат сири акс этган моддий жисмлар ва йигмажилларни ҳар йили хатловдан ўтказиш.

10.1.3. Тижорат сири акс этган моддий жисмлар сақланадиган йигмажилларнинг йўқотилиши муносабати билан тижорат сири режимини навбатдан ташқари текширувдан ўтказиш.

10.1.4. Тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг ошкор этилиши факти муносабати билан тижорат сири режимини навбатдан ташқари текширувдан ўтказиш.

10.1.5. Тижорат сири билан ишлаш бўйича масъул шахс ва тижорат сирига масъул ходимлар алмашгандан тижорат сири режимини текширувдан ўтказиш.

10.2. Таркибий бўлинмаларнинг мансабдор шахслари ва тижорат сирига масъул шахслар тижорат сири режимига риоя этилишини кунлик назорат қиласди.

10.3. Тижорат сири акс этган моддий жисмлар ва «тижорат сири» грифи қўйилган йигмажилларни ҳар йили хатловдан ўтказиш Комиссия томонидан корхона раҳбарининг бўйруғига мувофиқ амалга оширилади ва тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади.

10.4. Тижорат сири акс этган моддий жисмлар йўқотилган ёки тижорат сирини ташкил этувчи ахборот ошкор этилган ҳолатлар аниқланганда корхона раҳбари ва тижорат сири билан ишлаш бўйича масъул шахсга маълум килинади.

**11. Низомни бузганлиги учун жавобгарлик:**

11.1. Мазкур низомни бузган шахслар тегишли фуқаролик қонунчилигига белгиланган тартибда фуқаролик-хуқуқий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилади.

11.2. Ходим хизмат вазифасига кўра маҳфий маълумотлардан фойдаланганда қасдан ёки эҳтиётсизлиги оқибатида уларни ошкор қиласа ва мазкур ходимнинг харакатида жиноят элементлари

бўлмаса, тегишли қонунчиликда белгиланган тартибда интизомий жавобгарликка тортилади.

11.3. Шахс тижорат сирига кирувчи маълумотларни ишлатган ва мазкур ҳолатни қонунга хилофлигига етарли асоси бўлмаган бўлса, жумладан, тасодиф туфайли ушбу маълумотлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлган бўлса, у холда тегишли қонунчиликка кўра жавобгарликка тортилмайди.

11.4. Жамият талабига кўра тегишли шахслар маълумотлар махфилигини таъминлаш бўйича тегишли чора-тадбирлар кўришлари шарт. Бундай тадбирларни кўришдан бош тортилган тақдирда жамият тегишли қонунга кўра ўз ҳуқуқини талаб килишга ҳақлидир.

11.5. Жамият ходимлари тижорат сирининг ошкор килмаслик бўйича мажбуриятга имзо чекади (Б илова) ва учинчи бир шахсларни корхона худудига киришига, мазкур шахслар томонидан ҳуддаги объектларни кўриш, фото ва видео тасмаларга тушириши бўйича жавобгар ҳисобланади.

А илова

### **Пахта тозалаш корхонасида тижорат сирига киритилган маълумотлар рўйхати**

**Ишлаб чиқариш бўйича директор - Бош муҳандис:**

1. Пахта тозалаш корхонасида ишлатилаётган ва ўзида ёки унинг учун ишлаб чиқарилган дастурй таъминот.

2. Махсулот ишлаб чиқариш режаси лойиҳаси.

3. Ишлаб чиқариш дастури.

4. Очик манбаларда (маълумотнома, каталоглар ва бошқалар) мавжуд бўлмаган маҳаллий ва хорижий буюртмачилар, пудратчилар, мол етказиб берувчилар, харидорлар, мижозлар, ҳамкорлар, воситачилар, ракобатчилар тўғрисидаги маълумотлар.

5. Аукционлар, тендерлар ва уларнинг натижалари ҳақидаги маълумотлар.

6. Пахта тозалаш корхонасининг материаллар, эҳтиёт қисмлар ва асбоблар бўйича эҳтиёжига оид маълумотлар.

6. Меъёрий-техник хужжатлар фонди.

**Тайёрлов ва тайёр маҳсулотлар бўйича директор ўринбосари:**

1. Ишлаб чиқариш дастури.

2. Очик манбаларда (маълумотнома, каталоглар ва бошқалар) мавжуд бўлмаган маҳаллий ва хорижий буюртмачилар, пудрат-

чилар, мол етказиб берувчилар, харидорлар, мижозлар, ҳамкорлар, воситачилар, рақобатчилар тұғрисидаги маълумотлар.

3. Пахта тайёрлаш, тола ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда сотиши режалари.

4. Пахта етиштирувчилар билан тузилған контрактация шартномаларига оид маълумотлар.

5. Пахтани қабул қилиш, сақлаш ва ташишга оид маълумотлар.

6. Уруғлик чигитни тайёрлаш ҳақидаги маълумотлар.

**Бош муҳосиб:**

1. Бошқарув ҳисоботи ва молиявий-хұжалик фаолияти таҳлили бүйича маълумотлар.

2. Тұловлар таҳлили ҳақидаги маълумотлар.

3. Корхона ходимларининг иш ҳақи тұғрисидаги маълумотлар.

4. Таъсисчиларнинг даромадлари ва дивиденд тұловлари ҳақидаги маълумотлар.

5. Банкдаги ҳисоб-китоб счётидаги ва кассадаги маблағлар қолдиги ҳақидаги маълумотлар.

6. Маҳсулот қиймати таҳлили ҳақидаги маълумотлар.

7. Бухгалтерия ҳисоби регистрлари ва ички бухгалтерия ҳисоботининг мазмуни ҳақидаги маълумотлар.

8. Бухгалтерия ва аудиторлық текшируви материаллари ҳамда уларнинг натижалари ҳақидаги маълумотлар.

9. Корхонанинг савдо, молиявий, номенклатура ва баҳо операциялари мазмуни ҳақидаги маълумотлар.

10. Кредиторлық ва дебиторлық қарзлари тұғрисидаги маълумотлар.

**Режалаштириш бўлими:**

1. Пахта тайёрлаш ҳажми ва таннархи таҳлили маълумотлари.

2. Маҳсулот (тола, чигит, момик ва бошқалар) ишлаб чиқариш ҳажми таҳлили маълумотлари.

3. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархи таҳлили маълумотлари.

4. Корхона фойдаси ва тайёр маҳсулот (тола, чигит, момик ва бошқалар) баҳоси (1 тн, дона) таҳлили маълумотлари.

5. Тайёрлов бюджети ижросини намлиқ, ифлослик ва ассортимент бўйича таҳлили маълумотлари.

6. Тола чиқишини маҳсулот ҳажми ва таннархига таъсири таҳлили маълумотлари.

7. Толанинг пахта навидан саноат навларига ўтишини маҳсулот таннархига таъсири таҳлили маълумотлари.

8. Толанинг синфларга тақсимланишини маҳсулот баҳосига таъсири таҳлили маълумотлари.

9. Кунлик маҳсулот ишлаб чиқариш режаларига оид маълумотлар.

10. Тола чиқиши меъёри ҳақидаги маълумотлар.

11. Корхонадаги иш ҳақи тўлови тизими ва ходимларининг иш ҳақи ҳамда меҳнат ҳақи фонди ҳақидаги маълумотлар.

12. Пахта тозалаш корхонаси бюджетлари ҳақидаги маълумотлар.

#### **Бош механик:**

1. Очиқ манбаларда (маълумотнома, каталоглар ва бошқ.) мавжуд бўлмаган маҳаллий ва хорижий буюртмачилар, пурратчилар, мол етказиб берувчилар, харидорлар, мижозлар, ҳамкорлар, воситачилар, рақобатчилар тўғрисидаги тизимга солинган маълумотлар.

2. Техник ҳужжатлар (технологик низомлар, технологик топшириқлар, жадваллар).

3. Курилмаларнинг технологик имкониятлари (паспорти, низоми).

4. Технологик қурилмаларнинг чизмалари.

5. Норматив-техник ҳужжатлар.

6. Асосий ва ёрдамчи материалларнинг харажат нормаси.

7. Ишлаб чиқариш куввати, курилмалар типи ва жойлашиши, хомашё, материаллар ва бутловчи қисмлар захираси ҳақидаги маълумотлар.

#### **Бош энергетик:**

1. Энергия сарфи ҳақидаги маълумотлар.

2. Энергетика курилмалари ҳолати.

3. Энергетика хўжалигига қўлланиладиган технологик курилмаларнинг бутлиги ва миқдори.

4. Энергетика хўжалигига тегишли техник ҳужжатлар.

#### **Тайёр маҳсулотлар бўлими:**

1. Ишлаб чиқарилган ва юклаб жўнатилган маҳсулот миқдори.

2. Очик манбаларда (маълумотнома, каталоглар ва бошқалар) мавжуд бўлмаган маҳаллий ва хорижий буюртмачилар, пурратчилар, мол етказиб берувчилар, харидорлар, мижозлар, ҳамкорлар,

воситачилар, рақобатчилар тұғрисидаги тизимга солинган маълумотлар.

3. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳақидаги маълумотлар.

4. Сотиш бюджети маълумотлари.

**Техника назорати бўлими:**

1. Пахта хомашёсини сифати ҳақидаги маълумотлар.

2. Пахта толаси ва бошқа тайёр маҳсулотлар (момик, чигит ва чиқиндиilar) сифатига оид маълумотлар.

3. Тайёрланган уруғлик чигит сифати ҳақидаги маълумотлар.

4. Тайёрланган пахта хомашёсининг турлари, навлари ва бошқа белгиларига оид маълумотлар.

**Тайёрлов бўлими:**

1. Жаҳон бозоридаги пахта толаси нархига оид маълумотлар.

2. Ишлаб чиқарилаётган (харид қилинаётган) маҳсулот таннархи ҳақидаги маълумотлар.

3. Маркетинг тадқиқотлари маълумотлари ва натижалари.

4. Пахта хомашёсини тайёрлов бюджети.

**Смена бошлиги(уста):**

1. Ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилиши ва ишлаб чиқариш қувватлари тұғрисидаги маълумотлар.

2. Мехнат унумдорлиги ҳақидаги маълумотлар.

3. Кунлик маҳсулот ишлаб чиқариш режаларига оид маълумотлар.

4. Тола чиқиши меъёри ҳақидаги маълумотлар.

**Ходимларни бошқарув хизмати бўлими:**

1. Бўлим бошлиқларининг мехнат шартномалари мазмуни.

2. Корхонадаги бронлаштирилганлар ҳақида маълумотлар.

3. Бронлаштирилниши лозим бўлган ходимлар тұғрисидаги маълумотлар.

4. Ходимларнинг шахсий варакасида сақланаётган маълумотлар.

5. Мехнат шартномаларининг мазмуни (оклад миқдори, тариф ставкаси).

**Ахборот технологиялари бўлими:**

1. Компьютер ва дастурий таъминотнинг ҳолати.

2. “XXX пахта тозалаш заводи”да яратилган компьютер дастурларининг рўйхати, бажарадиган вазифаси, қўлланиш соҳаси ва функционал имкониятлари.

**Тижорат сирини ошкор құлмаслик ҳақида  
МАЖБУРИЯТ**

Бозор иқтисодиёти ва ракобат күчайиб бораётган шароитда тижорат сири маркетинг ва үддабуронлик элементи, корхона фойдасини күпайтиришнинг воситаси сифатида юзага чықади. Тижорат сирини ошкор булиши корхона даромадининг пасайиши ёки банкротта учрашига олиб келиши мүмкін.

Ходим (хизматчи) хизмат вазифасига күра ёки бошқа йүл билан үзиге таниш бүлгап тижорат сирига киравчы маълумотларни сир саклаши шарт. Корхонанинг тижорат сирига киравчы маълумотларни ошкор қилиш, маълумот ташувчиларни йүқотиш, учинчи бир шахсга бериш, корхона рухсатисиз зылон қилиш ҳамда корхонага зарар келтириши мүмкін бүлгап ҳар қандай фаолиятда ишлатиш фуқаролик қонунчилигида белгиланган тартибда фуқаролик-хуқуқий, маъмурий ёки жиной жавобгарлікка тортилишига олиб келади.

Тижорат сирига киравчы маълумотлар корхона раҳбари томонидан аникланади ва “Корхонада тижорат сирига киравчы маълумотлар рүйхати” (№ \_\_\_\_ « \_\_\_\_ » \_\_\_\_ 20 \_\_\_\_ йилдаги бүйрук билан тасдиқланған) да акс эттирилади.

Ходимлар ва таркибий бүлинмалар раҳбарларига иш юзасидан ҳамкорлик қилаёттан корхоналарга тегишли тижорат сирининг тегишли кисмігіна таништирилади.

Тижорат сирига кирилтілген маълумотлар билан муюмала қилиш тартиби “Тижорат сири режимінде риоя этиш бүйіча” намунашын низомга асосан тартибга солинади.

Ходим хизмат вазифасига күра тижорат сирига киравчы маълумотлардан фойдаланиш хуқуқини олган кисми билангина ишлаши лозим, маълумотларнинг қайси бир кисміні муҳофаза қилиш кераклигини билиши ва улардан фойдаланиш вақтида тижорат сири тартибига риоя қилиши шарт.

Ходим үзи фойдаланаёттан мағфий маълумотлардан фойдаланиш хуқуқи берилген ходимлар ва бу маълумотлардан уларға қандай хажмдагиси фойдаланишга берилиши мүмкінligини ҳам билиши шарт.

Бирон-бир ташкилот билан ҳамкорликда фаолият олиб бориляёттандында уларнинг вакилларига бүлім бошлиғининг ёзма рухсати

билин тијорат сирига киравчи маълумотлар ошкор қилиниши мумкин. Бунда раҳбар маҳфий маълумотлар ошкор қилинадиган шахс, маълумотлар ҳажми ва таркибини аниқлаши лозим.

Тијорат сирини акс эттирувчи ҳужжатлар, маҳсулот, гувоҳнома, руҳсатнома, тартиб биноси, омборхона, сейф ва металл шкафларнинг калити, муҳрлар йўқолганлиги ёки камомади ҳақида ҳамда мазкур ҳолатнинг сабаби ва шароитлари ҳақида бош директор ёки бош директорнинг муовинига тезлик билан хабар бериши шарт. Ходим юқорида таъкидланган масъул ходимлар ёки тайинланган мансабдорларнинг биринчи сўровига биноан тијорат сирига киравчи материалларни текшириш учун тақдим этиши шарт. Ундан ташқари, ходим “ёпик” ишларни бажарилиши, тијорат сирининг ўзида акс эттирувчи ҳужжатлар ва маҳсулотнинг сақланиши ҳамда ҳисоби бўйича ўрнатилган қоидаларнинг бузилиши, уларни ошкор қилиниши, ҳужжатлар ва маҳсулотни йўқолиши ҳақида оғзаки ёки ёзма тушунтириш бериши шарт.

Мен, (фамилия, исм, шариф пахта тозалаш корхонасини ходими (хизматчиси) сифатида меҳнат муносабатларим даврида ва у тугагандан сўнг З йил давомида жамият билан тузилган меҳнат шартномамга кўра ҳамда корхонада амал қилинаётган маҳфий маълумотларни сақлаш бўйича низомга мувофиқ куйидагиларни ўз зиммамга оламан:

1) хизмат вазифамга кўра менга ишонч билдирилган ёки маълум бўлган корхона тијорат сирига киравчи маълумотларни ошкор қиласликка;

2) корхона руҳсатисиз маҳфий маълумотларни учинчи бир шахсларга бермаслик ва ошкор қиласлик; учинчи бир шахсларни корхона ҳудудига ишлаб чиқариш, молиявий-хўжалик фаолияти билан танишиш мақсадида бош директор ёки бош директор муовинининг руҳсатисиз киришига йўл қўйаслик;

3) корхонадаги тијорат сирини сақлаш бўйича менга тегишли бўлган низом, талаб, бўйруқ ва кўрсатмаларни бажариш;

4) бегона шахслар томонидан тијорат сирига киравчи маълумотларни мендан олишга ҳаракат қилинганда бу ҳақда тезлик билан юқорида номлари қайд этилган мансабдор шахсларга ёки бўлим бошлиғига хабар бериш;

5) ходимлар ва ўз иш ҳақи ҳақидаги маълумотларни тарқатмаслик;

6) ҳамкорлик қилаётган корхоналарнинг тижорат сирини саклаш;

7) тижорат сирига кирувчи маълумотлардан корхонага зарар келтириши мумкин бўлган ҳар қандай фаолиятда фойдаланмаслик;

8) ишдан бушаганимдан сўнг ўзимдаги корхонанинг тижорат сирини ифодаловчи барча хужжатлар, маълумот ташувчилар (қўл ёзмалар, хомаки қўл ёзмалар, чизмалар, принтердан чиқарилиглар материаллар, кино, фотонегативлар, моделлар, материаллар, маҳсулот ва бошқалар)ни мансабдор шахс ёки бўлим бошлиғига топшириш;

9) тижорат сирини акс эттирувчи хужжатлар ва маълумот ташувчилар, маҳсулот, гувоҳнома, руҳсатнома, тартиб биноси, омборхона, сейф ва металл шкафларнинг қалити ва муҳрлар йўқолганлиги ёки камомади ҳақида ҳамда мазкур ҳолатнинг сабаби ва шароитлари ҳақида бош директор ёки бош директорнинг муовинига зудлик билан хабар бериш. Мен ушбу 1, 2, 3, 4, 5, 6, 8-моддаларнинг биронтасини бажармаган тақдиримда тегишли қонунчиликка кўра корхонадан ишдан бушатилишим ҳақида огоҳлантирилдим.

Менга корхонада тижорат сирини муҳофаза қилиш бўйича тегишли низом тушунтирилди ва мазкур низомни 1 нусхаси берилди.

Мен мазкур низом бузилиши оқибатида фуқаролик қонунчилигига белгиланган тартибда озодликдан маҳрум қилиш, пул жаримаси, корхонага етказилган зиён (зарар, олинмаган наф ва маънавий зарар)ни қоплаш ва бошқа жазо кўринишидаги фуқаролик-хукукий, маъмурий ёки жиноий ва бошқа турдаги жавобгарликка тортилишимдан хабардор бўлдим.

“ \_\_\_\_\_ ” й. (Имзо)

12-илова  
Пахта тозалаш  
корхонаси  
акционерларининг  
умумий  
йиғилиши қарори  
билинг  
**ТАСДИҚЛАНГАН**  
**200** йил  
даги № баённома

**Пахта тозалаш корхоналари учун “Бошқарув ҳисоби  
тұғрисида”ги  
Намунашы Низом**

**1. Асосий қоидалар:**

Пахта тозалаш корхонасида бошқарув ҳисоби тизимини юри-тишдан асосий мақсад бошқарувчиларни ишлаб чиқариш-хұжалик фаолиятини иқтисодий нафлиигини назорат қилиш, бошқарув билан бөлгік корхона даражасидаги вазифаларни бажариш ва бошқарув қарорларини тайёрлаш ҳамда асослаш учун маълумотлар билан таъминлашдан иборатдир.

**2. Низомнинг ҳаракат қилиши:**

Мазкур низом бошқарув ҳисобининг юритилиши ва хужжат айланишида қатнашадиган барча таркибий бўлинмалар фаолиятига татбиқ этилади.

**3. Бошқарув ҳисоби тұғрисидаги низомнинг мақсади:**

Низом корхонанинг турли бўғиндаги раҳбариятини бошқарув қарорларини қабул қилиши учун пахта тозалаш корхонаси фаолияти тұғрисидаги ва ташқи муҳит ҳақида режа, прогноз ҳамда ҳақиқий маълумотлар билан таъминлаш тартибини белгилайди.

**4. Бошқарув ҳисобининг вазифалари:**

4.1. Материал, молиявий, меҳнат ресурслари миқдори ва ҳаракатини ҳисобга олиш ҳамда улар ҳақида раҳбариятга тегишли маълумотларни тақдим этиш.

4.2. Маҳсулот таннархи, харажатлар ва даромадлар ҳамда корхона миқёсида, таркибий бўлинмалар ва жавобгарлик марказлари бўйича ўрнатилган меъёр ва сметалардан четга чиқишларни ҳисобга олиш.

4.3. Корхонанинг стратегиясини танлаш, амалга ошириш ва самаралилигини баҳолаш учун фаолиятига таъсир этувчи ташки омилларни қайд этиш ҳамда хисобга олиш.

4.4. Алоҳида бир таркибий бўлинмаларни жавобгарлик марказлари, ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар бўйича молиявий-хўжалик фаолияти натижасини аниқлаш.

4.5. Пахта тозалаш корхонаси ва уни таркибий бўлинмалари молиявий-хўжалик фаолиятини назорат ва таҳлил қилиш.

4.6. Бошқарув ҳисботини тузиш ва уни бошқарув ходимлари, мутахассисларга корхона бошқаруви ҳамда келажакка йўналтирилган карорлар қабул қилиш учун тақдим этиш.

4.7. Корхона фаолиятининг микдор ва сифат кўрсаткичларини (шу жумладан, сифат, меҳнат унумдорлиги, товарлар (хизмат)ни мижозлар учун фойдалилиги, ходимларнинг содиқлиги ва х.к.) комплекс тизими истиқболини белгилаш, режалаштириш, ҳисоб ва таҳлилда ишлатиш.

4.8. Келажакда юз бериши кутилаётган ҳодисаларни прогнозлаштириш.

## 5. Бошқарув ҳисобининг иштирокчилари:

5.1. Бош директор – пахта тозалаш корхонасини бошқаришни стратегик, тезкор ва тактик мақсадларини шакллантиради. Ўтган давр ёки маълум бир аниқ санага корхона миқёсида ва асосий бўлимлар кесимида молиявий-хўжалик режасида қайд этилган ҳақиқий натижаларни акс эттирувчи мақсадларга эришилиши тўғрисида бошқарув ҳисботларни талаб қиласди.

### 5.2. Пахта тозалаш корхонаси таркибий бўлинмалари:

- асосий ишлаб чиқариш участкалари (пресслаш, момик ажратиш, жинлаш, тозалаш);

- ёрдамчи хўжаликлар (механика-таъмирлаш цехи, энергия билан таъминлаш, арра устахонаси);

- бошқа хўжаликлар (уруғлик чигит тайёрлаш цехи, чиқин-диларни қайта ишлаш цехи);

- пахта тайёрлов пунктлари;

- хизмат кўрсатувчи хўжаликлар (омборлар, ёнғиндан сақлаш, лаборатория) раҳбарлари хисобланади.

Улар корхонани ривожлантиришнинг узок муддатли мақсадларига эришишнинг тезкор стратегиясини шакллантиради ва шунга мос равиша бошқарув ҳисботларини қабул қиласди. Мазкур

хисоботларда маълум бир санага бўлинма фаолиятининг иктиносидий самарадорлигини муҳим кўрсаткичлари ва уларни режа, ҳисобот ва прогноз маълумотлар кўринишидаги аналитик қайта ишлаш натижалари ҳамда бир-бирига боғлиқ бўлинмалар түғрисидаги маълумотларни шакллантиради.

5.3. Пахта тозалаш корхонасини ривожлантиришни тактик мақсадларини шакллантириш ва ҳал этиш учун масъул бўлган мутахассислар ўзларини ваколатлари даражасида корхона ва унинг бўлинмалари фаолияти ҳақида маълумотлар, корхона фаолияти натижаларига таъсир этувчи ички ва ташки омиллар прогнозини ишлаб чиқади.

#### 6. Режалаштириш вазифаларини ечиш усуслари ва бошқарув ҳисботовининг мазмуни:

Пахта тозалаш корхонасини маҳсулот ишлаб чиқариш режаси корхона фаолиятини тасдиқланган муҳим йўналишларидан келиб чиқкан ҳолда ишлаб чиқлади.

Ушбу йўналишларнинг ҳар бири бўйича тасдиқланган шакл бўйича алоҳида бюджет тузилади.

Пахта тозалаш корхонасини молиявий-хўжалик режаси қуидаги мустақил бюджетлардан ташкил топади:

- операцион бюджетлар;
- инвестиция (инновация) бюджетлари;
- маҳсус бюджетлар;
- йигма бюджетлар.

Бошқарув ҳисботовининг мазмуни пахта тозалаш корхонаси молия-хўжалик фаолиятини режа-фактор кўрсаткичларидан ташкил топади.

Бошқарув ҳисботовининг тайёрланаётганда режа ва ҳақиқий маълумотларни солиштиришни осонлаштириш мақсадида шакли ҳамда мазмуни бўйича Молия-хўжалик режасига яқинлаштирилган хужжатлар қўлланилади.

#### 7. Пахта тозалаш корхонасини молия-хўжалик режасини ишлаб чиқиш ва бажариш учун бошқарув ҳисбовини ташкил этишнинг мазмуни:

Бошқарув ҳисбовини ташкил этишдан мақсад бошқарув қарорларини тезкор қабул қилиш учун пахта тозалаш корхонасини хўжалик фаолияти ҳақидаги аниқ ва тезкор маълумотларни олиш, молия-хўжалик фаолияти режасини бажарилиши, ишлаб чиқариш реурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда ишлаб чиқариш фаолия-

тини бошқаришни назорат қилиш мақсадида ҳисобни тегишли тартибда ташкил қилиштады.

Пахта тозалаш заводида бошқарув ҳисобини ташкил қилиш бүйича жавобгар бош директор хисобланади.

#### **8. Бошқарув ҳисобини жорий этиш босқичлари:**

1. Корхона миссиясини аниклаш.
  2. SWOT таҳлилини ўтказиш ва стратегияни белгилаш.
  3. “Молиявий таркибий тузилма ҳақида”ги низомни тайёрлаш.
  4. Бюджетлаштириш тизимини ишлаб чиқиши.
  5. Корхонани бошқариш учун зарур бўлган кўрсаткичлар тизимини шакллантириш.
  6. Бошқарув ҳисбот тизимини яратиш.
  7. Харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляциялаш стандартини ишлаб чиқиши.
  8. Молиявий ва бошқарув ҳисобларнинг ўзаро ҳамкорлиги механизмини шакллантириш.
  9. “Тижорат сири ҳақида”ги низомни ишлаб чиқиши.
  10. Корпоратив ахборотнинг автоматлаштирилган тизимини танлаш ва жорий қилиш.
  11. Таҳлил, назорат ва қарорлар қабул қилиш тартибини ишлаб чиқиши.
- 9. Пахта тозалаш корхонасини молия-хўжалик режаси бажарилиши ҳақидаги бошқарув ҳисботини тақдим этиш шакли:**

Молия-хўжалик режаси бажарилиши ҳақидаги ҳисбот бошқарув қарорларини қабул қилиш учун тайёр ҳолда тақдим этилади:

- ҳақиқий кўрсаткичлар, режа кўрсаткичлари ва ўтган даврдаги маълумотлар асосида тўлдирилади. Бундай ҳисбот жараёнларни ўзгаришини вакт ва ўзгариш динамикасида ўрганиш ҳамда режа кўрсаткичларидан жиддий четга чиқишиларни келажакда бартараф этиш мақсадида аниклаш, яъни четга чиқишиларнинг сабаби, айборларини аниклаш ва тегишли қарорларни қабул қилиш имкониятини беради;

- ҳисботлар изоҳли матн, масалан, юз берган четга чиқишиларнинг сабаблари (мазкур четга чиқишиларнинг юзага келишига сабаб бўлган омиллар ҳақида) ва уларни айборлари ҳақидаги маълумотлар ёрдамида тўлдирилади. Шу сабабдан режалар бажарилиши ҳақидаги ҳисботларда тартибга солинадиган ва тартибга солинмайдиган (назорат қилинадиган ҳамда назорат қилинмайди-

ган), яъни ушбу күрсаткичларга мазкур молиявий ҳисобот маркази таъсир күрсатадиган ва күрсата олмайдиган күрсаткичлар акс эттирилади;

- тегишли аналитик күрсаткичлар: маржинал даромад, рентабеллик, заарсизлик, натурал күрсаткичлар ва фоизларда четга чиқишилар ва ҳ.к. математик ҳисоб-китобни бажаради.

**10. Пахта тозалаш корхонасининг молия-хўжалик режаси бажарилишини назорат қилиш бўйича бошқарув қарорларини тайёрлаш алгоритми:**

Пахта тозалаш корхонаси фаолияти иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилишда ва асосланган бошқарув қарорларини ишлаб чиқишида корхонанинг хўжалик фаолиятини ифодаловчи ва иқтисодий самарадорлик индикатори ҳисобланувчи ҳамда барча бошқарув бўғинларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминловчи күрсаткичлар мажмую ишлатилади.


**11. Бухгалтер-аналитикнинг хизмат вазифалари қўйидаги-лардан иборатdir:**

- корхона ҳисоб сиёсатини шакллантириш;
- харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш;
- лойиҳалар таҳлилини ўтказиш;
- сегментлар бўйича харажат ва даромадларни ҳисобга олиш;
- ички хўжалик трансферт баҳоларини ўрнатиш;
- ҳисоб тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;
- бошқарув ҳисботини тузиш;
- маҳсулот турлари бўйича рентабеллигини ҳиоблаш ва таҳлил қилиш;
- харажатлар истиқболини белгилаш;
- илмий асосланган бошқарув қарорларини тайёрлаш;
- бизнес-режа тузиш ва унинг бажарилишини назорат қилиш;
- бюджетлар тузиш ва ижросини назорат қилиш.

Бош директор  
Бош бухгалтер

З.С. Салимов  
Н.Б. Ахмедова


**Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2015 йил 28 октябрдаги ПК-2422 сонли қарорига I-илова**



2-чизма. “Ўзпаҳтасаноатэкспорт” холдинг компаниясининг  
ташкилий таркибий тузилиши


14-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2015 йил 28 октябрдаги ПҚ-2422 сонли қарорига 2-илова**




15-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2015 йил 28 октябрдаги ПҚ-2422 сонли қарорига 3-илова**



Бошқарув ходимларининг умумий сони - 43 киши.


**Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2015 йил 28 октябрдаги ПҚ-2422 сонли қарорига За-илова**



Умумий сони 24-33 бирлик, шу жумладан, бошқарув ходимлари – 17-24 бирлик.

**5-чизма. “Ўзпахтасаноят” АЖнинг худудий филиали таркиби тузилиши**


**Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2015 йил 28 октябрдаги ПҚ-2422 сонли қарорига 4-илова**



Ходимларни сони кўпич билан 80 бирлик (хизмат кўрсатувчи ходимларсиз), шу жумладан, бошқарув ходимлари – 31 бирлик, ишлаб чиқариш ходимлари 49 б.

**6-чизма. “Ўзпахтазэкспорт” АЖ ижро аппаратининг таркиби тузилиши**


**Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2015 йил 28 октябрдаги ПҚ-2422 сонли қарорига 4-илова**



Ходимлар сони кўпи билан 25 бирлик (хизмат кўрсатувчи ходимларсиз), шу жумладан, бошқарув ходимлари – 15 б., ишлаб чиқариш ходимлари 10 б.

**7-чизма. “Ўзиҳтаэкспорт” АЖ пахта терминалининг таркиби тузилиши**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2015 йил 28 октябрдаги ПҚ-2422 сонли  
қарорига 5-илова**



Бошқарув ходимларини умумий сони – 30 бирлик.

**8-чизма. “Ўзпахтаёг” АЖ ижро аппаратининг таркиби тузилиши**

**Россияда бюджетлаштиришнинг шаклланиши ва  
ривожланишининг тарихий босқичлари<sup>36</sup>**

<b>№</b>	<b>Ривожланиш даврлари</b>	<b>Босқичнинг ривожланиш хусусиятлари</b>
I	Монастирлик даври (XV асрнинг боши – XVII аср охири)	Монастирларда монахлар томонидан камерал бухгалтерияни юритилиши ва калькуляциянинг юзага келиши
II	Петр ва ундан кейинги давр (XVII аср охири – XIX асрнинг ўрталари)	Петр I нинг буюк ислохоти ва уни оқибатлари
III	Капитализм даври (XIX асрнинг ўрталари ва XX асрнинг боши)	Саноатнинг ривожланиши ва бошқарувнинг асосий вазифаси бўлган корхона фаолиятининг самарадорлигини реал вақт давомида назорат килиб бориш вазифасининг ҳал килина бошланиши, камерал бухгалтериянинг саноатда кенг таркалиши
IV	Социалистик тузум даври (XX асрнинг боши ва охири)	Хўжалик ҳисобининг жорий этилиши ва ривожланиши
V	Бозор иқтисодиёти даври (XX асрнинг охири ва ҳ.к.)	Бюджетлаштиришнинг турли варианatlари ва методларини жорий этилиши ҳамда корхоналарда бюджетлаштиришни жорий этиш бўйича хизматларнинг ривожланиши

<sup>36</sup> О.В.Гринкевич, А.Е.Иванников. Генезис теории и практики бюджетирования. Статья. Журнал. "Техника и технология пищевых производств". 2015. № 1. С. 137.

**Хорижий ва республикализ олимларининг бюджет ва бюджетлаштириш терминалари оид нуқтаси  
назардари<sup>17</sup>**

<b>№</b>	<b>Такослан бюджетлари бўйича</b>	<b>Муаллифлар- ниң исми ва ширифи</b>	<b>Олимларининг нуқтаси назарни</b>	<b>Манба</b>
1.	Зарурати бўйича	Хасанов Б.А., Хашимов А.А.	"Иктисолдётимизда шакланиши билан бошкарув хисобида бюджет- лаштириш, яны корхонанинг маълум давруга мўжадаланган молиявий-хўжалик фоалиятни режалаштириш зарурати тутиди"	Хасанов Б.А., Хашимов А.А. Бошкарув бюджетга бўйича бюджетга бюджетлаштириш - Т.; Ўктуучи, 2004, 13-б.
2.	Ташкилий ахамияти бўйича	Васильев А. А.	"Буюк Британининг бошкарув хисоби бўйича Королик университетининг (СУМА) маълумотла-рия кура, бюджетлаштириш иктисолий бошқарувнинг кенг тарзлантарсан воситаси ва технологияси хисобланади (кушланиш доираси 80%дан кўпшид!)"	Васильев А. А. Бюджетлаштирование промышленных предприятий. – Волгоград.: ВГТУ, 2002. –143 с.
3.	Терминнинг кулланили- шига кўра	Пардаев А.Х., Пардаев Б.Х.	"Корхона амалиятидаги тузиладиган бюджетнинг туб моҳилини ана шу аъзанавий бюджет тарқиби ва моҳилини билиш үчшаш булланилиги учун хам бир катор истисади олимлар уни шу номда колдирни, фойдаланишини таклиф килади. Бу фикрни албатта кўшилишини масадга мутобиф, леб хисобайдайим"	Пардаев А.Х., Пардаев Б.Х. Бошкарув хисоби. Рисола. –Т.; "Г.Гулом" нашриёти. 2008. 104-б.
4.	Терминнинг моҳиатига кўра	Рыбакова О.В.	"Budget" сўзи қадимий норманд тишланган таржима крилинганде "чарм коп" деган манонни билдиради"	Рыбакова О.В. Букгалтерский управ- ленический учет и управленческое пла-нирование. – М.: Финансы и статистика, 2005. С.255.
5.	Бюджет лофтти хакида	Воронова Е.Ю.	"Бюджетлаштириш жорий этилганда бюджетни гу- зини жараёнда катнашни оркали бошкарув холимлари томонидан бюджет кўрсатчиликни атанин тасир кур- сатишга ва бу холат охир-охибатга бўйича "лофтти"га олиб келини мумкинлигини хам ичнумаслик лозим"	Воронова Е.Ю. Институциональные аспекти управленческого учета. Дисс. на соис. учен. степ. доктора экон. наук. –М.: 2012. С. 220.

<sup>17</sup> Илмий заън ўкув азабиётларини таҳлил килиш яосинада диссертант томонидан тузилган.

**“Бюджет” терминига оид таърифлар**

<b>№</b>	<b>Олимларнинг Ф.И.Ш</b>	<b>Таърифларнинг мазмуни</b>
1.	Бобоҷонов О., Жуманиёзов К.	Бюджет тузиладиган режанинг міқдор кўриниши унинг бажарилиши устидан назорат килиш ва тартибга солиш усулидир
2.	АҚШ бошқарув хисоби бўйича дипломли бухгалтерлар институти	Бюджет – режалаштирилаётган даромад қайсики эришилиши лозим бўлган ва хисобот даврида пасайтирилиши керак бўлган харажатлар, тегишли мақсадларга эришиш учун жалб қилиниши лозим бўлган сармоялар міқдорини акс эттирувчи маълум даврга тайёрланган ва қабул қилинган киймат кўринишидаги міқдорий режа
3.	Буюк Британиянинг бошқарув хисоби бўйича Қироллик институти	Бюджет – режа бўлиб киймат кўринишида тақдим этилади, келажакдаги маълум давр учун тайёрланади ва қабул қилинади. Унда мазкур давр мобайнида қанча даромад олиниши ва харажат қилиниши лозимлиги ҳамда тегишли мақсадларга эришиш учун қанча міқдорда сармоялар жалб қилиш назарда тутилаётганлиги акс эттирилади
4.	Энтони Р.	Бюджет маълум бир даврга одатда, бир йилга мўлжалланган міқдор ва қиймат кўринишида ифодаланган режа демакдир
5.	Шим Ж. К., Сигел Ж. Г.	Бюджет компания фаолиятини ўзаро боғланган молиявий (активлар, хусусий капитал, даромад ва харажатлар ва х.к.) ва натурал (ишлаб чиқарилган маҳсулот ва кўрсатилган хизматлар ҳажми ва бошқалар) иктисодий кўрсаткичларини акс эттирувчи фаолиятнинг міқдорий режаси ва дастури бажарилиши демакдир. Бюджет компания мақсадларини аниқ бир молиявий ва операцион вазифаларини бажаришни изоҳлайди ва ўзида молиявий прогноз ва молиявий режалар тўпламиини мужассамлаштиради
6.	Нидлз Б.,	Бюджет келажакда бўладиган иктисодий

	Миллз С., Андерсон Г.	жараёнлар, хұжалик фаолияти ва натижаларини молиявий ҳамда молиявий бүлмаган күрсаткичларда прогнозлаштирадиган харатлар режасидир
7.	Аткинсон, Энтони А., Банкер, Раджи Д., Каплан, Роберт С., Янг, Марк С.	Бюджет – жорий фаолият натижаларини олдиндан башорат қыладиган ва молиявий режа корхонани мақсадларига эришишига имкон берадими деган саволга жавоб берадиган пул оқимлари ва чиқымларини мікдорий ифодаланишидир
8.	Гаррисон Р., Норин Э., Брюэр П.	Одатда бюджетлар ҳар йили тузилади ва менежмент режасини үзига хос киймат күрнишида ифода этади
9.	Шеремет А.Д.	Бюджет – күзда тутилаётган харакатлар бажарилишидан аввал тузиладиган молиявий хужжатдир
10.	Бахрушина М.А.	Бюджет күзда тутилаётган харакатлар бажарилишидан аввал тузиладиган молиявий хужжат ва у булажак молиявий жараёнлар прогнозини күрсатади
11.	Россия иктиносидий ривожлантериши вазирлиги томонидан ишлаб чиқылған бошқарув хисоби бўйича услугбий курсатма	Бюджет режалаштирилаётган ёки кутилаётган даромад, харажат, актив ва мажбуриятлар ҳақидаги маълумотлардир. Бюджет келгуси жараёнларни директив режасини үзизда мужассамлаштиради ва корхона фаолияти самарадорлигини режалаштириш, хисобга олиш, назорат килиш ва баҳолаш учун ишлатилади
12.	Карпова Т. П.	Бюджет – режанинг мікдорий ифодаланиши, унинг бажарилиши устидан назорат воситаси ва тартибга солиш усулидир
13.	Волкова О.	Бюджет – корхонани күзланган мақсадига эришишига йўналтирилган корхона мікёсида ва унинг сегментлари бўйича фаолиятининг мікдорий жиҳатдан деталлаштирилган режасидир
14.	Пардаев А.Х., Пардаева З.А.	Бюджет – режалаштирилган фаолиятни амалга оширишдан олдин тузиладиган молиявий хужжат ҳисобланади

## 22-илованинг давоми

15.	Абдуганиев А.А.	Бюджет – режанинг микдорий ифодаси, унинг бажарилиши устидан назорат ва тартибга солиш бўлиб ҳисобланади.
16.	Чая В.Т., Чупахина Н.И.	Бюджет – қиймат кўрсаткичларини акс эттирувчи режадир, қиймат кўрсаткичларини ҳар қандай режада акс эттириш мумкин
17.	Янковский К.П., Мухар И.Ф.	Бюджет – корхона хўжалик (операцион), инвестицион ва молиявий фаолият харажатлари ва пул келиб тушишини акс эттирадиган операцион молиявий режадир
18.	Маняева В.А.	Бюджет фаолиятини амалга ошириш учун барча турдаги маблағлар мувофиқлаштирилган ва баланслаштирилган хўжатadir
19.	Демин А.Е.	Бюджет пул ва натурал шаклда ифодалangan режа хўжжати бўлиб, қишлоқ хўжалиги корхоналари миқёсида ва алоҳида олинган таркибий бўлинмалар (хўжалик масъулияти марказлари) бўйича ишлаб чиқилади ва бажаришга қабул қилинади
20.	Демиденко Ю.Г.	Бюджет – раҳбарлар лойихаларини цифrlарда аниқлаштирадиган ва мувофиқлаштирадиган корхона ичидаги юқори самарали молиявий режалаштириш воситасидир
21.	Терновых В.К.	Корхона бюджети раҳбарият томонидан расман тасдиқланган барча функция ва бўлинмалар бўйича мувофиқлаштирилган молиявий режа бўлиб, унда даромад ва харажатлар, пул маблағлари тўлови ва киrimи, активлар ва капитал ўсиши баланслаштирилади
22.	Кузьмина М.С.	Бюджет – корхона фаолиятининг барча кирраларини қамраб олувчи ва харажатларни олинган натижалар билан тақослаш имконини берадиган молиявий режадир

**Бюджетлаштиришга оид таърифларнинг таққослама таҳлили**

<b>№</b>	<b>Олимларнинг Ф.И.Ш</b>	<b>Таърифларнинг мазмуни</b>
1.	Хруцкий В.Е., Сизова Т.В., Гамаюнов В.В.	Бюджетлаштириш – прогнозлаштириладиган ва олинган молиявий кўрсаткичларни таҳлил қилиш имконини берадиган даромад ва харажатлар хисоби, назорати ҳамда молиявий режалаштириш технологиясиdir
2.	Ананжолова Б.А.	Бюджетлаштириш деганда бюджетларни ишлаб чиқиш жараёни, уларни бажарилиши устидан назорат қилиш ва четланишларни таҳлил қилиш тушунилади
3.	Старовойтов М.К.	Бюджетлаштириш бюджетларни тузиш, жорий назорат қилиш, қақиқий кўрсаткичларни бюджетдан четланишини ҳисобга олиш ва четланишлар сабаблари таҳлилини интеграллашган тизимини англатадиган бошқарувнинг алоҳида бир воситасидир
4.	Вахрушина М.А.	Бюджетлаштириш деганда режалаштириш жараёни тушунилади
5.	Каверина О.Д.	Бюджетлаштириш режалаштириш ва назорат функциясини бажарувчи бошқарув ҳисобининг ажралмас кисмидир
6.	Маняева В.А.	Бюджетлаштириш деганда таҳлил ва назорат учун ҳисботот маълумотларини, қайсики асосида бюджет деб аталувчи молиявий восита ёрдамида белгиланган мақсадларга эришиш жараённида тартибга солувчи бошқарув қарорлари қабул қилинадиган маълумотлар технологиясини мувофиқлаштириш тушунилади
7.	Коба Е. Е.	Бюджетлаштиришни мазмуни шундан иборатки, унинг ёрдамида стратегик ва тактик мақсадлардан келиб чиқиб, корхона ва шуъбалари фаолияти режалаштирилади ва бюджет кўрсаткичларида: молиявий-хўжалик фаолияти, алоҳида бир ишлаб чиқариш турлари ва таркибий бўлинмаларнинг молиявий натижаларида, фаолият самарадорлиги мақсадли кўрсаткичларини белгилаш ва маблағлар сарфи лимитини белгилашда ўз аксини топади
8.	Терновых В.К.	Бюджетлаштириш – масъулият марказлари кесимида бюджетларни ишлаб чиқиш, белгиланган натижаларга эришиш мақсадида уларнинг

		бажарилишини ташкил этиш ва назорат қилишга асосланган корхонани ишлаб чиқариш-мoliaвий фаолиятини бошқариш тартибидир
9.	Карпова Т.П.	Бюджетлаштириш – корхона ва унинг бўлинмалари фаолиятини бошқариш усулидир
10.	Чухрова О.В.	Бюджетлаштириш – ишлаб чиқаришни назорат қилиш тартибидир, шунинг учун уни ишлаб чиқариш-сотиш жараёнини иқтисодий маълумотлар билан таъминлаш ҳамда уларнинг бажарилишини келгусида ҳисобга олиш ва назорат қилиш бўйича усуллари мажмуй сифатида таърифлаш мумкин
11.	Чая В.Т., Чупахина Н.И.	Бюджетлаштириш – маблаглардан самарали фойдаланиш устидан назорат қилишнинг муҳим шаклидир
12.	Янковский К.П., Мухар И.Ф.	Бюджетлаштириш – режалаштириш мақсадларига мувоғиқ бюджетларни ишлаб чикиш демакдир
13.	Абдуганиев А.А.	Бюджетлаштириш бошқарув усули сифатида ўз жараёнида корхона ва унинг бўлинмалари фаолиятини режалаштириш, жамоанинг барча таклифларини умумлаштириш, бюджет лойихаларини ишлаб чикиш, режа вариантларини тузиш, тузатишлар киритиш, режаларни тасдиқлатиш, коммуникацион қайта алоқалар ва ўзгарувчан шароитлар ҳисобини лойихалаш функциясини бажариши лозим
14.	Керимов В.Э.	Бюджетлаштириш термини хорижий мамлакатларнинг бошқарув ҳисоби тизимида кўпинча режалаштириш жараёнини тавсифлаш учун кўлланилади
15.	Соколов А.Ю.	Бюджетлаштириш компания ҳаражатлари ва фаолият натижаларини қиска даврга режалаштириш жараёнини ифодалайди
16.	Ивашкевич В.Б.	Бюджетлаштиришга умумий ҳолатда бюджет деб аталмиш маълум бир мoliaвий воситалар ёрдамида ички фирма, корпоратив бошқарувнинг ахборот тизими сифатида қарап мумкин
17.	Хасанов Б.А., Хашимов А.А.	Бюджетлаштириш корхонанинг маълум даврга мўлжалланган мoliaвий-хўжалик фаолиятини режалаштириш ҳисобланади
18.	Пардаев А.Х., Пардаева З.А.	Дастурлар бўйича тегишли бюджетларни ишлаб чикиш ва шакллантириш – режалаштиришдаги муҳим бир омилдир

## Бюджетлаштириш тамойиллари

№	Тамойилларнинг номи	Тамойилларнинг мазмуни
1.	Умумийлик тамойили	Корхона фаолиятини бюджетлаштириш тизимли характерга эга бўлишини англатади
2.	Узлуксизлик тамойили	Ўрнатилган вакт цикли доирасида режалаштириш тизимли олиб борилишини билдиради
3.	Мослашувчанлик тамойили	Узлуксизлик тамойили билан узвий боғлиқ бўлиб, янги ёки кўзда тутилмаган холатлар юзага келиши билан бюджетларни ўз йўналишини ўзгартира олишини билдиради
4.	Аниклик тамойили	Тузилаётган бюджетлар ички ва ташқи шароитлар йўл қўйган миқдорда имконият қадар аник бўлиши, тезкорежаларни конкретлаштирилиши ва деталлаштирилишини билдиради
5.	Реаллик тамойили	Реал бюджетлар тузилаётганда корхоналар келгуси ой ва чоракка эмас. келажакка мослаб иш тутишини англатади
6.	Бюджетларни мувофиқлаштириш тамойили	Бюджетларни мувофиқлаштириш турли таркиибий бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштиришсиз корхона хўжалик-молиявий фаолиятини самарали режалаштириш ва амалга оширишни англатади
7.	Тўлов қобилияти тамойили	Бюджет даври давомида пул билан тўлик тъминланганликни билдиради
8.	Оптималлаштириш тамойили	Ушбу тамойилга асосан бюджет чекланган маблаглардан самарали фойдаланиш, молиялаштиришни қуляй шароитига эга бўлиш ҳамда корхона молиявий оқимлари, харажат ва фойдасини оптималлаштиришга имкон бериси лозим
9.	Қатнашиш тамойили	Хар бир раҳбар, менежер, мутахассис ўзи эгаллаб турган лавозими ва бажарадиган ишини хусусиятидан қатъни назар бюджетлаштириш тизимини катнашувчисига айланишини англатади
10.	Масъулиятлик тамойили	Сарфланадиган харажатлар, олинадиган даромад ва фойда бўйича масъулиятни тақсимлашни назарда тутади
11.	Муддатларнинг молиявий нисбати тамойили	Бюджетда белгиланган муддатларда маблагларнинг келиб тушиши ва ишлатилиши лозимигини англатади
12.	Изчилик тамойили	Бюджетлаштириш тартиби маълум бир вакт ичida кўлланишини англатади
13.	Мухимлик тамойили	Бюджет маълумотлари мухим бўлиши, уларнинг тушириб колдирилиши ёки бузиб кўрсатилиши баҳолашнинг узариши, қабул қилинаётган карорларга таъсир этиши мумкинligини билдиради
14.	Ахборот тъминоти тамойили	Бюджетлаштириш тизимида ахборот технологияларининг кўлланилиши зарурат эканлигини англатади

**Пахта тозалаш корхоналари учун тавсия қилинаётган  
бюджетлаштириш ҳақидағи низомнинг намунашы  
лойиҳаси**

**Умумий қоидалар**

«Бюджет» түшүнчеси тор маңнода харажатлар сметаси сифатида, кенг маңнода эса маълум бир вақт учун режалаштирилган баланслаштирилган даромад ва харажатларни англатади. Ҳозирги күн талабига күра, «бюджет» нафақат даромад ва харажатларни батафсил (деталлаштирилган) режаси хисобланади, балки бюджет молиявий рискларни хисобга олган ҳолда талаблар ва мажбуриятларни бошқариш, режалаштиришни самарали воситаси ҳамда ходимларни рағбатлантириш тизимининг асоси ҳам хисобланади. Бюджет корхонанинг максимал молиявий барқарорлик ва молиявий самарадорликка эришиши учун шакллантирилади ва унинг асосида тактик ҳамда стратегик қарорлар қабул қилинади.

Бюджетлаштириш корхона бошқарувининг энг мураккаб ва мухим функцияларидан бири хисобланади. Бюджетлаштириш кенг маңнода келажак воқеалар билан боғлиқ бўлган бошқарув карорларини тизимли тайёрлашни англатади. Бу ерда гап мақсадларни тизимли белгилаш ва уларга эришиш учун тегишли тадбирларни амалга ошириш ҳақида кетмоқда.

Молиявий масъулият марказларининг бюджети – режа бўлиб, унда мақсад, бажариш бўйича топшириклар, уни бажариш билан боғлиқ харажатлар (тўғри ва устама)нинг барча турлари ва маблағлар жалб қилиш бўйича топшириқ, олинадиган фойда (ялпи, операцион, баланс ва соф)нинг микдори ва меъёри бўйича топшириклар белгилаб берилади.

Ҳар қандай ҳўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий, ташкилий (хукуқий) ва ҳўжалик (маҳсулот ёки минтақа бўйича) муносабати нуқтаи назаридан фаолият тури(бизнес)га эга ва мустақил бўлган, даромад ва харажатларини назорат қилиш (тасир қилиш) имкониятига қодир бўлган раҳбари тезкор масалаларда қарорлар қабул қилиш ҳуқукига эга ҳамда уларнинг бажарилишини молиявий натижалари бўйича жавобгар бўлган таркибий бўлинмаси молиявий масъулият марказларига ажратилиши мумкин.

## **1. Бюджетлаштириш тизимиининг вазифалари**

Бюджетлаштириш тизимиининг вазифалари қуидагилардан иборат:

- фаолиятни бюджетлаштириш ва бюджетларни менежерларга етказилишини таъминлаш;
- корхонанинг турли бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлиги уйғунлигини таъминлаш;
- менежерлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш ва рағбатлантириш ҳамда уларни ўқитиш;
- фаолият турларини бошқариш ва назорат қилиш.

## **2. Бюджетлар шакллантирилаётганда риоя қилиниши лозим бўлган талаблар**

Бюджетлар шакллантирилаётганда қуидаги талабларга риоя қилиниши лозим:

- даставвал бюджетлар тузиш даври, ишлаб чиқиш муддати, тартиби, назорат тизими ва бошқалар аниқлаб олинниши, улар ба-тафсил ҳамда пухта ўйлаб чиқилган бўлиши керак;
- бюджетлар тузилаётганда яхши натижаларга эришишга йўналтирадиган ва бажариш мумкин бўлган мақсадлар белгиланиши керак (акс ҳолда, тегишли самараға эришиб бўлмайди);
- шакллантирилаётган бюджетлар имкон даражасида аниқ бўлиши билан бирга, баъзи бир кўрсаткичларни бюджетларни бажарилиши даврида қайта кўриб чиқишга тўғри келиши мумкинлигига ҳам тайёр бўлиш керак;
- бюджетда факат муҳим ва фойдаланувчилар эктиёжини қондирадиган маълумотларгина акс эттирилиши лозим;
- бюджетлар бажарилиши доимий равишида режа кўрсаткичларни ҳакиқатдагиси билан таққослаш орқали назорат қилиниши ва натижада бюджетларга тегишли ўзгартиришлар киритилиши керак;
- барча бюджетлар қатъий кетма-кетликда тузилиши, яъни ҳар бир бюджет аввалги бюджетда акс эттирилган маълумотларга асосланиши ва уларнинг мантиқий давоми бўлиши лозим.

## **3. Бюджетнинг таркибий тузилмаси**

Пахта тозалаш корхоналарида бюджетларни тузиш пахта хомашёсини тайёрлаш бюджетини ишлаб чиқишдан бошланади. Ушбу бюджетда пахта хомашёсини тайёрлаш (тайёрлов ҳажми, сифати, сақлаш шартлари ва бошқалар) ва унинг таннархига оид маълумотлар акс эттирилади. Ушбу бюджетнинг кўрсаткичлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланадиган пахта хомашё тайёрлашнинг прогноз ҳажмларидан келиб чикиб тузилади.

Юкоридаги ҳар иккала бюджетлар асосида ишлаб чиқариш бюджети тузилади. Ушбу бюджетни бошқача қилиб, пахта хомашёси, ускуналар унумдорлигининг техник нормаларини ўзлаштириш даражаси ва ишлаб чиқаришдаги бошқа ташкилий-техникавий омиллар назарда тутилган бюджет давридаги тола ишлаб чиқариш топшириғи деб ҳам аташ мумкин. Унда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг номенклатураси ва навлари, уларнинг миқдори ва ишлаб чиқариш даврлари (муддатлари) ҳамда маҳсулотнинг сифати юзасидан бериладиган топшириқлар батафсил акс эттирилади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш бюджетини тузиш пахта балансини тузишдан бошланади. Балансда мўлжалланган ҳажмда тола ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган пахта ресурслари аниқланади.

Пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларини аниқлаш учун бевосита меҳнат, материал ва устама харажатлардан ташкил топадиган маҳсулот бирлиги таниархини аниқлаш лозим. Шунинг учун бош бюджетни кейинги босқичида пахта хомашёси ишлатилиши, бевосита ёрдамчи материаллар харажатлари, эҳтиёт қисмлар ва бевосита меҳнат харажатлари бюджети тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланадиган пахта хомашё тайёрлашнинг прогноз ҳажмларидан келиб чикиб сотиш бюджети тузилади.

Хозирги кунда тармоқда эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариш харажатлари таркибида катта салмоққа эгалиги сабабли пахта тозалаш корхоналарида “Эҳтиёт қисмлар ишлатилиши бюджети”ни алоҳида тузиш мақсадга мувоғик бўлади.

Бевосита меҳнат харажатлари бюджети режалаштирилган ишлаб чиқариш ҳажмини бажариш учун керакли иш вақтини соатларда аниқлайди. Бунда маҳсулот ёки хизмат бирлиги миқдори бир бирликка тўгри келадиган меҳнат харажатларига кўпайтирилади.

“Умушилаб чиқариш харажатлари” бюджети ишлаб чиқариш инфратузилмасини сақлаш харажатлари ва у билан боғлик тўловларни акс эттиради.

Доимий харажатлар бюджети келажакда фаолиятни юритиш учун зарур бўлган жорий операцион харажатларнинг режасини батафсил ифода этади.

Жараёнларни режалаштириш билан молиявий режалаштириш оралыгыда инвестицион режалаштириш амалга оширилади, яни инвестиция бюджетлари тузилади.

Ушбу бюджет бош бюджет таркибига киради ва янги техника, технологияга узок муддатли молиявий құйилмаларни сарфлаш бүйича режа вазифасини бажаради.

Махсус бюджетлар таркибига кирувчи уруғлик чигит тайёрлаш цехи бюджеттида фермер хұжаликлариға етказилиб бериладиган уруғлик чигит міндері аникланади.

Куритиш-тозалаш цехи тайёrlов масканлари қошида үзини үзи таъминлаш тамойили асосида ташкил этилади. Шу сабабли мазкур бюджетта ушбу цехнинг харажати ва даромадлари аникланади.

Бозор иқтисодиётінде үтишда пахта тозалаш корхоналариде солиқ бюджетини тузиш заруратта айланып жатырылады. Чунки солиқ тұловлари мазкур корхоналар харажатлари таркибиде салмоқлы улушга згады.

Солиқ бюджетини бажариш орқали солиқларни минималлаштириш ва солиқ сиёсатини самаралилігінің оширишга эришиш мүмкін.

Даромад ва харажатлар бюджетини асосий вазифаси корхонаны бюджет давридаги молиявий натижасини күрсатып берішдан иборат бўлиб, кутилаётган рентабеллік ва заарасизлик нұктасини хисоблаш, мухим йўналишларни аниклаш ҳамда бошқа вазифаларни ҳал қилиш имконини беради.

Пул маблаглари бюджети корхонага режасини үз имконияти билан солишириш, яни маблагига қараб фаолият күрсатиш имконини беради ва корхона хисоб сиёсатига боғлиқ бўлмайди.

Бюджет цикли услубий нұктай назардан жуда мураккаб бўлган ва кўп мақсадли ҳужжат хисобланган ҳамда корхонанинг хисоб сиёсатига боғлиқ бўлган прогноз балансини тузиш билан якунланади.

#### **4. Бюджетлаштириш тизими тамойиллари**

Бюджетлаштириш тизими куйидаги тамойилларга таянади:

1. Умумийлик тамойили (корхона фаолиятини бюджетлаштириш тизимли характеристега эга булишини англаради).

2. Узлуксизлик тамойили (ўрнатилган вақт цикли доирасида режалаштириш тизимли олиб борилишини билдиради).

3. Мослашувчанлик тамойили (узлуксизлик тамойили билан узвий боғлиқ бўлиб янги ёки кўзда тутилмаган холатлар юзага

келиши билан бюджетларни ўз йўналишини ўзгартира олишини билдиради).

4. Аниқлик тамойили (тузилаётган бюджетлар ички ва ташқи шароитлар йўл кўйган миқдорда имконият кадар аник бўлиши, тезкор режаларнинг аниқлаштирилиши ва деталлаштирилишини билдиради).

5. Реаллик тамойили (реал бюджетлар тузилаётганда корхоналар келгуси ой ва чоракка эмас, келажакка мослаб иш тутишини англатади).

6. Бюджетларни мувофиқлаштириш тамойили (бюджетларни мувофиқлаштириш турли таркибий бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштиришсиз корхона хўжалик-молиявий фаолиятини самарали режалаштириш ва амалга оширишни англатади).

7. Тўлов қобилияти тамойили (бюджет даври давомида пул билан тўлиқ таъминланганликни билдиради).

8. Оптималлаштириш тамойили (бюджет чекланган маблағлардан самарали фойдаланиш, молиялаштиришни кулагай шароитига эга бўлиш ҳамда корхона молиявий оқимлари, харажат ва фойдасини оптималлаштиришга имконият яратишни билдиради).

9. Қатнашиш тамойили (ҳар бир раҳбар, менежер, мутахассис ўзи эгаллаб турган лавозими ва бажарадиган ишининг ҳолатидан қатъи назар бюджетлаштириш тизимини қатнашувчисига айланинианглатади).

10. Масъулиятлик тамойили (сарфланадиган харажатлар, олинадиган даромад ва фойда бўйича масъулиятни тақсимлашни назарда тутади).

11. Муддатларнинг молиявий нисбати тамойили (бюджетда белгилangan муддатларда маблағлар келиб тушиши ва ишлатилиши лозимлигини англатади).

12. Изчиллик тамойили (бюджетлаштириш тартиби маълум бир вақт ичida қўлланилишини англатади).

13. Аҳамиятлилик тамойили (бюджет маълумотлари учун муҳим бўлиши, уларни тушириб қолдирилиши ёки бузиб кўрсатилиши баҳолашнинг ўзгариши, қабул килинаётган қарорларга таъсир этиши мумкинлигини билдиради).

14. Ахборот таъминоти тамойили (бюджетлаштириш тизимида ахборот технологиялари қўлланилиши зарурат эканлигини англатади).

## **5. Бюджетлаштиришни ташкил этилиши ва бюджет назорати**

### **5.1. Бюджетлаштиришни ташкил этилиши**

“Бюджетлаштиришни жорий қилиш ва таҳлил” кенгаши пахта саноати корхоналарида бюджет тузилиши учун маълумотлар етказиб бериши лозим бўлган бошқа бўлимлар билан ўзаро ҳамкорликда бюджетлаштиришни жорий этиш билан шуғулланиши лозим. “Бюджетлаштиришни жорий қилиш ва таҳлил” кенгаши (молиявий масъулият марказлари раҳбарлари билан биргаликда) бюджетларни тузади ва бюджет даври ичидаги уларга тегишли тузатишларни киритиб боради. Бухгалтерия хизмати бюджет бажарилиши ҳақидаги хисоботларни тайёрлаш ва керакли маълумотларни етказиб беришга масъул ҳисобланади.

Пахта тозалаш корхоналарида бюджетларни тузиш юқорида таъкидлаганидек, пахта хомашёсини тайёрлаш бюджетини ишлаб чиқишдан бошланади. У Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланадиган пахта хомашёси тайёрлашнинг прогноз ҳажмларидан келиб чиқиб тузилади. Ушбу бюджетда пахта хомашёсини тайёрлаш (тайёрлов ҳажми, сифати, сақлаш шартлари ва бошқалар) ва уни таннархига оид маълумотлар акс эттирилади.

Шунингдек, мазкур бюджетда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг номенклатураси ва навлари, уларнинг миқдори ва ишлаб чиқариш даврлари (муддатлари) ҳамда маҳсулотнинг сифати юзасидан бериладиган топшириқлар батафсил акс эттирилади.

Пахта хомашёсини қайта ишлаш бюджетини тузиш пахта балансини тузишдан бошланади. Унда режалаштирилган ҳажмда тола ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган пахта ресурслари миқдори аниқланади.

Пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларини аниқлаш учун бевосита меҳнат, материал ва устами харажатлардан ташкил топадиган маҳсулот бирлиги таннархини аниқлаш лозим. Шунинг учун ишлаб чиқариш бюджети пахта хомашёсининг ишлатилиши, бевосита ёрдамчи материаллар харажатлари, эҳтиёт қисмлар харажатлари ва бевосита меҳнат харажатлари бўлимларидан иборат бўлади.

Бевосита меҳнат харажатлари бўлимида режалаштирилган ишлаб чиқариш ҳажмини бажариш учун керакли иш вақти соатларда аниқланади. Бунда маҳсулот ёки хизмат бирлиги миқдори

бир бирликка тұғри келадиган мәннат харажатларига күпайтирилади.

Амалиётни үрганиш ҳозирги кунда тармоқда әхтиёт қисмлар ишлаб чиқариш харажатлари таркибида катта салмоққа әгалиги сабабли “Әхтиёт қисмлар ишлатилиши бюджети”ни алоҳида тузишни мақсадда мувофиқлигини күрсатмоқда.

“Умумишлиб чиқариш харажатлари” бюджети ишлаб чиқариш инфраструктурасини сақлаш харажатлари ва у билан bogлиқ тұловларни акс эттиради.

Доимий харажатлар бюджети келажакда фаолият юритиш учун зарур бүлгап жорий операцион харажатларни батафсил режасини ифодалайди.

Юқорида санаб үтилган бюджетлар маълумотлари ва пахта хомашёсини тайёрлашнинг прогноз ҳажмларидан келиб чиқиб со-тиш бюджети тузилади.

Инновация бюджетлари бош бюджет таркибига киради ва янги техника, технологияга узок муддатли молиявий күйилмаларни сарфлаш бүйіча режа вазифасини бажаради.

Максус бюджетлар таркибига кирувчи ууруглик чигит тайёрлаш цехи бюджетида фермер хұжаликларига етказилиб бериладиган уруғлик чигит мөкдори аниқланади.

Куритиш-тозалаш цехи тайёрлов масканлари қошида үзини үзи таъминлаш тамойили асосида ташкил этилади. Шу сабабли мазкур бюджетда ушбу цехнинг харажати ва даромадлари аникланади.

Бозор иқтисодиётiga үтишда пахта тозалаш корхоналаридан солиқ бюджетини тузиш заруратта айланмоқда. Чунки солиқ тұловлари мазкур корхоналар харажатлари таркибида салмоқлы улушга зәғ бўлиб бормоқда.

Солиқ бюджетини бажариш орқали солиқларни минималлаштириш ва солиқ сиёсати самарадорлигини оширишга эришиш мумкин.

Пул маблағлари бюджети корхонага режасини үз имконияти билан солишириш, яъни маблагига қараб фаолият юритиш имконини беради ва корхона хисоб сиёсатига боғлиқ бўлмайди.

“Даромад ва харажатлар” бюджетининг асосий вазифаси корхонани бюджет давридаги молиявий натижасини күрсатиб беришдан иборат бўлиб, кутилаётган рентабеллик ва заарсизлик

нүқтасини ҳисоблаш, мұхим йұналишларни аниклаш ҳамда бошқа вазифаларни ҳал қилиш имконини беради.

Бюджет цикли услугий нүқтаи назардан жуда мураккаб бўлган ва кўп мақсадли ҳужжат ҳисобланган ҳамда корхонанинг ҳисоб сиёсатига боғлиқ бўлган прогноз бухгалтерия балансини тузиш билан якунланади.

Бош бюджет энг сўнггида директорга тасдиқлатиш учун тақдим этилади.

### 5.2. Бюджет назорати

Бюджет шаклларининг тўғри тўлдирилиши ва ундаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги устидан назорат марказлаштирилган ҳолда пахта заводининг бош бухгалтери томонидан амалга оширилади. Бош бухгалтер томонидан йиғма бюджет тайёрланади ва тақдим этилган молиявий маълумотлар таҳлил қилинади.

Молиявий масъулият марказлари бюджетлари бажарилиши натижалари бўйича бош бухгалтерга ҳар ойда маълумот тақдим этилади. Бош бухгалтер томонидан олинган маълумотлар умумлаштирилади. Мазкур маълумотлар асосида хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари салбий ҳолатларни тузатиш бўйича ва ютуқларни рағбатлантириш бўйича қарорлар қабул қиласи.

Бюджет назорати молиявий масъулият марказлари томонидан бюджет даври учун белгиланган мақсадли кўрсаткичлар ва меъёрийлар асосида ўтказилади. Мазкур кўрсаткичлар бюджет даври бошланишидан олдин (12 ой муддатга) белгиланади ва бутун бюджет даври учун барқарор ҳисобланади. Норматив молиявий масъулият марказларига тегишли масъул шахслар томонидан етказилади. Нормативни қайта кўриб чиқиш (тузатишлар киритиш) бюджет даври тугагандан сўнг келгуси бюджет даври учун бюджетларни ишлаб чиқиш жараённанда амалга оширилади.

### 6. Мақсадли кўрсаткичлар ва молиявий режа нормативлари


Молиявий режалаштириш кўрсаткичлари абсолют ва нисбий бўлиши мумкин. Уларнинг таркиби пахта заводларни олдига қўйган мақсади ва стратегиясига қараб ўзгаради.

Молиявий масъулият марказлари учун меъёрий сифатида қуйидаги кўрсаткичлар белгиланиши мумкин:

- рентабеллик;
- капитал таркиби;
- ликвиддлик.



9-чизма. Пахта тозалаш корхоналарида бюджетлар тайёрлаш сценарийси



10-чизма. Пахта тозалаш корхонасининг технологик жараёни схемаси

Товар махсулотини сотишдан олинганди фойда бюджети (минг сўмда)

Т/Р	Күрсөткіштер	Статик бюджет бүйнчы				Мослашувчан (чөраклар бүйнчы)				бюджет Жаеккый бүйнчы				бюджет	Жаеккый бюджет (чөраклай бүйнчы)	
		I	II	III	IV	Жами	I	II	III	IV	Жами	I	II	III	IV	Жами
1.	Максулот-нинг ишшаб-чикарыш таинархы	303400	303400	303400	303400	1213600	304161	303400	308700	300381	1216642	303239	303400	310910	294407	1212956
2.	Товар махсузларни сотишдан тушган түшум	341325	341325	341325	341325	1365300	341885	340518	345988	339151	1367542	341885	340518	345988	339151	1367542
3.	Товар махсузларни сотишдан олинган фойда	37925	37925	37925	37925	151700	37724	37118	37258	38770	150900	38646	37118	35078	43744	154586

## Бюджетлаштириш жараёни мониторингининг таснифи

T/p	<b>Бюджетлаштириш жараёни мониторингининг турлари</b>	<b>Бюджетлаштириш жараёни мониторингининг турларининг таснифи</b>
1.	Дастлабки назорат	Дастлабки назорат бюджетни шакллантириш ва бюджет маълумотларини ходимларга етказиш жаёнида бюджет курсаткичлари бўйича четланишлар тўғрисида огохлантириш мақсадида амалга оширилади
2.	Жорий назорат	Жорий назорат бюджет бажарилиши давомида амалга оширилади ва тасдиқланган бюджет курсаткичлари бўйича четланишларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда бартараф этишни ўз олдига мақсадида килиб қўяди
3.	Келгуси назорат	Келгуси назорат бюджет бажарилиши натижасига кўра, самарадорликни комплекс баҳолаш ва тегишли тузатиш тадбирларини ўтказиш мақсадида ўтказилади
4.	Тўғри алоқа орқали назорат	Тўғри алоқа орқали назорат килиш корхоналарининг ўз олдига қўядиган мақсади ва уни бажариш имкониятини оқилона нисбатини аниқлаш мақсадида кўзлантаётган натижаларни бюджет курсаткичлари билан тақкослашни назарда тутади
5.	Тескари алоқа орқали назорат	Тескари алоқа орқали назорат килиш бюджет ва ҳакиқий курсаткичларни тақкослаш орқали амалга оширилади ҳамда аввалдан белгиланган режага мос келишини аниқлашни ўз олдига мақсад килиб қўяди
6.	Стратегик назорат	Стратегик назорат корхона бюджети ва стратегик мақсадларини асосли эканлиги бўйича жавобгар бўлади ва уларга дастлабки ва якуний тузатишлар киритишни ўз ичига олади ҳамда узок муддатли бюджет режалари бажарилишини мониторинги шаклида амалга оширилиши мумкин
7.	Тезкор назорат	Тезкор назорат жорий бюджет жараёни самаралилигини таъминлашга қаратилган бўлади ва киска муддатли бюджетларни бажарилиши даврида амалга оширилади.

## Бюджетлаштириш жараёни таҳлилиниң тавсифи

T/р	Таҳлил методлари	Тавсифи
1.	Горизонтал таҳлил	Мазкур таҳлил методи муаммоли бюджет мoddаларини аниклаш ва дастлабки хулосаларни тайёрлаш максадида ҳақиқий маълумотларни бюджет кўрсаткичларидан четланишларини хисоблаш имконини беради. Бу метод четланишлар таҳлилиниң биринчи босқичида кўлланилади
2.	Вертикал таҳлил	Ушбу методни мазмуни кўрсаткичларни хисобтаги жами суммадаги улуши хисоби уларнинг мазкур микдорларга таъсири даражасини аниклаш максадида бюджет ва хисобот устуни учун амалга оширишдан иборатdir. Ушбу метод четланишларни горизонтал таҳлили ва ҳар бир четланишни умумий четланишдаги улуши таҳлили билан тўлдирилиши мумкин
3.	Тренд таҳлили	Мазкур таҳлил бюджет бажарилишидаги ўзгаришлар тенденциясини аниклаш максадида бир неча йиллар давридаги бюджет бажарилиши даражасини тақкослаш шаклида амалга оширилади
4.	Омилли таҳлил	Мазкур таҳлил алоҳида бир омиллар (сабаблар)ни ҳақиқий кўрсаткичларнинг бюджет кўрсаткичларидан четланишига таъсири даражасини аниклаш орқали амалга оширилади
5.	Ранжираш таҳлили	Ушбу метод бюджет бажарилиши даражасини мансуб бўлган корхона бўлинмаси (масъулият марказлари, бизнес бирликлари, шульбалари) билан тақкослашга асосланган. Мақсад уларнинг ичидан кўп даромад келтираётгани, кўп харакат талаб килаётгани ва кўпроқ зарарга ишлаётганларини аниклашдан иборатdir
6.	Истиқболли таҳлил	Перспектив таҳлилнинг максади – корхона ўз максадига эришиш даражасини назорат килувчи кўрсаткичлар бўйича прогноз четланишларни хисоблаш ва уларни юзага келиш сабабларини олдиндан тегишли тузатиш тадбирларини кўриш максадида аниклашдан иборатdir
7.	Имитацион моделлаштириш (“What-if” “Нима булади агар....?” таҳлили	Мазкур метод муҳим параметрни ўзгариш даражасини бошка параметрлар бўйича режа бажарилиши даражаси ўзгарганда “Нима булади, агар.....?” тамойили бўйича аниклаш имкониятини беради. Масалан, корхонани сотиш ҳажми бўйича режаси бажарилишининг турли варианtlарида олинмай колинган (ёки режадан ортик олинган) фойда микдорини аниклаш имкониятини яратади.

31-илова

### Пахта типи учун белгиланган талаблар


Типи	Штапель масса узунлиги, мм камида	Чизиқли зичлик, мтекс, кўпин билан	I ва II навлар учун солиширма узилиш кучи, гс/текс
1a	40,2	125	
1б	39,2	135	
1	38,2	144	29,0 ва ундан ортиқ
2	37,2	150	
3	35,2	165	
4	33,2	180	23,0 – 27,0
5	31,2	190	
6	30,2	200	

32-илова



11-чизма. Нав ва синфлар улушкининг таҳсиланиши  
(01.06.2017 й. ҳолатига)

Манба. [www.sifat.uz](http://www.sifat.uz).



**12-чизма. 4-тип пахта толасининг улуши тақсимоти  
(01.06.2017 й. холатига)**

Манба. [www.sifat.uz](http://www.sifat.uz)

**Пахта пишиб етилганлик коэффициенти, типи ва нави бўйича қўйиладиган талаблар**

Пахта типи	Пахта навлари				
	I нав	II нав	III нав	IV нав	V нав
1a, 16, 1, 2, 3	2,0	1,7	1,4	1,2	1,2 дан кам
4, 5, 6	1,8	1,6	1,4	1,2	1,2 дан кам

**Пахтанинг синфлари бўйича ифлос аралашмаларнинг вазн улуши ва намликнинг вазн нисбати меъёрлари, %,  
(кўпи билан)**

Пах- та нави	1-синф		2-синф		3-синф	
	Ифлос аралаш- малар- нинг вазни улу- ши	Нам- лик- нинг вазн улу- ши	Ифлос аралаш- ма- ларнинг вазн улуши	Нам- лик- нинг вазн улуши	Ифлос аралаш- ма- ларнинг вазн улуши	Нам- лик- нинг вазн улуши
I	3,0	9,0	10,0	12,0	16,0	14,0
II	5,0	10,0	10,0	13,0	16,0	16,0
III	8,0	11,0	12,0	15,0	18,0	18,0
IV	12,0	13,0	16,0	17,0	20,0	20,0
V	-	-	-	-	22,0	22,0

**Микронейр кўрсаткичи бўйича шкала**

Микронейр кўрсаткичи чекланган кўрсаткичдан қўйидагича миқдорда паст бўлганда	Нархлардан чегирма, фоизда	Микронейр кўрсаткичи чекланган кўрсаткичдан қўйидагича миқдорда юкори бўлганда	Нархлардан чегирма, фоизда
0.1	2	0.1	2
0.2	4	0.2	4
0.3	8	0.3	8
0.4	12	0.4	12
0.5	16	0.5	16



13-чизма. Пахта толасининг микронейр кўрсаткичи гистограммаси  
(01.06.2017 й. холатига)

Манба. [www.sifat.uz](http://www.sifat.uz).



14-чизма. Пахта толасининг солиштирма узилиш кучи гистограммаси  
(01.06.2017 й. ҳолатига)

Манба. [www.sifat.uz](http://www.sifat.uz).

39 – излова



15-чизма. Пахта толасининг узунлик бўйича бирхиллик индекси  
гистограммаси (01.06.2017 й. ҳолатига)

Манба. [www.sifat.uz](http://www.sifat.uz).

20—йилнинг --- ойи учун пахта хомашёсини тайёрлаш, тола ишлаб чиқариш, сотиш ва харажат бюджетларини ижроси ҳақидаги ҳисобот

№	Кўрсаткичлар	Бюд-жет	Ха-ки-кат-да	Четланиш лар, (+, -)	Са-баб-лари
<b>А-кисм. Пахта хомашёснни тайёрлаш бўйича</b>					
1.	Пахта хомашёсини тайёрлаш, т				
2.	Пахта хомашёсини пахта заводига етказиб бериш, т				
3.	Харажатлар:				
3.1	Материал харажатлари				
3.2	Транспорт харажатлари				
3.3	Меҳнат ҳаки (тегишли ажратмалар билан)				
3.4	Пахта тайёров масканларининг ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш ва бошқариш харажатлари				
<b>Б-кисм. Пахта хомашёснни қайта ишлаш бўйича</b>					
1.	Сотишлар, т				
2.	Ишлаб чиқариш (пахтани қайта ишлаш), т				
3.	Харажатлар:				
3.1	Материал харажатлари, шу жумладан,				
3.1.1	Пахта хомашёси сарфи				
3.1.2	Материаллар				
3.2	Эҳтиёт кисмлари				
3.3	Меҳнат ҳаки тегишли ажратмалар билан				
3.4	Электрэнергияси сарфи				
3.5	Умушилаб чиқариш харажатлари				

## Бюджетлаштиришнинг танқидига оид фикрлар

№	Бюджетлаштиришга оид танқиднинг номи	Танқидий фикрларнинг тавсифи
1.	Бюджет тузиш ва умумлаштириш кўп вакт талаб килувчи ва кўп харажат талаб килувчи жараён эканлиги	Кўпгина корхоналарда бюджетлаштириш жараёнига менежерларни деярли 20-30% иш вакти кетади. 2003 йилда бюджетлаштиришга деярли ярим йил вакт кетган бўлса, 2007 йилга келиб, мазкур жараён 2 ой вактни олмокда. Демак, бюджетлаштириш соҳасида ривожланиш жуда тез кетмоқда, чунки ўтган 4 йил ичida бюджет тузиш жараёнига анчагина кисқарди. Шу билан бирга кўпгина халқaro компаниялар ҳар йили бюджетлаштириш жараёнини тезлаштириш мақсадида компьютер дастурларини такомиллаштиришга тахминан 1 миллион доллар сарфланома
2.	Бюджетлаштириши корхоналар томонидан карорлар қабул қилиш бўйича мослашув-чанликка халакит берувчи бюрократик тўсикка айланганлиги	Бюджетларни ошириб бажариш учун ҳеч канака рағбат бўлмайди ва бюджетлаштириш доимо такомиллаштириш ҳамда ривожланишга тўсик сифатида хизмат қилмоқда. Бюджет кўрсаткичларини бажаришга эътибор қаратилади, корхона салоҳиятини ошириш эса эътибордан четда колади. Биринчидан, бюджет мотивацияга қарши восита сифатида ишламоқда, иккинчидан, ходимлар хакиқий бюджет кўрсаткичларини соҳталаштироқда. Мазкур муаммоларни ҳал этиш учун корхоналар мослашувчан бюджетлардан фойдаланиши лозим
3.	Бюджетларни корхона стратегиясига йўналтирилмаганлиги	Кўпгина бухгалтерларнинг таъкидлашича, улар корхонани стратегик ривожлантиришга эмас, балки жорий йил фойдасига катта аҳамият берилиши туфайли стратегик жиҳатдан фикрлашмаяпти. Бюджетлар, одатда компания доирасида ишлаб чикилади ва истеъмолчиларни кондириш ҳамда киймат яратишга йўналтирилмаган
4.	Бюджетларни уни тайёрлашга кетадиган вакт нуткан назаридан	Ўтказилган тадқиқотга кўра, бюджет тузиш учун молия бўлими томонидан сарфланадиган вактни ярмидан кўп мав-

	корхоналар учун катта аҳамиятга эга эмаслиги	лумотларни умумлаштиришга кетади, таҳлил учун эса фақатгина 27 % вакт сарфланади. Бюджетлар одатда ўта бирократлашган ва унда асосий эътибор қўпинча компания қийматини ошириш түғрисида ижодий (креатив) фикрлашга эмас, балки бюджет шакларини тұлдиришга каратилади
5.	Бюджетлаштиришнинг асосий мақсади компания қийматини ошириш буйича резервларни излаш эмас, балки фақатгина харажатларни кискартиришдан иборат бўлиб колаётгандиги	Тадқиқотларнинг кўрсатишича, фақатгина 27 % компаниялар бюджетлаштириш билан стратегиясини мувоғикалаштиради, 22% и тузатиш киритилган харакатлар режасини камровчи прогнозларга эга холос. Ундан ташқари, бюджетлар келажакдаги пул оқимлари ва акционерлик қийматининг мухим двигатели хисобланадиган номоддий активларни ўлчай олмаяпти ва уларнинг ўсишига хатто тұсқинлик ҳам кильмоқда
6.	Бюджетлаштириши ижодий ва ностандарт ёндашувларни рағбатлантирмаслиги	Бюджетлар корхонадаги иерархик алоқа ва назоратни мустахкамлади. Одатда юқори поғонадаги менежерлар томонидан белгилаб бериладиган компанияни фаолият кўрсатиш шароити бюджетларда катый белгилаб кўйилади. Бюджетлаштириш жараёни ходимларни назорат килиш билан чегараланиб, ижодий ва ностандарт ёндашувларни рағбатлантира олмаяпти ва мазкур шароитларга риоя килиш механизминигина камраб оляпти
7.	Бюджетлаштириш компанияни бошқаришни янги тармокли ташкилий тузилмаларини рағбатлантирмаслиги	Борган сари кўпгина компаниялар ўз фаолиятини марказлашмаган тизимга ўтказмоқда ва ўзини бозордаги ракобат соҳасидаги устунлигини ошириш учун иттифоклар, қўшма корхоналар ташкил қилишмоқда. Бунлар асосида марказлаштирилган бошқарув тамойиллари ётадиган бюджетлаштириш мазкур тузилмаларни бошқаришни паст самарали воситасига айланиб колмоқда
8.	Менежерлар томонидан бюджетлар тузишда мажбуриятларини камайтириш ва шахсий манфатларини кўпайтиришга харакат	Бу ҳолат бюджет натижалари ходимлар ёки бир гурӯҳ ходимлар гурӯхини рағбатлантириш билан боғлик бўлганда айникса яққол намоён бўлади. Бундай хатти-харакат корхонада юз берса ва кенг тарқалса, у холда корхонани ривожлантиришга бўлган

	килиниши	интилиш бутунлай йўқолади
9.	Бюджетларнинг янгиланиш даражасининг пастилиги	Бюджетлар айниқса, йиллик бюджетлар камхоллардагина янгиланади. Бюджетлар бир йилга тузилади ва кўпинча биринчи ойнинг охиридаёк эскириб колса-да мазкур муддат ичига одатда ўзгартирилмайди
10.	Бюджетларни унчалик асосланмаган тахмин ва фаразларга асосланиши	Кўпинча анъанавий бюджетлар чекланган асосга эга бўлган фаразларни ўзида камраб олади. Бюджет ишлаб чикувчилар тасдиқланган бюджетларни бажариш тартибини эътибордан четда қолдиради. Агар фаразлар нотўғри бўлса, у холда юз бериши мумкин бўлган четланишлар тахлили чегараланган бўлади. Компания раҳбарияти ҳам мазкур жараёнга бюджетларни маълум фоизларга ихтиёрий равишда камайтириш ёки кўпайтириш оркали қўмаклашади
11.	Бюджетлар томонидан корхона ичидаги тўсикларнинг мустаҳкамланиши	Бюджетлар билим ва маълумотларни эркин алмашишига ёрдамлашиб ўрнига корхона ичидаги тўсикларни мустаҳкамламоқда. Ҳамма ўзини мақсадига эришишга ҳаракат килиши туфайли синергетик самарани яратиш учун ҳамкорлик қилиш бўйича ҳеч кандай манфаат, рағбат бўлмайди
12.	Анъанавий бюджетлаштиришни ходимларда ўзига етарли баҳо берилмаётганилиги хиссини уйғотиши	Бюджетлаштириш одатда ходимларга кўпайтирилиши керак бўлган активлар сифатида эмас, балки камайтирилиши керак бўлган харажатлар сифатида карайди. Ундан ташкири, бюджетдан воз кечиши “эркинлик ва мустакилликни кадрлайдиган” юқори малакали менежерларни жалб килишга олиб келиши мумкин деган фикрларни ҳам мавжуд.

**Бюджетлаштириш тизимининг самарали фаолият кўрсатиши  
тамоиллари**

<b>№</b>	<b>Тамоиллар</b>	<b>Тамоилларнинг таснифи</b>
1.	Узлуксизлик ва мослашувчанлик тамоили	Ушбу тамоийл узлуксизлиги ва мослашувчанлиги билан тавсифланади, чунки узлуксиз прогнозларга асосланади. Бунда биринчи чорак тугаши билан тўртнчи чоракка яна битта чорак қўшилади ва яна тўртта чорак учун бюджет тузилади. Узлуксизлик тамоилининг моҳияти шундан иборатдир
2.	Бюджет шаклларининг бир хиллиги тамоили	Бюджетнинг барча шакллари масъулият марказлари учун бир хил бўлиши лозим. Худди шундай бюджетларни тақдим этиш муддатлари хам бир хил бўлиши керак
3.	Молиявий тузилма тамоили	Самарали фаолият кўрсатувчи бюджетлаштириш тизими бошқарув тизимини ўзгартиришни такозо килади. Жумладан, бюджетларни тузиш, келишиш ва тузатиш киритиш бўйича маълум бир ваколат хамда уларни ижроси бўйича тегишли (бюджетларни тузиш жараённада тузиладиган) жавобгарлик молиявий масъулият марказларига юклатилиши лозим
4.	Жараёнга йўналтирилган бюджетлаштириш тамоили	Жараёнга йўналтирилган бюджетлаштириш тарафдорларини фикрига қўра анъанавий бюджетлаштиришдан фарқли ўларок, корхонага вертикал эмас, балки горизонтал қараш керак. Шунингдек, мазкур бюджетлаштириш эгри харажатларни хисобга олиш ва уларни таксимлаш услуги самарадорлигини оширади. Бу эса маҳсулот таннахини аникрок хисоблаш имконини яратади
5.	Маълумотлар шаффоғлиги тамоили	Бюджет маълумотларини нотўғри акс эттирилишини олдини олиш ва бюджет бажарилиши устидан назоратни кучайтириш мақсадида йигма бюджетларни натижаларини таҳлил килувчи мутахассис барча масъулият марказини бюджети билан танишиш хукуқига эга бўлиши лозим. Шунингдек, бюджетлаштириш жараённинг барча бўғинлари бўйича доимий мониторинг олиб борилиши лозим
6.	Ахборот технологиялари билин уйғунлашиш тамоили	Ахборот технологияларини бюджетлаштириш жараёнига жорий этиш корхона раҳбариятига бир неча вариантдаги бюджетларни деталлаштирилган ҳолда тузиш имкониятини яратади.

**Корхоналар томонидан анъанавий бюджетлаштиришдан  
фойдаланилаётганлигининг сабаблари**

№	<b>Корхоналар томонидан анъанавий бюджетлаштиришдан фойдаланилаётганлигининг сабаблари таснифи</b>
1.	Бюджетлаштиришни кўпгина корхоналарда сақланиб қолаётганлигининг сабаби уни корхоналарни моҳиятига чукур сингиб кетганлигидир
2.	Корхона ичидаги фаолиятни бюджетлаштириш ҳозиргача марказлаштирилган ҳолда мувофикалаштирмоқда ва ташкилий фаолиятни барча жабҳаларини қамраб олувчи ягона жараённи ташкил этмоқда
3.	Бюджетлаштириш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш билан боғлиқ харажатлар катта микдорни ташкил қиласди
4.	Бюджетлаштириш тизимини алмаштириш афзалигини ахборот тизимларига ўхшаб микдорий жиҳатдан ўлчаб бўлмайди, уни ўлчаш мураккаб ҳисобланади
5.	Аналитикларнинг ҳисоб-китобига кўра бюджетлаштириш тизимини алмаштиришга карор қилган корхоналарни деярли ярмининг ўта иши кўпайиб кетган ва охир-оқибатда ундан воз кечган
6.	Бюджетлаштиришни анъанавий жараёнларидан бутунлай воз кечиш жуда қийин бўлади, чунки у марказлаштирилган ҳолда амалга оширилади ва кўпинчча корхонада мувофикалаштиришни ягона тизими ҳисобланади.


*“Пахта хомашёсининг харид нархини ва пахта толасининг улгуржси нархини шакллантириши тартиби тўғрисида Низом”га  
1-илова*

**Пахта хомашёсининг навлари ва класслари бўйича нархларини аниқлаш**

**Коэффициентлари (базис-2 нав, 1 класс)**

1-нав	1 класс	1,094
	2 класс	1,066
	3 класс	0,853
2-нав	1 класс	1,000
	2 класс	0,917
	3 класс	0,843
3-нав	1 класс	0,876
	2 класс	0,779
	3 класс	0,551
4-нав	1 класс	0,652
	2 класс	0,506
	3 класс	0,387
5-нав	3 класс	0,271

Манба. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2007 йил, 35-36-сон, 369-модда.



**16-чизма. Пахта хомашёси етиштирувчилари билан Молия вазирлиги хузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид килинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хисоб-китоб жамғармаси орқали хисоб-китоб қилиш схемаси**

*Манба. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2007 йил, 35-36-сон, 369-модда.*

**“Каттакүрғон пахта заводы” АЖДа пахта толасининг прогноз таннархини калькуляция моддалари  
бүйнча гузин таддилни**

<b>Харажатларининг калькуляция моддайлари</b>	<b>Сатр- лар- река- мн</b>	<b>Башча харжат (м.с.)</b>	<b>1 т харжати (сумма тийин)</b>			
			<b>Утган ийлиг наимда</b>	<b>Режа мельвари бүйнча</b>	<b>Хакикат- харжат- ларининг суммаси</b>	<b>Утган ийл бүйнча</b>
<b>I. ХОМАШЕ</b>						
Пахтанинг харид баҳоси	01	-	6772210	-	-	1427832.66
Тайёрлаш транспорт харажатлари	02	-	533894	-	-	112564.54
Истисно килинади.	03	-	1156726	-	-	243880.62
Иккиласччи маҳсулот баҳоси						
Иккиласччи маҳсулот баҳоси чеги- рилган хомаше баҳоси (01+02+03)	04	-	6149379	-	-	1296516.66
<b>II. Ишлов берни харжатларин</b>						
Уров материваллари	05	-	251370	-	-	52998.19
Асосий ишлаб чикариш цехлари ишчилирининг асосий на кўшимча иш хаколари	06	-	211471	-	-	44585.85
Ижтимоий ва табиии суруртага	07	-	50753	-	-	10700.60
Умумий ишлаб чикариш харажатлари	08	-	1275353	-	-	252520.17
Пахтанин кайта ишаш харажатларининг жами (05+06+07+08)	09	-	1789447	-	-	377281.68
Ишлаб чикариш таннархининг жами (04+09)	010	-	7398326	-	-	1673798.34
Прейскурантдаги улутуржи нархлар бүйнча сотиш баҳоси	011	-	-	-	-	-

**Пахта толасининг навлар ва класслар бўйича нархларини  
қайта ҳисоблаш**  
**Коэффициентлари (база — «Биринчи» нав, «Ўрта» класс)**

(база — «Биринчи» сорт, «Ўрта» класси)

<b>I сорт</b>		<b>II сорт</b>			
<b>(Биринчи)</b>	<i>Олий</i>	1,050	<b>(Иккинчи)</b>	<i>Олий</i>	1,020
	<i>Яхши</i>	1,040		<i>Яхши</i>	0,990
	<i>Ўрта</i>	<b>1,000</b>		<i>Ўрта</i>	0,955
	<i>Оддий</i>	0,965		<i>Оддий</i>	0,920
	<i>Ифлос</i>	0,925		<i>Ифлос</i>	0,880
<b>III сорт</b>	<i>Олий</i>	0,990	<b>IV сорт</b>	<i>Олий</i>	0,950
<b>(Учинчи)</b>	<i>Яхши</i>	0,965	<b>(Тўртинчи)</b>	<i>Яхши</i>	0,850
	<i>Ўрта</i>	0,930		<i>Ўрта</i>	0,800
	<i>Оддий</i>	0,885		<i>Оддий</i>	0,750
	<i>Ифлос</i>	0,840		<i>Ифлос</i>	0,700
<b>V сорт</b>		<b>Олий</b>	0,750		
<b>(Бешинчи)</b>		<i>Яхши</i>	0,650		
		<i>Ўрта</i>	0,550		
		<i>Оддий</i>	0,500		
		<i>Ифлос</i>	0,450		

*Манба. «Ўзпахтаэкспорт» АЖ томонидан пахта толасини сотиш ва  
«Ўзпахтасаноат» АЖнинг ҳудудий филиаллари билан ҳисоб-китобларни  
амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга 2-илова*

**Пахта толаси нархларининг типлари ва кодлари бўйича қайта хисоблаш  
КОЭФФИЦИЕНТЛАРИ**

**Узун толали**

Тола типи	1a	1б	1	2	3
Узунлиги (дюйм)	1,11/32	1,5/16	1,9/32	1,1/4	1,7/32
Коди	43	42	41	40	39
Коэффициенти	1,6080	1,4699	1,4008	1,2331	1,1147

**Ўрта толали**

Тола типи	1a	1б	1	2	3
Узунлиги (дюйм)	1,11/32	1,5/16	1,9/32	1,1/4	1,7/32
Коди	43	42	41	40	39
Коэффициенти	1,0956	1,0765	1,0574	1,0383	1,0191
Тола типи	4		5		6
Узунлиги (дюйм)	1.5/32	1.1/8	1.3/32	1.1/16	1.1/32
Коди	37	36	35	34	33
Коэффициенти	1,0000		0,9865	0,9737	0,9618

*Манба. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Пахта толасини сотиш ва ҳисоб-китоблар механизмини таомиллаштириши тўғрисида” қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 36-сон, 413-модда.*

**Пахта тозалаш корхоналарининг чигит жұнатыш баланси  
(тоннада)**

Күрсаткичлар	Уруғли к чигит	Саноатда ишлатиладиган чигит нави				
		I	II	III	IV	Жами
1. Давр бошидаги қолдик						
2. Ишлаб чиқаришдан омборга тушгани						
3. Бошқа пахта тозалаш корхоналаридан көлтирилгани		x	x	x	X	x
4. Уруглик чигиттинг саноатта ажратылган қисми				x	X	
5. Берилган ва жұнатылған чигит міндері						
6. Қыймати (минг сүмда)						
7. Шу жумладан олинған уруглик чигит (тоннада): а) бошқа пахта тозалаш корхоналарига берилгани б) фермер хұжаликларига берилгани		x	x	x	x	x
8. Давр охиридаги қолдик						



17-чизма. Ташки савдо корхоналари билан «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмалари ўргасида пахта толаси учун хисоб-китоблар схемаси

Манба. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 11 мартағи ПҚ-815-сонли қарори таҳририда – ЎР ҚҲТ, 2008 й., 58-модда

**Пахта тозалаш корхоналарида бюджетлаштиришда STEP/PEST  
тадлилини ўтказиш**

<b>Технологик омиллар</b>	<b>Иктиносий омиллар</b>
<p>Ишлаб чикариш ва ишлаб чикариш кувватларини ривожлантириш</p> <p>Ишлаб чикаришни технологик дарајаси</p> <p>Материал ресурсларнинг манбалари, четки ташкилотлар хизматлари, сотиш бозорлари, технологик инновациялардан фойдаланиш хукуқининг мавжудлиги</p> <p>Кишлоқ хўжалиги билан билвосита боғлик бўлган ишлаб чикаришни ривожланиши</p> <p>Ишлаб чикариш, мухандис ва бошкарув ходимлари, маркетинг бўйича мутахассисларнинг малакаси</p> <p>Ишлаб чикариш маданияти, хавфсизлиги, экологиклиги</p> <p>Лицезиялаш ва патентлаш</p>	<p>Тармок ва тармок бозорини ривожлантириш истиқболлари</p> <p>Мавсумийлик</p> <p>Соликлар</p> <p>Ракобат дарајаси</p> <p>Давлат бюджетидан ва хорижий инвесторлардан маблагларни жалб килиш имконияти</p> <p>Ўз-ўзини молиялаштириш имконияти</p> <p>Бозор сифими</p> <p>Талабнинг баркарорлиги ва ўзгариш тенденциялари</p> <p>Валюта курси</p> <p>Сотиш каналлари</p>
<b>Ижтимоий омиллар</b>	<b>Сиёсий омиллар</b>
<p>Табиий ресурслардан самарали фойдаланиш</p> <p>Ижтимоий соҳага оид қонунчилик карорлари</p> <p>Ахолининг шахсий даромадларининг ўсиши</p> <p>Ахоли бандлигини таъминлаш</p> <p>Ижтимоий соҳа объектларини ривожлантириш</p> <p>Демографик муаммоларнинг ҳал этилиши</p> <p>Минтақавий инфраструктураларни ривожланиш даражаси</p> <p>Корхонани обрўси ва у ҳақида жамоатчилик фикри</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги</p> <p>Жаҳон қонунчилиги (агар бизнес йўналиши учун бу мухим бўлса)</p> <p>Конунчиликда юз бериши мумкин бўлган ўзгаришлар</p> <p>Тартибга солувчи давлат ташкилотлари</p> <p>Хукумат сиёсати</p> <p>Савдо сиёсати</p> <p>Экологик вазият</p>

**Соликларни бюджетлаштиришнинг самарадорлик мезонлари**

<b>№</b>	<b>Самарадорлик мезони</b>	<b>Самарадорлик мезонининг тавсифи</b>
1.	2,0-2,5	Солик бюджетлаштирилиши етарли даражада самараали ишлаётганлигини билдиради ва тегишли тузатишлар киритишга эҳтиёж бўлмайди
2.	4,0	Соликларни бюджетлаштириш етарли даражада самараали деб ҳисобланади ва керакли тузатишлар киритилади
3.	7,0	Солик бюджетлаштирилиши самарасиз деб топилади, бизнесни молиявий тузилишига тузатишлар киритилади ва тегишли ихтисослаштирилган бўлинма ташкил этилиши лозим
4.	7,0 дан юкори	Ушбу бизнес турини давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлиги ва банкрот ҳолатининг юзага келиш эҳтимолини режалаштириш зарур

*Манба. Чухрова О.В. Развитие управленческого учета в условиях бюджетирования (на примере машиностроительного производства). Автореферат канд. дис. на соис. уч. степ. канд. экон. наук. Ростов – на – Дону. 2008. С.72.*

ПУЛ МАБЛАГЛАРИ БЮДЖЕТИ

**Иириклаштирилган, бирлаштирилган бюджет баланси**

№ п/п	№1 шаклдаги баланс моддалари	1-ш. Мод- да- лари коди ф.1	№ п/п	Бюджет баланси моддалари	1-ш. Модда- лари суммаси
<b>I. Узок муддатлы активлар</b>					
1.	<b>Асосий воситалар:</b>			Асосий воситалар, но- моддий активлар ва ма- териал кийматликларга куйилмалар	110+120+ 135
2.	Бошлангич (кайта тиклаш) киймати (0100, 0300)	010			
3.	Эскириш суммаси (0200)	011			
4.	Қолдик (баланс) киймати (сатр 010-011)	012			
5.	<b>Номоддий активлар:</b>				
6.	Бошлангич киймати (0400)	020			-
7.	Амортизация суммаси (0500)	021			-
8.	Қолдик (баланс) киймати (сатр 020-021)	022			
9.	Узок муддатлы инвести- циялар, жами (сатр 040++050+060+070+080) шу жумладан	030		Молиявий күйилмалар	
10.	Кийматли қоғозлар (0610)	040			
11.	Шұйба хұжалик жамиятларига инвестициялар (0620)	050			
12.	Карам хұжалик жамиятларига инвестициялар (0630)	060			
13.	Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар (0640)	070			
14.	Бошка узок муддатли инвестициялар (0690)	080			
15.	Ўрнатиладиган асбоб- ускуналар (0700)	090			
16.	Капитал күйилмалар (0800)	100			
17.	Узок муддатли дебиторлик карзлари	110			
18.	Узок муддатли кечкитирилган харажатлар (0950, 0960, 0990)	120			
19.	I бўлим бўйича жами (сатр. 012 + 022 + 030 + 090 + 100 + 110 + 120)	130		I бўлим бўйича жами (сатр. 012 + 022 + 030 + 090 + 100 + 110 + 120)	
<b>II. Жорий активлар</b>					
20.	Товар-моддий захиралар,	140			

	<b>жами (сатр. 150 + 160 + 170 + 180), шу жумладан</b>				
22.	Ишлаб чикариш захиралари (1000, 1100, 1500, 1600)	150		<b>Товар-моддий хийматликларнинг захиралари</b>	
23.	Тугалланмаган ишлаб чикариш (2000, 2100, 2300, 2700)	160		Тугалланмаган ишлаб чикариш	
24.	Тайёр маҳсулот (2800)	170		Тайёр маҳсулот ва олиб сотиш учун олинган товарлар	
25.	Товарлар (2900 дан 2980 нинг айрмаси)	180			
26.	Келгуси давр харажатлари	190			
27.	Кечикирилган харажатлар	200			
28.	Дебиторлар, жами (сатр. 220 + 240 + 250 + 260 + 270 + 280 + 290 + 300 + 310)	210		Дебиторлик карзлар	
29.	шундан муддати ўтган	211			
30.	Харидор ва буюргачиларнинг карзи (4000 дан 4900 нинг айрмаси)	220			
31.	Ажратилган бўлинмаларнинг карзи (4110)	230			
32.	Шўъба ва карам хужалик жамиятларнинг карзи (4120)	240			
33.	Ходимларга берилган аванслар	250			
34.	Мол етказиб берувчи ва пурратчиларга берилган аванслар (4300)	260			
35.	Бюджетга солик ва йигимлар бўйича аванс тўловлар (4400)	270			
36.	Максадли давлат жамғармалари ва сугурталар бўйича аванс тўловлари (4500)	280			
37.	Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича карзи (4600)	290			
38.	Ходимларнинг бошка операциялари бўйича карзи	300			
39.	Бошка дебиторлик карзлар	310			
40.	Пул маблаглари, жами (сатр. 330 + 340 + 350 + 360), шу жумладан	320		Пул маблаглари	
41.	Кассадаги пул маблаглари	330			
42.	Хисоб-китоб счетидаги пул маблаглари (5100)	340			
43.	Чет эл валютасидаги пул маблаглари (5200)	350			
44.	Бошка пул маблаглари ва эквивалентлари	360			

45.	Киска муддатли инвестициялар	370			
46.	Бошқа жорий активлар (5900)	380			
47.	II бўлим бўйича жами (сатр. 140 + 190 + 200 + 210 + 230 + 320 + 370 + 380)	390		II бўлим бўйича жами (сатр. 140 + 190 + 200 + 210 + 230 + 320 + 370 + 380)	
48.	Баланс активи бўйича жами (сатр. 130 + 390)	400		Баланс активи бўйича жами (сатр. 130 + 390)	
№ п/п	№1шақидаги баланс моддалари	1-ш. Модда-лари коди ф.1	№ п/п	Бюджет баланси моддалари	1-ш. моддалари суммаси
Кўрсаткичлар номи		Сатр коди	№ п/п		110+120 + 135
<b>Пассив</b>					
<b>I. Ўз маблаглари манбалари</b>					
Устав капитали (8300)		410		Устав капитали	
Кўшилган капитал (8400)		420		Кўшилган капитал	
Резерв капитали (8500)		430		Резерв капитали	
Сотиб олинган хусусий акциялар		440			
Таксимланмаган фойда (копланмаган зарар) (8700)		450		Таксимланмаган фойда (копланмаган зарар)	
Максадли тушумлар (8800)		460			
Келгуси давр харажатлари ва тўловлар учун захиралар (8900)		470			
I бўлим бўйича жами (сатр. 410 + 420 + 430 - 440 +/- 450 + 460 + 470)		480		I бўлим бўйича жами (сатр. 410 + 420 + 430 - 440 +/- 450 + 460 + 470)	
<b>II. Мажбуриятлар</b>					
Ўзок муддатли мажбуриятлар, жами (сатр. 500 + 510 + 520 + 530 + 540 + 550 + 560 + 570 + 580 + 590)		490			
шу жумладан: узок муддатли кредиторлик карзлар (сатр. 500 + 520 + 540 + 560 + 590)		491			
Мол етказиб берувчи ва пурдатчиларга узок муддатли карз		500			
Ажратилиган бўлинмаларга узок муддатли карз (7110)		510			
Шульба ва қарам хўжалик жамиятларга узок муддатли карз		520			
Узок муддатли кечиктирилган даромадлар (7210, 7220, 7230)		530			
Солик ва мажбурий тўловлар бўйича узок муддатли кечиктирилган мажбуриятлар (7240)		540			
Бошқа узок муддатли кечиктирилган мажбуриятлар (7250, 7290)		550			
Харидорлар ва бўортмачилардан олинган аванслар (7300)		560			

Узок муддатли банк кредитлари	570		
Узок муддатли карзлар	580		
Бошка узок муддатли карзлар (7900)	590		
Жорий мажбуриятлар, жами (сатр. 610 + 630 + 640 + 650 + 660 + 670 + 680 + 690 + 700 + 710 + 720 + 730)	600		
шу жумладан: жорий кредиторлик карзлар (сатр 610+630+650+670+690+700+710+72)	601		
шундан: муддати ўтган жорий кредиторлик карзлари	602		
Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга карз (6000)	610		Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга карз
Ажратилган бўлинмаларга (6110)	620		
Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларга карз (6120)	630		
Кечикирилган даромадлар	640		
Солик ва мажбурий тўловлар бўйича кечикирилган мажбуриятлар (6240)	650		
Бошка кечикирилган мажбуриятлар	660		
Олинган аванслар (6300)	670		
Бюджетта тўловлар бўйича карз (6400)	680		Бюджетта ва бюджетдан ташкари фондларга тўловлар бўйича карз
Сугурталар бўйича карз (6510)	690		
Максадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича карз (6520)	700		
Таъсисчиларга бўлган карзлар (6600)	710		Таъсисчиларга бўлган карзлар
Мехнатга ҳак тўлаш бўйича карз (6700)	720		Мехнатга ҳак тўлаш бўйича карз
Киска муддатли банк кредитлари	730		
Киска муддатли карзлар	740		
Узок муддатли мажбуриятларнинг жорий кисми (6950)	750		
Бошка кредиторлик карзлар (6950 дан ташкари 6900)	760		
II бўлим бўйича жами (сатр. 490 + 600)	770		II бўлим бўйича жами (сатр. 490 + 600)
Баланс пассиви бўйича жами (сатр. 480 + 770)	780		Баланс пассиви бўйича жами (сатр. 480 + 770)

**Бюджетлаштириш жараёнларини автоматлаштиришнинг максади ва унга эришиш йўллари**

Максади	Эришиш йўллари
Бюджетлаштириш тизимини истиқболда янада ривожлантириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>режалаштиришнинг аниклиги ва ҳакконийлигини ошириш;</li> <li>бюджетларни дебиторлик ва кредиторлик қарздорлигини жорий ва прогнозлаштирилаётган холатини хисобга олган ҳолда шакллантириш;</li> <li>маълумотларни тўплаш, бюджетларни тасдиқлаш ва бажарилишини автоматлаштириш;</li> <li>“банк-мижоз” ва бошка тизимлар билан интеграциялашув</li> </ul>
Бюджетлаштиришда меҳнат унумдорлигини ўстириш ва меҳнат харажатларини камайтириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>маълумотлардан фойдаланиш хукуки тезкорлигини ошириш ва тахлилий хисоб-китобларни тезлантириш;</li> <li>фойдаланувчиларни керакли молиявий-иктисодий маълумотлар билан таъминлаш;</li> <li>мураккаб ва кўп марта қайтариладиган жараёнларни автоматлаштириш;</li> <li>бажариладиган амалларни техниклигидан тахлилийга ўзгариши хисобига ходимлар малакаси ва мотивацияси ўсиши</li> </ul>
Бюджет интизоми ошиши	<ul style="list-style-type: none"> <li>тезкор ва ҳакконий молиявий-иктисодий маълумотлар хисобига харажатларни самарали бошқариш;</li> <li>самарали ишлаб чиқариш, инвестицион ва молиявий дастурларни шакллантириш;</li> <li>шартномалар бўйича тўловлар ўтказишида юз берадиган тартиб бузилишларни энг кам даражага тушириш;</li> <li>ягона ахборот базаси асосида молиявий хисоб-китобларни “икки томонлама” назоратини ўтказиш имконияти</li> </ul>
Бизнес шаффоғлигини таъминлаш	Бошқарув компанияси билан тезкор ва ҳакконий маълумотлар бўйича интеграциялашув
Бошқарув қарорларини кабул килиш жараёни самарадорлигини ошириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>ахборот оқимлари тезкорлиги, ҳақконийлиги ва шаффоғлигини таъминлаш;</li> <li>маълумотларни кўлда киритилиши ва тақрорланишига йўл кўймаслик;</li> <li>хужжат айланишини яхшилаш (айниқса, бюджетларни тузиш, келишиш ва тасдиқлаш бўйича);</li> <li>бюджетлар бажарилишини назорат килишини таъминлаш;</li> <li>якуний тахлилий маълумотлар олиш тезлиги ва ҳакконийлигини ўстириш.</li> </ul>



**18-расм. Бюджетлаштириш жарабёнларини автоматлаштиришнинг максад ва вазифалари**  
**Манба. Савин В.Ю. Выбор и внедрение программного продукта для автоматизации бюджетирования инвестиций и источников их финансирования. Журнал. Аудит и фин. анализ. 1/2011.**

**Бюджетлаштириш жараёнларини автоматлаштиришнинг  
хорижда ишлаб чиқарилган ихтисослаштирилган ахборот  
тизимларини таққослама таснифи**

Дастурий маҳсулот- лар номи	Афзаллиги	Камчилиги	Кулланиш соҳаси
Active Planner (Epicor Software Corporati- on, США)	Тушунарли интерфейс, бюджет жадваллари билан ишлаш имконини берадиган турли механизмлар ва формула яратишни кучли механизмининг мавжудлиги	Унумдорлиги унча юқори эмас, узокдаги бўлимларга web- руҳсатнинг йўклиги ва жамоа бўлиб ишлашга хизмат қилувчи ривожланган воситаларнинг мавжуд эмаслиги	Ҳажми унчалик катта ва мураккаб бўлмаган молиявий структурага эга ҳамда бюджет модели билан ишлаш бўйича кулайликларга талаби юқори бўлган корхоналарга тавсия қилинади
Adaytum Planning (Adaytum, США)	Фойдаланувчиларнинг жамоа бўлиб ишлашига ёрдам берувчи турли хил воситаларнинг мавжудлиги ва узокда жойлашган бўлимлар билин маълумотлар алмашинуви имкониятининг борлиги, куляй график интерфейсни мавжудлиги	Деярли барча алгоритмларни созлаш ва бюджет моддаларининг ўзаро алокасини моделлаштириш учун факатгина тил формуласи кулланилади, шуниг учун дастурнинг имко- ниятларидан фойдаланиш кўп мехнат харажатлари ва юқори малакали ходимлар булишини талаб этади	Кенг филиаллар тармоғига эга бўлган корхоналар учун мўлжалланган
Comshare MPC - (Comshar- e Inc.,	Фойдаланиш ва созлаш куляй ва содда, бюджет бошқаруви жараёнига ёрдам	Маълумотлар базасининг архитектураси мураккаб хисоб-	Мураккаб молиявий механизмга эга бўлган йирик

США)	бериш учун нисбатан такомиллашган функционал имкониятларга эга	ланади, бюджет моддалари билан ишлаш нокулай	корхоналар учун мұлжалланған
<b>Hyperion Pillar (Hyperion Solutions Corporation, США)</b>	Үзлаштириш жуда осон, бюджет ва хисоботларни шакллантириш учун пухта ишлаб чыкылған функционали мавжуд, режалаштириш жараёнида молиявий моделга үзгартыришлар киритиш имконияти бор	Автоматик ревишида маълумотларни консолидация килиш имконияти ва ходимлар томонидан бир вақтнинг ўзида битта файл билан ишлаш имконияти мавжуд эмас, маълумотларнинг кўп ўлчовли таҳлили (OLAP) йўқ	Мураккаб бўлмаган молиявий структурага эга бўлган ва ривожланган филиаллар тармогига эга бўлмаган корхоналарда қўллаш мумкин
<b>Oracle Financial Analyzer (Oracle, США)</b>	Моделлаштиришни кўп функцияли ва ишларни қўл-лаб-куватлашни такомиллашган воситаларига эга, ташки иловалар билан интеграциялашув учун бир канча имкониятларга эга	Мураккаб ва киммат турадиган созлашнинг зарурлиги, хужжат айланишини юритиш имкониятини берадиган ўрнатилган воситаларга эга эмас	Мураккаб молиявий оқимлар ва катта ҳажмдаги маълумотларга эга бўлган йирик корхоналар учун мұлжалланған

*Манба. Учет затрат, калькулирование и бюджетирование в отраслях производственной сферы : учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2010. – 248 с.*

**Бюджетлаштириш жараёнларини автоматлаштиришнинг МДХ, давлатларида ишлаб чиқарилган ихтисослаштирилган ахборот тизимларининг тақослама таснифи**

Дастурий маҳсулотларнинг номи	Афзаллиги	Камчилиги	Құлланиш соҳаси
BPlan (ITeam)	Жорий килиш учун жуда кам харажат талаб қилинади, үзлаштириш жуда курай, бюджетларни ва режалаштириши техник мутахассисларни жаңб қымасдан моделлаштириш имконияти бор	Такомиллашган тизимларга тааллукли бўлган бир неча функциялар мавжуд эмас	Молиявий структураси унча мураккаб бўлмаган кичик корхоналарда қўлланилиши мумкин
Bussines Builder Plan Designer «Софтпром»	Ўзлаштириш жуда осон, режа кўрсаткичларини хисоб-китоб килиш ва маълумотларни таҳлил килиш учун кенг имкониятларга эга, маълумотларни график асосида акс эттиришнинг курай воситалари мавжуд	Кўпгина функциялар техник жиҳатдан ишлаб чиқилмаганилиги	Тизимни техник амаллари даражасига юкори талабларни кўймайдиган йирик корхоналарда қўллаш тавсия килинади
«Инталев: Корпоратив молия»	«ІС: Предприятия» тизими билан биргаликда қўлланилганда янада кенгаядиган юкори даражада такомиллашган функционал имкониятлари бор ва кўпгина корхоналарда жорий килинган	Бюджетларни шакллантирганда маълумотларни анчагина деталлаштириш зарурати юзага келади	«ІС» тизими кўллайдиган ва хисоб билан якиндан интеграция катта аҳамият касб этадиган корхоналарда қўллаш мумкин
КАТ: Бюджетлаштириш» («Компьютер ахборот тизимлари»)	Ташкилий ва вакт харажатларини камайтиришга имкон берадиган батафсил ишлаб чиқилган ва хужжатларда расмийлаштирилган тизимни жорий этиш тартиби мавжуд	Ноишлаб чиқариш корхоналари учун мослашувчан эмас	Бизнеси географик жиҳатдан кенг тарқалмаган йирик корхоналарда қўллаш мумкин

«Контур Корпорация Молиявий режалаштириш - (Intersoft-Lab)	Юқори технологик даражага эга, таҳлилни режалаштиришнинг турли механизм ва услублари мавжуд, катта ҳажмдаги маълумотларни саклаш ва таҳлил килиш имконияти бор	Банкдан бошқа соҳаларда тизимни ишлатиш вактида даставвал созлаш керак булади	Банклар ва турли бўлимларида хар кил хисоб тизимлари ва маълумотлар базалари ишлатадиган холдинглар учун мўлжалланган
“PlanDesigner2	Жуда қулай, яхши интерфейсга эга	Жорий этиш кўп меҳнат талаб килади	Компаниялар гурухида кўллаш тавсия килинади
«Красный директор»	Жуда мослашувчан, содда интерфейсга эга, ўзлаштириш жуда қулай	“Банк-мижоз” тизими билан интеграцияси мавжуд эмас, интерфейси нокулай	Кичик корхоналар учун тавсия килинади
«Быстрый старт. Бюджетирование»	Нархи арzon, иктисодий жихатдан арzon, мослашувчан, кўллаш қулай ва осон	Нокулай интерфейсга эга	Кичик корхоналарда кўллаш мумкин

*Манба. Учет затрат, калькулирование и бюджетирование в отраслях производственной сферы: учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2010. –248 с.*

**Бошқарув ҳисобини автоматлаштириш учун ишлатиладиган  
ахборот тизимлари синфларининг таснифланиши**

<b>Номи</b>	<b>Таснифи</b>	<b>Тизим номиналари</b>
Стандарт электрон жадваллар ва маълумотлар базалари	Аслида бюджетлаштириш жараёнларини автоматлаштиришга мўлжалланмаган, шунинг учун чекланган функционал чекловларга эга, ушбу тизимни фақатгина локаль тартибда ёки ходимлар сони кам бўлганда ишлатиш мумкин	Microsoft Excel, Microsoft Access
Корпоратив ахборот тизимлари (КАТ)	Корхона микёсида ахборот моделлаштириши учун зарур бўлади ва бюджетлаштиришини тўлиқ автоматлаштириш учун мўлжалланмаган Бюджетлаштириш алоҳида бюджет модулида ёки бир қанча бизнес-жараёнларни режалаштириш имкони бўлган КАТда амалга оширилиши мумкин	SAP/R3, Oracle Applications, «1С: Корхона»
КАТ билан интеграциялашган бюджетлаштириш тизимлари	Корпоратив пакетлардан фойдаланаётган корхоналарда бюджетлаштиришини автоматлаштириш учун мўлжалланган.	«Рарус», mySAP Financials, «Инталев: Корпоратив молия»
Корхоналarda бюджетлаштириш жараёнларининг автоматлаштиришининг ихтисослаштирилган дастурий маҳсулоти бўлиб, кенг спектрдаги функционал имкониятлари мавжуд ва жорий этиш жуда киммат туради <u>МДХлаги ишланмалар</u>	<u>Хорижий ишланмалар</u> Юкори классдаги бюджетлаштиришининг автоматлаштиришнинг ихтисослаштирилган дастурий маҳсулоти бўлиб, кенг спектрдаги функционал имкониятлари мавжуд ва жорий этиш жуда киммат туради <u>МДХлаги ишланмалар</u> САБ жуда ривожланган техник имкониятларга эга, бирок хориждагилардан бир неча параметрлари бўйича, жумладан машҳурлиги ва жорий этиш тажрибаси бўйича оркада қолган	Active Cognos Enter-Planner,prise Planning, Prophix, ComshareMPC, Hyperion Pillar Bussines Builder  PlanDesigner, BPlan, «КИС: Бюджетирование»

Манба. Учет затрат, калькулирование и бюджетирование в отраслях производственной сферы: учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2010. – 248 с.

**Бошқарув хисобини автоматлаштириш учун күлланиладиган ахборот тизимлари синфларининг таккослама таснифланиши**

<b>Афзаллиги</b>	<b>Камчилиги</b>	<b>Күлланиш соҳаси</b>
<b>Стандарт электрон жадваллар ва маълумотлар базалари</b>		
Ўзлаштириш ва кўллаш кулий Мустакил равишда кенг спектрдаги ўзаро алока ва формулани тузиш имконияти мавжуд. Текст ва маълумотларни кўпгина хисоб тизимларидан импорт килиши орқали дастурга маълумотларни киритишни автоматлаштиришнинг имконияти бор	Бир неча зарур функцияларни (руҳсатни чекланганлиги, маълумотларни автоматик равишда консолидациялашуви, тузиш киритишлардан ҳимояланиш) йўклиги Бир вактнинг ўзида бир неча ходимларни битта файл билан ишилаш имконияти мавжуд эмас. Турли бўлимларни бюджетни шакллантириш вактида ўзаро хамкорлик килиши жараёнини автоматлаштириб бўлмайди	Тезкор режалаштириш ва пул маблаглари хисоби учун тегинили воситага зарурат сезадиган кам сонли масъулят марказларига эга бўлган кичик корхоналарда кўлланилиши мумкин
<b>Корпоратив ахборот тизимлари (КАТ)</b>		
Корхонанинг бутун ягона унификация килинган маълумотлар базаси асосида бюджетлаштиришин жорий этиш имконияти бор. Бюджетлаштириш тизими билан маълумотлар алмашиш зарурати йўқ	КАТ факатгина хўжалик жараёнлари кесимида батфар-сил режалаштириш учун мўлжаллан-ганлиги сабабли ўтра ва узок муддатларга мўлжалланган режа-лаштиришини амалга оширишини имконияти бўлмайди. Бюджетлаштиришини “юкоридан-куйига” тартибида амалга ошириш чекланган	Бир хил турдаги фаолият билан шугуулана-диган ва узоқда жойлашган бўлимларга эга бўлмаган корхоналар томонидан жорий килиниши мумкин
<b>КАТ билан интеграллашган бюджетлаштириш тизимлари</b>		
Бюджетлаштириш тизимини жорий килиш кулий. КАТда кайд  этилган хужжатли маълумотларни тизимга кўлда киритиш зарурати йўқ	Кўллаш соҳаси чекланган. КАТни ўзига хос хусусиятни хисобга олган холда умумлаштирилган узок муддатли режалаштириш имконияти йўқ	КАТни кўллаётган холдинглардан ташқари йирик корхоналарда кўллаш мумкин
<b>Хорижда ишлаб чиқарилган бюджетлаштиришин автоматлаштириш тизимлари (БАТ)</b>		
Юкори технологик даражага эга. Мураккаб моделин кўп марта бажариладиган ишларни амалга ошириши мумкин	Дастурни локализация килиш ва кўлланиладиган хужжатлар тўлиқ эмас. Созланган тизимга ўзгаришилар киритиш мураккаб. Катта хажмадиги маълумотлар билан ишилаш зарурати мавжуд. Жорий этиш жуда кимматта тушиши	Бир неча бизнес йўналишларига эга ва кўплаб филиаллари бўлган йирик корхоналарда жорий килиниши мумкин
<b>МДҲ мамлакатларида ишлаб чиқарилган бюджетлаштиришнинг автоматлаштириш тизимлари (БАТ)</b>		
Техник имкониятлари анча ривожланган. Жорий этиш нисбатан арzon	Жорий этиш тажрибаси ва машҳурлиги бўйича хориждагидан анча оркада колган	Тизимлар унумдорлигига юкори талаб қўядиган йирик корхоналар кўллаши мумкин

*Манба. Учет затрат, калькулирование и бюджетирование в отраслях производственной сферы: учебное пособие. –М.: КНОРУС, 2010. – 248 с.*

**Ўзбекистон Республикасининг йирик тижорат корхоналари томонидан  
ахборот-коммуникация технологияларига сарфланган харажатлар,<sup>38</sup>  
(млн сўм)**

	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил
<b>Жами</b>	364167,8	347109,8	276218,6	316981,5	357269,3	458558,8	577757,3
шу жум- ладан: <b>Хисоблаш техника- ларини харид килишга (ур- натиш ва созлаш билан бирга)</b>	134647,1	209721,0	68399,0	100028,4	105809,2	138340,0	178514,4
<b>Дастурий маҳсулот- ларни харид килишга</b>	66978,3	18430,4	18903,0	18119,6	38087,2	45659,6	42533,3
<b>Электр тармоғи хизмати тӯловига</b>	102908,3	63399,5	118502,1	99382,2	111571,9	159329,5	194587,3
<b>ундан Интернет тармоғига уланиш тӯловига</b>	50427,5	26439,3	58467,6	34989,7	51546,6	65296,3	73238,9
<b>Ходимларни АҚТни ривожла- ниши ва қўлланилиши билан боғлик масалаларда малакасини оширишга</b>	500,5	952,1	1057,4	1304,4	1962,5	2771,5	2359,1
<b>АҚТ билан боғлик четки ташқилотлар ва мута- хассислар хизмати тӯловига</b>	30928,6	33158,9	50530,0	76067,5	73153,3	76201,3	119338,7
<b>АҚТ билан боғлик бошка харажатлар</b>	28204,9	21447,9	18827,1	22079,5	26685,2	36256,8	40424,5

<sup>38</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий маълумотлари

**Ўзбекистон Республикаснда ахборот-коммуникация технологияларига  
киритилган инвестициялар,<sup>39</sup>(минг сўм)**

	<b>2010 йил</b>	<b>2011 йил</b>	<b>2012 йил</b>	<b>2013 йил</b>	<b>2014 йил</b>	<b>2015 йил</b>	<b>2016 йил</b>
<b>Жами инвестициялар</b>	204297,6	228285,4	85884,6	116825,8	140987,5	179091,2	1098473,0
шу жумладан манбалари бўйича: <b>Давлат бюджети маблаглари хисобидан</b>	146,7	35,7	233,0	136,3	215,6	290,6	799,1
<b>Махаллий бюджет маблаглари хисобидан</b>	68,7	31,7	36,9	109,5	233,8	136,8	147,0
<b>Корхоналарнинг ўз маблаглари хисобидан</b>	60656,0	62575,5	64671,2	82988,2	115849,8	152568,6	283668,2
<b>Хорижий инвестициялар хисобидан, млн сўмда</b>	128641,6	157228,9	200259,5	330651,2	17401,6	19741,8	761300,4
<b>минг АҚШ долларида</b>	80927,4	110058,7	10438,4	15710,8	7482,4	7687,1	256705,2
<b>Бюджетдан ташқари фондлар хисобидан</b>	0,0	0,0	35,3	0,0	5,5	27,2	-
<b>Тижорат банклари хисобидан</b>	4643,3	8262,6	772,0	423,8	6967,0	5953,3	516
<b>Хорижий кредитлар хисобидан, млн сўмда</b>	10011,6	28,7	40,4	74,1	236,1	231,9	-
<b>минг АҚШ долларида</b>	6363,0	16,2	22,5	35,0	102,1	88,0	-
<b>Бошқа маблаглар хисобидан</b>	15,9	119,1	69,7	28,8	75,1	141,5	164544,8

<sup>39</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий маълумотлари

# МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ.....</b>	<b>3</b>
<b>I БОБ. БОШҚАРУВ ҲИСОБИННИГ ТАШКИЛИЙ- УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ</b>	
1.1.    Бошқарув ҳисобининг шаклланиши ва тадрижий ривожланиши.....	6
1.2.    Бошқарув ҳисобининг моҳияти, концепцияси ва тамоилиллари.....	24
1.3.    Бошқарув ҳисобини ташкил этишининг хориж тажрибаси ва уни пахта тозалаш корхоналарида қўллашнинг услугбий масалалари.....	37
<b>II БОБ. БОШҚАРУВ ҲИСОБИННИГ МУҲИМ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ СИФАТИДА БЮДЖЕТЛАШТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ- УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ</b>	
2.1.    Бошқарув ҳисобида бюджетлаштириш ва унга ташкiliй-услубий ёндашувлар.....	58
2.2.    Бюджетлар бажарилишини баҳолаш ва контроллингнинг услугбий жиҳатлари.....	81
2.3.    Статик ва мослашувчан бюджетларни тузиш услублари.....	102
<b>III БОБ. ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАЛАРИДА БЮДЖЕТЛАШТИРИШНИНГ УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТИ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ</b>	
3.1.    Пахта тозалаш корхоналарида операцион бюджетларни тузиш услуби.....	117
3.2.    Пахта тозалаш корхоналарида инвестиция, маҳсус ва йигма бюджетларни шакллантириш.....	139
3.3.    Пахта тозалаш корхоналарида бюджетлар ижросини таҳлил қилишнинг услугбий таъминоти ва уни ривожлантириш.....	157
<b>IV БОБ. ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАЛАРИДА БЮДЖЕТЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ АВТОМАТЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА ТАШКИЛИЙ-УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ</b>	
4.1.    Пахта тозалаш корхоналари фаолиятини бюджет- лаштириш жараёнларини автоматлаштиришнинг назарий асослари.....	181

<b>4.2.</b>	Бюджетлаштириш дастурини лойихалаштириш ва ишлаб чиқиш босқичларини шакллантириш.....	201
<b>4.3.</b>	Бюджетлаштириш бүйича дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш ва татбик этиш жараёнлари таҳлилиниг ташкилий-услубий жиҳатлари.....	218
<b>ХУЛОСА.....</b>		231
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....</b>		242
<b>ИЛОВАЛАР.....</b>		250

**Б.Ю. МАХСУДОВ**

**БОШҚАРУВ ҲИСОБИДА  
БЮДЖЕТЛАШТИРИШ УСЛУБИЁТИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Тошкент – «Fan va texnologiya» – 2017**

Муҳаррир:	Ф.Исмоилова
Тех. муҳаррир:	Ф.Тишабоев
Мусаввир:	Д.Азизов
Мусаҳҳиха:	Н.Ҳасанова
Компьютерда саҳифаловчи:	Н.Рахматуллаева

**E-mail: tipografiyacnt@mail.ru Тел: 245-57-63, 245-61-61.  
Нашрлиц. А1№149, 14.08.09. Босишига рухсат этилди: 12.10.2017.  
Бичими 60x84 1/16. «Times Uz» гарнитураси. Оффсет усулида босилди.  
Шартли босма табоги 22,5. Нашр босма табоги 22,5.  
Тиражи 500. Буюртма №166.**